4931



ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

(илмий мақолалар тўплами)

ТОШКЕНТ-2016

«ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» ЖУРНАЛИНИНГ ТАҲРИРИЯТИ

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ
ташкил этилганлигининг
25 йиллигига бағишланади

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

(илмий мақолалар тўплами)

У/4931(1)

Тошкент – 2016 йил

Мазкур тўпламда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультетининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрантлари ва иқтидорли талабаларининг илмий мақолалари мужассамлаштирилган. Тўпламдаги мақолалар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини ва макроиқтисодий муганосибликни таъминлаш масалаларига бағишланган.

Тўплам «Центр инновационных технологий» МЧЖ ва «Иқтисод ва молия» журнали таҳририятининг ҳомийлигида нашр этилди. Ушбу ҳомийлик Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда.

Илмий мақолалар тўплами Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Ф.1-127-сонли «Иқтисодиётни модернизациялаш таъсирида мутаносибликнинг ўзгариши ва уни тартибга солишнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал давлат илмий гранти доирасида тайёрланди.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:	иқтисод фанлари номзоди, доцент **Хошимов П.З.** иқтисод фанлари номзоди, доцент **Муминов Н.Г.**
Масъул муҳаррир:	Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор **Абулқосимов Х.П.**
Тақризчилар:	иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б. **Олимжонова Ш.О.** иқтисод фанлари номзоди, доцент **Хошимова Н.**

Мазкур Илмий ишлар тўплами Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети Кенгашининг 2016 йил 28 сентябрь мажлисида (2-баённома) муҳокама қилинган ва университет Илмий-техник Кенгашининг 2016 йил 5 октябрь мажлиси (3-баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

© МЧЖ «Центр инновационных технологий», 2016.

МУНДАРИЖА

Абулқосимов Ҳ.П., КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАНФААТ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ 5

Эгамбердиев Ф.Т. РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО ПРОИЗВОДСТВА В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНЫМ ОТНОШЕНИЯМ 9

Хашимов П.З. ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РЫНКА ТРУДА 13

Муминов Н.Г. ГЕРМАНИЯДА ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ 18

Садикова И.А. УПРАВЛЕНИЯ ЗАТРАТАМИ НА ПРЕДПРИЯТИИ 23

Шадманов Э.Ш., Зохирова Г.М. ИҚТИСОДЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ 28

Толаметова З.А., Кулматов А.А. АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ 35

Ishmuxamedov A.X. ELEKTRON TO'LOV TIZIMLARI 40

Махмудова Г.Н. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 44

Олимжанова Ш.О. ТАРТИБГА СОЛИШ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯЛАРИДА КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ ТАМОЙИЛИ 52

Хашимов П.З., Бахтиёров Б.Б. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА 56

Эгамбердиев Ф.Т., Абдусалимов Л.О., Абдухолиқова Н.И. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА 61

Мажидов Н.М. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 66

Назарова Ф.У. АҚШ ВА ЯПОНИЯ ФИРМАЛАРИДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 71

Бабаходжаев С.Н. ОПТИМИЗАЦИЯ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЦЕНТРАЛИЗОВАННОМ И РЕГИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ 77

Джумаева С.К. РОЛЬ МОДЕРНИЗАЦИИ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РЕСПУБЛИКИ 81

Абулқосимов М.Ҳ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШ 85

Жанназарова Г.К. ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЫ И СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ – КАК КАТАЛИЗАТОРА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАНЫ 89

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Жураев Й.Д., Эгамбердиев Х.Х. НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА 93

Зохидова Ш.Ш. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 97

Шайзаков Б.И., Нишонова Д.Б. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ 101

Пўлатова Ш.А. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА БУНДА БРЕНДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 105

Рақматова Н.А., Саидрасулова М. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАМЛАКАТДА ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА 109

Рустамова Д.Д. ИНСОН КАПИТАЛИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 112

Садикова И.А. РОЛЬ МАРКЕТИНГА В МЕНЕДЖМЕНТЕ 117

Умаров О.О. ИННОВАЦИОН ИНВЕСТИЦИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ 121

Хашимов П.З., Азизова С.Х. ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 126

Эгамбердиева Л.Ш. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ 131

Бўтабоев М.Т., Раҳимов Ё.А. XXI АСР МЕНЕЖЕРИ: АҲЛОҚИ ВА МАДАНИЯТИ 136

Хушвақтова Ҳ.О., Халмирзаев А.А. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ БАНДЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ 140

Райханов У.А. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МАНЗИЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ 147

Раҳмонов Р.Н. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ 153

Умаров А.Т. ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ТАБИИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ 156

Абулқосимов Ҳ.П.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети профессори, иқтисод фанлари доктори

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАНФААТ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликни ҳимоялаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, юритиш учун мамлакатда яратилган қонуний шарт-шароитлар, тартиботлар, унинг қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва кафолатлар тизими яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: «Мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди»[1].

Мамлакатимизда назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асослирсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олишга замин яратилмоқда, қолаверса ушбу тоифадаги низоларнинг судларда ошкора, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишувлиги тамойили асосида ҳал этилиши таъминланмоқда. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хилоф равишда чиқарилган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш орқали ҳам мулкдорлар синфининг янада ривож топишига кўмаклашилмоқда. 2011 йилдан ҳозирги кунга қадар ана шундай ҳужжатларнинг қарийб 1457 таси ҳақиқий эмас деб топилган. 2015 йилда ҳокимлик, давлат бошқарув ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига хилоф равишда чиқарилган 253 та ҳужжатлари хўжалик судлари томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлиб, уларнинг 103 тасини маҳаллий ҳокимликлар, 71 тасини солиқ идоралари, 79 тасини эса бошқа идораларнинг ҳужжатлари ташкил этган[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда «бир дарча» тамойилини ҳамда интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун интерактив хизматлар жорий этиш, махсус «тадбиркорлик субъектининг кабинети» ишлашини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш,

---

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотлари.

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш; ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушни изчил ошириш; рақобат ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, барча турдаги руйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартибларни янада соддалаштириш; тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига йўл қўйган давлат идоралари ходимларининг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини кучайтириш; суд ва прокуратура органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш; давлат идоралари томонидан тадбиркорларга имтиёз ва преференцияларни сўзсиз қўллаш тартибини жорий этиш борасида ўта муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармонида белгиланган асосий вояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли Қонун қабул қилинди. Бу қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлади, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини янада оширишга хизмат қилди.

Мазкур қонун билан барча турдаги корпоратив низолар, меҳнатга оид низолардан ташқари, хўжалик судлари томонидан ҳал этилиши белгиланди. Аввал хўжалик судлари томонидан фақат айрим турдаги корпоратив низолар, яъни иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасидаги, мазкур ширкатлар ва жамиятлар фаолиятидан келиб чиқадиган низолар ҳал этилар эди. Эндиликда эса барча турдаги корпоратив низолар, яъни юридик шахсни ташкил этишдан тортиб, уни қайта ташкил этиш, тугатиш, шунингдек юридик шахснинг фаолиятидан келиб чиқадиган барча низоларнинг хўжалик судлари томонидан ҳал этилиши белгиланиб, Хўжалик процессуал кодекси «Корпоратив низолар бўйича иш юритиш» деб номланган янги 20-боб билан тўлдирилди. Унда хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган корпоратив низоларнинг турлари белгиланди, мазкур низолар бўйича ишларни кўриб чиқиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, низо бўйича даъво аризасига қўйиладиган талаблар, бу борада даъвони таъминлаш чоралари тартибга солинди

Барча турдаги корпоратив низоларнинг хўжалик судлари томонидан ҳал этилишининг белгиланиши, энг аввало, таъсисчи, акциядорларнинг судма-суд овора бўлиб юришларини бартараф этади ҳамда, ўз навбатида, судьяларнинг корпоратив низоларни ҳал этиш бўйича ихтисослашувига эришилади, бундай тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиёти шакллантирилади, шунингдек, уларнинг янада тез ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланади.

Қонун билан Хўжалик процессуал кодексининг 116- ва 122-моддаларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача камайтирилди. Мазкур ўзгартишлар натижасида хўжалик низоларини судда тезкорлик билан кўриб чиқиш имконияти яратилди[1].

Қонун билан Хўжалик процессуал кодексининг 125-моддасига ҳам қўшимча киритилган бўлиб, унга кўра давлат органи, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилди. Бу эса тадбиркорлик субъектларига қисқа муддатда ўз бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаш имконини беради.

[1] Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли Қонун. 2015 йил 20 август.

Қонун билан Солиқ кодексининг солиқ текширувини ўтказиш ва солиқ ҳуқуқбузарлиги учун молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ моддаларига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, ушбу ўзгартишлар суд органларининг тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда ролини янада оширди. Жумладан, қонун суд томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарлиги оқибатларига мутаносиб бўлган молиявий санкцияларни қўллашга, асослар бўлса, жазони енгиллаштиришга, тадбиркорларнинг молиявий аҳволи ёмонлашишининг олдини олишга имкон яратди.

Солиқ кодексининг 89-моддасига қўшимча киритилиб, унга мувофиқ солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги давлат солиқ инспекцияси буйруғининг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблашнинг ҳам тўхтатилиши белгиланди. Эндиликда тадбиркорлик субъекти солиқ текшируви етарли асосларсиз тайинланган деб ҳисоблаб, солиқ текшируви тўғрисидаги буйруқ устидан шикоят қилган ҳамда суд томонидан низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар буйруқнинг ижроси тўхтатилган тақдирда, солиқ текшируви ўтказилмайди, уни ўтказиш муддатини ҳисоблаш эса тўхтатилади. Мазкур қўшимчанинг киритилиши ноқонуний текширишлар натижасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этишни, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг роли ошишини таъминлайди.

Солиқ кодексининг 108-моддасига ҳам қўшимчалар киритилган бўлиб, эндиликда солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, бундай ҳолатда унга нисбатан молиявий санкцияларни қўллашнинг бир нечта усули белгиланди. Агар солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликларни содир этган бўлса, молиявий санкциялар миқдори қамраб олиш ёхуд тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали қўлланилиши кўрсатилди.

Солиқ кодексининг 112-моддасига ҳам тегишли қўшимча киритилган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган молиявий санкциянинг миқдорини камайтириш имконияти назарда тутилган. Ушбу қўшимча билан хўжалик судларининг ваколатлари кескин кенгайтирилди. Илгари хўжалик судлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича, солиқ органининг аризаси асосли бўлган тақдирда, фақат Солиқ кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган молиявий санкциянинг белгиланган миқдорини қўллашга мажбур эдилар. Эндиликда қўлланиладиган молиявий санкциянинг миқдори Солиқ кодексида назарда тутилган молиявий санкцияларнинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўлланилиш и мумкинлиги белгиланди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар суд томонидан тадбиркорлик субъектининг содир этган ҳуқуқбузарлиги оқибатларига мутаносиб бўлган молиявий санкцияларни қўллашга, тадбиркорларнинг молиявий аҳволи ёмонлашишининг олдини олишга, энг асосийси, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Солиқ кодексининг 114-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ солиқ текшируви пайтида тадбиркорлик субъектида кирим қилинмаган товар аниқланиб, мазкур товар кўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган бўлса, кирим қилинмаган товар учун молиявий санкция қўлланилмаслиги белгиланди. Мазкур қўшимчанинг киритилиши билан тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган айнан бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортиш ҳолатларига барҳам берилди[1].

2015 йилда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг кўнғироқларга хизмат кўрсатиш бўйича ягона маркази ва бош прокуратуранинг «Ишонч телефони» базасида фуқароларнинг мурожаатларини кечаю кундузи қабул қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Ушбу тизим жорий этилганидан буён ўтган ярим йил давомида прокуратура органларига 1500 дан зиёд тад-

[1] Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тусиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли Қонун, 2015 йил 20 август.

биркор мурожаат қилган. Барча мурожаатларнинг қарийб учдан бир қисми тадбиркор фойдасига ҳал қилинган[1].

Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатнинг бевосита электрон шакллари жорий этилгани туфайли 2015 йилда 42800 та тадбиркорлик субъекти интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматилари порталида рўйхатга олинган. Улар 260 турдаги интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. 2013-2014 йилларда тадбиркорлар ва фуқароларга 102 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 420 мингдан ошган. Бугунги кунда солиқ ва статистика ҳисоботлари 100 фоиз электрон шаклда интернет тармоғи орқали тақдим этилмоқда. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади[2]. Унга кўра, ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди.

Эндиликда ишбилармонлик, бизнес учун қулай шарт-шароитларни янада яхшилаш билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ўстириш чора-тадбирларини ҳам амалга ошириш лозим бўлади. Бунинг учун уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ва семинарларини мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўша манба.

Эгамбердиев Ф.Т.,
профессор экономического
факультета НУУз им. Мирзо Улугбека,
доктор экономических наук

РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО ПРОИЗВОДСТВА В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНЫМ ОТНОШЕНИЯМ

На современном этапе развития агропромышленного, комплекса актуальное значение приобретает более полное использование всех видов сельскохозяйственной продукции и сокращение ее потерь. В значительной мере это зависит от улучшения пропорций между увеличением производства продукции и ростом мощностей предприятий по ее переработке и хранению а также от совершенствования производственно-экономических связей и взаимоотношений между сельским хозяйством и перерабатывающей промышленностью, организациями занимающимися заготовкой, транспортировкой, хранением и реализацией.

Особую роль в формировании и развитии агропромышленного комплекса играют профилирующие отрасли–сельское хозяйство и перерабатывающая промышленность. В результате их взаимодействия с ресурсными отраслями происходит обмен сельскохозяйственной продукции на средства производства и предметы потребления промышленного изготовления, что составляет экономическую основу взаимоотношений между промышленностью и сельским хозяйством.

Основными социально-экономическими задачами, которое связано с улучшением функционирования этой систем являются:

- увеличения темпов сельскохозяйственного производства;
- устранение количественных и качественных потерь сырья и продукции, вызванных несовершенством систем заготовок;
- транспортных средств и развитой инфраструктуры;
- слабым развитием перерабатывающей промышленности; недостатком хранилищ, оборудованных в соответствии с современными требованиями;
- сглаживание сезонности заготовок и переработки многих видов сельскохозяйственной продукции, бесперебойное обеспечение населения продуктами питания;
- увеличения выпуска продуктов питания, имеющих высокую степень готовности к употреблению, в форме удобной для транспортировки, хранения и реализации,
- улучшение использования земельных, материальных, финансовых и трудовых ресурсов.

В целях совершенствования производственно-экономических связей сельского хозяйства со сферами заготовок переработки и реализации необходимо обеспечить соответствии фактического количественного уровня связей нормативному; повышение эффективности различных форм организации функционирования связей: взаимоувязанное развитие материально-технической базы партнеров; эквивалентность межотраслевого обмена.

В системе агропромышленного комплекса можно использовать следующие основные виды связей:

- целевые, объединяющие отрасли по принципу реализации конечных целей;
- ресурсные (продуктовые, фондообразующие, трудовые), обеспечивающие производственное функционирование комплекса;
- информационные, идущие от отраслей или других объектов, развитие (продукция) которых оказывает существенное влияние на функционирование отраслей, реализующих конечную

цель комплекса. Например, информация об объемах выпуска свежезамороженных пищевых проектов влияет на объем выпуска бытовых морозильников;

- организационные, осуществляемые с органами планирования и управления.

Производственно-экономические связи бывают торговыми, хозяйственными, прямыми и внутрипроизводственными. При торговых связях условия поставки продукции полностью согласуются в момент купли продажи. При хозяйственных они устанавливаются в директивном порядке снабженческо-сбытовой организацией. Прямые связи основываются на согласовании всех условий поставки непосредственно между производителями и потребителями. Межотраслевые внутрипроизводственные связи имеют место в различных межотраслевых агропромышленных объединениях и комбинатах.

Условия поставки устанавливаются при разработке производственной программы и согласуются по всем техническим объемам и временным параметрам. Каждая из этих организационных форм производственно-экономических связей имеет множество модификаций, дает определенные преимущество либо производителю, либо потребителю.

В пригородных районах, где есть зоны товарного производства дополняющими их перерабатывающими предприятиями объектами и коммуникациями, достаточно развитой производственной и социальной инфраструктурой, целесообразна создать здесь, такого рода предприятия, как агрофирмы. В основу деятельности фирм должен быть положены рыночные механизмы, конкуренция. Финансирование предполагается в основном за счет прибыли: обанкротившаяся фирма подлежит закрытию.

Таким образом, решаются три взаимосвязанные задачи, в короткие сроки на основе углубления специализации, концентрации и улучшения размещения, добиться роста производства, переработки, упаковки, хранения и реализации.

В настоящее время понятия пригородной зоны рассматривается по разному. По нашему мнению, не всякое хозяйство, расположенное вблизи города, можно назвать пригородным.

Под пригородной зоной следует считать экономически обоснованную, организационно оформленную территорию, сельское хозяйство которой полностью или в основном специализируется на производстве малотранспортабельных продуктов питания для обеспечения потребности города. При этом радиус действия пригородной зоны в связи с прогрессом в средствах транспортировки не может быть строго ограничен определенным расстоянием.

Характерным чертам пригородного сельского хозяйства, ставшим его в особое экономическое положение можно отнести: близость города или промышленного центра, что способствует установлению тесной двухсторонней связи; близость рынка сбыта продукции и источников снабжения сельского хозяйства промышленными товарами; возможность более эффективного, чем в отдаленных хозяйствах использования отходов пищевых и перерабатывающих предприятий; наличия относительного числа густой сети благоустроенных дорог и транспортных средств; наличие условий для тесных двухсторонних контактов с промышленными, строительными, транспортными и другими предприятиями города для индустриализации сельского хозяйства; высокая оснащенность сельскохозяйственной техникой, обеспеченность минеральными удобрениями, биологическими и химическими средствами борьбы с вредителями и болезнями растений и животных.

Обеспеченность населения г. Ташкента и других промышленных центров многими продуктами питания в настоящее время ниже рекомендуемых норм. С учетом демографической, ситуации при сохранении существующей специализации агропромышленного комплекса эта проблема еще более обострится. Поэтому обеспечение быстрорастущего населения продовольствием потребует перепрофилирования ряда хлопководческих районов в пригородное направление. Эта работа должна осуществляться поэтапно. Формирование интенсивной пригодной зоны потребует изменения структуры орошаемых земель, сокращения посевных площадей, отводимых под технические культуры. На первом этапе до 2025 года необходимо сократить посевы хлопчатника в Янгиюльском и Верхнечирчикском, а в последующем – в Среднечирчикском и Чиназском районах.

Единство и эффективность экономического механизма требуют согласования макроэкономической политики с микро- и региональным уровнем, учета особенностей воспроизводства и степени восприимчивости регионов к преобразованиям. Это требует разработки специальной

аграрной политики по отношению к группам регионов со сходными условиями, что предполагает:

необходимость типологизации регионов с целью формирования дифференцированной аграрной политики в зависимости от принадлежности к проблемным регионам;

разработку индикаторов оценки потенциала сельского хозяйства региона на основе выделения ресурсной, агроклиматической, экономической и производственной составляющих, тесная взаимосвязь которых является объективной основой формирования региональной аграрной политики;

необходимость раскрытия специфических особенностей развития региональных агропромышленных производств, включающих: деформированную структуру производства, низкую эффективность использования земельно-водных ресурсов, экологическое неблагополучие, избыточность трудовых ресурсов, неразвитость инфраструктуры и другие.

Мировой опыт регионального развития показывает, что быстрое повышение производительности аграрного сектора связано с устранением институциональных, ценовых и торговых барьеров, сдерживающих рост эффективности.

При этом различные уровни формирования рынка сельхозпродукции (товаропроизводители, регион, государство) определяют специфику экономического механизма регулирования, основными элементами которого являются: на макроуровне – механизм ограничения монополии государством, на микроуровне – механизм регулирования регионального рынка территориальными органами. Действующий экономический механизм регулирования регионального развития не полностью отвечает современным требованиям управления в рыночных условиях, для решения которых необходимо:

формирование регулируемых производственно-экономических отношений, предусматривающих целесообразное государственное экономическое вмешательство в хозяйственную деятельность и поддержку сельхозпроизводителей во время неблагоприятных внешних факторов (протекционизм);

развитие системы институциональных структур, складывающихся на основе самостоятельного хозяйствования и кооперации товаропроизводителей различных форм хозяйствования с учетом региональных особенностей;

формирование системы уравновешивания производственных целей различных уровней (макро- и микро, региональный) и ресурсных возможностей их реализации в связи с региональными приоритетами развития сельскохозяйственного производства, ориентированного на формирование сбалансированного рынка,

переход к выполнению государственных договорных обязательств на важнейшие продукты сельского хозяйства на основе рыночного механизма открывает перспективу разрешения противоречий между увеличением спроса и предложения,

формирование региональных конкурентных товарных рынков важнейших видов продукции АПК, что будет способствовать концентрации производства продукции в наиболее эффективных зонах с учетом региональных факторов производства;

формирование территорий с особым статусом с целью создания механизма восприимчивости к инновациям и повышение конкурентоспособности товаропроизводителей,

повышение эффективности маркетинговых исследований с целью развития международной, приграничной торговли и динамичное развитие межрегиональных связей.

Таким образом, важнейшей проблемой на современном этапе развития республики является переход к устойчивому экономическому росту через преодоление структурных диспропорций в аграрном секторе экономики. Исследования показали, что агропромышленное производство в Узбекистане имеет значительный потенциал экономического роста на основе:

- разработки аграрной политики как совокупности принципов и применяемых государством инструментов регулирования, направляемых на реализацию кратко- и долгосрочных целей развития АПК;
- разработки системы индикативного планирования и программного подхода для решения функционально-целевых задач развития агропромышленного производства;
- трансформации аграрной сферы посредством земельно-институциональной и организационной структуры, адекватной рыночной;

• адаптации сельскохозяйственных структур при органическом взаимодействии государственного и рыночного регулирования путём создания адекватной законодательной базы, формирования многоукладной экономики, приватизации сервисных и перерабатывающих предприятий;

• выявления причин и особенностей дифференциации результатов аграрных реформ, что обеспечивает единство сравнительного анализа моделей развития региональных АПК.

Литература:

1. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М.: ВШЭ. 2001. -С. 489.

2. Гутман Г.В. и др. Управление региональной экономикой. – М.: «Финансы и статистика», 2002. -С. 175.

3. Морозова Т.Г. Региональная экономика. – М. ЮНИТИ, 2000. -С. 457.

Хашимов П.З.,
доцент экономического
факультета НУУз им. Мирзо Улугбека,
кандидат экономических наук

ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РЫНКА ТРУДА

Основной составляющей частью экономики любой страны является человеческий капитал, то есть кадры. Именно от высококвалифицированных кадров и зависит будущее государства и стратегия развития страны в целом. Рынок труда зачастую является самым точным детектором социального положения населения той или иной страны

Вследствие многообразия внутренних регуляторов рынка рабочей силы, а также в силу социальной важности его эффективного функционирования рынок труда нуждается в квалифицированном регулировании. Представляется, что создание такой действенной системы регулирования в сфере занятости является одной из основных социальных задач, проводимых в Узбекистане реформ.

Известно, что большую роль в обеспечении занятости населения играет государство. Можно выделить четыре основные направления государственного регулирования рынка труда:

– программа по стимулированию роста занятости и увеличению числа рабочих мест в государственном секторе;

– программы, направленные на подготовку и переподготовку рабочей силы;

– программы содействия найму рабочей силы;

– правительство принимает программы по социальному страхованию безработицы, т. е. выделяет средства на пособия по безработице.

Целью государственного регулирования рынка труда являются:

• обеспечение полной занятости, под которой понимается нейтрализация циклической безработицы при сохранении «естественного уровня безработицы», определяемого размерами ее фрикционной и структурной форм;

• создание «гибкого рынка труда», способного быстро приспосабливаться к изменениям внутренних и внешних условий развития экономики, сохранять управляемость и стабильность. Эта «гибкость», по сравнению с традиционным рынком труда, проявляется в применении различных форм занятости как: на условиях неполного рабочего дня, временной занятости, сменяемости рабочих мест, изменения количества смен, расширения или добавления в зависимости от необходимости рабочих функций. Каждый желающий трудиться должен найти на таком рынке рабочее место, отвечающее его потребностям.

При осуществлении вышеуказанных целей в нашей стране были достигнуты положительные результаты в сфере занятости населения.


Устойчиво высокие темпы роста экономики и сферы услуг создали необходимые условия для реализации важнейшей приоритетной задачи – обеспечения занятости населения, и прежде всего, трудоустройство выпускников профессиональных колледжей и высших учебных заведений.

В 2015 году создано свыше 980 тысяч рабочих мест, из них более 60 процентов – в сельской местности.

Трудоустроено свыше 480 тысяч выпускников колледжей. Коммерческими банками им выданы льготные кредиты на организацию собственного бизнеса в объеме около 280 миллиардов сумов, что в 1,3 раза больше, чем в 2014 году.

Заработная плата работников бюджетных организаций, пенсии и стипендии были увеличены на 21,9 процента, а реальные совокупные доходы на душу населения повысились на 9,6 процента[1].

В результате оптимизации земельных участков дополнительно создано свыше 17,5 тысячи фермерских хозяйств и более 250 тысяч новых рабочих мест. Наибольшее количество фермерских хозяйств образовано в Ташкентской, Джизакской, Наманганской, Самаркандской, Кашкадарьинской, Ферганской, Андижанской областях и Республике Каракалпакстан[2].



1-рис. Динамика новых созданных рабочих мест по Республике Узбекистан[3]

Как можно видеть из рис. 1 в течение последних 6 лет ежегодно около 1 млн. рабочих мест было создано в целом по Республике. По итогам 2015 года было создано 980 тыс. рабочих мест и 2016 году прогнозируется создание 990 тыс. рабочих мест. В том числе за счет ускоренного развития малого бизнеса и частного предпринимательства, сферы услуг будет организовано свыше 660 тысяч рабочих мест. В 2016 году нам предстоит обеспечить трудоустройство более 510 тысяч выпускников вузов, лицеев и колледжей.[4]

Государственная политика по вопросам занятости осуществляется в двух основных формах:

- активной – создание новых рабочих мест, повышение уровня занятости и преодоление безработицы путем обучения и переобучения работников;
- пассивной - поддержка безработных путем выплаты пособий.[5]

---

[1] Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – С. 68-69.

[2] Там же, с. 79.

[3] Составлено автором на основе данных из докладов первого Президента Узбекистана Ислама Каримова по итогам годов (2010-2015). http://www.press-service.uz/ru/news/report/

[4] Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. –Т.: «Ўзбекистон», 2016. –С. 82.

[5] Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. - СПб.: «Питер», 2008. -С. 105-106.

Проведение активной политики, нацеленной на достижение полной занятости, является в развитых странах приоритетным направлением государственной социально-экономической политики. К основным направлениям этой политики относятся меры по развитию рыка труда как:

– стимулирование государством инвестиций в экономику, что выступает главным условием создания новых рабочих мест;

– организация переобучения и переквалификации структурно-безработных;

– развитие служб занятости, бирж труда, осуществляющих посреднические функции на рынке труда, предоставление информации о вакантных рабочих местах с целью снижения фрикционной и структурной безработицы;

– содействие мелкому и семейному предпринимательству, что рассматривается во многих странах важнейшим методом обеспечения занятости населения;

– государственное стимулирование (налоговыми и законодательными мерами) предоставления работодателями рабочих мест определенным группам населения: молодежи, инвалидам,

– содействие, в случае необходимости, перемене места жительства для получения работы,

– международное сотрудничество в решении проблем занятости; решение вопросов, связанных с международной трудовой миграцией,


– создание рабочих мест в государственном секторе - в сфере образования, медицинских услуг, коммунальном хозяйстве, строительстве общественных зданий и сооружений;

– организация общественных работ.

Государственная поддержка лиц, оставшихся без работы, их социальная защита относятся к пассивной форме социальной политики государства на рынке труда. Безработным гражданам государство гарантирует:

- обеспечение социальной поддержки в виде пособий по безработице, материальной помощи и прочих социальных выплат;
- бесплатное медицинское обслуживание.

В развитых странах финансовая помощь безработным осуществляется на основе систем страхования по безработице. Минимальная задача этих выплат -- обеспечение текущих жизненных расходов безработных. Продолжительность – от нескольких месяцев, до бессрочного вспомоществования (например, в Бельгии, Австралии). Средства формируются главным образом за счет государства и предпринимателей.



2-рис. Рост населения Узбекистана в период 1991-2016 гг.[1]

[1] Составлено авторами на основе данных http://stat.uz/statinfo/demograficheskie-dannye

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

В Республике Узбекистан можно видеть оба элемента активной и пассивной социально-экономической политики по отношению к развитию рынка труда. Именно по причине быстрого роста численности трудовых ресурсов и в целом населения осуществляется активная политика регулирования рынка труда.

Основой роста предложения рабочей силы на рынке труда служит активный рост население Республики Узбекистан за последние 25 лет. Если в 1991 году количество население Узбекистана составляла всего 21,1 млн. человек, то в настоящее время составляет 31,6 млн. человек, то есть рост составил более 10 миллионов человек. Надо отметить что численность трудовых ресурсов составляет более 55 % общего население в среднем за весь период. Из них экономическое активное население по отношению к трудовым ресурсам составляет в среднем 72 %[1].

Государственная политика занятости населения - система мер прямого государственного и косвенного воздействия на трудовую сферу (рынок труда) для достижения поставленных целей[2].

Методы государственного регулирования рынка труда представлены в следующем виде.

- *Создание новых рабочих мест* – это возможно осуществить путем сокращения рабочего времени каждого сотрудника;
- *Регулирование режима труда и отдыха* – это осуществляется путем установления максимального рабочего времени в течении всей рабочей недели.

Применять данные методы стоит с особой осторожностью, поскольку они смогут не только снизить уровень безработицы в стране, но и в значительной степени ухудшить эффективность экономики всей страны, в общем. Одним из методов государственного регулирования рынка труда является снижение или повышение пенсионного возраста. Подобная практика осуществляется следующими странами: Швецией, Испанией и Германией и других.

При организации своей деятельности службы занятости оказывают активное содействие в оказании материальной и консультативной помощи, а также помощи в подготовке или отборе сотрудников для создаваемых фирм. Данная государственная помощь заключается не только в трудоустройстве работоспособного населения, но и в организации собственного бизнеса и организации новых рабочих мест. В основном данная мера позволяет защищать права безработных граждан. Государственное регулирование рынка труда применяет все возможные экономические средства и налоговые рычаги для регулирования спроса и предложения рабочей силы. Главной экономической мерой регулирования данной структуры является переподготовка работоспособного населения за счет фонда занятости, исходя из потребностей рынка труда.

Данная мера носит не только экономический характер, но и является специализированной, позволяя облегчить трудоустройство работоспособного населения, не имеющего постоянного рабочего места. Таким образом, данные меры регулирования позволяют повысить заработную плату рабочих, создать новые рабочие места, развивать предпринимательскую деятельность, организовывать процесс переподготовки и выплату пособий по безработице.

[1] Альманах Узбекистан. – Т.: ЦЭИ. 2013. –С. 77.

[2] Регулирование занятости и государственная политика в этой области. http://www.grandars.ru

Литература:

1. Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.

2. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. - СПб.: «Питер», 2008.

3. Регулирование занятости и государственная политика в этой области. http://www.grandars.ru

4. www.stat.uz

У/4931(1)

Муминов Н.Г.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

ГЕРМАНИЯДА ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Давлат ижтимоий суғуртаси биринчи бўлиб Германияда пайдо бўлган. Бу ҳол XIX асрда Отто фон Бисмарк бошчилигида юз берган эди. Ижтимоий суғурта принципи жуда оддий тузилганди: пенсионерлар меҳнат қилаётган фуқаролар қарамоғида бўлишади, бунинг учун улар ўз иш ҳақларидан маълум бир қисмини давлат пенсия фондига ўтказишади. Маблағлар тақсимланарди ва дарҳол пенсионерларга бериларди. 1981 йилда ажратмалар ҳажми иккала томонни ҳам қондирувчи ҳажмда бўлиб, 1,7%ни ташкил этарди. Ўша даврда ишсизлик мавжуд эмас эди, умр кўриш узунлиги хозиргига нисбатан қиска эди. Ўша даврдан бери кўп нарса ўзгарди – жамият қариди, пенсия жамғармасига ажратмалар 18,9%ни ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда Германия фуқаросининг пенсия жамғармасига бадали ойлик маошдан 19,5%ни ташкил этади. Ушбу бадалнинг ярми иш берувчи томонидан тўланади. Ходим томонидан эса 9,75% тўланади. Фуқарога минимал пенсия ҳисоблаб тўлаш учун у томонидан пенсия жамғармасига тўловлар камида 5 йил амалга оширилган бўлиши керак.[1] Пенсия ҳажми юқори бўлишига қарамасдан баъзи пенсионерлар пенсия ёшида ҳам ишлайдилар.

Муҳожирлар Германияда пенсия олиши учун камида 5 йил меҳнат қилиб пенсия жамғармасига бадал тўлашлари зарур. Агар меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлса, уларга пенсия тайинланмайди ва ходим ўзи тўлаган бадалларини қайтариб олиши мумкин.

Ҳозирги кунда гГермания пенсия тизими бир мунча беқарордир, бунинг асосий сабаби аҳолининг қаришидир.

1975 йилдан кейин туғилган Германия фуқароларига 2002 йилдан бошлаб ҳар ойда Хизматчиларни суғурталаш федерал идорасининг хабарномаси келиб туради ва унда жорий суғурта ажратмаларидан келиб чиқиб келажакдаги пенсиянинг ҳисоб-китоб кўрсаткичлари акс эттирилади. Пенсияга чиқиш ёши 2012 йилдан эркаклар ва аёллар учун 65 дан 67 гача кўтарилди[2]. Бунинг натижасида ижтимоий суғурта тизимидаги юзага келган молиявий муаммоларни бартараф этиш имкониятлари юзага келди.

Германияда пенсия таъминотининг уч тури мавжуд: давлат, корпоратив ва хусусий. Ойлик даромади 3900 евродан ошмайдиган аҳоли учун давлат суғуртаси мажбурий тарзда амалга оширилади. Бу анъанавий пенсия тизими ҳисобланади. Германия давлат пенсияси асосида маблағларни қайта тақсимлаш ва авлодлар ўртасидаги бирдамлик тўғрисидаги шартнома ётади. Пенсия жамғармасига келиб тушаётган маблағлар ҳозирги вақтда пенсия ёшидагиларни пенсия билан таъминлайди, бадалларни тўловчилар эса пенсияга чиқишганда ўша даврда меҳнат қилаётганлар бадаллар ҳисобига яшашади. Бу тизимни авлодлар ўртасидаги бирдамлик тизими деб номлашади. Бунда тўланаётган маблағлар жамғарилмасдан бирданига ишлатилади.

3900 евродан кўп даромад олувчиларнинг кўпчилиги давлат хизматларидан воз кечишади ва хусусий суғуртага мурожаат қилишади. Хусусий суғурта борган сари Германия тадбиркорлари

[1] http://www.pencioner.ru/news/zarubezhnaya-panorama/pensiya-v-germanii/

[2] Пенсияга чиқиш ёши Германия Меҳнат вазири Урсула фон дер Ляйеннинг таклифига биноан 2012 йилдан эркаклар ва аёллар учун 65 дан 67 гача кўтарилган эди.

ва фермерлари ўртасида кенг ривож топмоқда. Тўловчининг ўзи банк билан пенсия суғуртаси бўйича шартнома имзолаб тўлов ҳажмини аниқлайди. Бутун меҳнат фаолияти давомида ҳар бир инсон келажакдаги пенсиясига маблағ қўйишга ҳаракат қилади.

Германияда пенсиянинг учта категорияси мавжуд: 1) ёшга доир пенсия; 2) боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия; 3) ногиронлик бўйича пенсия (бунда меҳнатга лаёқатлик йўқолади).

Ёшга доир пенсиянинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) 67 ёшга тўлгандан сўнг (2012 йилдан буён) ёшга доир пенсия, умумий меҳнат стажи беш йилдан кам бўлмаган тақдирда;

2) 60 ёшга тўлганда меҳнатга лаёқатлиликни тўлиқ ёки қисман йўқотиш сабабли пенсия. Бунда ходим меҳнатга нолойиқ деб ҳисобланиши ва 35 йил стажга эга бўлиши керак;

3) 60 ёшга тўлганда ишсизларга ёки тўлиқ иш куни банд бўлмаганларга ёшга доир пенсия. Бунда охирги бир ярим йил ичида камида 52 ҳафта ишсиз деб рўйхатдан ўтиши ёки камида 24 ҳафта тўлиқ иш куни банд бўлмаган бўлиши керак (камида 15 йил меҳнат стажи бўлиши шарт);

4) фақат Германия ҳудудида меҳнат қилиб, 35 йилдан ортиқ меҳнат стажига эга бўлганларга пенсия;

5) 1952 йил 1 январга қадар туғилган ва 60 ёшга тўлган аёлларга ёшга доир пенсия. Бунда камида 15 йил меҳнат стажи Германия ҳудудида бўлиши керак (меҳнат стажининг камида 10 йил 1 ойи 40 ёшдан кейинга тўғри келиши керак);

6) 60 ёшга тўлган ва 25 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган кончиларга ёшга доир пенсия.

Шуни таъкидлаш керакки, пенсия автоматик равишда эмас, балки пенсия ёшига етгандан сўнг ҳисоб-китоб қилинади. Бунинг учун пенсия кассасига пенсиянинг аниқ бир турига махсус бланкда ариза топшириш керак. Яна шуни таъкидлаш керакки, меҳнат пенсиясини олиш ҳуқуқи фақатгина уни ишлаб топган одамга тегишлидир. Бошқача қилиб айтганда, ушбу пенсия олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш мумкин эмас. Пенсия олиш ҳуқуқини ўтказиш фақатгина қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ва тартибда рўй бериши мумкин. Бундан ҳолатлардан бири пенсия ёшига етиш ҳисобланади (пенсия ёши ҳар бир пенсия тури бўйича қонунчиликда белгиланган). Яна бир шарт: қайсидир турдаги пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун қанчадир йил суғурталанган меҳнат фаолиятига эга бўлиш керак. Бу Wartezeit деб номланади. Ҳаммаси пенсия турига боғлиқ. Wartezeit 5 йилдан 35 йилгача талаб этилиши мумкин.

Wartezeit ва пенсия. Wartezeit сўзининг мазмуни кутиш вақти маъносини беради. Лекин бу маъно керакли мазмунни англатмайди, чунки пенсия кутилмайди, балки ишлаб топилади. Wartezeit шунингдек меҳнаткашнинг ҳаётидаги ўзига хос даврларини ўз ичига олади, масалан, ўзининг шахсий муаммолари сабабли ёки касаллиги туфайли ишламаган ёки ўқимаган даври, ҳатто иш қидираётган даври ҳам. Германияда пенсиянинг барча турларига тўғри келадиган ягона меҳнат стажи давомийлиги йўқ. Пенсиянинг ҳар бир тури Wartezeit да ўзининг мазмунига эга. Қонунда барчаси ёритилган, характеристикадан бошлаб то ушбу даврнинг давомийлигига қадар.

67 ёшда умумий қарилик пенсиясини олиш учун Германияда инсон камида 5 йил ишлаган бўлиши шарт. Шундай қилиб, ушбу турдаги пенсия учун Wartezeit нинг минимал ҳажми 5 йилни ташкил этади. Меҳнат вақтидан ташқари бунга қуйидагилар ҳам киритилиши мумкин: Kindererziehungszeit ва Zeiten aus durhgefuehren Versorgungsausgleich. Яъни, суғурталанган стаждан ташқари қувғинда юрган давр, бир ёшга ёки уч ёшга тўлгунга қадар бола парвариши билан банд бўлиш даврлар ҳам киради.

Wartezeit га эр-хотинни ажрашиш вақтида суд томонидан томонларнинг бирига меҳнат стажи деб белгиланган давр ҳам киритилади. Бунда бола парваришида бўлиб, ишлаш имкониятига эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқлари тенглаштирилади. Бу асосан аёлларга тегишлидир.

Алоҳида шартларда пенсия олиш учун келажакдаги пенсионернинг шахсий ишига тегишли алоҳида шарт-шароитларга эътибор бериш зарур. Бу асосан ишсизлик, ногиронлик бўйича пенсияларни олишдир. Агар белгиланган шартлар маълум бир вақтдан сўнг йўқ бўлса, пенсия тўланиши ҳам тўхтатилади. Масалан, инсон бир мунча вақт ишсизлик бўйича пенсия олар эди,

кейинчалик у ишга чиқди. Бунда ишсизлик бўйича пенсия тўланиши тўхтатилади. Яна бир мисол, инсон меҳнатга лаёқатлилигини йўқотганлиги сабабли муддатдан олдин пенсияга чиққан эди, бир неча йилдан сўнг унинг соғлиғи тикланиб у яна ишга чиқди. Бунда ҳам пенсия тўланиши тўхтатилади. Бундан пенсиянинг баъзи турлари доимо тўланмасдан, маълум бир вақт ичида тўланади, у Renten auf Zeit деб номланади.

Ёшга доир пенсиялар тўлиқ ҳажмда (Vollrenten) ҳамда қисман (Teilrenten) тўланади. Пенсия турлари кўп бўлишига қарамасдан бир вақтнинг ўзида бир категорияга тегишли бир неча хил пенсияларни олиш мумкин эмас. Бир вақтнинг ўзида ёшга доир пенсия билан меҳнатга лаёқатсизлик пенсиясини олиш мумкин эмас. Аммо икки ёки учта пенсия олиш имкони мавжуд, бунинг учун улар турли категориялардан бўлиши керак. Масалан, ёшга доир ҳар қандай турдаги пенсияни, бевалик пенсиясини ва ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ пенсияни олиш мумкин. Ёшга доир пенсия бир марта танланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Германияда ижтимоий соҳани ҳимоялаш инструментларидан фойдаланилмоқда. Ишсизликка қарши кураш борасида қисқартирилган иш ҳафтаси ва қисқартирилган иш кунидан фойдаланилади, ходимларнинг малакасини ошириш ташкил этилади. Такомиллаштирилган соғлиқни сақлаш тизими фуқароларни даромадлар қисқариши шароитида тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳажми қисқармаяпти.

Баъзи прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб Германияда битта пенсионерни битта ишловчи таъминлайди. Шу сабабдан, агар 1972 йилдан 2001 йилгача қарилик бўйича бирдамлик пенсияларини 35 йилдан кам бўлмаган муддатда суғурта бадалларини тўлаган (яъни 35 йил меҳнат стажига эга бўлган) ишловчилар 63 ёшга тўлганларида олардилар, кейинчалик пенсига чиқиш ёши 65 гача кўтарилди. Меҳнат стажи чегаралари эса эгилувчан (5 йилдан 35 йилгача) бўлди. Германияда инқироз давригача ўртача пенсия даражаси ўртача иш ҳақининг тахминан 70 фоизини ташкил этарди.

Олимлар ва экспертларнинг тадқиқотлари натижасида Германияда пенсияга чиқиш ёши 68 ешгача, 2060 йилдан эса 69 ёшгача кўтарилиши зарурлиги қайд этилган. Бу ҳол Германия аҳолисининг қариши билан асосланмоқда. Қариб бораётган жамиятда пенсия ёшини кўтармасдан молиявий муаммоларни ечиб бўлмайди. Ундан ташқари, олимларнинг фикрича, меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга эҳтиёж юқори бўлганлиги сабабли ёши катта ишчиларга талаб ошиб боради. Германия аҳолисининг қариши Европа Иттифоқи бўйича ўртача кўрсаткичдан жадалроқ бормоқда. 20% немисларнинг ёши 65 ёшдан юқоридир.

Жамғарилиб бориладиган тизимга Германия бирдамлик тизими бўйича ажратмалардан тўлиқ воз кечмаган ҳолда 2001-2002 йилларда ўта бошланди. Бу ҳол ижтимоий инқирознинг олдини олиб, фақатгина ҳукуматнинг саъй-ҳаракатини эмас, балки унинг ҳар бир меҳнаткаш ва бизнес эгалари (иш берувчилар) билан ижтимоий ҳамкорлик фаолиятини акс эттирди. Қарилик бўйича мажбурий суғурта жамғармаси бу ерда иш берувчининг ва ишловчининг индивидуал пенсион ҳисобрақамига мажбурий эквивалент ажратмалар ҳисобига шаклланади. Маблағнинг тахминан 20 фоизи давлат дотацияси ҳисобига молиялаштирилади. Шу билан бирга хусусий ва ишлаб чиқариш пенсия жамғармалари тизими ҳам ривожлангандир.

Германиянинг пенсия тизими жаҳонда энг самарали тизими сифатида тан олинган. Яхши пенсия олиш учун етарли даражада меҳнат стажига эга бўлиш ва пенсия суғуртаси томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиш зарур. Ҳозирги кунда Германияда ўртача пенсия иш ҳақининг 70%ни ташкил этиб тахминан, 800 еврога тенгдир.[1] Германияда пенсия давлат, иш берувчи томонидан таъминланади ёки хусусий пенсия жамғармаларига асосланади.

Германияда давлат пенсияси. Пенсия ҳажми фақатгина меҳнат стажига эмас, балки касбий тариф ставкасига ҳам боғлиқдир. Таъкидлаш керакки, Германия пенсия таъминоти тизимида инқирозли ҳолат юзага келди: йилдан-йилга ишлаётган (ва жамғармага бадал тўловчи) аҳоли сони қисқариб бормоқда, пенсионерлар сони эса ошиб бормоқда. Германиядаги ишсизлик, инқироз ва умр кўриш ёшининг ўсиши кўпчилик муаммоларни юзага келтирди. Тўловларни аввалги дара-

[1] http://www.dom-de.net/ru/realty/.list/id/Pensij_1/

кода сақлаб туриш учун давлат мамлакат пенсия жамғармасига дотациялар қилишга мажбур бўлди. Давлат суғурта тизими барча ёлланма меҳнаткашларни қамраб олади, амалдорлардан ташқари (амалдорлар пенсияни тўғри давлат бюджетидан олишади).

Меҳнаткаш фақат давлатдан пенсия тўловларини олмайди.

Германияда корпоратив пенсия. Кўпгина йирик немис компаниялари ўз ходимларига пенсияларига қўшимча устама ҳақ тўлашади. Охирги йилларда бундай пенсия тизимини кичик ва ўрта компаниялар қўллашига ҳам рухсат берилди. Германияда корпоратив пенсия ҳажми биринчи навбатда ушбу компаниядаги меҳнат стажига (аввал ушбу муддат 10 йил қилиб белгиланган эди, кейинчалик ушбу муддат 5 йилгача пасайтирилди), ходимнинг эгаллаган лавозимига ва компаниянинг фойдасига боғлиқдир.

Бундай пенсия тизимини таъминлаш учун немис компаниялари банк билан шартнома тузишади ёки мустақил равишда пенсия жамғармасини ташкил этишади, ундан ташқари 2002 йилдан бошлаб ходимларда ўз пенсияларини ойлик маошдан ёки мукофотлардан ажратмалар билан молиялаштириш имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда мамлакат қонунчилигида ходимнинг ишдан бўшатилиши ҳолатида тўловларни индексациялашуви бўйича шартлар ва мажбуриятлар аниқ кўрсатиб берилмаган бўлса ҳам, Германияда корпоратив пенсия компаниянинг ихтиёрий ташаббуси бўлиб қолмоқда. Қариликда муҳтожсизликни таъминлаш учун кўпчилик хусусий суғуртага қўйилмаларни амалга оширадилар.

Германияда хусусий пенсия суғуртаси. Ойига 3900 евродан кўп маош олувчи шахслар, тадбиркорлар ва ижод ходимлари ҳамда Германияга ишга келган иммигрантлар иқтисодий эркинликка эга бўлиб, давлат суғуртаси тизими хизматларидан воз кечишади ва ўз маблағларини хусусий суғуртага жойлаштиришади. Мустақил равишда банкка маълум бир ҳажмдаги маблағларни жойлаштириб, улар келажакдаги пенсия ҳажми ва уларни олиш шартларини белгилаб олишади. Банк билан тузилган шартномага биноан тўловлар пенсия ёшига етгандан сўнг бир маротаба ёки бутун умр давомида амалга оширилиб борилади, шартномада қайд этилган муддат тугагандан сўнг оиланинг бошқа аъзоларига мерос қилиб қолдирилади.

Суғуртанинг ушбу турининг кенг тарқалганлиги ва машҳурлигининг асосий сабаби – немис банкларининг барқарор ишлаши ва яхши фоиз ставкаларидир. Ундан ташқари, маблағлар фақатгина банкда жамғарилмасдан, балки бошқа фондлар ёки акцияларга максимал фойда олиш мақсадида инвестицияланиши мумкин.

Ристер исломоти. 2001 йилда ГФР меҳнат ва ижтимоий муносабатлар вазири Вальтер Ристер давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий жамғариш суғуртаси тизимини жорий этди. Фуқаро ўз фойдасидан 1-4% ўз жамғарма ҳисобига ўтказиб боради, бунда давлат жамғармага ўтаётган ҳар 100 пул бирлигига 15 пул бирлигини қўшиб боради. Давлат томонидан амалга оширилаётган қўшимча тўловларнинг ҳажми фуқаронинг оилавий ҳолати, фарзандлар сони, даромадлар даражаси ва мунтазам амалга оширилаётган бадаллар ҳажмига боғлиқдир.

Ушбу ислоҳотлар натижасида ходим пенсияга чиққандан сўнг бутун суммани бирданига олмайди, лекин қолган умри давомида барқарор тўловларга эга бўлади (ходимнинг ўзи ёки унинг меросхўрлари).

Selber schuld. Ҳозирги кунда немис пенсионерлари жаҳонда энг таъминланганларидандир. Банк тизимининг барқарорлиги ва пенсия дастурларининг ранг-баранглиги ўз пенсияси тўғрисида қайғураётган ҳар бир фуқарога муҳтожсиз қариликни таъминлаш имконини беради. Ўз пенсияси ҳақида қайғурмаганларга немислар «selber schuld» деб айтишади, бунинг маъноси – «ўзи айбдор» деганидир.

Пенсия жамғармасига маблағ тўпланиш жараёни. Пенсия жамғармасига барча ишловчилар маблағ ажратишади. Ажратмалар бутун маошдан эмас, балки қонун билан белгиланган чегара қисмидан тўланади. Ушбу чегарадан ортиғи солиққа тортилмайди. Ғарбий ерлар учун ушбу сумма 5000 еврони, янги ерлар учун 4900 еврони ташкил этади[1]. Ҳукумат ўртаҳол

[1] http://www.dezona.ru/germany/socium/pensiya.htm

аҳолининг норозиликларига сабабчи бўлиб, ушбу чегарани тез-тез кўтариб туради. Албатта, пенсия жамғармасининг шаклланишида фақатгина ишловчи немислар қатнашмайдилар. Ажратмаларнинг ярмини иш берувчи амалга оширади. Бевосита бюджет дотацияларидан ҳам фойдаланилади, бунга солиқларнинг бир қисми йўналтирилади, масалан, ёқилғига «экологик» солиқ. 2015 йилда пенсия жамғармасига давлат дотацияси ҳажми деярли меҳнаткашларнинг ажратмаларига тенг бўлди.

Пенсияга чиқиш ёши. ГФРда 2006 йилда пенсияга чиқиш ёши 65 дан 67 ёшгача оширилди. Бу умр кўришнинг узайиши билан боғлиқдир. Германияда эркакларнинг умр кўриши – 77,5 ёшни аёлларники 82 ёшни ташкил этади. Германияда пенсияга чиқиш ёши босқичма-босқич амалга оширилмоқда: ҳар йилда 1 ойдан қўшилиб борилади. 1950 йилда туғилганлар 65 ёш 4 ойгача ишлашлари керак, 1964 йил ва ундан кейин туғилганлар тўлиқ 67 ёшгача ишлашлари керак. Пенсияга муддатидан олдин чиқиш пенсиянинг қисқаришига олиб келади (пенсия ёшига қадар бўлган ҳар бир ой учун 0,3%га).

Германияда ўртача давлат пенсияси 1270 еврони ташкил этади. Пенсияга чиқаётганлар маошнинг ўртача 47%ни олишади. Давлат пенсиясининг юқори чегараси – 2200 евро. Минимал пенсия атиги 300 еврони ташкил этади. Агар инсон кўп йиллар давомида ишсиз бўлган бўлса, кам маош олган бўлса унга давлат ёрдам беради. Давлат пенсия билан яшаш минимуми ўртасидаги фарқни коплайди. Ундан ташқари, давлат уй-жой, иситиш тизими ва бошқа коммунал харажатлар ҳақини тўлайди.

Пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажи ва ажратмалар ҳажмидан бошқа омиллар ҳам ҳисобга олинади. Масалан, ишчининг ёши, ўқиш даври, фарзандлар сони, армиядаги хизмат ва бошқ. Пенсия баллари сони аниқланиб, улар асосида пенсия суммаси ҳисоблаб чиқилади.

Пенсия тизимига асос қилиб «базавий пенсионер» – шартли пенсия бирлигини танлаб олади. У 45 йил давомида ўртачэ ойликка ишлаган ва 67 ёшида пенсияга чиққан эталон инсондир. «Идеал немис»нинг пенсияси тахминан 1250 еврони ташкил этади. Лекин ўртача немис пенсионери бошқача кўринишга эга. 45 йил меҳнат стажи билан камдан-кам инсонлар мақтаниши мумкин ва ўртача маош олишнинг кўп инсонларда имкони йўқдир.

Германия ғарбида эркакларнинг ўртача пенсияси 1052 еврога, шарқда – 1006 еврога тенгдир. Аёлларда эса акси, шарқда – 705 евро, ғарбда – 521 евро. Бунинг асосий сабаби – собиқ ГДРда аёллар эркаклар билан тенгма-тенг ишлаганлари учун катта меҳнат стажига эга бўлганлар.

Пенсия ёшида катта ипотека харажатлари бўлмаганлиги, корпоратив ва хусусий жамғармалардан қўшимча равишда тўловлар олингани учун пенсионерларнинг турмуш даражаси юқори хисобланади. Ундан ташқари, Германияда бевалар икки баробар кўп нафақа олишади. Пенсионерлар ишлашни давом эттириб пенсияни ҳам олишлари мумкин, пенсия ҳажми ойлик маошнинг ҳажмидан келиб чиқиб қисқартирилади.

Германиянинг 20 миллион пенсионерларидан деярли ярми 700 евродан кам пенсия олишади. Юқори даражадаги пенсияни 10% пенсионерлар олишади ва улар асосан собиқ мансабдор шахслардан иборатдир.

Германия ижтимоий ривожланишга алоҳида эътибор қаратувчи мамлакат сифатида тан олиниб, у ерда «ижтимоий жаннат» яратилган дейилади ва буни немис худбинлигининг сабаби деб кўрсатилади. Оилада ҳеч ким бир-бирига ёрдам бермайди, балоғат ёшига етгандан сўнг унга «мерос» қилиб фақатгина ота-она дуоси берилади. Қолган барча нарсани инсон ўзи ишлаб топиши ёки давлатдан олиши керак.

Адабиётлар:

1. http://www.pencioner.ru/news/zarubezhnaya-panorama/pensiya-v-germanii/
2. http://www.dom-de.net/ru/realty/.list/id/Pensij_1
3. http://www.dezona.ru/germany/socium/pensiya.htm

Садикова И.А.,
доцент экономического
факультета НУУз им. Мирзо Улугбека,
кандидат экономических наук

УПРАВЛЕНИЯ ЗАТРАТАМИ НА ПРЕДПРИЯТИИ

Управление расходами предприятия является составляющей системы управления в целом. Поэтому в общих чертах остановимся на некоторых аспектах управления предприятием, чтобы понять сущность управления затратами.

Управление – это деятельность предприятия, направленная на реализацию целей объекта управления, при условии рационального использования имеющихся ресурсов. Что касается сути управленческой деятельности, то придерживаясь широко распространенной точки зрения, управление можно представить как реализацию функции планирования, контроля и регулирования, организационной работы, а также стимулирования.[1]

Исходя из содержания понятия «управление», основными элементами управления затратами на производство и реализацию продукции на предприятии являются прогнозирование и планирование, нормирование затрат организации, их учета и калькулирования себестоимости продаж, анализ, контроль и регулирование деятельности по ходу ее осуществления.

Трудно переоценить то значение, которое имеет наличие информации о затратах и расходах для деятельности предприятия и результатах этой деятельности. Пользователями такой информации выступают собственники и управляющие предприятием, акционеры, кредиторы, органы исполнительной власти.

Предприятие должно учитывать две составляющих в деле управления затратами – внутреннюю и внешнюю. Первая составляющая в основном влияет на величину производственной себестоимости, а внешняя – на себестоимость реализованной продукции[2].

Непосредственно в процессе управления расходами и себестоимостью продукции решают где, когда и в каких объемах должны расходоваться ресурсы предприятия, где, для чего и в каких объемах нужны дополнительные финансовые ресурсы, и как достичь максимально высокого уровня отдачи от использования ресурсов. Поэтому целью управления расходами и себестоимостью продукции является обеспечение экономного использования ресурсов и максимизация отдачи от них.

Общая бухгалтерия решает проблемы формирования картины финансового положения организации, исчисления конечных результатов ее деятельности. Данные этого учета предназначены главным образом для управления финансовой и коммерческой деятельностью и для внешних потребителей.

Счета финансового учета служат для обобщения информации о наличии и движении основных средств, нематериальных активов, ценных бумаг и других финансовых вложений, производственных запасов, денежных средств, расчетов, капитала, финансовых результатов (счета финансового учета – материальные затраты, затраты на оплату труда, отчисления на социальные нужды, амортизация, прочие затраты, расходы по обычной деятельности, остатки материальных ценностей и продажи).

---

[1] Анализ финансовой отчетности. / Учебное пособие для вузов. Под ред. О.В.Ефимовой. – М.: «Омега-Л,» 2006. –С. 79

[2] Басовский Л.Е. Финансовый менеджмент учебник. – М.: «ИНФРА-М», 2002. –С. 886.

Производственная бухгалтерия осуществляет формирование информационно-аналитической базы управления производственной деятельностью, калькулирование себестоимости продукции, работ, услуг.

Счета управленческого учета предназначены для обобщения информации о процессах формирования издержек производства и расходов на продажу, стоимости готовой продукции, а также о процессах ее реализации. Наиболее ценными в такой информации считаются данные об оборотах по счетам.

Одновременно выделение управленческого учета способствует сохранению коммерческой тайны об уровне затрат на производство, рентабельности отдельных видов продукции, их конкурентоспособности (счета управленческого учета – материалы, основное производство, вспомогательные производства, общепроизводственные расходы, результаты производственной деятельности, материальные затраты, затраты на оплату труда, отчисления на социальные нужды, амортизация, прочие затраты, готовая продукция, продажи).

Технически организация может вести учет в рамках единой с финансовым учетом системы счетов или самостоятельной системы счетов[1].

Каждое предприятие должно предусматривать использование разнообразной информации о деятельности предприятия в системе управления затратами и себестоимостью продукции:

1. При прогнозировании, оценки ожидаемой величины затрат и установлении показателей себестоимости продукции с целью выявления путей развития предприятия и ожидаемой прибыли и рентабельности на период более двух лет.

2. В процессе планирования, то есть обоснования величины затрат и себестоимости продукции на предстоящие один-два года с учетом организационного уровня производства и величины всех факторов, которые поддаются количественной оценки. Особое значение, при текущем планировании затрат и себестоимости продукции, имеет экономическое обоснование решений о производстве новых изделий и снятии с производства устаревших, об учете эффективности использования всех видов ресурсов, новой техники, организационно-технических мероприятий, внедрение новой технологии и т.д.

3. При нормировании, определении оптимального размера затрат материальных, трудовых и финансовых ресурсов при производстве запланированной к выпуску продукции

4. В процессе улучшения учета фактических затрат, обоснования калькуляции себестоимости продукции.

5. При анализе затрат и себестоимости продукции путем сравнения фактических показателей с плановыми, в динамике, с предприятиями – конкурентами и расчете факторов, влияющих на эти изменения.

6. В процессе контроля и регулирования показателей по ходу хозяйственно-финансовой деятельности, выявлении резервов экономии затрат на производство и возможности по снижению величины и уровню себестоимости продукции (за счет совершенствования управления и организации производства, устранения имеющихся недостатков в деятельности предприятия и т.д.)[2]

В целях обеспечения эффективного управления затратами и формированием себестоимости выпускаемой продукции промышленное предприятие должно добиваться осуществления следующих мероприятий (соблюдать следующие правила работы):

1. Увеличивать производство конкурентоспособной продукции за счет более низких расходов и, следовательно, цен.

2. Обеспечивать качественной и реальной информацией о себестоимости отдельных видов продукции и учитывать их позиции на рынке по сравнению с продуктами предприятий – конкурентов.

---

[1] Большаков С.В., Финансы предприятий: теория и практика. / Учебник для вузов. – М.: «Книжный Мир», 2006. –С. 312.

[2] Там же, с. 322.

3. Использовать возможности гибкого ценообразования.

4. Представлять объективные данные для составления финансового плана и бюджета предприятия.

5. Иметь возможность оценивать деятельность каждого структурного подразделения с финансовой точки зрения.

6. Принимать обоснованные и эффективные решения.

Предприятие должно учитывать две составляющих в деле управления затратами – внутреннюю и внешнюю. Первая составляющая в основном влияет на величину производственной себестоимости, а внешняя – на себестоимость реализованной продукции.[1]

Для решения проблемы снижения издержек производства и реализации продукции на предприятии должна быть разработана общая концепция (программа), которая должна ежегодно корректироваться с учетом изменившихся на предприятии обстоятельств. Эта программа должна носить комплексный характер, т.е. должна читывать все факторы, которые влияют на снижение издержек производства и реализацию продукции.

Содержание и сущность комплексной программы по снижению издержек производства зависят от специфики предприятия, текущего состояния и перспективы его развития. Но в общем плане в ней должны быть отражены следующие моменты:

1. Комплекс мероприятий по более рациональному использованию материальных ресурсов (внедрение новой техники и безотходной технологии, позволяющей более экономно расходовать сырье, материалы, топливо и энергию; совершенствование нормативной базы предприятия; внедрение и использование более прогрессивных материалов; использование отходов производства; улучшение качества продукции и снижение процента брака и др.).

2. Мероприятия, связанные с определением и поддержанием оптимального размера предприятия, позволяющие минимизировать затраты в зависимости от объема производства.

3. Мероприятия, связанные с улучшением использования основных фондов (освобождение предприятия от излишних машин и оборудования; сдача имущества предприятия в аренду; улучшение качества обслуживания и ремонта основных средств, обеспечение большей загрузки машин и оборудования; повышение уровня квалификации персонала, обслуживающего машины и оборудование; применение ускоренной амортизации и др.).

4. Мероприятия, связанные с улучшением использования рабочей силы (определение и поддержание оптимальной численности персонала; повышение уровня квалификации, обеспечение опережающего роста производительности труда по сравнению со средней заработной платой; применение прогрессивных систем и форм оплаты труда; улучшение условий труда; механизация и автоматизация всех производственных процессов; обеспечение мотивации высокопроизводительного труда и др.).

5. Мероприятия, связанные с совершенствованием организации производства и труда (углубление концентрации, специализации; кооперирования, комбинирования и диверсификации производства; внедрение бригадной формы организации производства и труда; совершенствование организационной структуры управления фирмой и др.).

Кроме того, комплексная программа по снижению издержек производства должна иметь четкий механизм ее реализации[2].

Следует также подчеркнуть, что планирование и реализация только отдельных мероприятий по снижению издержек производство хотя и дают определенный эффект, но не решают проблемы в целом.

Управленческие решения, влияющие на величину затрат, поинимаются на всех уровнях управления и во всех структурных подразделениях предприятия. Координация всей деятельности направлена на оптимизацию затрат. На предприятии эту задачу должна решать система

[1] Ионова А.Ф. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. – М.: «Бух. учет», 2005. -С. 304.

[2] Негашев Е.В. Анализ финансов предприятия. – М.: «Высшая школа», 2001. –С. 165.

контроллинга, в которой в зависимости от конкретных условий используются различные методы управления затратами:

1. В методе целевых затрат за основу берется ожидаемая цена (стоимость объекта), полученная в ходе разработки. Планируется величина скидок, величина налогов, а также желаемая прибыль, исходя из предполагаемого объема продаж. Целевая цена снижается на соответствующую величину и на основе этих данных получают целевые издержки (затраты, которые предприятие может себе позволить при определенном состоянии рынка).

2. Метод формирования затрат на основе отдельных процессов состоит в разбивке общих затрат на отдельные составляющие (по отдельным процессам или видам деятельности), которые оказывают существенное влияние на уровень совокупных затрат предприятия. Это позволяет увеличить «прозрачность» косвенных расходов, понять причину их возникновения, получить более точную калькуляцию.

3. Метод, учитывающий жизненный цикл продукции, заключается в систематическом сокращении затрат по всему жизненному циклу продукта, включая до- и после- производственные услуги. На стадию, предшествующую производству, приходится более 90% всех затрат по созданию новой продукции. Наибольший потенциал воздействия происходит на этапе конструирования и разработки продукта, причем на конечной стадии разработки заново может быть пересчитано менее 10% общей величины затрат. Использование метода, позволяет учитывать развитие событий (модернизацию продукта, дальнейшие снижение или рост объемов его выпуска, параллельное производство товара-заменителя и т.д.)

4. Управление затратами на качество продукции проводится в основном с целью определения важнейших задач по повышению качества данного продукта, когда снижение затрат приводит к незапланированным изменениям конструкции или технологии производства продукции.

5. Метод управления затратами в конкретной среде заключается в концентрации сил и средств на: применении материало- и энергосберегающих технологий, использование вторичных материальных и энергетических ресурсов и отходов, замене дорогостоящего сырья, материалов, топлива, энергии менее дорогими ресурсами, рационализации организации производства, повышение квалификации персонала и т.д.

6. Метод сравнения с лучшими показателями конкурентов базируется на постоянном сопоставлении затрат предприятия с аналогичными данными других предприятий – его конкурентов. Информация, необходимая предприятию при разработке конкурентных преимуществ, получается из анализа позиции на рынке в сравнении с позициями конкурентов. Основными подходами к формированию конкурентных преимуществ являются: экономия на затратах, уникальное продуктовое предложение, специализация предприятия, заключающаяся в обслуживании либо широкого круга потребителей, например всего целевого рынка, либо только центральных целевых его сегментов.

7. Метод стратегического управления затратами представляет собой анализ цепочки ценностей предприятия, стратегического позиционирования предприятия, факторов, определяющих затраты. Управление затратами различно в зависимости от выбранной предприятием стратегии.

Предприятие формирует стратегию собственного развития, которая, в свою очередь, определяет уровень неопределенности внешней среды, а последнее задает требования к глобальной системе управления затратами на предприятии. Возможно наличие несколько стратегий, которых может придерживаться предприятие, чтобы выиграть в конкурентной борьбе[1].

Таким образом, исходя из материала изученного во втором параграфе, мы можем сделать вывод, что неотъемлемой частью в управлении затратами на любом предприятии является их планирование и анализ, на основе данных которых базируется вся система управления затратами.

[1] Остапенко В.В. Финансы предприятия. – М.: «Омега-Л», 2007 –С. 243-244.

Литература:

1. Анализ финансовой отчетности. / Учеб. пособие для вузов. Под ред. О.В.Ефимовой. – М.: «Омега-Л», 2006.

2. Басовский Л.Е. Финансовый менеджмент учебник. – М.: «ИНФРА-М», 2002.

3. Большаков С.В. Финансы предприятий: теория и практика. / Учебник для вузов. – М.: «Книжны Мир», 2006.

4. Ионова А.Ф. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. – М.: «Бух. Учет», 2005.

5. Негашев Е.В. Анализ финансов предприятия. / Учеб. пособие. – М.: «Высшая школа», 2001.

6. Остапенко В.В. Финансы предприятия. – М.: «Омега-Л», 2007.

Шадманов Э.Ш.,
Жиззах политехника институти проректори,
иқтисод фанлари доктори, доцент;
Зохирова Г.М.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчиси

ИҚТИСОДЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиёти маҳаллий ва мингқавий чегаралардан чиқиб, миллий ва жаҳон миқёсидаги жараёнларга айланган. Бундан ташқари, ҳозирги даврдаги товар ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти чуқурлашиши натижасида миллионлаб корхоналар, минглаб тармоқларга ва соҳаларга ажралган бўлиб, механизациялашган ва автоматлашган товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Бундай ҳолатда кўп сонли корхоналар, тармоқлар ва соҳалар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири кучаяди, бир-бирисиз фаолият юрита олмай қолади. Агар бирорта соҳа ёки тармоқда зарур бўладиган воситаларнинг (хом ашё, ёқилғи, техникалар, ишчи кучи ва бошқалар) етишмаслиги ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига, бинобарин таклифнинг талабга жавоб бермай қолишига, улар ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Ўз навбатида агар талаб ўрганилмаса, таклиф талабдан ошиб кетиб, улар ўртасидаги мувозанат бузилса, товар ва хизматлар сотилмай қолиши мумкин. Агар турли тўлов воситалари ва қоғоз пуллар кўпайиб кетса, пулнинг қадри тушиб кетади. Бундай ҳолатлар мувозанат ва мутаносибликнинг бузилишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ижтимоийлик даражаси ўта юксалганлиги, меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши, лекин улар ўртасида бўладиган иқтисодий алоқаларнинг миқдор ва сифат жиатдан бир-бирига мос келмаслиги, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак мувозанатлик ва мутаносиблик тамойилларнинг бузулиши натижасида турли хил зиддиятлар кўпайиб, инқирозлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бундай зиддиятларга ишлаб чиқариш ва истеъмол, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги кўриниши бўлган талаб ва таклиф, гурли тармоқлар ва соҳалар корхоналар, минтақалар, мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар киради.

Ҳозирги даврда кредит тизимининг ривожланиши, тўлов воситалари турлари ва ҳажмининг кўпайиб кетиши бу зиддиятларни янада кучайтиради.

Бу борада биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам ўз асарларида эътибор қаратиб, «Авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади»[1], деб таъкидлаб ўтганлар.

[1] Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -5-6.

Демак, инқирозларнинг олдини олиш учун юқоридаги зиддиятлар ва улар натижасида содир бўлаётган номувозанатлик ва номутаносибликни бартараф қилиш керак бўлади. Албатта бунда биринчи навбатда товар ва хизматлар ҳажми билан пул массаси (ҳамма тўлов воситалари билан бирга) ўртасидаги мутаносибликни шакллантириш ва жорий қилиш лозим. Бунда пул муомаласи қонунига амал қилиб, муомала учун зарур бўлган миқдордагина пул чиқаришни йўлга қўйиш зарур бўлади. Иккинчи навбатда эса турли хил соҳалар, тармоқлар, минтақалар, корхоналар ўртасидаги мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш зарурдир.

Ҳозирги даврда кўпгина мамлакатларда мувозанатлик ва мутаносибликка эътибор берилмаганлиги ва бу муаммонинг мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда амалга ошириш қийинлиги жаҳон иқтисодий инқирозларининг олдини олишга тўсқинлик яратади. Лекин ҳар бир мамлакат миқесида бу муаммоларга эътибор берилиб, бутун иқтисодиётда мувозанатлик ва мутаносиблик таъминланса, мамлакатда иқтисодий инқирозларнинг олдини олиш ва жаҳон иқтисодий инқирозларининг таъсирини камайтириш мумкин бўлади. Бунга олдиндан олиб борилган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга, мувозанатликка, мутаносибликка ва тежамкорликка эътибор қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини мисол келтириш мумкин.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг кейинги йиллардаги барча маърузаларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришишда иқтисодиётда мутаносиблик ва мувозанатликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинган: «Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, биз уларга аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захирамизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолдэ баҳо берамиз»[1].

Умуман олганда, иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносиб ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўлларини ёритиш иқтисодиёнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Мувозанатли иқтисодий ўсиш деганда узоқ муддатли даврда миллий иқтисодиётнинг шундай ривожланиши тушуниладики, унда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир даврдан бошқа бир даврга кўпаювчи ҳажмлари доимо ўзаро тенг бўлади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мувозанатли ўсишда ялпи талаб ва ялпи таклиф бир хил суръатларда кўпайиб, бу иқтисодиётда доимий нарх даражасини сақлаш имконини беради[2].

Мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашнинг иқтисодий ўсишга таъсирини назарий жиҳатдан иқтисодий ўсишнинг кўплаб моделлари орқали ҳам тасаввур этиш мумкин. Масалан, иқтисодий ўсишнинг Кобб-Дуглас модели орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ишлаб чиқариш турли омилларининг улушини аниқлашга ҳаракат қилиниб, у қуйидагича ифодаланади:

$$Y = AK^{\alpha} L^{\beta},$$

бу ерда: Y – ишлаб чиқариш ҳажми; K – капитал сарфлари; L – ишчи кучи сарфлари; A, α, β - ишлаб чиқариш функциясининг коэффициентлари: A – мутаносиблик коэффициенти; α ва β - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффициенти[3].

Мазкур моделнинг ўзи иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатувчи бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликка асосланган. Масалан, моделдаги эластиклик коэффициенти (α ёки β) бир кўрсаткич (ишчи кучи ёки капитал сарфлари) миқдорининг ўзгариши натижасида бошқа бир кўрсаткич (ишлаб чиқариш ҳажми) миқдорининг ўзгариши даражасини ифо-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. / Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. –43-б.

[2] Экономическая теория: Учебник. Изд. испр. и доп. / Под общ. ред. акад. Видяпина В.И., Добрынина А.И., Журавлевой Г.П., Тарасевича Л.С. – М.: «ИНФРА-М», 2005. -С. 448.

[3] Курс экономической теории. / Под. общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – Киров. «АСА», 1995. -С. 602.

далайди. Шунга кўра, α коэффициенти капитал сарфларининг, β коэффициенти эса ишчи кучи сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади. α ва β нинг йиғиндиси ишчи кучи ва капитал сарфларининг бир вақтнинг ўзида 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади.

Ч.Кобб ва П.Дуглас ўз тадқиқотларида АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш функциясининг кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилганлар

$$Y = 1{,}01 \times K^{0.25} \times L^{0.75}$$

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ўша даврда АҚШ қайта ишлаш саноатида капитал сарфларининг 1%га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,25%га, ишчи кучи сарфларининг 1%га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,75% га ошишига олиб келар экан[1].

Кейинчалик Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини голланд иқтисодчиси Ян Тинберген янада такомиллаштириб, унга янги омил – техника тараққиёти кўрсаткичини киритди. Натижада ишлаб чиқариш функцияси формуласи қуйидаги кўринишни олди:

$$Y = AK^{\alpha} L^{1-\alpha} e^{rt},$$

бу ерда: e^{rt} – вақт омили

Ишлаб чиқариш функциясига вақт омилининг киритилиши эндиликда нафақат миқдор, балки «техника тараққиёти» атамаси орқали уйғунлашувчи сифат ўзгаришлари – ишчи кучи малакасининг ўсиши, инновация жараёнларининг кучайиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашуви, жамият миқёсида маълумотлилик даражасининг ошиши ва бошқаларни ҳам акс эттириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишнинг кейинсча модели макроиқтисодий мувозанат назариясини ривожлантириш ва унга танқидий ёндашиш натижасида вужудга келган. Бу моделлар орасида инглиз олими Р.Харрод ва америкалик олим Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш моделлари эътиборга молик ҳисобланади. Ҳар иккала модельнинг умумий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар орқали шартланади.

1) улар неоклассик моделлардан фарқли ўлароқ бир омилли модель ҳисобланади. Яъни бу моделларда миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси ҳисобланиб, капитал самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ишчи кучи бандлигининг ошиши, ФТТ ютуқларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланиши каби бошқа барча омиллар назардан четда қолдирилади; 2) ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ишлаб чиқариш омиллари нархларининг нисбатига боғлиқ бўлмай, фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари орқали аниқланади.

Неокейнсча моделда инвестицияларнинг ўсиши иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларини белгиловчи омил ҳисобланиб, у бир томондан, миллий даромаднинг ўсишига имкон яратади, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиради. Ўз навбатида даромаднинг ўсиши бандликнинг ошишига имкон яратади. Инвестиция ҳажмининг кўпайиши натижасида кенгайган ишлаб чиқариш қувватлари даромаднинг ўсиши орқали тўлиқ ишга туширилиши лозим.

Мувозанатлик ва мутаносибликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш аввало иқтисодиёт турли тармоқлари ва соҳаларининг жорий даврдаги ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини таъминлашдаги ҳиссасини аниқлаш орқали амалга оширилади. Буни қуйидаги босқичлар орқали кўриб чиқиш мумкин.

[1] Курс экономической теории. / Под. общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – Киров, «АСА», 1995. -С. 502.

1-босқич. Иқтисодиёт тармоқлари ёки соҳаларининг жорий йилдаги ЯИМ ҳажмидаги улушини аниқлаш:

$$ТУ_{ЯИМi} = \frac{ТИХ_i}{ЯИМ} \times 100\%$$

бу ерда: $ТУ_{ЯИМi}$ – i-тармоқнинг жорий йилдаги ЯИМ ҳажмидаги улуши; $ТИХ_i$ – i-тармоқнинг жорий йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми; *ЯИМ* – жорий йилдаги ЯИМ ҳажми.

2-босқич. Иқтисодиёт тармоқлари ёки соҳаларининг жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссасини баҳолаш:

$$Ў_{ЯИМi} = \frac{ЎС_{ЯИМ} \times ТУ_{ЯИМi}}{100\%}$$

бу ерда: $Ў_{ЯИМi}$ – i-тармоқнинг жорий йилда ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссаси; $ЎС_{ЯИМ}$ – жорий йилда ЯИМнинг ўсиш суръати.

Мувозанатлик ва мутаносибликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашдаги муҳим йўналишлардан бири – иқтисодий жараёнлар ўртасидаги муайян мутаносиблик нуқтаи назаридан ёндашув ҳисобланади. Бу борада иқтисодий адабиётларда энг кўп эътибор қаратилган жиҳат истеъмол, жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги оқилона нисбатларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ўрганишдир.

Инвестициялар йиллик ўсиш суръатини оширмасдан туриб, иқтисодий ўсиш суръатини ўстириш мумкин эмас. Инвестицияларни кўпайтириш учун эса истеъмол билан жамғариш ҳамда ялпи инвестиция билан соф инвестиция ўртасидаги нисбатларнинг номутаносиблигини тузатиш лозим бўлади. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги нисбатлар мутаносиблигини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади[1].

Инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ҳамда инвестицион фаолликни рағбатлантириш ҳам иқтисодиётда маълум мутаносибликларга амал қилинишини тақозо этади. Маълумки, инвестициялар ҳажмининг ўсиши иқтисодиётдаги жамғариш меъёри ва ҳажмига боғлиқ. Шунга кўра, иқтисодиётнинг инвестиция жараёнларини кенгайтириш имкониятларини ошириш учун миллий даромаднинг жамғаришга сарфланувчи қисмини кўпайтириш керак бўлади.

Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги мутаносиблик ушбу жараёнлар даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда инвестициялаш жараёнларининг фаоллашуви да айнан шу мутаносибликнинг оқилона нисбатга эга бўлиб бориши муҳим ўрин тутмоқда.

Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги нисбатларнинг таркиб топишига қуйидаги зиддиятлар таъсир кўрсатади: 1) даромаднинг бир қисмини жамғаришга сарфланиши натижасида «даромадхор ашёлар» оқимида маълум даражада номутаносиблик вужудга келади; 2) даромаднинг бир қисми жамғарилиши оқибатида ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши юз бериши мумкин.

Истеъмол ва жамғаришни шакллантиришга даромаддан ташқари қуйидаги омиллар таъсир этади:

- уй хўжалигининг бойлик захираси;
- инфляция даражасининг ўзгариши;
- нарх ўзгаришидаги кутишлар;
- солиқлар даражасининг ўзгариши;
- истеъмол ва жамғаришга мойиллик.

[1] Уринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2005. –60-62-б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Умуман инвестицияларнинг ўсиш суръатлари билан ЯИМнинг ўсиш суръатларини таққосласак, унда маълум номутаносибликни кўриш мумкин. Маълумки, инвестиция нормаси (меъёри)нинг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келади. Бунда шуни унутмаслик керакки, амалиётнинг кўрсатишича, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш шароитида инвестициялар ҳажмининг қисқариши албатта ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши билан бир вақтда содир бўлмайди. Аммо, бу ҳол иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига таъсир қилади.

Кейинги йилларда аҳоли даромадларининг ошиши ҳамда жамғармаларни амалга оширишнинг рағбатлантирилиши натижасида ялпи жамғармаларнинг ҳажми сезиларли равишда ошиб борган. Бунинг натижасида, дастлаб мамлакатдаги ялпи жамғармалар ва ялпи инвестициялар ўртасида мувозанат таъминланган бўлса, кейинги йилларда ялпи жамғармалар ҳажмининг ялпи инвестициялар ҳажмидан ошиб бориши тенденцияси рўй берган. Бу эса мамлакатдаги ялпи жамғармалардан инвестиция сифатида фойдаланиш талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги катта фарқ таъсирида келиб чиқувчи салбий оқибатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– жамғармаларнинг катта қисми иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялаш мақсадида фойдаланилмай, бу иқтисодий ўсиш, ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадлари суръатларига таъсир қилади;

– жамғаришнинг юқори даражаси аҳоли ва давлатнинг пировард жорий истеъмолини чеклаб қўяди. Бунинг натижасида ялпи талаб қисқариб, у қисқа ва узоқ муддатли даврда кўп жиҳатдан ЯИМ динамикасини белгилаб беради;

– капиталнинг, биринчи навбатда, нолегал капиталнинг иқтисодиётдан чиқиб кетиши хавфи кучаяди. Дастлабки босқичда у нолегал импорт хариди, кейинги босқичларда резидентларнинг нолегал импортдан, шунингдек экспортдан олинадиган даромадининг бошқа мамлакатларда «туриб қолиб», уларнинг ривожланишини молиялаштириши шаклида рўй бериши мумкин[1].

Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этади. Бугунги кунда барча ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсиш моделларида ушбу омилнинг иштироки беқиёсдир. Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўзларининг товар бўйича рақобатбардошликларини оширишни инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни юксалтириш орқали юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига таъминламоқдалар.

Бироқ, кейинги йилларда республикамизда фанга бўлган реал молиявий ажратмаларнинг пасайиш ҳолати сезилмоқда. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 80-йилларининг охирида фанга бўлган умумий сарфлар ЯИМнинг 4%ни ташкил этиб, бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эди. Шунингдек, фундаментал ва амалий ишланмаларнинг 50%га яқини ўзининг йўналиши ва олинган натижа даражаси бўйича жаҳон кўрсаткичларига мувофиқ тушса, 20% жаҳон даражасидан ҳам юқори турар эди[2]. Ҳозирда мамлакатимиз саноатидаги инновацион жиҳатдан фаол корхоналарнинг сони ҳамда саноат маҳсулоти умумий ҳажмидаги илмий маҳсулотнинг улуши жуда паст.

Бундай ҳолат бошқа собиқ иттифоқдош республикаларда ҳам кузатилмоқда. Масалан, Россияда «... Фан тўғрисидаги қонунда илмий хизмат кўрсатиш соҳасини молиялаштириш меъёрлари бюджет сарфлар қисмининг 4%дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Бироқ, 2003 ва 2004 йиллар бюджетида фанни молиялаштириш ҳажми атиги 1,7%ни ташкил этди. Натижада юқори тех-

[1] Совершенствование инвестиционной политики: макроэкономические условия и предпосылки активизации частных инвестиций в Узбекистане. / Рабочий доклад. – Ташкент, Центр экономических исследований, 2008. –С. 5-6.

[2] Материалы Республиканского научного семинара «Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики». Выпуск 1. – Т., 2004 -С. 212.

технологик товарларнинг жаҳон экспортида Россиянинг улуши жуда паст – 0,3% даражасига тушиб кетди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич АҚШда – 19,4%, Корея Республикасида – 5,6%, Хитойда – 4,2%, Лотин Америкасида – 2,8%ни ташкил этган»[1]. Шунга кўра, бугунги кунда фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги интеграцион алоқани янада кучайтириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятида инновацион ишланмалардан фойдаланишни рағбатлантириш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий йўлларидан ҳисобланади.

Мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири – мавжуд ресурслар тақсимотини яхшилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни самарали жойлаштириш ҳисобланади. Масалан, П.Щедровицкийнинг таъкидлашича, Россияда саноатнинг салоҳияти ҳамда ишчи кучининг нотўғри жойлаштирилиши оқибатида ҳар йили иқтисодий ўсиш ҳажмининг 3%га яқин йўқотилади[2]. Бу муаммо республикамиз учун ҳам долзарб ҳисобланиб, уни ҳал қилишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: иқтисодиёт тармоқларида замонавий технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали гайёр маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини ошириш; товар ва хизматларнинг давлат хариди бозорларида рақобат муҳитини вужудга келтириш. Бу мақсадга эришиш учун давлат буюртмаларини тендерлар орқали жойлаштиришни амалга ошириш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар нархларини янада эркинлаштириш зарур; республиканинг турли минтақалари бўйича инвестицион ресурслар, шу жумладан, хорижий инвестиция ва кредитларнинг мутаносиб тақсимланишини таъминлаш; инвестиция ресурсларини турли минтақалар бўйича тақсимлашда аҳолининг бандлик даражаси, аҳоли жон бошига даромад, инвестицияларни жалб этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг мавжудлиги ва бошқаларни эътиборга тутиш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётида мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни янада юксалтиришнинг қуйидаги йўналишларига алоҳида эътиборни кучайтириш муҳим ҳисобланади:

– миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни оптималлаштириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

– иқтисодий жараёнлар ўртасидаги муайян мутаносиблик ва мувозанатни таъминлаш;

– мамлакатдаги ишчи кучи ресурслари ва улардан фойдаланиш борасидаги мутаносибликни таъминлаш;

– инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни юксалтириш орқали юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -5-6

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. / Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. –43-б.

3. Экономическая теория: Учебник. Изд. испр. и доп. / Под общ. ред. акад. Видяпина В.И., Добрынина А.И., Журавлевой Г.П., Тарасевича Л.С. – М.: «ИНФРА-М», 2005. -С. 448.

[1] Кактурская М. Отдайте деньги народу! // «Аргументы и факты», 2005, №11. -С. 6.

[2] Щедровицкий П. Сбежать из мертвой зоны. // «Аргументы и факты», 2005, №6. -С. 6.

4. Курс экономической теории / Под. общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – Киров, «АСА», 1995. -С. 602

5. Ўринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2005. –60-62-б.

6. Совершенствование инвестиционной политики: макроэкономические условия и предпосылки активизации частных инвестиций в Узбекистане. / Рабочий доклад. - Т., Центр экономических исследований, 2008. –С. 5-6.

7. Материалы Республиканского научного семинара «Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики». Выпуск 1. – Т., 2004. -С. 212.

8. Кактурская М. Отдайте деньги народу! // «Аргументы и факты», 2005, №11,. -С. 6.

9. Щедровицкий П. Сбежать из мертвой зоны. // «Аргументы и факты», 2005, №6. -С. 6.

Толаметова З.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети доценти, иқтисод фанлари номзоди
Қулматов А.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети доценти, иқтисод фанлари номзоди

АҲОЛИНИ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

Таъкидлаш зарурки, жаҳонда кўзга кўринган иқтисодчи олимлар – А.Смит, Ж.Сей, А.Маршалл, Н.Кейнс, Фридман, Самуэльсон, Оукен, Филлипс ва бошқалар аҳолининг бандлиги ва ишсизлик муаммоларини, ишсизликнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш масалаларини катта эътибор билан ўрганганлар.

Неоклассиклардан фарқли кейнсчилар ва монетаристлар меҳнат бозорига доимий номувозанат ҳолати сифатида қарайдилар. Хусусан, монетаристлар мактабининг вакиллари (М.Фридман) бозорни мувозанатга келтириш учун пул-кредит сиёсатини қўллашни таклиф қиладилар.

Кейнс иқтисодиётга давлат аралашуви зарур деб ҳисоблайди, ишсизлик жараёнига давлат солиқларини камайтириш йўли билан жами талабни рағбатлантиришни таклиф қилади. Макроиқтисодиёт мувозанатига эришиш мумкин, лекин шунда ҳам маълум даражада ишсизлик ва инфляция сақланиб қолади дейилади ва буни илмий жиҳатдан исботлаб беради.

Кейнс ўз тадқиқотларини Сэй қонунини инкор қилишдан ва самарали талаб назариясини асослаб беришдан бошлади. Кейнсгача бўлган даврда классиклар Сей қонунини қабул қилган бўлиб, унга мувофиқ таклиф ўз талабини юзага келтирар деган фикрда бўлган. Кейнс эса жами талаб ўз таклифини юзага келтириш ғоясини илгари сурди. Кейнснинг фикрича, ишсизликни ҳал қилувчи сабаби «самарали талаб» ҳажмининг етарли эмаслигидир, унинг таркибий элементлари, бир томондан шахсий истеъмол молларига бўлган талаб ҳисобланса, иккинчидан инвестицион молларга, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаблардир. Истеъмол молларига бўлган талабнинг пастлигига сабаб инвестицияларга рағбатлантиришнинг етарли эмаслигидир. Кейнс талқинидаги самарали талаб ҳажмининг етарли эмаслиги муқаррар равишда инвестиция жараёнининг сустлиги билан изоҳланади. Бунга сабаб, тадбиркорларнинг капитал қўйилмаларга камроқ қизиқиши, демак, ишчи кучини «тўлиқ бандлик» билан таъминлаб бўлмаслигидир. Бу эса ишсизликнинг ортишига олиб келади. Бунда истеъмол ва инвестицион молларга жами талаб қанчалик озроқ бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик юқори бўлади ёки аксинча. Кейнс самарали талабнинг етарли эмаслигини бартараф этиш учун давлат харажатларини кўпайтириш, давлат талабини ошириш ҳисобига жами талабни шакллантириш давлатнинг ролини кучайтириш ва мазкур мақсадга эришиш учун молия-бюджет, пул ва кредит тизимларининг бутун механизми бўйсундирилиши лозим, деб таъкидлайди.

Хуллас, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва ўсиши меҳнат ресурсларининг бандлиги билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий барқарорликка эришиш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун, энг аввало, ишчи кучининг тўла ва самарали бандлигини таъминлаш зарур.

Аҳолининг меҳнатда бандлик даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- демографик жараёнлар;
- глобализация;
- урбанизация;
- техника тараққиёти;
- макроиқтисодий инқирозлар ва иқтисодий пасайишлар.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳудуднинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиши фақат меҳнат ресурсларининг бандлиги билан ифодаланмайди, балки унинг таркибий тизимига тармоқлар ва соҳаларда қандай бандлиги билан ҳам ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони йилдан йилга ўсиб бормоқда, натижада 2013 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар 12523 минг кишидан иборат бўлгани ҳолда, банд бўлганларнинг 12,9 фоизи саноатда, 27,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, 9,3 фоизи қурилишда, 5,3 фоизи транспорт ва алоқада, 11,0 фоизи савдо ва умумий овқатланишда, 3,6 фоизи уй жой коммунал хўжалигида, 13,1 фоизи таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатишда, 0,5 фоизи молия кредит ва суғурта тармоқларида ўз фаолиятларини олиб боришди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 45,7 фоизини аёллар, 54,3 фоизини эркаклар ташкил этди[1].

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5%га ўсди ва 2014 йилда 12818 минг кишига етди. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60%и давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2014 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81,9%ни, давлат секторида 18,1%ни ташкил этди[2]. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар 76 %ни ташкил этди. 2014 йилда бандликнинг энг юқори кўрсаткичлари 2014 йилда Андижон вилоятида 1245,0,7 минг кишини, Самарқанд вилоятида 1402,5 минг кишини, Фарғона вилоятида 1462,8 минг кишини, Тошкент вилоятида 1272,4 минг кишини ташкил этди[3].

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг самарали, оқилона меҳнатда бандлигини таъминлашда республикамизнинг биринчи Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбек модели» ва назарий концепциясига асосланган ҳолда мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Бунда республиканинг миллий, демографик хусусиятлари ҳисобга олингани ҳолда аҳоли бандлигини таъминлашда давлат томонидан актив ва пассив сиёсат уйғунликда олиб борилмоқда.

Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати уч асосий мақсадга эришишни назарда тутади:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- аҳолининг самарали ва оқилона меҳнатда бандлигини таъминлаш;
- иш қидираётганларнинг ҳар бирини иш билан таъминлаш.

Давлат меҳнат бозорида ишчи кучининг миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланишига ишчиларнинг касбий тайёргарликларининг замонавий ишлаб чиқариш даражасига мувофиқлигига қаратилган тизимлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-ҳунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун

[1] Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.

[2] Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015.

[3] Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -63-б.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оши-

Аҳолининг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:

- таъсир кўрсатиш объекти бўйича (умумий ва ихтисослашган чора-тадбирлар);
- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва унга таъсир кўрсатиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита маъмурий усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;
- бевосита иқтисодий усуллар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир кўрсатиш усуллари:

- пассив таъсир кўрсатиш – иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ердам;
- фаол таъсир кўрсатиш – меҳнат таклифини рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ рақобатбардош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.), минтақаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва шу кабилар (1-расм).

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартибга солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Бандлик жамғармаси харажатларини шартли равишда тўрт йўналиш бўйича қисмларга ажратиш мумкин:



1-расм. Меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлаш усуллари.

1. Ишсизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ муддатли пенсиялар тўлаш (уларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган).

2. Қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни давлат бандлик хизматлари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Молиявий қўллаб-қувватлашга қимматли қоғозлар сотиб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ва бошқа харажат-

ларга мўлжалланган маблағлар. Шу билан бирга «молиявий қўллаб-қувватлаш» моддасига доир харажатларни меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш қабул қилинган.

4. Бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, «Бандлик» ахборот хизмати).

Давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлашни ошириш сиёсатини ўтказади. Биринчидан, ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Иккинчидан, ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискал, пул-кредит воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

Учинчидан, давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солишда:

- аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларга;
- иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришларига;
- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонларига;
- ишлаб чиқариш ҳажми, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;
- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Давлат меҳнат муассасалари томонидан меҳнат ресурсларини ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркаларини уюштириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тадқиқ қилиш, меҳнат бозорида талабнинг ўсишига кўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича ишлар қилинмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.

4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.

5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –56-б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2010 йил 22 сентябрь.

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. –80-б.

8. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд – Т.: «Ўзбекистон», 2009. –280-б.

9. Узбекистан в цифрах. 2013. Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике. – Т., 2013.

10. Труд и занятость в Узбекистане 2014.

11. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожланиш йўналишлари. Т.: «Иқтисодиёт», 2014. -305-б.

A.X.Ishmuxamedov
Mirzo Ulug'bek nomodagi O'zMU «Matematika»
fakulteti dotsenti

ELEKTRON TO'LOV TIZIMLARI

Tijoratda har qanday shartnomani amalga oshirishda bu shartnoma bo'yicha pulli hisob-kitoblar amalga oshirilishi bilan tugallanadi. Hisob-kitoblar, mavjud moliyaviy talablar va majburiyatlar bo'yicha to'lovlarni tashkil etish va tartibga solishni o'zida aks ettiradi. To'lov naqd pul yoki naqd pulsiz hisob-kitob bilan amalga oshirilishi mumkin.

Naqd pulsiz hisob-kitob bu shunday hisob-kitobki, bunda naqd pullar ishtrokisiz to'lovlar amalga oshiriladi, ya'ni pul vositalari to'lovchining hisobidan oluvchining hisobiga pul o'tkazish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Naqd pulsiz hisob-kitob har xil shakllarga ega bo'lishi mumkin:

- bank o'tkazmalari,
- bank kartalari,
- inkassa; akkreditiv;
- chek va boshqalar.

Bankning har qanday maqsadlar uchun pul vositalarini o'tkazish operatsiyalari tranzaksiya deb nom olgan.

Tranzaksiya – bu bank kartasiga ega kishining xabarlari ketma-ketligi bo'lib, tizim ishtrokchilari tomonidan ishlab chiqiladi va karta egasiga xizmat ko'rsatish uchun bir ishtrokchidan boshqa ishtrokchiga uzatiladi.

Tranzaksiya quyidagi asosiy xususiyatlarga ega:

– bo'linmaslik,
– muvofiqlik;
– himoyalanganlik;
– ishonchlilik,

– karta sohibi bilan bu kartalarga xizmatni qabul qiluvchi xo'jalik subyekti o'rtasida o'zaro muloqot

Tranzaksiyalarning bo'linmaslik xususiyati shuni anglatadiki, tranzaksiyani tashkil qiluvchi barcha operatsiyalar bajarilishi shart yoki hech qaysi biri bajarilmasligi kerak.

Tranzaksiyalarning muvofiqligi – karta hisob, qoldiq, ma'lumotlar bazasidagi ma'lumotlarning haqqoniyligini buzmaslik.


Tranzaksiyalarning himoyalanganligi – bu bitta alohida olingan tranzaksiyani boshqa tranzaksiyalardan mustaqil ekanliligi.

Tranzaksiyalarning ishonchliligi shu bilan bog'liqki, tugatilgan tranzaksiya tiklanishi, tugallanmagan tranzaksiya esa bekor qilinishi mumkin.

Tranzaksiyalarning o'zaro muloqoti - karta sohibi va bu kartalarga xizmat ko'rsatuvchi xo'jalik subyekti shunday aloqani yo'lga qo'yishadiki, natijada karta sohibining schyotida o'zgarishlar yuz berib turadi.

Tranzaksiyalar hujjat va elektron shaklida amalga oshiriladi.

Elektron to'lovlar ko'p jihatdan xuddi telefon orqali buyurtma qabul qilib oluvchi oddiy do'konlardagi to'lovlarga o'xshaydi. Elektron to'lovlarning farqli tomoni shundaki, barcha xarid qilingan tovarlar uchun to'lov jarayoni buyurtmachi kompyuteri orqali va tovar sotuvchining *Web*-serveri orqali amalga oshiriladi (1-rasm).



Rasm 1. Elektron to'lovlar tizimining sxemasi.

Sxemada ko'rinib turibdiki, xaridor brouzer, ya'ni dasturiy ta'minoti orqali buyurtmani va to'lov haqi to'g'risidagi ma'lumotni sotuvchi serveriga joylashtiradi. Web-server sahifalarida buyurtma shakllari maydoni mavjud bo'ladi, bu maydonlarni xaridor o'zining brouzerida to'ldirishi mumkin. Xaridor brouzeridan ma'lumotlar sotuvchi serveriga uzatiladi. U yerda ma'lumot qayta ishlanadi va ma'lumotlar bazasiga kiritiladi.

Ma'lumotlar bazasi ikki ma'noga ega. Birinchidan, ma'lumotlar bazasi – bu ma'lumotlarning tuzilishi va taqdim etilishi bo'yicha yagona tizimga solingan obyektiv shakldagi ko'rinishi bo'lib, bu ma'lumotlarni kompyuter yordamida izlab topish va qayta ishlash imkoniyati mavjud.

Ikkinchidan, ma'lumotlar bazasi – bu o'zaro bog'liq ma'lumotlar yig'indisi bo'lib, ularning amaliy dasturlarga bog'liqmasligi hamda izlashning umumiy boshqarish usullari, katta hajmdagi ilovalar uchun qo'llash va qisqa muddat ichida ma'lumotlarni olish imkoniyati bilan xarakterlanadi.

Sotuvchi serverига ma'lumot kelib tushgandan so'ng bu serverning dasturiy ta'minoti buyurtmaning to'g'rililigini tekshiradi, autentifikatsiya o'tkazadi va bankdan pulni o'tkazishga ruxsat oladi.

Pulni o'tkazishga ruxsat olinishi, qoidaga binoan, shlyuz orqali amalga oshiriladi va Internet yordamida bank bilan bog'lanadi. Shlyuz bu shunday dasturki, u turli protokollardan foydalanuvchi ikkita tarmoqni bog'lashga mo'ljallangan bo'lib, uning yordamida bu tarmoqlar orasida ma'lumot almashish imkoni vujudga keladi. Bir tarmoqdan ikkinchisiga ma'lumot uzatish uchun dastur bu ma'lumotlarni qayta shakllantiradi, bu bilan xar xil protokollarning sig'imkorligini ta'minlaydi.

Elektron to'lov tizimiga quyidagi talablar qo'yiladi:

1. Maxfiylik.

Maxfiylik (iot. *Confidential* – ishonch) ishonchlilik ma'nosini beradi, ya'ni ma'lumotlarni oshkor qilish mumkin emas. Tranzaksiyalarning sir saqlanishi shunda ko'rinadiki, sotuvchiga aytiladigan hisob raqami yoki bank kartasining raqami sir hisoblanadi va uni faqat qonuniy huquqqa ega bo'lgan shaxs bilishi mumkin.

2. Ma'lumotlarning to'liqliligi.

Tijorat shartnomasi haqida ma'lumotlar to'liqligicha sir saqlanishi kerak, sotib olingan mahsulot va uning narxi oshkor qilinmasligi shart.

3. Autentifikatsiya.

Autentifikatsiya (grekcha *authenticos* – asl, haqiqiy) shunday guvohlikni bildiradiki, to'lovda ishtirok etayotgan ikkinchi tomon haqiqatdan ham shu jarayon ishtirokchisi ekanligini aniqlaydi. Bu shuni anglatadiki, naqd pulsiz hisob-kitob amalga oshirilganda, masalan, bank kartasi yordamida, sotuvchi xaridordan shaxsiy guvohnomasi surati bilan so'raydi yoki xaridor imzosini o'zidagi namunasi bilan solishtiradi.

4. Avtorizatsiya.

Avtorizatsiya – xaridorning bankdagi hisobini tekshirish. Avtorizatsiya sotuvchiga xaridorning xarid narxini to'lay olishga yetarli mablag'i borligini aniqlashda yordam beradi.

5. To'lov bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi.

To'lov bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi bu Internet tarmog'ida o'g'rilarga (xakkerlarga) to'siq qo'yish va ma'lumotlarning maxfiyligi va to'liqligini ta'minlash usullarini bildiradi.

Ma'lumotlarni himoyalashning turli usullari bor, masalan, gipermatn uzatishning himoyalangan protokoli (*S-HTTP*).

S-HTTP (SECURE HYPER TEXT TRANSFER PROTOCOL) protokoli serverlar va brouzerlar haqiqiyligini aniqlash imkoniyatini beradi va *Web*-server bilan brouzer ulanganida ma'lumotlarning to'g'riligi va to'liqligiga kafolat beradi.

To'lovlar bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi ma'lumotlarni kodlash (kriptografiya va stenografiya) yordamida ta'minlanadi.

Elektron to'lovlar tizimi hisob-kitob qilishning quyidagi shakllarini o'z ichiga oladi:

- bank kartasi;
- elektron cheklar;
- raqamli pullar;
- elektron pullar.

Bank kartalaridan yirik va o'rta to'lovlarni amalga oshirishda foydalaniladi. Elektron cheklar va raqamli pullar asosan zudlik bilan to'lanishi zarur bo'lgan kichik hajmdagi to'lovlarni amalga oshirishda qo'llaniladi. Elektron pullar esa to'lovlarni bajarishda ishlatiladi.

Bank kartalari – intellektual kartalarning bir turi.

Intellektual kartalar – barcha turdagi kartalarni umumlashtiruvchi termin bo'lib, tavsiya etilishi, ko'rsatishi mumkin bo'lgan xizmatlari, texnik imkoniyatlari va ularni chiqargan tashkilotlar bo'yicha turlanadi (farqlanadi).

Intellektual kartalarning asosiy xususiyati shundan iboratki, ular amaliy dasturlarda foydalaniladigan ma'lumotlar zaxirasini o'zida saqlaydi. Karta binoga kirish vaqtida turniketdan o'tishda, telefon so'zlashuvlar uchun to'lovni amalga oshirishda, kompyuterda ishlash uchun ruxsatnoma, haydovchilik guvohnomasi, bank hisob-kitoblari va boshqalar sifatida xizmat qiladi.

Bank kartasi shuningdek plastik karta ham deb ataladi hamda karta egasi hisobidan to'lanishi kerak bo'lgan hisob-kitob va boshqa hujjatlarni tayyorlash vositasi hisoblanadi.

Kredit tashkilotlari jismoniy va yuridik shaxslar uchun bank kartalarini chiqaradi. Agar bank kartalari uning egasiga transchegaraviy to'lovlarni amalga oshirishga imkon bersa, ularning emissiyasini faqat mutassadi banklar amalga oshiradi. Transchegaraviy to'lovlar – bu davlatdan, yani ular joriy qilingan hududdan tashqarida bank kartasini ishlatish bilan amalga oshirilgan operatsiyalar bo'yicha to'lovlar hisoblanadi.

Davlat ichidagi bank kartalarining emissiyasi kridit tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi.

Kartalarni tarqatish rezident tashkilotlari va boshqa emitentlar (*American express, Diners Club, Visa Travel Money, Visa Cash, Mondex,* cheklar va boshkalar) tovar va xizmatlar uchun to'lovlar yoki naqd pulni olish faqat Markaziy Bankning maxsus ruxsatnomasi bo'yicha amalga oshiriladi. Bank kartalarini kliyentga berish u bilan tuzilgan shartnoma asosida amalga oshiriladi.

Valyuta operatsiyasini amalga oshirish uchun emitent mijozlarga Markaziy Bankdan ruxsatnoma olishi kerakligi haqida ma'lum qilishi shart, kapital harakatiga bog'liq operatsiyalar valyuta qonuniga asosan amalga oshiriladi.

Jismoniy shaxslarga, rezidentlar va norezidentlarga emitent quyidagi turdagi bank kartalarini berishi mumkin:

- to'lov kartasi – bank kartasi bo'lib, emitent va mijoz o'rtasida tuzilgan shartnomaga asosan, mijozning shaxsiy schyotidagi pul vositalarini belgilangan limit doirasida ishlatish yoki pulni naqd qilishga imkon yaratdi;
- kredit kartasi – bank kartasi bo'lib, u karta sohibi va emitent o'rtasidagi tuzilgan shartnomaga asosan emitent tomonidan berilgan kredit polyusi va chegaralangan xarajatlar doirasi miqdoridagi operatsiyalarni amalga oshiradi.

Yuridik shaxslarga emitent quyidagi turdagi bank kartalarini berishi mumkin:


- korporativ to'lov kartasi - bank kartasi bo'lib, uning sohibi emitent tomonidan o'rnatilgan chegara xarajatlar doirasida yuridik shaxs schyotida bo'lgan pul vositalarini ishlatish imkonini beradi. Bu yerda ham albatta mijoz bilan tuzilgan shartnomaga asoslaniladi;
- korporativ kredit kartasi – bank kartasi bo'lib, karta sohibi va emitent o'rtasida tuzilgan shartnomaga asosan emitent tomonidan berilgan kredit polyusi chegara xarajatlar doirasi miqdorida operatsiyalarni amalga oshirishga imkon beradi.

Elektron to'lovlarning boshqa shakllari quyidagilardan iborat:

- elektron cheklar;
- raqamli pullar;
- elektron pullar.

Elektron chek - shunday hujjatki (tijorat qimmatli qog'ozining bir ko'rinishi), unda to'lovchi o'z bankiga pulni o'tkazish to'g'risida topshiriq beradi. Elektron to'lov cheki oddiy qog'oz cheki ega bo'lgan

xususiyatlarga ega. Elektron chek odatda xaridordan elektron pochta orqali sotuvchiga o'tkaziladi. Sotuvchi bankga chekni berib u bo'yicha pul oladi. Shundan keyin chek xaridorga qaytib beriladi va to'lov isboti bo'lib xizmat qiladi. Sotuvchi tovarni xaridor uyiga yetkazib beradi. Elektron chek yordamida to'lov sxemasi 2-rasmda ko'rsatilgan.



2-rasm. Elektron cheklar yordamida tovar xaridi uchun to'lovlar sxemasi.

Shartli belgilar:

1 – tanlangan tovar uchun chekning sotuvchiga berilishi;
2 – chekni tekshirish uchun bankka yuborilishi;
3 – xaridor chekini audentifikatsiyalash va avtorizatsiyalash;
4 – to'lov;
5 – xaridor uyiga tovarni yetkazib berilishi;
6 – xaridor chekini uning bankiga qaytarish;
7 – xaridor hisobidan pulni tushirish;
8 – chekni xaridorga qaytarish.

Elektron pullar elektron pochta yoki to'g'ridan to'g'ri Internet tarmog'i orqali yetkazilishi mumkin. Har qanday holda ham xarid uchun to'lov bank kanallari yoki tarmoqlari orqali amalga oshiriladi. Elektron to'lov cheki, qog'oz chekdan ustunligi shundaki, to'lovchi shaxsiy ochiq bank kaliti yordamida, sotuvchidan yashirin holda o'zining hisob raqamini kodlab qo'yishi mumkin.

Raqamli pullar (*digital cash*) - qog'ozli naqd pullarning elektron analogidir. U pul belgilari ko'rinishiga ega. Raqamli pullar kuponlar to'plamini o'zida aks ettiradi. Kuponlar – raqamlar zanjiri bo'lib, muayyan miqdordagi pulni ko'rsatadi. Bu kuponlarni joriy qilgan bank har bir kuponni raqamli imzo bilan tasdiqlaydi. Raqamli imzo maxsus imzo bo'lib, u elektron hujjatlarni jo'natuvchining shaxsiy kaliti yordamida xabarnoma dayjestini shifrlash yo'li bilan amalga oshiriladi.

Bank tomonidan tasdiqlangan kuponlar shakllardagi raqamli pullar bitlar ketma-ketligi ko'rinishiga ega. Bit teng ehtimollik hodisalardan birini sodir bo'lishi haqidagi xabarning qabul qilinishi natijasida olinadigan ma'lumotlarni aks ettiradi.

Bank mijoz hisobidagi kuponlarning bir qismini karnaytirish yoki qo'shish yo'li bilan, uning bank hisobidagi oddiy pul summasiga ekvivalent ravishda, bit zanjirini hosil qiladi. Kuponni pul oluvchining kompyuteriga uzatishdan oldin, bank uni o'zining raqamli pechati bilan tasdiqlab qo'yadi. Xaridor tovar sotib olish uchun do'konda raqamli naqd pullarning bir qismini ishlatmoqchi bo'lsa, u sotuvchiga kerakli miqdorda kuponlarni berishi mumkin. Sotuvchi o'z navbatida bu kuponlarni tekshirish va to'lovni olish uchun bankka uzatadi.


Adabiyotlar:

1. Царев В.В., Контарович А.А. Электронная коммерция. – СПб: «Харнсов», 2002.
2. Козье Д. Электронная коммерция. / Пер. с англ. – М.: Издательско-торговый дом «Русская редакция», 1999.
3. Балабанов И.Т. Электронная коммерция: Учебник. – СПб.: «Питер», 2001.
4. Афонина С.В. Электронные деньги. – СПб.: «Питер», 2001.

Махмудова Г.Н.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси, иқтисод фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш концепциясини ишлаб чиқиш унинг стратегиясини тўғри танлашдан иборат. Назарий-методологик нуқтаи-назардан қараганда, модернизациялаш стратегияси миллий иқтисодиётда макродаражадаги ижтимоий-иқтисодий тизим билан микродаражадаги хўжалик юритувчи субъектлар ва хонадон хўжаликларини ўзаро боғлиқлигини, уйғунлигини ифода этиб, ушбу алоқадорликни такомиллаштириб, ривожлантириб бориш йўналишларини ўз ичига қамраб олади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини яқин ва ўрта истиқболда таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсишни узоқ муддатларда сақлаб қолиш учун турли стратегик дастурлар қабул қилинади. Ушбу дастурлар орасида Ўзбекистон иқтисодиёти учун энг муҳими бу – модернизациялаш стратегияси ҳисобланиб, у мамлакатни инновацион тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг ягона дастуридир. Иқтисодиётни модернизациялаш концепцияси иккита муҳим: ҳуқуқий ва институционал асосга таянади. (1-расм)



1-расм. Иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг асослари.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ишончли ва барқарор қонуний-ҳуқуқий базага эга бўлиши керак. Ўзбекистонда 1991–2015 йилларда иқтисодиётга оид 1000 га яқин қонунлар, кодекслар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бош қомуси – Конституциясига мувофиқ ишлаб чиқилган. Улардан иқтисодиётни модернизациялашга бевосита ва билвосита тааллуқли бўлганларини бажарадиган вазифасига кўра қуйидаги йўналишларга ажратиб классификациялаш мумкин:

Биринчидан, давлат бошқарувини ташкил этиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат

ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Иккинчидан, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш ва эркинлаштириш соҳасида: Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Риелторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни ҳамда уларга мувофиқ ишлаб чиқилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Учинчидан, корхоналар фаолиятини янгича асосда ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасида: Солиқ Кодекси, Бюджет Кодекси, «Корхоналар тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Алоқа тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ва бошқа қонуний кучга эга бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниши корхоналар фаолиятини изчиллаштириш учун том маънода муҳим вазифасини ўтади.

Тўртинчидан, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида: Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Ахборотдан олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа шу кабилар аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳимлик касб этди.

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ривожлантириш соҳасида: «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ҳуқуқий кучга эга бўлган норматив-меъёрий ҳужжатлар номларини келтириш мумкин.

Улар иқтисодиётни модернизациялашнинг умумий мақсадларига эришиш ва иқтисодий сиёсатнинг характерини очиб бериш учун хизмат қилган бўлса, алоҳида тармоқлар ва корхоналарни модернизациялашда махсус Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, дастурлари ҳамда низом ва йўриқномалар қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинган. Хусусан улар жумласига қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар киритилади:

– 13.11.2006 йилдаги «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги № ПҚ-510 сонли Президент Қарори;

– 14.03.2007 йилдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Президент Фармони;

– 03.04.2007 йилдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги 70-сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

– 01.06.2007 йилдаги «2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-646-сонли Президент Қарори;

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

– 12.06.2007 йилдаги «2007-2011 йилларда даврда ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий кайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-651-сонли Президент Қарори;

– 10.07.2007 йилдаги «Ўзметкомбинат» АИБ ишлаб чиқаришини 2007-2011 йиллар даврида модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-669-сонли Президент Қарори;

– 27.07.2007 йилдаги «2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-677-сонли Президент Қарори;

– 19.11.2007 йилдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-731-сонли Президент Қарори;

– 07.04.2008 йилдаги «Қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-832-сонли Президент Қарори;

– 7.04.2014 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Президент Фармони;

– 15.12.2010 йилдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442-сонли Президент Қарори.

– 4.03.2015 йилдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли Президент Фармони.

1996 йилдан анъанага айланган йилларга ном бериш ва номланишдан келиб чиқиб қабул қилинадиган Йил дастурлари доирасида иқтисодиёт субъектларини молиялаштириш даражаси ортиб борди. Жумладан, 2009 – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқ инфратузилмаси янада ривожлантирилди, 2011 – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да қўплаб кичик бизнес субъектлари ташкил этилди ва уларга қатор имтиёзлар яратилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи омили ҳисобланган тадбиркорлик борасида, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлайдиган институционал инфратузилма шаклланди. Уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб, то фаолиятларини кредитлаш амалиётигача, биржа савдолари орқали хом ашё ресурларини сотиб олишдан то уларнинг фаолиятларини текширишларни чеклашгача, ёки молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг электрон тизимини яратиш каби қулайликлар яратилганки, мазкур қулайликлар тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш ва бу соҳани кенг ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тусиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли қарори, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони, «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида» 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 18 январда сўзлаган «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, иқтисодиётни модернизациялаш дастурини яратиш тўғрисидаги ғоялар, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олиб олиш керакки, эришилган ютуқлар ва қўлга киритилган марралар билан бир қаторда миллий иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг қонуний-ҳуқуқий асосларида қатор муаммолар ва ноаниқ ҳолатлар мавжуд:

биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг етарлича даражада барқарор эмаслиги ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига кўп маротаба ўзгартириш ва тузатишлар киритилиши («Корхоналар тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Солиқ тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар);

иккинчидан, қонун қабул қилингандан сўнг қисқа муддатлар ичида унга тегишли фармон ёки қарорнинг қабул қилиниши, ёки аксинча, фармон ёки қарор амалиётда ишлаётгани ҳолда маълум муддат ичида қонун қабул қилиниши («Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» қонунлар ва «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» Холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, «Ўзпахтасаноатэкспорт» Холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони);

учинчидан, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамма вақт ҳам макродараҳа билан микродараҳа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тўлиқ таъминлаб бера олмаслиги (Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни);

тўртинчидан, қонунларнинг айрим бандлари уни амалга оширувчи субъектларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилмаслиги, асосан бир томонлама, яъни давлат манфаатларидан келиб чиқиб тайёрланиши («Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни);

бешинчидан, иқтисодиётни модернизациялашда муҳим аҳамият касб этувчи бюджет тизими, солиққа тортиш тизими, банк тизими, инновация тизими, валюта тизими, экспорт ва импорт операцияларини ўтказиш бўйича ваколатли органлар ҳисобланган Молия вазирлиги, Солиқ Қўмитаси, Марказий Банк, Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги томонидан қабул қилинган қонуности норматив меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва йўриқномаларда бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига зид келадиган ҳолатлар учрайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг асосида турувчи бешта тамойилга мувофиқ иқтисодиётни ислоҳ этиш соҳасида қуйидаги стратегик мақсадлар кўзланган эди:[1]

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожланган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, хусусий мулкни давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш ва уларнинг фаолиятида давлатнинг аралашувидан воз кечиш.

4. Чуқур таркибий ўзгаришлар амалга ошириш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини ўзгартириш.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда олиб борилаётган ислоҳотлар шунчаки эмас, балки инсонларнинг манфаатларига хизмат қилиши муҳимлиги белгилаб олинган.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. 18-б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистоннинг ўрта истиқболда ривожланиш стратегиясида қуйидаги йўналишлар устувор-лик касб этади:[1]

– таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқ ва тўсиқларни барта-раф этиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– иқтисодиётни тартибга солишдаги давлатнинг ролини қайтадан танқидий кўриб чиқиш;

– қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш;

– маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш;

– фаол инвестиция сиёсатини юргизиш;

– аҳоли бандлигини таъминлаш;

– аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ошириш.

Мазкур устувор йўналишлар 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сўзлаган «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнла-рини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» номли маърузада тўлақонли асослаб берилган. Юқоридаги устувор вазифалардан кўринадики, иқтисодиётни модернизациялаш концепцияси фақатгина иқтисодиётни ўзини модернизациялашга, яъни технологик қолоқликни тугатишга қаратилибгина қолмасдан, балки жамиятнинг ижтимоий модернизациялашувини талаб этади. Шунингдек, инсон омилининг ривожланиш стратегиясининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қайд этиш керак. Чунки ҳар бир устувор аҳамиятга эга бўлган вазифа инсонлар орқали амалга оши-рилади ва унинг натижаси пировардида инсон манфаатларига хизмат этади. Масалан, биринчи устувор вазифа – иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга эришишда инновациялар муҳим ўрин тутади. Бунда фан сиғимкорлиги юқори бўлган соҳа ва тармоқларни ривожланти-риш ҳисобидан билимлашган иқтисодий жамиятга ўтиш назарда тутилади. Хулоса қилиб айт-ганда, иқтисодиётни модернизациялашнинг қонуний-ҳуқуқий асослари унинг институционал асосларини шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлди.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг институционал асосларининг илдизлари ҳам иқти-содий ислоҳотларнинг дастлабки босқичига тўғри келади.

Режали иқтисодиётга асосланган маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш институционал ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этган. Бунда дастлаб бошқарув тизими ислоҳ этилди. Масалан, Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нарх-лар қўмитаси, Давлат агро-саноат қўмитаси ва бошқа маъмурий аппаратлар тугатилиб, уларнинг ўрнида янги бошқарув бўғинлари тузилди. Шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг тузилиши, Молия вазирлиги, Марказий банкнинг таркибий тузилмасига киритилган ўзгартиришлар нати-жасида солиқ, банк ва молия тизими тубдан янгиланди.

Иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг биринчи босқичида асосий устувор вазифа ҳисобланган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, хусусий секторни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди. Айни вақтда бу идора Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан

[1] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекисточ», 2015. -45-63-б

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси деб аталади. 1991-1994 йилларда ташқи алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди. Ҳозирги пайтда ушбу ташкилот Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги деб номланади. Унинг асосий вазифаларига товарлар ва хизматлар бозорини таҳлил этиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни бошқариш, экспорт ва импорт масалаларини ҳал этиш кабилар киритилган.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва саноат сиёсатини олиб бориш давомида модернизациялаш стратегияси йўналишларини танлашда ҳар бир тармоқ ва ҳар бир ҳудуд кесимида алоҳида ёндашув талаб этилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида энг чуқур таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиёти тармоқлари айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди[1] Корхона ва ташкилотлар ўз ихтиёрига кўра концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига киритилди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш бир нечта босқичларда амалга оширилган.

Тайёрлов босқичида (1990-1991 йй.) Ўзбекистон шароитларига хос бўлган хусусийлаштиришнинг методлари, шакллари ва ёндашувлар ўрганилди. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, хусусийлаштиришга тааллуқли бўлган бошқа қонуности ҳужжатлари тайёрланди.

Биринчи босқичда (1992-1993 йй.) «кичик хусусийлаштириш» номи билан уй-жой фонди, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо билан шуғулланувчи кичик корхоналар, маҳаллий саноат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларини ўз ичига олувчи объектлар хусусийлаштирилди.

Иккинчи босқич (1994-1998 йй.) оммавий хусусийлаштириш даври бўлиб, унда машинасозлик, автомобиль, қурилиш, озиқ-овқат ва енгил саноатдаги йирик ва ўрта корхоналарни очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш амалга оширилди.

Учинчи босқич (1999-2004 йй.) саноатнинг йирик тармоқлари ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия ва бошқаларда оммавий хусусийлаштиришдан якка тартибга ўтиш билан тавсифланиб, бунда давлат объектларини хорижий инвесторларни жалб этиш орқали хусусийлаштиришга алоҳида урғу берилди.

Тўртинчи босқичда (2005-2008 йй.) йирик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини давом эттиришни кўзда тутувчи махсус Дастур қабул қилинди[2]

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган 2008 йилдан хусусийлаштиришнинг навбатдаги бешинчи босқичи бошланиб, бунда аввало, паст рентабелли, зарар кўриб ишловчи, иқтисодий ночор корхоналарни хорижий инвесторларга «ноль» баланс қиймати билан сотиш ҳамда банкларнинг балансига ўтказиш вазифаси кўндаланг қўйилди. Бундай корхоналарни инвестициялаш орқали иқтисодиётнинг реал тармоқларида техник ва технологик янгилаш, модернизациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошликни оширишга эришилади. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилда қабул қилинган «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига киритилмаган объектларни аниқлаб, иқтисодиётнинг реал тармоқларида давлатнинг иштирокини қисқартириш нуқтаи назаридан баҳолаб, 2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича янги дастурни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритди.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. -83-б.

[2] Промышленная стратегия в Узбекистане: аспекты проблем и формирования. – Т. 2005. -С. 36.

1-жадвал. Ўзбекистонда корхона ва объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг бориши[1]

Йиллар	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони	Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари, млн. сўм	Хусусийлаштирилган объектларнинг баланс қиймати, млн. сўм	Хусусийлаштирилган мулк қиймати, млн. сўм
1996	1915	5296,8	17595,0	20759,5
1997	1231	4415,9	14712,7	17689,0
1998	451	8868,2	7474,9	21292,4
1999	448	9100,1	6176,7	17709,9
2000	374	14279,4	30929,3	85103,7
2001	1449	23195,6	81866,1	144906,6
2002	1912	43590,8	x	x
2003	1519	56060,9	x	x
2004	1228	78465,1	x	x
2005	980	80522,2	x	x
2006	673	70452,4	x	x
2007	631	111129,9	x	x
2008	392	130577,3	x	x
2009	135	35738,8	x	x
2010	96	23028,6	x	x
2011	95	39217,8	x	x
2012	83	32052,8	x	x
2013	82	44054,7	x	x
Жами	13694	810047, 3		

1–жадвал маълумотларидан кўринадики, 1996-2013 йилларда Ўзбекистонда 13694 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, ундан жами 810 млрд. сўм маблағ тушган.

Институционал ислоҳотлар борасида ҳам қанчалик ўз ечимини топмаган муаммолар мавжудки, улар иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини жадаллаштиришга тўсиқ бўлмоқда. Масалан, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ўзларининг бошқарув тизимидаги принциплар ва ёндашувларни ташқи иқтисодий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирмаганликлари жиддий муаммолар сирасига киради.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун иқтисодиётни модернизациялаш концепциясини самарали амалга оширишда қуйидаги иккита йўналишдан бирига ёндашилади:

1. Модернизациялашнинг институционал асосларини такомиллаштириб бориш орқали миллий иқтисодиётдаги ўсиш суръатларига эришилади.

2. Миллий иқтисодиётдаги ўсиш суръатлари модернизациялашга хизмат қилувчи институционал инфратузилмани ривожлантиради.

Демак, ҳар икки ёндашувдан ҳам кўринадики, модернизациялаш концепциясининг асоси ҳисобланган иқтисодий ўсишга эришиш ва институционал ислоҳотларни олиб бориш бир-бирини тақозо этувчи ва айни пайтда тўлдирувчи вазифалардир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг ҳуқуқий-институционал асосларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш талаб этилади:

[1] Йиллик статистик тўплам. Т. 2008, 2014.

Биринчидан, иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг асосида «Модернизация тўғрисида»ги, «Инновация тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши зарур. «Модернизация тўғрисида»ги қонунда модернизацияга оид асосий тушунчаларнинг аниқ таърифлари, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади, турлари, объекти, субъекти, уларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари аниқ ва пухта ишлаб чиқилсагина, мазкур ҳужжат қонуний кучга айланади.

Иккинчидан, иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясининг устувор йўналишларини белгилаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилса-да, унда саноат, бандлик, инвестиция сиёсатларига алоҳида урғу берилиши керак.

Учинчидан, иқтисодиётни модернизациялашнинг қулай институционал инфратузилмаси яратилиши ва у мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши зарур.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида - Т.: «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -45-63-б.

3. Промышленная стратегия в Узбекистане: аспекты проблем и формирования. - Т.: 2005

4. Йиллик статистик тўплам. Т. 2008, 2014.

5. lex.uz сайти маълумотлари

Олимжанова Ш.О.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети доцент в.б., иқтисод фанлари номзоди

ТАРТИБГА СОЛИШ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯЛАРИДА КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ ТАМОЙИЛИ

Иқтисодий тизимнинг эркин рақобат шароитидаги ривожланиши ҳозирги босқичда стихиявий, тартибга солинмайдиган жараён ҳиссбланмайди, балки, аксинча, мувозанатлашган ва бошқариладиган барқарорлик ҳолати сифатида ўрганилиб, потенциал мувозанатни макроиқтисодий тартиблаш ва таҳлил қилиш илмий усуллари нуқтаи назаридан асосланган технологик модернизациялаш давлат сиёсатининг натижаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: «2015 йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, азвало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий муганосиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди»[1], деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонда 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Мувозанатлилик ва номувозанатлиликнинг макроиқтисодий ҳолатини ўрганиш ҳамда барқарорликнинг потенциал ўзгаришларини белгиланган қонуний кетма-кетликда прогноз қилиш орқали тизим сифатида ривожланаётган ҳар қандай эволюцион жараёнларни, табиат ва жамият воқелигида кузатиладиган ҳодисалар моҳиятини тизимли ёндашув ва илмий, сабаб-оқибат асослаши нуқтаи назаридан ўрганиш лозим:

– муқит тартибсизлигидан тартиб таркибини ажратадиган барқарорлик ҳолатининг вужудга келиши;

– моддий ҳаёт ва рақобатбардошлилик шарти сифатида амал қиладиган бошланғич таркибий тартибнинг қайта ташкил қилиниши ва барқарорлигининг ўзгариши;

– тизимнинг эволюцион ривожланишидан иборат барқарор ҳолат асосий ташкил қилувчиларининг тугатилиши ва тарқатилиши.

Барқарорлик ўзгаришлари характери билан босқичлари эволюциясининг қонуний ва белгиланган амал қилиши иқтисодий жараёнларни табиат ва жамият учун ягона бўлган хавфсизликни сақлаш ҳамда давлат, иқтисодиёт ва жамият бир бутун тизимининг барқарорлиги тамойиллари нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини беради.

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

Макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш ва тартибга солиш асосий муаммоларини ўзига қамраб олган тадқиқотлар ҳозирги замон табиатшунослик фанларида маълум бўлган қонуниятларни таҳлил қилиш асосига қўйилади. Оддий тизим, математик модель назарий абстракциянинг асосий ва хулосаларига эга бўлган алоҳида услубий аҳамият касб этиб, у табиатда мавжуд динамик ва мураккаб ҳолатларни умумлаштиради ҳамда бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланиш реал шароитларини аниқлаш имкониятини беради.

Глобал жаҳон макротизимидаги ўсиб бораётган рақобат вазиятида мамлакат миллий иқтисодиёти тартибга солинмайдиган, технологик модернизациянинг устувор бўлмаган йўналишларида ҳаракатланадиган ва истеъмолчилик талабини рағбатлантириш тартибсиз жараёнида ялпи ишлаб чиқаришнинг кенгайиб борувчи суръатлари сифатида барқарор ривожлана олмайди.

Мувозанат оддий тизимининг илмий асосланган тамойиллари ва тушунчаларига таянган ҳолда макроиқтисодий шароитларни услубий уйғунлаштириш барқарорлик ҳолати узоқ муддатли тенденцияларининг сақланишини таъминлайдиган тартибга солиш давлат стратегияларининг мақсад ва вазифаларини тўғри танлаш имконини беради. Жамият иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳаётининг номутаносиблиги муҳитидаги беқарорлик ҳолатларини тадқиқ этиш усуллари ривожланаётган тизимларда ўз-ўзини ташкил қилиш синергетик услубияти ҳамда билишнинг рационалистик анъаналарига таянган барқарорлик ва дунёнинг кўп қатламли воқелиги тизимларидаги табиий энергия, ахборот мувозанати ҳисобланади.

Тизимли ёндашув ва ўз-ўзини ташкил қилиш назарияси асосида тузилган синергетик услубий модель ўзининг барқарор, мувозанатлашган ва бир бутун ҳолатини ҳақиқатда ўзгартирадиган жисмоний табиат ва сунъий тизимлар дунёсини уйғунлаштиради. Ҳодисалар юзасида кузатиладиган барқарорлик ҳолатининг ўзгариши ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнида ўзаро таъсирлашувчи жисмоний нарсалар ҳамда энергиянинг табиий ва қонуний ҳолати ҳисобланади.

Сунъий тизимлар энергетик салоҳияти йўқотишлари уларнинг жисмоний ўхшашлари каби барқарорлик, емирилиш ва тугаш ўртасидаги мувозанатлар бузилишининг асосий сабаби ҳисобланади. Аксинча, қийинчиликларнинг кучайиши ва юқориоқ ахборот тартибида сунъий социумнинг мураккаб, ривожланаётган тизимининг ўрнатилиши ўз энергия салоҳияти даражасини мақсадга мувофиқ оширган ҳолда яшаш фаолиятини тартибга солишга қодирдир. Макроиқтисодий мувозанат назариясида ўрганиладиган сунъий тизимларни тартибга солиш тизими кўп жиҳатдан табиат томонидан қўйилган воқеликнинг кўп бўғинли ва кўп қатламли энерго-ахборот ҳолатларида ўз-ўзини ташкил қилиш табиий механизмини такрорлайди.

Бироқ бир қарашда табиатда кузатилаётган электромагнит ҳолатлари тебраниш ҳодисаси товар-пул капитали циклик айланиши сунъий модели билан умумийликда бўлиши мумкин. Бу динамик жараёнларни ташкил қилишнинг ягона тизимли шаклидан бошқа ҳеч нарса эмасдек туюлади. Юз бераётган турли динамик жараёнларнинг тизимли тартиби энг таққосланувчан соҳалар синергетик услубиятида ахборотли акс этиб, мувозанатли ҳолатларни тасвирлашнинг ягона ва универсал шакли ҳисобланади.

Тасвирлаш тизимли модели қуйидаги универсалликлардан фойдаланган ҳолда жисмоний табиат ва инсон социуми ягона дунёси воқелигини бир хилда самарали уйғунлаштиради:

- математик ҳисоб-китоб;
- хронометрик ҳисоблаш;
- эконометрик ўлчаш.

Динамик иқтисодий тизимни математик ва хронометрик тасвирлаш иқтисодиёт назарияси илмий услуби ва инновацион тартибга солиш амалиёти учун анъанавий ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз - иқтисодиёт назариясига ўлчаш энергометрик универсализмини киритиш йўли билан ижтимоий ривожланиш динамик жараёнларини тасвирлаш имкониятларини кенгайтиришдир.

Ҳатто чекланган омиллар ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, идеал шароитларни моделлаштирадиган неоклассик синтезнинг замонавий математик усуллари ҳам одатда мувозанат сақлаш тасвирли манзарасини бериб, унда энг кенг тарқалган сабаб асослаши орқали соғлом фикрлаш тамойили сақланмоқда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Индустрлашган жамият молия ва саноат марказларининг келишилган манфаатлари шаклида бозор муносабатларининг инқирозга қарши тартибга солиниши макроиқтисодий моделда бу муносабатларнинг товарлар ва капиталларнинг тартибсиз ва бошқарилмайдиган оқимларини детерминантлайдиган барқарор алоқалари мувозанатлашган тизими ўз-ўзини ташкил қилиш механизми сифатида ўрганилиши мумкин.

Фонд бозорини тартибга солиш ички механизмлари чекланган барқарорлик табиий даражаси тамойили бўйича ишлайдиган ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим намунаси сифатида қаралиши мумкин бўлиб, бу ерда тартиблаш муҳим воситаси давлат томонидан ўрнатиладиган фоиз меъёри ҳисобланади. Тартибга солиш ички механизмининг ҳаракатланиши инқирозга қарши барқарорлик макроиқтисодий моделини ўзида мужассамлаштириб, у беқарор, мувозанатлашмаган муҳитда ўз-ўзини ташкил қилиш ҳодисаси сифатида табиий йўл билан бозор тизимида вужудга келади.

Молия бозорининг мувозанатлашмаган тизими алоҳида ахборот маконини ташкил қилиб, жаҳон иқтисодиёти йирик фонд бозорларида кечаётган барча йиллик операциялар ҳамда қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан у ёки бошқача тарзда боғланган дунёнинг етакчи рейтинг компаниялари бўйича маълумотлар йиғиндиси унинг мазмуни ҳисобланади. Алоҳида ўйинчилар – бозор брокерлари томонидан бажариладиган биржа чайқовлари ахборот ўзаро таъсири тизимини ўзида мужассамлаштириб, барча бозор иштирокчилари ифодаси унинг тамойилидир, рейтинг компаниялари акциялари бўйича талаб ва таклифнинг табиий мувозанати эса бу манфаатларнинг намоён бўлиш шакли бўлиб қолади.

Иқтисодий тизимнинг мувозанатли ҳолати ўз-ўзича қонуний зарурият ҳисобланмайди ва билиш илмий услуби рационалистик анъаналарида сабабли асослаш нуқтаи назаридан ахборот ўзаро таъсирининг объектив мавжудлиги, кучларни бирлаштириш қоидаси бўйича табиатга хос механик ўзаро таъсирнинг исботи сифатида қаралиши мумкин эмас.

Бироқ узоқ давр давомида амал қиладиган ва тажриба йўли билан кузатиладиган барқарорлик ҳолатига хос белгилар бирлашган манфаатларнинг келишилган ўзаро таъсири зарурятини кўрсатиб, улар жамиятда турли тартибланган тузилмалар шаклида юзага келадиган табиий ўз-ўзини ҳосил қиладиган ташкилотларда намоён бўлади.

Ўз-ўзини тартибга соладиган мувозанат тамойили бўйича ишлайдиган Америка иқтисодиёти модели бозор стихияси тартибсизлигидан вужудга келадиган барқарор жаҳон тартиби кўринишларидан бири ҳисобланади.

Ўз-ўзини тартибга соладиган тизим намунаси сифатида иқтисодий тартиб америкача моделини ўрганиб, динамик ривожланиш классик моделида кучларни бирлаштириш тамойили сингари амал қиладиган ахборот тизимида ўз-ўзини ташкил қилиш механизми тамойили тадқиқ этилади.

Классик динамика ўхшаши каби бажарилган мувозанат қонунларини математик уйғунлаштириш капитал муомаласи билан боғлиқ ўзига хос жараёнларни объектив воқелик ойнасида кузатиш имконини беради. Бироқ динамик мувозанат математик моделини уйғунлаштиришда вужудга келадиган бузилишлар эътиборни талаб қиладиган даражада жуда катта.

Дифференциал тенгламалар математик ифодасида классик Ньютон динамикаси ҳам реал воқеликни маълум оғишлар билан акс эттиради. Худди шунингдек, классик иқтисодий назария нархлар даражаси барқарорлигининг маълум даражагача тушиши ва янгитдан кўтарилиши лаёқатига эга бўлган иш ҳақи ўзгаришларига нисбатан даврий тебранишларининг сабабли асосланишини бермайди. Бундан ташқари, охир-оқибат микрокўламли тебранишлар барқарор ҳолатини – мувозанат ўртача даражаси атрофини эгаллашда бандлик мазкур даражаси учун чегаравий белгидан юқори бўлмайди.

Ўз-ўзини мувозанатлаштирадиган иш ҳақи даражаси муаммосини Хайек ўзининг «гидродинамик» мувозанат моделида ўзича ҳал қилишга уринади. Аммо буни сув муҳити шароитида амалга оширади, шу сабабли унинг математик нисбатлар тизими бутун жаҳон тортишиш қонунларининг чекланган амал қилиши доирасида ишлайди. Бу қонунлар тебранишларнинг сўниши ҳодисасини тушунтириб бера олмайди ва ўз-ўзини ҳосил қиладиган мувозанат жараёнларини асослаб бера олмайди[1].

[1] Hayek F.A. Prices and production. London. 1936. pp. 69-100. 148-157.

Инглиз иқтисодчиси Харроднинг динамик мувозанат моделини таҳлил қилиш руҳий омиллар барқарорлиги Америка моделининг таъсири Европа ва қолган дунё мамлакатларида қандай тарқалишини намойиш этади. Харроднинг мувозанат тизими Кейнс моделидагига нисбатан мураккаброқ ўрганилган руҳий омиллар мажмуининг ўзаро таъсири билан детерминантлашган бўлиб, унинг давомийлиги жамғаришнинг кутилаётган кўрсаткичларида муҳим даражада акс этадиган узоқ ва қисқа даврлардаги тебранишлар нуқтаи назаридан тўлдирилади.

Бу моделда буфер захиралар яратиш ва жамғариш омили барқарор динамикасини режалаштириш бюджет тақчиллигининг ўз-ўзини тартиблаш механизмининг асоси бўлиб қолади. Харрод фоясига мувофиқ, бу механизмнинг ишлаши мувозанат омиллари йиғиндисининг мутаносиб мувозанати тамойили бўйича бажарилиб, унда тақчиллик ҳажми амалда буфер заҳиралар ҳажми билан автоматик равишда тартибга солинган бўлар эди[1].

Ушбу моделда руҳий барқарорлик динамикаси автоматик равишда табиий тарзда тартибга солинади. Қисқа муддатли даврда кузатилаётган якка жамғармалар тебранишлари узоқ истиқболда миллий иқтисодиёт буфер захираларининг жамғариш даражаси билан боғланадиган кутилаётган кўрсаткичлари барқарор тенденцияларига таъсир кўрсатади.

Мувозанат тизимини бузадиган нотекис тебранишлар интенсивлиги бу моделда тежамкорлик руҳий омили воситасида текисланади, бу бутун иқтисодиёт инглиз модели учун жуда анъанавий ҳисобланади. Аммо бунда ҳам америкача, ҳам инглиз моделидаги ижобий макроиқтисодий тенденцияларнинг кутилаётган кўрсаткичлари барқарор мувозанатлилик кузатилаётган даври давомийлигига тўла боғлиқ.

Шундай қилиб, иқтисодиётни тартибга солишнинг кўп тарқалган назарий моделлари мисолида мувозанатли ҳолатни ўрганишга бўлган турлича ёндашувлар ва усулларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Кузатилаётган барқарорлик тебранишларининг давомийлиги даврларини хронометрик ҳисоблашда тебранувчан ҳолатлар динамикаси траекториясини математик ҳисоблаш улар орасида муҳими ҳисобланади.

Бундан ташқари, барча келтирилган тартибга солиш моделлари табиатшунослик соҳасида кашф қилинган ва у ёки бу ўлчов тизимида бажарилган тебранишлар динамикасини ҳисоблаш илмий услубларини исботлаш учун сабаб-оқибат асосини бера оладиган объектив қонунларнинг амал қилиши асосига қўйилган.

Тизимли таҳлил янги математик усулларининг қўлланилиши иқтисодиёт барқарорлиги муҳим даражалари чекланган тебранишлари асосий шартларини аниқ моделлаштириш имкониятини бериб, улар мувозанат тенгламалари тизими сифатида шакллантирилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

2. Hayek F.A. Prices and production. London 1936. pp. 69-100, 148-157.

3. Harrod R. Economic Dynamics. L., N.Y. 1973.

[1] Harrod R. Economic Dynamics. L., N.Y. 1973

Хашимов П.З.,
доцент экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека, кандидат экономических наук;
Бахтиёров Б.Б.,
преподаватель экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

Управляемость демографическим развитием является чрезвычайно важной и актуальной проблемой. Историческая демография свидетельствует о том, что многие государства в разные времена предпринимали попытки регулирования (управления, воздействие) демографическими процессами.

Многие страны мира в зависимости от складывающейся демографической ситуации и тенденций ее развития стремятся управлять воспроизводством населения, так как, резкое замедление темпов роста населения (или в случае убыли населения), как в развитых странах Европы или резкое увеличение темпов прироста населения, как в Африке и большинстве стран Азии и Латинской Америки, негативно сказываются на демографической и социально-экономической ситуации в мире. Поэтому для этого проводится демографическая политика - само понятие предполагает активное участие государства в регулировании демографических процессов и призвано сохранять или изменять тенденции динамики численности, структуры, расселения и качества населения в желательном для себя направлении. Она рассматривается как одна из составных частей социальной политики, специфическая по своим целям и методам их достижения, но согласованная и взаимодействующая с другими сферами жизнедеятельности общества.

В целом все предпринимаемые меры по воздействию на демографические процессы можно охарактеризовать следующим определением - «Демографическая политика - целенаправленная деятельность государственных и иных социальных институтов в сфере регулирования процессов воспроизводства населения».[1]

И, как свидетельствует история развития человечества, попытки различных государств в разное время реализовать демографическую политику, приводили к разным результатам – от достаточно эффективных, до провальных

В конце 60-х годов XX века американский психолог Б. Берельсон сформулировал шесть критериев оценки эффективности демографической политики: научная обоснованность, политическая жизнеспособность, практическая реализуемость, экономическая обеспеченность, этическая приемлемость и степень успешности.[2] Вполне возможны и другие методические подходы к оценке, тем не менее, есть необходимость формализованного измерения влияния государства на процесс воспроизводства населения.

В первые годы после обретения независимости в республике была определена стратегия реформ, в основу которой был заложен опыт развитых государств по переходу на рыночные отношения, учтены исторические испытания, пережитые страной, их уроки, а также особенности менталитета нашего народа. Первым Президентом Республики Узбекистан И. Каримовым были разработаны и научно обоснованы 5 принципов реформирования общества, которые легли в

[1] Демографическая энциклопедия. – М.: «Издательство «Энциклопедия», 2013. -С. 212.

[2] Berelson B. Beyond Family Planning // Studies in Family Planning. 1969. № 38. P.1-16; Бойко В.В. Указ. соч.С.80

основу собственной модели социально-экономических преобразований. Одним из принципов является осуществление сильной социальной политики, в рамках которой реализуется и демографическая политика.

В демографическом развитии Узбекистан пережил целый ряд периодов, связанных с изменениями политических, социально-экономических и других факторов. Современный Узбекистан имеет молодое и динамично растущее население с достаточно высоким качественным потенциалом.

Отличительной чертой демографической ситуации является относительно высокие показатели рождаемости среди стран СНГ, невысокие показатели смертности и по численности населения является крупнейшим государством Центральной Азии, где на начало 2015 г. здесь проживало 31575,3 тыс. человек (45,5% населения региона). Это является результатом совокупного действия демографических процессов, благоприятной возрастной структуры и социально-экономического развития.

В мире, где рождаемость и темпы прироста численности населения остаются на высоком уровне, основная цель демографической политики заключается в снижении рождаемости и естественного прироста населения. Наиболее яркий пример осуществления демографической политики являют собой развивающиеся страны Азии. В первую очередь это относится к странам с самой большой численностью населения – Китаю, Индии, Индонезии, Пакистану, Бангладеш. Довольно активную демографическую политику проводят также в странах Латинской Америки, некоторых странах Северной Африки.

В качестве одной из действенных мер демографической политики многие развивающиеся страны осуществляют законодательное повышение возраста вступления в брак. Например, в Китае он был повышен до 22 лет для мужчин и 20 лет для женщин, в Индии - соответственно до 21 года и 18 лет. В действительности же наблюдается еще большее «старение» брака, которое объясняется тем, что значительная часть молодых людей стремится прежде получить образование, а затем пройти профессиональную подготовку, часто совмещая ее с трудовой деятельностью. Еще 15-20 лет назад средний возраст девушек вступающих в брак, в развивающихся странах составлял 16-18 лет, к началу XXI в. даже в Африке он стал превосходить 20 лет, в Азии и, особенно в Латинской Америке «постарел» еще больше.

Однако в остальных частях развивающегося мира, в особенности в мусульманских странах, она пока еще получила незначительное распространение. В странах арабско-мусульманского региона, охватывающего Юго-Западную Азию и Северную Африку, активность демографической политики невелика в связи с национальными и региональными традициями.

Демографическая ситуация в Европе весьма непроста. В истории европейских стран периоды роста численности населения нередко сменялись катастрофическими падениями рождаемости. Низкая рождаемость (1,74 ребенка на женщину детородного возраста в Великобритании; 1,66 – во Франции; 1,26 – в Германии) ведет к сокращению численности населения Западной Европы. В некоторых государствах (например, в Австрии, Германии, Дании) в отдельные годы наблюдалось даже абсолютное сокращение населения (смертность превышала рождаемость). По расчетам ООН, к середине XXI в. доля европейцев в мире снизится с 12 % (или даже 20 % во второй половине XIX в.) до 7%. Население стран Евросоюза сократится на 18 %, в частности Германии – с 80 млн. до 67 млн. человек, Италии – с 60 млн. до 45 млн. человек.Успехи медицины, повышение уровня жизни и другие факторы обусловили сокращение общей и детской смертности, а значит, увеличение продолжительности жизни и повышение среднего возраста населения. То есть, создаются условия для сохранения нынешнего поколения. За последние 50 лет продолжительность жизни выросла больше, чем за предыдущие несколько тысячелетий. По приблизительным оценкам, в Великобритании, Франции и других странах до промышленной революции XVII в. люди старше 65 лет составляли 2–3 % населения, а сейчас в западноевропейских странах их насчитывается 14–15 %. И уже примерно через 30 лет, по прогнозам демографов, число трудоспособных европейцев сравняется с числом иждивенцев.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

В странах Западной Европы и Восточной Европы система мер демографической политики в общем сходная, хотя, конечно, различается размерами разного рода выплат и других льгот. К числу основных ее мер относятся: единовременные ссуды молодоженам, пособия в связи с рождением каждого ребенка - по прогрессивно возрастающей шкале, ежемесячные пособия на детей, длительные отпуска по беременности и родам, преимущественное право на приобретение квартиры, на устройство детей в детские учреждения.

В Узбекистане в современных условиях демографические тенденции, наблюдаемые в республике, являются следствием не только демографической ситуации в начале 1990-х годов (высокая рождаемость, приверженность к традициям многодетности, массовость социальной защиты семей), но и социально-экономических процессов (постепенный переход к рыночным отношениям, постепенный отход от приверженности к многодетности, адресность социальной защиты семей, снижение рождаемости), происходивших в годы независимости.

Для того чтобы сохранить положительные демографические процессы в республике и преодолеть негативные тенденции воспроизводства населения - возникает необходимость принятия мер, для достижения и формирования в долгосрочной перспективе желательного режима воспроизводства населения т.е. демографического оптимума.

Меры по достижению демографического оптимума можно объединить в три большие группы:

1) экономические: оплачиваемые отпуска и различные пособия при рождении детей; пособия на детей в зависимости от их числа, возраста, типа семьи; ссуды, кредиты, налоговые и жилищные льготы и т.д.

2) административно-правовые: законодательные акты, регламентирующие браки, разводы, положение детей в семьях, алиментные обязанности, охрану материнства и детства, аборты и использование средств контрацепции, социальное обеспечение нетрудоспособных, условия занятости и режим труда работающих женщин-матерей, внутреннюю и внешнюю миграцию и т.п.;

3) воспитательные и пропагандистские меры, призванные формировать общественное мнение, нормы и стандарты демографического поведения, определенный демографический климат в обществе.

Были приняты соответствующие документы в области укрепления репродуктивного здоровья и охраны материнства: Постановление Президента Республики Узбекистан № 1144 от 01.07.2009 г. «О программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 гг.» и Постановление Кабинета Министров от 22.07.2010 г. «О дополнительных мерах по укреплению репродуктивного здоровья матерей и детей в сельских районах республики»

Одним из главнейших направлений социальной политики является охрана здоровья трудоспособного населения и детей. Охрана репродуктивного здоровья женщин и воспроизводство здорового поколения отвечают целям развития, сформулированным в Декларации тысячелетия. Республика Узбекистан, в числе двухсот стран мира, подписавших данный документ, установила следующие национальные цели, которые должны быть достигнуты к 2015 г.:

– сократить на две трети смертность среди детей в возрасте до 5 лет;

– сократить на одну треть материнскую смертность.

В свою очередь приоритетные направления в области проведения демографической политики будут в области укрепления здоровья и увеличение ожидаемой продолжительности жизни могут быть определены следующие приоритеты:

1) увеличение ожидаемой продолжительности жизни населения;

2) увеличение продолжительности здоровой (активной) жизни;

3) улучшение репродуктивного здоровья населения;

4) улучшение качества жизни хронически больных и инвалидов;

5) укрепление здоровья детей и подростков, прежде всего за счет совершенствования мероприятий, направленных на профилактику травматизма и отравлении, на борьбу с курением, алкоголизмом и наркоманией, а также путем развития физической культуры и спорта и организации досуга;

6) создание условий для самореализации молодежи;

7) улучшение репродуктивного здоровья населения путем совершенствования профилактической и лечебно-диагностической помощи;

8) улучшение здоровья населения трудоспособного возраста в первую очередь за счет профилактики травматизма и отравлений, а также раннего выявления и адекватного лечения болезней, системы кровообращения, новообразований и инфекционных болезней.

9) сохранение здоровья пожилых людей, для которых наиболее актуально предупреждение сердечнососудистых, онкологических, эндокринных и инфекционных болезней.

В области рождаемости и укрепления семьи могут быть определены следующие приоритеты:

1) укрепление здоровье матерей,

2) создание предпосылок для рождения здорового ребенка (Узбекистан предпринял меры по использованию международного принятого критерия живорождения, установленного ВОЗ);

3) всестороннее укрепление института семьи как формы гармоничной жизнедеятельности личности и повышения воспитательного потенциала семьи;

4) создание условий для самореализации молодежи;

5) обеспечение адресной социальной защиты семьи, включая предоставление материальной помощи при рождении ребенка;

6) создание социально-экономических условий, благоприятных для рождения, содержания и воспитания ребенка, включая условия для самореализации молодежи, в том числе получение общего и профессионального образования, работа с достойной заработной платой, а также возможность обеспечить семью соответствующими жилищными условиями;

7) разработка и реализация стратегии развития доступных форм семейного обустройства детей-сирот, в том числе детей-инвалидов.

В области миграции и расселения:

1) регулирование миграционных потоков в целях совершенствования законодательной и нормативно-правовой базы республики;

2) повышение эффективности использования миграционных потоков путем достижения соответствия их объемов, направлений и состава интересам социально-экономического развития республики (туризм, трудовая занятость и др.);

3) создание экономических условий для сокращения эмиграционного оттока и сохранения научно-технического, интеллектуального и творческого потенциала республики.

Дальнейшее улучшение демографической ситуации в стране будет базироваться, прежде всего, на устойчивом социально - экономическом развитии и повышении уровня и качества жизни населения. В настоящее время успешно реализуются целый ряд национальных программ и проектов, в том числе в сфере здравоохранения, направленные на дальнейшее укрепление здоровья населения, снижение уровня заболеваемости, инвалидности, смертности, повышение доступности и качества медицинской помощи, укрепление первичного звена здравоохранения, создание условий для оказания эффективной медицинской помощи на до госпитальном этапе, развитие профилактической направленности здравоохранения, удовлетворение потребности населения в высокотехнологичной медицинской помощи и др.

Улучшение состояния здоровья населения, репродуктивного здоровья женщин, детей и подростков, повышение качества предоставляемых медицинских услуг и реализация комплекса мер и мероприятий способствовали выполнению Узбекистаном обязательств по Целям развития тысячелетия, что непосредственно и положительно повлияло на демографические процессы в республике.

Поддержание и развитие позитивных тенденций в демографическом развитии требует формирования и реализации целенаправленной государственной демографической политики. Этому способствовало бы дальнейшее институциональное развитие.

Литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № 1144 от 01.07.2009 г. «О программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 гг.». // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., №27, ст. 311.

2. Постановление Кабинета Министров от 22.07.2010 г. «О дополнительных мерах по укреплению репродуктивного здоровья матерей и детей в сельских районах республики». // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2010 г., № 30, ст. 253; 2014 г., № 44, ст. 537.

3. Демографическая энциклопедия. – М.: «Издательство «Энциклопедия», 2013. -С. 212.

4. Berelson B. Beyond Family Planning // Studies in Family Planning. 1969. № 38. P.1-16; Бойко В.Р. Указ. соч. С. 80.

Эгамбердиев Ф.Т.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети профессори, иқтисод фанлари доктори;
Абдусалимов Л.О.,
Абдухолиқова Н.И.
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети талабалари

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Айни пайтда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш халқаро интеграциялашув жараёнини бошидан кечираётган ҳар қандай давлат учун энг долзарб масалалардан бири саналади. Иқтисодий тизимлар алмашинуви, яъни ўтиш даври икки муҳим муаммо – миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таъминланиши билан узвий боғлиқдир. Бу икки муаммонинг ечими моҳиятан бир-бирига зиддир, айни бир пайтда уларни бир-биридан ажратган ҳолда ҳал этиб бўлмайди. Мамлакат миллий иқтисодиётининг турли ички ва ташқи таҳдидларга бардошлилигини таъминлаш, қолаверса, унинг жаҳон иқтисодий тизимида рақобатбардошлилигини ошириш каби муаммоларнинг ечими шароитда натижада иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг бирламчи шартидир.

«Ўтиш, яъни транзит иқтисодиётига эга бўлган, бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида ислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Уларда, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини, унинг ҳозирги замон жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини тубдан ўзгартириб юборади»[1].

Иқтисодий ҳаётда глобаллашув жараёнлари жадал ривожлана бошлади. Бу ҳақида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов: «Кейинги йилларда юз бераётган сиёсий ва иқтисодий воқеалар жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг умумий жараёнида интеграция ва кооперациянинг ўрни нақадар ошиб бораётганлигини кўрсатиб турибди»[2], деб таъкидлаган. Глобаллашув бир қатор ижобий ва салбий жиҳатларга эга бўлиб, биз ўрганаётган мавзу нуқтаи назаридан, бу жараённинг чуқурлашуви оқибатида кўпчилик ёш давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам миллий ва иқтисодий хавфсизлик муаммоларининг кескинлиги ортмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришнинг сифат жиҳатидан янги – эркин иқтисодий тизимни барпо этиш жараёнлари рўй бермоқда. Бу тартибни амалга оширишда иқтисодий очиқлик, миллий ва хорижий иқтисодий субъектларнинг тенг ҳуқуқлигига ҳамда соғлом рақобат муҳитига алоҳида урғу берилади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати бу борада муҳим аҳамият касб этади.

[1] Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: «Академия». 2006. -18-б.

[2] Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. -344-б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Биламизки, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг бош мақсади Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишига йўналтирилган. Бунинг учун эса ташкилот томонидан белгилаб берилган конценсус шартлар амалга оширилиши керак. Бу талаблар орасида очиқ савдо режимини вужудга келтириш, импорт тарифлари ва бошқа савдо чекловларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун, айниқса, салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таркибий ўзгаришлар ва янгиланишларни бошдан кечираётган миллий иқтисодиёт тармоқлари ва субъектларининг рақобатбардошлиги очиқ савдо режими шароитида жиддий хавф остида қолади. Шунинг учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида давлатнинг ролини аниқ белгилаб олиш зарурати туғилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу борадаги давлат сиёсати жамиятнинг барча аъзолари томонидан қабул қилинган ва асосланган стратегияга таяниши лозим.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида доимо бир тамойил устувор бўлиши керак. У ҳам бўлса, «Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир»[1].

«Бир томондан, жаҳон хўжалик тизимига қўшилмай туриб иқтисодиётни самарали ривожлантириб бўлмайди. Бошқа томондан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борган сари мураккаблашиб боради»[2]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг глобаллашув ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнларига мослашувини кўзда тутувчи самарали ҳуқуқий, қонунчилик, иқтисодий, ижтимоий ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги фаол давлат сиёсатини амалга ошириш талаб этилади.

Иқтисодий хавфсизлик – бу миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида юзага келувчи турли ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимояланганлиги ҳамда мустақил равишда барқарор ривожланиб бориши имкониятларининг мавжуд ҳолатидир.

Иқтисодий таҳдидлар мамлакат иқтисодиёти ривожига, жамият, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита хавф туғдиради. Бу таҳдидлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни издан чиқариб, жамият ҳаётида танглик ҳолатларини келтириб чиқаради. Иқтисодий таҳдидларни энг умумий ҳолда ички ва ташқи гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Мамлакатнинг ички иқтисодий соҳадаги хавфсизлиги табиий, техника-технологик, инфратузилмавий, ижтимоий ва бошқа макро ва микроиқтисодий ривожланиш омиллари, ички иммунитет ва турли беқарорлик, тангликлар таъсиридан ҳимояланиш орқали таъминланади.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ички омилларга қуйидагилар киради:

- илгариги тизимдан бирёқлама, таркиби деформациялашган иқтисодиётнинг мерос бўлиб қолгани;
- кўпчилик тармоқларнинг қолоқ технологик базага, юқори энергия ва ресурс сиғимига эгалиги сабабли миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг пастлиги;
- иқтисодиётнинг юқори даражада монополлашуви;
- юқори даражадаги инфляция;
- инфратузилма объектларининг етарли даражада ривожланмагани ва мустаҳкам эмаслиги;
- минерал хом ашё базаларининг кам ўрганилганлиги ва хўжалик оборотига тортилиш имкониятларининг етарли эмаслиги;

---

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. -58-б.

[2] Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. -35-б.

- мамлакат илмий-техника салоҳиятининг ёмонлашуви, фан-техника ривожланишининг айрим йўналишларида илғор ўринларнинг бой берилиши, бошқа фаолият соҳаларида интеллектуал меҳнат нуфузи ва обрў-эътиборининг тушиб кетиши;
- ҳудудий сепаратизм тенденцияси ва бошқариш қарорларини қабул қилишда тармоқ лоббизмининг юқори даражада экани;
- инвестицион фаолликнинг сустлиги;
- капитал харажатлар ўрнига жорий харажатларни афзал кўриш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг такомиллашмагани;
- ишсизлик даражасининг юқорилиги;
- аҳоли ўртасидаги табақаланишнинг кескинлашиб кетиши,
- аҳоли билим даражаси ва ишчи кучи сифатининг пасайиши;
- қонунчиликнинг ривожланмаганлиги;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ва шартномавий интизомининг пастлиги;
- иқтисодиётнинг криминаллашуви ва коррупциянинг кучайиши,
- «хуфёна иқтисодиёт»нинг мавжудлиги;
- даромадларни яшириш ва солиқ тўлашдан қочиш ҳолларининг кўпайиши;
- молиявий маблағларни чет элга ноқонуний тарзда ўтказиш ва бошқалар.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлар иқтисодиётининг реал секторидаги салбий тенденциялар кўлами саноатдаги меҳнат унумдорлигининг пасайиш суръатларига боғлиқ бўлди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда қатор мамлакатларда ушбу параметр барқарорлик зонасига ўтиб бормоқда, яъни кенг кўламли технологик силжишлар арафасида турибди. Бундай ҳолат кенг миқёсда Хорватия, Словения, Россия, Литва, Озарбайжон, Ўзбекистон ва Хитой каби давлатларга тааллуқли бўлмоқда. Бу борада Хитой иқтисодиёти яққол мисол бўла олади. Сўнгги ўн йилликда бу мамлакатлар техник ва технологик жиҳозланишга жуда катта эътибор қаратмоқда.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар 90-йилларнинг биринчи ярмида барча мамлакатларда улар ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмини оширишга етарли даражада бўлмаганини кўрсатмоқда. Айниқса, МДҲ мамлакатларида инвестициялар ҳажми таҳликали қуйи чегарадан ҳам ўтиб кетганини таъкидлаш жоиз. 90-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам бу ҳол айтарли даражада ўзгармади. Фақатгина сўнгги йилларда энергия ресурсларига бўлган нарх-навонинг рекорд даражада ошиб бориши Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Туркманистон каби нефть ва газ захираларига бой бўлган мамлакатлар иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Бизнингча, иқтисодий ўсишга эришмай туриб инвестицион фаолликни жонлантиришни кутиш мумкин эмас. Шу билан бирга корхоналарнинг даромадлари ва аҳоли маблағларини фаол инвестицион манбага айлантириш ҳам талаб этилади. Ҳатто инвестициялар ҳажмининг ошиши ҳам нормал такрор ишлаб чиқариш циклини шакллантиришдаги муаммолар ҳал этилди, дегани эмас. Бунга Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари тажрибаси ҳам гувоҳлик бермоқда.

Бунга сабаб қилиб, қарийб ўн-ўн беш йил давомида етарли инвестицион ресурсларга эга бўлмаган миллий иқтисодиётдаги салбий таркибий ўзгаришларни курсатиш мумкин. Иқтисодиётнинг бирдан эркин қўйиб юборилиши, ривожланган миллий иқтисодиётлар билан рақобатга киришиши ва инвестицион иқлимнинг ёмонлашуви мураккаб техник ва технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий тармоқларга жиддий зарба бўлди. Айнан мана шу ерда, юқори технологиялар ва замонавий саноат тармоқларида Ғарб мамлакатларидан яққол ортда қолиш кузатилди. Уларни модернизациялаш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун етарли инвестицион маблағларнинг етишмаслиги таназзулнинг асосий сабаби бўлди. Бундан ташқари, фанталаб тармоқларнинг асосий базаси – илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳаси издан чиқди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида саноатнинг қатор муҳим соҳалари барқарор ва бардавом ўсиш йўналишига эга бўлиб бормоқда. Аммо бу ўзгаришлар тўла маънода иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг етарли гарови бўла олмайди. Умумий хулоса қилиб шуни айтишимиз

мумкинки, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида қуйидаги устувор жиҳатларга аҳамият бериш зарур:

Биринчидан, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат ва бизнеснинг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш. Европа ва Америка етакчи мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, на давлатнинг иқтисодиётдан бутунлай чиқиб кетиши, на иқтисодий жараёнларни тўлалигича давлат назоратига олишҳеч қандай ижобий самара бермайди. Давлатнинг иқтисодий фаолияти бозор механизмларини инкор этмаслиги керак. Давлат бизнес билан яқин ҳамкорлик қилиши лозим. Давлат билан бизнеснинг манфаатлари мос келувчи соҳалар кўп: инвестицион ва инновацион фаолиятни жонлаштириш борасида етарли шарт-шароитларни яратиш, зарурий инфратузилмани шакллантириш.

Иккинчидан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқаришда таркибий силжишларни таъминлашга, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион жараёнларни жонлантиришга, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга имкон беради.

Учинчидан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан яна бири – турли шаклдаги корхоналарнинг инновацион фаолиятидир. Бу фаолият самарали бўлиши учун ягона давлат инновация сиёсатини шакллантириш, инновацион соҳанинг устувор ривожланиш йўналишларини аниқлаш, қонунчилик, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, корхоналарни юқори технологик соҳаларга йўналтириш ва бу учун етарли иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни барпо этиш талаб этилади.

Тўртинчидан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи йўналишлардан яна бири – бу техник потенциалнинг қимматли унсурларини сақлаб қолишга қаратилган таркибий сиёсатни ишлаб чиқиш ва хаётга татбиқ этишдир. Бу сиёсат қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

– корхоналарнинг ИТТКИга қилган сарф-харажатларини солиқдан озод этиш;

– давлат кўмагида ИТТКИ натижаларининг тижоратлашувини таъминловчи инфратузилмани барпо этиш;

– миллий корхоналарнинг технологияларни, асбоб-ускуналарни (асосий воситаларни) импорт қилишга кетган харажатларини субсидиялаш.

Бунинг учун давлат қуйидаги дастаклардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

- индикатив режалаштириш;
- давлат инвестицияси;
- божхона божлари;
- таълим сиёсати;
- юқори самарали технологиялар;
- ноу-хауларни сотиб олишга квота белгилаш ва ҳоказо.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакати ҳисобланувчи Ўзбекистонда сўнгги йилларда инновацион янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ аксарият ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос баъзи муаммолар бу борада тўсиқ бўлмоқда. Ана шундай тўсиқлардан бири – бу кўпчилик корхоналарнинг ихтиёрий равишда инновация лойиҳаларига маблағ ажратиш имконига эга эмслигидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда корхоналарнинг даромад (фойда) солиғи мунтазам равишда пасайтирилиб, бундан бўшаган пул маблағлари иш ҳақи фондига ўтказиб борилмоқда. Фикримизча, ана шу ҳосил бўлган бўш пул маблағларининг маълум қисмини марказлашган инновация фондига йўналтириш керак. Янги шаклланадиган инновация фонди орқали (кредит, ссуда, лизинг, субсидия шаклида) корхоналарнинг инновацион янгиликларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ёки фирмаларнинг инновация ишларига кўмаклашиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Эришилган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. - Т.: «Ўзбекистон», 2015.

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммиз биримиз масъулмиз – Т.: «Ўзбекистон», 2001.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.-Б. 58.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

7. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. -- Т.: «Академия», 2006.

8. Абулқосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., Нарбаев Б.И. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. – Т.: ТДТУ, 2001.

9. Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банкининг ҳисобот маълумотлари.

11. Монополиядан чиқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қошидаги илмий марказ маълумотлари

12. Инновация: Ўзбекистон Республикасидаги ҳолат, чет эл тажрибаси, назария ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш йўллари. – Т., 2007.

Мажидов Н.М.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси, иқтисод фанлари номзоди

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Оқилона инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, унга инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириб бориш, аввало яратилган инвестиция муҳитига боғлидир. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини такомиллаштириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни барқарор ривожланишининг асосий омили инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурслар жалб этиш ҳисобланади. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда узун инвестицияларнинг асосий манбаи аҳоли маблағлари бўлиши лозим. Шу билан бирга бундай ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятларини излаш лозимки, ушбу ресурслар капитал инвестицияларнинг асосий манбаидир. Пенсия жамғармалари молиявий бозорнинг узоқ муддатли даврда амалга оширишга мўлжалланган дастурларни инвестициялаш бўйича катта салоҳиятга эга бўлган муҳим субъектлари ҳисобланади. Пенсия жамғармалари маблағларини капитал бозорига йўналтириб, узоқ муддатли инвестиция сифатида жойлаштириш ушбу бозорнинг ривожланишига имконият яратади. Бунда пенсия жамғармаларининг ўзлари капитал бозоридаги қудратли кучга айланади. Бундай шароитда жамғармалар бошқарувчиларининг инвестицион сиёсати капитални тақсимлаш ва самардорлигига таъсир кўрсатади ҳамда миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ўсишини таъминлайди.

Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармалари инвестицион жараёнларнинг муҳим иштирокчилари ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳозирги даврда пенсия тизимини бирдамлик тизимидан аралаш шаклга ўтаётганлиги билан характерланиб, шаклланаётган тизимда нодавлат пенсия жамғармаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Пенсия жамғармасини келажакда кутаётган молиявий харажатларни прогнозлаштириш, уларга тайёргарлик кўриш, даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш, пенсия жамғармалари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг кўплаб мамлакатлартнинг иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларини чуқур ўйлашга мажбур қилмоқда. Чунки дунёда шаклланаётган демографик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни бир зумда ўз йўналишидан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Жаҳон амалиёти таҳлилининг кўрсатишича, пенсия жамғармалари биринчи навбатда ижтимоий функцияни бажарувчи молиявий институт бўлиб, унга инвестицион фондлар, суғурта компаниялари, банкларга қўйилган каби талаблар қўйилиши лозим. Пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш ва пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий услубларидан жаҳон амалиётида кенг тарқалган «жавобгарлик хатти-ҳаракати» тамойилига ўтиш лозим. Бу тамойил институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини сақлаган ҳолда бозор таклифларига мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган халқаро андозаларга жавоб бераётган жамғармаларга ўзларининг активларини молиявий бозорларда мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади ва улар фаолиятига бўлган ишончнинг ортишини таъминлайди.

Пенсия жамғармалари маблағларини миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган компаниялар акцияларига жойлаштириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим бўлади. Бундай механизм, бир томондан пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, иккинчи томондан миллий иқтисодиётнинг ривожланишини локомотиви бўлиши лозим бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Шунингдек пенсия активларини давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган узоқ муддатли инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимидаги ислоҳотлар жамғариладиган пенсия таъминоти соҳасини ривожланишига туртки берди.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сонли ва 282-В сонли қарори билан тасдиқланган «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, ЖБПТ маблағлари Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматбаҳо қоғозларига; ипотека облигацияларига; амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматбаҳо қоғозларга; банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга, қонунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 27-банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга жойлаштирилиши мумкин.

Давлат-тижорат Халқ банки маълумотларига кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахслар ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банкида очилган 5866,7 минг нафар фуқароларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи 160,5 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу маблағларнинг 158,5 млрд. сўми банкларaро депозитларга ва 2,0 млрд. сўми Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик компаниясига кредит тарзида жойлаштирилган.[1]

2014 йилда Халқ банкида жамғариладиган пенсия тизимида очилган ҳисоб варақлар сони 8,205 миллионтани ташкил этди. Жамғариладиган пенсия тизимидаги маблағлар қолдиғи 2014 йилга келиб 1325,1 млрд сўмга тенг бўлди. Ушбу маблағлар тўлалигича банкларнинг депозитларига жойлаштирилиб, реал сектор тармоқларини модернизациялашни кредитлашга

[1] Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Т.: «Иқтисод-молия», 2014. -118-б.

йўналтирилмоқда. Жамғариладиган пенсия тизимидан олинадиган даромадлилик даражаси 9,1% ни ташкил этмоқда[1].

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳолати[2]

Кўрсаткичлар	2005	2008	2010	2013	2014
Фуқаролар ШЖБПҲ лари (дона)	4 084 871	5585975	6468 588	8204769	8,205
Жамғарилган маблағлар – жами (млрд. сум)	18,9	173,1	404,6	1087,0	1325.1
Ҳисобланган фоиз даромади (млрд. сум)	0,6	12,8	26,0	62,0	93,3
ШЖБПҲ ўртача даромадлилиги (%)	10,0	10,0	8,0	7,0	9,1

Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларидан инвестиция сифатида фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Европа мамлакатлари жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари маблағлари молия бозорини ривожлантиришига ва ўз навбатида юқори даромад олишга қаратилган, шунингдек 50%и кредит ресурсларига қаратилган бўлса, 30%и қимматли қоғозлар бозорига йўналтирилган, қолган 20%и эса бошқа паст рискли қўйилмаларга тўғри келади[3].

Пенсия тизими ривожланишининг жаҳон тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда дунёда пенсия тизимининг таркибий тузилишида жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари салмоқли ўрин эгаллаб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон пенсия тизими таркибини 98 % ини асосий давлат пенсияси, 1% ини мажбурий жамғариб борувчи пенсия ва 1% ини ихтиёрий жамғариб борувчи пенсия ташкил этди. Европа мамлакатлари мисолида қарайдиган бўлсак, Европа базавий давлат пенсияси бутун пенсия тизими 1/5қисмини, мажбурий жамғарилувчи пенсия тизимнинг нақд ярмини, ихтиёрий жамғариб бориладиган қисми эса 30%ни ташкил этмоқда[4].

Таъкидлаш жойизки, агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш зарурдир. Бунинг учун жамғарилган пенсия маблағларини жойлаштиришда уларни фойдали обьектларга эмас, давлат органлари белгилаган сиёсий жиҳатдан ахамиятли обьектларга йўналтиришга ундовчи сиёсий босимлардан қочиш лозим бўлади. Акс ҳолда бу ижтимоий фалокатни келтириб чиқаради.

Пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий методларидан дунёда кенг тарқалган «жавобгарлик ҳатти-ҳаракати» принципига ўтиш лозим. Бу принцип институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончлилиги ва очиклигини (шаффофлигини) сақлаган ҳолда бозор таклифларига янада мосроқ

[1] Вахобов А.В., Зокирходжаева Ш.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. «Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015 йил 21 ноябрь.

[2] http://www. halkbank.uz маълумотлари; Вахобов А.В., Зокирходжаева Ш.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. «Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015 йил 21 ноябрь

[3] Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари. // «Иқтисод ва молия», 2014, 5-сон.

[4] Ўша жойда.

ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган стандартларга жавоб бераётган жамғармаларга ўзларининг активларини молиявий бозорларга мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади ва ўз навбатида улар фаолиятига ишончнинг ортишини таъминлайди.

Пенсия жамғармалари маблағларини миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга компаниялар акцияларига қўйиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим бўлади. Бундай механизм, бир томондан, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини ошириш, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётнинг локомотиви бўлиши мумкин бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Шунингдек, пенсия активларини давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган узоқ муддатли инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Аҳолининг нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятига ишончини ошириш учун нодавлат пенсия жамғармаси иштирокчилари ва жамғарма қўювчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ механизмини яратиш лозим. Шунингдек, аҳолининг молиявий, энг аввало пенсия соҳасидаги саводхонлигини ошириш лозимдир.

Нодавлат пенсия таъминотини келгуси ривожлантириш учун давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим. Бу жараёнда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аниқ ишлаб чиқилган бўлиши, асосан турли инқироз даврларидан давлатнинг бу борадаги чоралари тизими белгилаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти узоқ даврга мўлжалланади, ўз навбатида пенсия шартномасининг ўртача амал қилиш муддати 40-50 йилни ўз ичига олади. Бу давр оралиғида турли инқирозлар юз бериши мумкин ва пенсия тизими бунга тайёр бўлиши керак.

Жамғариб бориладиган пенсия фондларининг инвестицион фаолиятини тартибга солиш борасида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, инвестиция жараёнларига давлатнинг ҳаддан ташқари аралашуви ва шу билан бирга давлатни бу соҳани тартибга солишдан четлаштириш ҳам жамғариб бориладиган пенсия фондларининг инвестицион фаолияти стагнациясига олиб келади.

Пенсия фондларининг пайдо бўлиши, уларни профессионал бошқариш ва диверсификация қилиш имконияти туфайли маблағларни инвестиция қилишнинг самаралилигини кўрсатди. Пенсия фондларининг инвестиция активлари бўлажак пенсионерларга фойда келтириб, инвестицион портфель диверсификацияси ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун, жамғариш тизими доирасида пенсия фонди активларини бошқаришдан мақсад таваккалчилик даражасида максимал фойдани таъминловчи портфелни яратишдир (гарчи амалиётда бу мақсад ягона бўлиб ҳисобланмайди). Бу мақсадга таваккалчилик кўрсаткичлари, ликвидлик, инвестицион горизонт ва бошқаларни тартибга солиш йўли билан эришилади.

Нобозор инструментларни инвестициялаш ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ва ривожланаётган мамлакатларда устунликка эгадир. Лекин ижтимоий давлат лойиҳаларига ёки шундай лойиҳалар доирасида чиқариладиган нобозор қимматли қоғозларига мақсадли инвестициялар кўпчилик ривожланган мамлакатлар пенсия фондлари портфелига киритилади.

Охирги пайтларда ипотека кредитлари бериш ва кўчмас мулк объектларига инвестиция киритиш кенг тарқалмоқда. Бу операциялар узоқ муддатли кредитлашни назарда тутиб, пенсия фонди портфелининг рискини камайтириш имконини беради.

Уй-жой қурилиши соҳасига инвестиция киритиш турлича шаклда бўлиши мумкин. Пенсия фондлари ўзлари ипотека кредитларини беришлари мумкин. Бундай амалиёт Иорданияда ўтказилиб, даромади кам оилаларга фонд маблағларининг бир қисмидан фоизи паст бўлган ипотека кредитлари берилди.

Қатор мамлакатларда (масалан, Нигерияда) бадавлат аҳоли учун уй-жой тижорат қурилишига устунлик берилган эди. Бу инвестициялар оммавий бўлмаса-да, юқори фойда нормасига эга. Айрим мамлакатларда (хусусан, Танзания, Замбияда) фондниг ўзи уй-жой қурилиши билан шуғулланади ва кейинчалик ўзлари уларни сотади ёки ижарага беради. Ипотека кредит бозори-

нинг ривожланиши жараёнида фонд ипотека агентликлари томонидан эмиссия қилинган қарз олиш-бериш билан боғлиқ бўлган қоғозларга инвестиция киритиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия фондларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокининг бошқа йўли кўчмас мулкни бўлиб тўлаш шарти билан қайта сотиш ва сотиб олиш бўлиши мумкин. Масалан, пенсия фонди ўз ҳисобидан қандайдир ишлаб чиқариш объектини ёки турар жойни сотиб олади, кейин эса ўзи учун фойдали шартларда шартнома тузиш йўли билан муҳтож бўлган мижозга бўлиб тўлаш шарти билан сотади. Бунда лизинг муносабатларини кенг қўллаш лозим бўлади.

Пенсия фонди маблағларини диверсификациялашнинг бу йўналишларини татбиқ этиш пенсия маблағларини жамғариш ва уни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш жараёни ўртасидаги узилишни бартараф қилиш имконини беради.

Пенсия фондлари инвестицион фаолиятининг яна бир йўналиши инсон капиталига инвестициялаш ҳисобланади. Пенсия фондлари пул маблағларини жамғаришни рағбатлантириш билан бирга инвестицияларнинг устуворлиги тамойили асосида чуқур структура ва технологик ўзгаришларга катта эътибор қаратиш зарур. Пенсия активлари инвестицияларини юқори технологик тармоқлар ва илмий сигимли технологияларга, инсон капиталини ривожлантиришга йўналтириш лозим. Бу йўналиш ички ва дунё бозорида Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда Пенсия жамғармаларидан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айлангандир. Бу борада биринчи аниқ таклифлар ҳам бор. Халқаро тажриба бундай амалиёт, инфратузилма ривожланиши билан бирга муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришини кўрсатмоқда.

Адабиётлар:

1. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. – Т.: «Иктисод-молия», 2014. -118б.

2. Вахобов А.В., Зокирходжаева Ш.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. «Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015 йил 21 ноябрь.

3. Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари. // «Иқтисод ва молия», 2014, 5-сон.

4. Соловьев А.К. Пенсионная реформа: иллюзии и реальность: учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: «Проспект», 2015.

5. Сивакова И.В. Пенсии в схемах: учебное пособие. 2-е изд. – М. «Проспект», 2016

Назарова Ф.У.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети катта ўқитувчиси

АҚШ ВА ЯПОНИЯ ФИРМАЛАРИДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ишга қабул қилаётганда кадрлар танлашнинг анъанавий тамойилларидан фойдаланувчи АҚШ фирмалари асосий диққатларини ихтисослаштирилган билимлар ва малакавий кўникмаларга қаратадилар.

Кўпгина Америка фирмаларида ишга қабул қилиш қуйидаги босқичлардан ўтишни кўзда тутади:

- ишчини унга таклиф этилаётган иш вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан таништириш;

- агар ишчи қабул қилинаётган аниқ бир вазифа йиллик режага киритилмаган бўлса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд тизимига киритиш мақсадида ходимлар бўлими томонидан таклиф этилаётган лавозим квалификация қилиниши ва шунга мувофиқ уни асослаши зарур. Кадрларни танлаш юқори раҳбарият томонидан янги лавозим бўйича таклифлар тасдиқланганидан кейин бошланади;

- ходимлар бўлими бўш ўрин эълон қилинган бўлинма раҳбарига ишчилар номзодини танлаб олишга кўмаклашади. Одатда, у мазкур лавозимга малакаси бўйича тўғри келадиган номзодларнинг қисқача рўйхатини тайёрлайди. Баъзи бир фирмаларда ўз фирмаларининг бошқа бўлинмаларидаги ишчилар номзодлари рўйхатини киритиш мажбурий ҳисобланади;

- ташқаридан номзодларни танлаб олиш реклама, шахсий алоқалар, маълумотларнинг электрон базасига эга бўлган, ишчиларни ёллаш бўйича профессионал фирмалар орқали амалга оширилади;

- рўйхатга киритилган номзодлар одатда, ўзларининг бўлажак раҳбарлари (икки-уч босқич юқори), ҳамкасблари ва зарурият туғилганда қўл остида ишловчилар билан бир қатор суҳбатлардан ўтадилар. Суҳбат натижалари умумлаштирилиб тавсиялар билан тўлдирилади. Якуний танловни бевосита раҳбар амалга оширади.

Америка фирмаларида ходимларни, шунингдек, менежерларни ишдан озод этиш, доимо узоқ давом этувчи баҳоловчи ва тарбиявий усуллар билан ўтади, бундан фавқулодда вазиятлар (ўғрилик, фирибгарлик, қоидаларни ошкора бузиш) истисно. Ҳар бир ходимнинг ишини баҳолаш ходим ва унинг бошлиғи ўртасида муҳокама қилиниб, иккала тараф томонидан имзоланади. Улар ишдаги камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш йўллари, зарур ҳолларда эса озод этиш ҳақида огоҳлантириш ёки шу лавозимда кейинчалик қолиш иш даражасини яхшилашга боғлиқ эканлигини ўз ичига олади.

Ходимни ишдан озод этиш ҳақида якуний қарорни бевосита раҳбардан икки-уч босқич юқорида турувчи раҳбар қабул қилади. Агар ишдан озод этилаётган ходим касаба уюшмаси аъзоси бўлса, ишдан озод этиш сабаблари касаба уюшмалари вакиллари билан биргаликда меҳнат шартномасига мувофиқ муҳокама қилинади. Ходим ҳар қандай ҳолатда ҳам ишдан озод

этиш ҳақидаги қарорни янада юқори раҳбарият ёки суд орқали шикоят қилиши мумкин. Баъзи бир фирмаларда меҳнат мунозараларини ҳал этиш комиссиялари мавжуд бўлиб, улар ишчиларнинг уларнинг ишдан озод этилиши ҳақидаги аризаларини кўриб чиқадилар. Бундай комиссиялар таркибига ҳам маъмурият, ҳам ишчилардан вакиллар киради.

Замонавий шароитларда ходимларни бошқариш мотивацияси аҳамиятли даражада ўзгарди: ходимларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик услублари маъмурий услублардан устун туради, эндиликда раҳбарлик белгиланган мақсадларга эришиш учун ходимлар ва маъмуриятнинг ҳамкорлигини амалга оширишга йўналтирилган, бошқарувда кенгашиб ишлаш тамойили ривожлантирилди.

Бошқарувда кенгашиб ишлаш профессионал-менежерлар бир-бири билан узвий алоқада ишлайдилар ва бошқарув штатини ташкил этган ҳолда ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик бўғинлари билан боғланган.

Ходимларни бошқариш мақсади бўлиб, янада жадал ва маҳсулдор меҳнат қилиш учун уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ишчиларни ундашдир. Раҳбар ўз қўл остидаги ишчиларга буйруқ бериши эмас, балки уларнинг кучларини йўналтириш, уларнинг қобилиятларини ошкор этишга ёрдам бериш, ўз атрофида ҳамфикрлар гуруҳини шакллантириши лозим.

Бошқарувнинг қуйидаги ижтимий-психологик жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга:

– хизмат мавқеининг барқарорлиги – ишдаги бош омил;

– маъмурият ташаббус билан ишдан бўшатиш деярли кам, чунки у кўпгина турли хил қоидаларга риоя қилиш билан боғланган;

– ишчиларда ўз фирмасига бўлган ихлосмандлик туйғусини тарбиялаш (фирма фаолияти ва ҳаёти воқеликларини ёритувчи фирма ахборот бюллетенлари ва журналларини нашр этиш, нуфузли видео ва кинофильмларни кўрсатиш; аҳамиятли маблағлар сарфланадиган байрамлар ва дам олиш кунларини ташкил этиш).

Ходимларни бошқариш самарадорлигини оширишга қуйидаги омиллардан фойдаланиш ҳисобига эришилади:

– иш ўринларини мақсадли ташкил этиш;

– ишлаб чиқариш майдонларини оқилона режалаштириш ва фойдаланиш;

– ишчилар малакасини ошириш ва доимий равишда қайта тайёрлаш;

– бандлик барқарорлигини таъминлаш;

– турли хил ижимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Америка фирмаларида доимий ишчилар бандлигини барқарорлаштириш учун одатда қуйидаги усуллардан фойдаланадилар:

– циклик кўтарилиш даврида вақтинчалик ишчиларни жалб қилиш;

– фирма доирасида меҳнат ресурслардан моҳирона фойдаланиш;

– ишчилар ихтисосини ўзгартириш ва уларни янги ихтисосликларга ўқитиш;

– конъюнктура ёмонлашган даврда иш ҳафтасини қисқартириш;

– навбатдан ташқари таътиллар ва нафақага муддатдан илгари чиқиш.

Бундай тадбирлар одатда, бандликни барқарорлаштириш бўйича махсус ишлаб чиқилган дастурлар доирасида ўтказилади. Уларнинг асосий вазифаси – ўта малакали ишчиларнинг зарур сонини сақлаб қолиш; уларнинг бажараётган ишларининг унумдорлиги ва самарадорлигини доимий ошириш истакларини рағбатлантиришдир.

Ходимларни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш қуйидагиларни кўзда тутади:

– умумий мақсадларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мақсадли йўналтирилганликнинг мавжудлиги: меҳнат унумдорлигини ошириш; маҳсулот сифати, меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчанлиги; ишчилар малакасини доимий равишда ошириб бориш;

– меҳнат реесурсларини бошқариш соҳасида стратегияни фирма раҳбарияти вакилларининг касаба уюшмаси ва ишчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ҳамда бандликни барқарорлаштириш.

Персонал учун бандлик кафолатини таъминлаш фирманинг янада даромадли бўлишини ва рақобатбардошлилигини таъминлайди.

Бандлик кафолати ва кадрлар қўнимсизлигининг пасайиши ахамиятли иқтисодий самарани таъминлайди ва ишчилар хўжалик конъюнктурасининг ёмонлашиши даврида ўтказиладиган ишдан бўшатиш хавфидан кўрқмаган ҳолда ўз ишининг самарадорлигини оширишга ундайди. Масалан, АҚШнинг «IBM» фирмаси иқтисодий сабаблар бўйича ишчиларни бўшатмайди. Бундай амалиётга 35 йил мобайнида қаттиқ амал қилинмоқда. Бунда зақти келганда янги ишчиларни ишлашни тўхтатиш, малака ошириш дастурларини олиб бориш, нафақага муддатидан олдин чиқариш ва бошқа усуллар қўлланилади. Кўпгина америка фирмалари меҳнат ресурсларини бошқаришнинг узоқ муддатли дастурларидан ишчиларни оммавий ишдан бўшатишдан қочиш учун кенг фойдаланадилар.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишга гуруҳий ёндашишда меҳнатга ҳақ тўлаш янада малакали ишчиларни аниқ ишга қизиқтириш учун рақобат асосида амалга оширилади. Энг юқори ҳақни бир қанча ўзаро боғланган мутахассисликларни эгаллаган ишчилар оладилар. Шундай қилиб, мақсадли гуруҳларнинг ҳар бир аъзосининг иш ҳақи унинг малакаси ва эгаллаган мутахассисликлари сонига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун инсоний омиллардан фойдаланувчи усуллардан кўпгина ҳолларда япон фирмаларида қўлланилади; америка фирмалари эса ходимларни бошқаришнинг анъанавий усулларидан фойдаланишга йўналтирилган (1-чизма).

Масалан, япон фирмаларида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича гуруҳлар одатда турли хил соҳа мутахассисларидан тузилган. Бу мутахассислар бир-бирларидан ўрганишади, муаммога ўзларининг турли хил нуқтаи назарларини билдирадилар, бозор шароити ҳақидаги маълумотларни, айниқса, синов ва хатолар натижаларини (улар эса маҳсулотни параллел ишлаб чиқариш жараёнида албатта кузатилади) хар томондан кўриб чиқадилар.

Маъмурий бинолар ва заводлар, конструкторлик ва ишлаб чиқариш бўлимларининг алоҳида жойлашиши шароитларида ишчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар қийинлашади. Шунинг учун, битта бинода маҳсулот тайёрлаш ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини бирлаштириш алоҳида аҳамият касб этди.

Ишни ташкил этишга гуруҳий ёндашиш, турли хил гуруҳларнинг узвий ўзаро боғланиши учун шароитлар яратиш, турли хил даражадаги ходимлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, ҳамкорлик жараёнида психологик қулай иқлимни шакллантириш, иерархия бўйича бир ишчиларнинг бошқасига буйсунишининг юзага келмаслигига имконият яратади.

Америка фирмаларида касаба уюшмалари фаоллари нафақат директорлар кенгашининг ва компания мулкчилигида иштирок этиш имконига, балки касаба уюшмалари аъзолари иш ҳақини қисқартирганлик учун турли хил товон тўлаш, капитал киритиш соҳасида қарорлар қабул қилишда овозга эга бўлдилар.

Япон ва Америка менежмент моделларининг таққосланган хусусиятлари (1-чизма)[1]

Япон менежменти модели	Америка менежменти модели
1. Якдиллик асосида бошқарув қарорларининг жамоавий қабул қилиниши	Қарор қабул қилишнинг индивидуал хусусияти
2. Жамоа жавобгарлиги	Индивидуал жавобгарлик
3. Бошқарувнинг ностандарт эгилувчан тузилмаси	Бошқарувнинг қатъий расмийлаштирилган тузилмаси
4. Назоратнинг норасмий ташкил этилиши	Назорат процедурасининг аниқ шакллантирилиши
5. Жамоа назорати	Раҳбарнинг индивидуал назорати
6. Ходим ишини секин баҳолаш ва хизмат мартабасининг секин ўсиши	Меҳнат натижасининг тез баҳоланиши, хизмат мартабасига кўтирилишнинг жадаллаштирилган шакли
7. Раҳбарнинг асосий хусусияти – ҳаракатлар координациясини амалга ошириш кўникмаси ва назорат	Раҳбарнинг асосий хислати – профессионализм
8. Бошқарувнинг гуруҳга йўналганлиги	Бошқарувнинг алоҳида шахсга йўналганлиги
9. Бошқарувни жамоа натижасига ва жамоадаги уйғунликка эришиш бўйича баҳоланиши	Бошқарувнинг индивидуал натижа асосида баҳоланиши
10. Универсал тоифадаги раҳбарларни тайёрлаш	Тор доирада мутахассисликка эга бўлган раҳбарларни тайёрлаш
11. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг гуруҳ иши натижаларига ва хизмат стажига боғлиқ бўлиши	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг индивидуал эришилган натижаларга боғлиқ бўлиши
12.Раҳбарнинг фирмада узоқ муддатда банд бўлиши	Қисқа муддатга ишга ёллаш

АҚШда бандлик даражасини сақлаб қолиш учун курашда фирма ишчиларини қайта тайёрлаш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим соҳаларидан ҳисобланади.

Касаба уюшмалари фирма бухгалтерия китобларига кириш ҳуқуқига эга бўлиш ва фирма тижорат операцияларини мустақил экспертлар ёрдамида назорат қилишга катта аҳамият берадилар.

Америка фирмаларида менежерлар, шунингдек, муҳандислар ва олимларни тор ихтисосликка йўналтирадилар. Америкалик мутахассислар, одатда тор билим доирасида малакага эгалар ва шунинг учун уларнинг бошқарув иерархияси бўйича юқори лавозимларга кўтарилиши вертикал бўйича амалга ошади, бу эса молиячи ўз мавқеини фақат шу соҳадагина олиб боради. Бу эса бошқарув босқичлари бўйича кўтарилиш имкониятини чеклайди ва бошқарув кадрларининг қўнимсизлигини юзага келтиради, уларнинг бир фирмадан иккинчисига ўтишини кўрсатади.

Америка фирмаларида ишга қабул қилингётганда потенциал номзодлар касбий тайёргарлигини аниқлаш учун тест синовларидан ўтадилар. Одатда, ҳар бир фирма ўзининг ишчиларни танлаб олиш ва ёллаш мезонларини ишлаб чиқади. Ишга қабул қилгандан кейин лавозимга кириш жараёни бошланади, бунда унинг тор мутахассислиги билан чекланган қўлланмаларга мувофиқ унинг бажарадиган мажбуриятлари билан таништирадилар, лекин фирманинг фаолияти ва унинг ташкилий маданияти билан тўлиқ равишда таништирмайдилар.

[1] Поршнев А. Г. и др. История менежмента – М.: «ИНФРА-М», 1997. -С. 240.

Япония фирмаларида раҳбар алоҳида вазифалари бўйича эмас, балки фирманинг исталган участкасида ишлаш қобилиятига эга мутахассис бўлиши керак деган фикрни маъқуллайдилар. Шунинг учун бўлим ёки бўлинма раҳбари малакаси оширилаётганда аввал ўзи ишламаган фаолиятнинг янги доирасини ўзлаштириш учун танлаб олади.

Япония фирмалари мезонлар сифатида қуйидагилардан фойдаланадилар: икки касбда ишлаш, жамоада ишлаш қобилияти, меҳнатининг умумий вазифа учун аҳамиятини тушуниш, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишни билиш, турли хил масалаларни ҳал этишни мувофиқлаштириш, хатларни савод ли ёза билиш ва графиклар чизишни билиш.

Одатда, потенциал номзодларнинг яримавтомат жамоаларда ишлаш қобилиятлари дастлабки текширувдан ўтказилади.

АҚШ фирмаларида кадрлар сиёсати одатда, қуйидаги йўналишлар бўйича деярли бир хил тамойиллар орқали тузилади:

– кадрларни танлашнинг умумий мезонлари: маълумот, амалий тажриба, психологик мослик, жамоада ишлай олиш.

Фирмада раҳбар кадрлар тайинланади.

Малакали ўрта бошқарув кадрлари – усталар ва участка бошлиқлари етишмовчилиги мавжуд. Бу юқори талаблар ва жавобгарлик, етарли даражада бўлмаган маънавий ва моддий рағбатлантириш, малакали ишчиларнинг уста лавозимини эгаллашни ҳоҳламасликлари, техника ва инсоний омиллар соҳасида ушбу ишга талабларнинг ортиши билан юзага келади.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ходим меҳнат шароитига аҳамиятли ўзгаришлар киритди:

– касблар ва лавозимлар йўриқномаларининг қатъий рўйхатини ишчилар учун янада кенгрок, мақбул ва қулай бўлганига алмаштириш;

– марказий хизматларда иш ҳажми ва маъмурий аппарат сонини қисқартириш;

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилучан шаклига ўтиш;

– муҳандислар, олимлар ва ишлаб чиқарувчиларни муфассал (лойиҳалашдан то маҳсулотларни тайёрлашгача) жамоаларга, лойиҳа-мақсадли гуруҳларга бирлаштириш.

Ишлаб чиқаришга автоматлаштиришни татбиқ этиш барқарорликни, турғунликни яратади. ШЭҲМ унча кўп бўлмаган шахслардан ижодийликни талаб этсада, улар кўпгина ишчилар учун ишни стандартлашни билдиради.

Японияда қуйидаги хусусиятларга асосланган ходимларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: ишчиларни умрбод ёки узоқ муддатга ёллаш; хизмат кўрсатган йиллар учун иш ҳақини ошириш; фирма доирасида тузилган касаба уюшмаларига аъзо бўлиш (америкадаги каби тармоқда эмас).

Бошқарувнинг японча турининг қуйидаги асосий тамойилларини алоҳида ажратиш мумкин:

– фирма ва ишчилар қизиқишлари ва ҳаёт фаолиятларининг узвий боғлиқлиги, ишчининг ўз фирмасига юқори даражада боғлиқлиги, фирмага содиқлиги ва унинг қизиқишларини ҳимоя қилишга тайёргарлиги учун аҳамиятли махсус кафолатлар ва манфаатлар тақдим этиш;

– индивидуаллик олдида жамоа бошчилиги устуворликлари, унча катта бўлмаган гуруҳларнинг турли хил турлари доирасида фирма ичида кишиларнинг бирлашишини қўллаб-қувватлаш, эгаллаб турган лавозимига қарамай ишчилар ўртасидаги тенглик муҳити;

– фирма фаолият юритишини таъминловчи учта асосий кучлар: бошқарувчилар, қолган ишчилар ва инвесторлар таъсири ва қизиқишлари балансини сақлаш.

– фирмалар – бизнес-ҳамкорлар ўртасидаги, шунингдек, маҳсулот етказиб берувчи ва харидорлар ўртасидаги алоқаларни шакллантириш усуллари.

Шундай қилиб, Японияда ходимларни бошқариш тизими бандликни кафолатлаш; янги ишчиларни жалб қилиш, уларни тайёрлаш; иш стажидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш, ойлик иш ҳақининг эгилувчан тизимини кўзда тутади.

Японияда кафолатланган бандлик белгиланган тарзда умрбод ёллаш тизими орқали таъминланади ва у ишчилар 55-60 ёшга тўлгунларига қадар давом этади. Бу тизим йирик фирмаларда банд бўлган япон ишчиларининг тахминан 25-30%ни қамраб олади. Бироқ молиявий аҳволнинг кескин ёмонлашиши ҳолларида япон фирмалари ишдан озод этиш жараёнини барибир амалга оширадилар: бандлик кафолатланиши ҳақида ҳеч қандай расмий ҳужжат йўқ. Шунга қарамай, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати даражасини ошириш, ишчиларнинг ўз фирмаларига нисбатан холислигини таъминлаш соҳасида эришган ютуқлари негизида япон фирмалари томонидан ишчиларга тақдим этилаётган кафолатланган бандлик туради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси. 2016 йил 16 январь.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

3. Акофф Р. Планирование будущего корпорации. – М.: «Прогресс», 1995.

4. Зиханский С.С., Наумов А.И. Менеджмент: Учебник. 3-е изд. - М.: «Гардарика», 2000.

5. Кибанов А.Я., Мамедзаде Г.А., Родкина Т.А. Управление персоналом. Регламентация труда. – М.: «Экзамен», 2004.

6. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: персонал. – М.: «Дело», 2001.

7. Мот Е.Г. Менеджмент: Организационное поведение: Учеб. пособие. – М.: «Финансы и статистика», 1999.

8. Мэйланд Я. Руководство по управлению персоналом в малом бизнесе. / Пер.сангл. – М.: «Аудит», «ЮНИТИ», 1996.

9. Герчикова И.Н. Менежмент: – М.: «Юнити», 2001.

Бабаходжаев С.Н.,
соискатель НУУз им. Мирзо Улугбека

ОПТИМИЗАЦИЯ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЦЕНТРАЛИЗОВАННОМ И РЕГИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ

С начала осуществления реформы изменился состав и структура участников внешнеэкономических связей. Право выхода на внешний рынок получили более двух тысяч хозяйствующих субъектов республики, в числе которых ассоциации, концерны, малые и частные предприятия. По мнению Хакимова Ф.Х, приступив к формированию рыночной экономики открытого типа, Узбекистан решал три задачи: осуществить реконструкцию хозяйственного комплекса республики и ее регионов, провести структурную перестройку национальной экономики, развивать и поддерживать наиболее перспективные отрасли и предприятия, которые составляли экспортное ядро хозяйственной системы[1].

Большие изменения произошли за эти годы во внешнеэкономической деятельности нашей страны, 805,6 миллионов долларов США – таков был объем внешнеторгового оборота в 1990 году. По итогам 2014 года, отмечается положительное сальдо во внешнеторговом обороте, которое превысило 1,3 миллиарда долларов.

В настоящее время в Узбекистане складываются новые организационные формы ведения внешней торговли и внешнеэкономической деятельности, идет поиск. Значительное расширение прав регионов фактически означает возможность определения на местах видов экспортной специализации и улучшения использования импортной продукции на региональном уровне.

Основу внешнеэкономической деятельности регионов составляли такие принципы:

– максимальная экономическая эффективность на уровне экономики регионов и хозяйствующих субъектов;

– конкурентная основа и альтернативность выбора инвестиционных проектов, обеспечивающая свободный доступ к информации всех региональных структур и субъектов хозяйствования;

– обеспечение экономической и правой защиты региональных участников внешнеэкономической деятельности и их экономических интересов на международном уровне.

Одними из основных факторов устойчивого экономического роста за этот период стала развития внешнеэкономических связей регионов Республики Узбекистан. Как свидетельствует анализ внешнеторгового оборота на душу населения по регионам Республики Узбекистан, она в большинстве территорий имеет положительную динамику.

Значительную роль в этом сыграли:

– за эти годы структура экспорта значительно улучшилась за счет повышения объемов готовой продукции, а также продукции промежуточного назначения (полуфабрикатов);

– наблюдался высокий рост экспорта по продовольственным товарам, где большую долю занимает плодоовощная продукция. Сохраняется тенденция роста вывоза готовой продукции по товарной группе «машины и оборудование» за счет экспорта легковых автомобилей и электротехники, а также по текстилю и текстильным изделиям;

[1] Хакимов Ф.Х. Экономический механизм повышения экспортного потенциала промышленности Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: ИЭ АН РУз, 2004. -С. 25.

– в номенклатуре экспорта страны появились новые виды продукции – это изделия с использованием редких металлов, различные пищевые консервации, насосы центробежные, оборудование нефтегазовое, буровое и запчасти к ним и многое др.

За 2008-2014 гг. объем экспорта увеличился на 131,1%, улучшается структура и качество экспортируемой продукции. Рост был обеспечен за счет роста производства и увеличения объемов экспорта продукции базовых отраслей, а также активного вовлечения в экспортную деятельность субъектов малого и частного бизнеса, расширение номенклатуры экспортируемых товаров, диверсификации стратегических рынков сбыта. Приоритетным направлением обеспечения роста экспортного потенциала является увеличение производства и номенклатуры готовых товаров с высокой добавленной стоимостью, таких как автомобиль «Кобальт», силовые агрегаты, электробытовая техника, новые виды текстильно-трикотажной продукции, изделия медицинского назначения и строительные материалы.

В результате за исследуемый период экспорт на душу населения по Республики Узбекистан вырос 482,5 долл.США до 503,1 долл. США или на 4,5% .

Своевременно принятые и реализованные меры по стимулированию экспортного потенциала и поддержке предприятий-экспортеров позволили вовлечь в экспортную деятельность свыше 450 новых предприятий. Этому способствовало и создание при Национальном банке внешнеэкономической деятельности Фонда поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства с территориальными филиалами во всех регионах республики, основными функциями которого является оказание правового, финансового и организационного содействия в продвижении собственной продукции на экспорт.

Развитие импортозамещающих отраслей и отечественного производства также является одной из значимых составляющих внешнеэкономической деятельности. Приоритетной остается задача дальнейшего углубления локализации производства, которая будет реализовываться, прежде всего, на основе глубокого анализа объемов и номенклатуры импортируемой продукции, заключенных контрактов и договоров на Международной промышленной ярмарке и Кооперационной бирже, системного изучения конъюнктуры внешних рынков и выработки предложений по локализации производства.

Интенсивность экспортно-импортных операций непосредственно связана, во-первых, с местом региона или страны в структуре мировой экономики, с состоянием конкурентоспособности предприятий, отраслей, произведенной продукции и услуг, во-вторых, с макро- и микроэкономическими процессами внутри хозяйства страны или конкретного региона.

Помимо внешней торговли, заметно активизировались другие формы внешнеэкономического сотрудничества, увеличивается число созданных и функционирующих на территории республики предприятий с иностранными инвестициями.

В 2015 году были приняты ряд мер по совершенствованию деятельности иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями, связанных с упрощением процедуры государственной регистрации, а также оформления необходимых разрешительных документов, связанные с деятельностью иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями, законодательно закреплено право иностранных инвесторов – физических лиц и должностных лиц юридических лиц – иностранных инвесторов въезжать и оставаться на территории Республики Узбекистан на весь период существования их долей (вкладов, акций) в предприятиях с иностранными инвестициями с получением соответствующих многоразовых виз, дополнительные гарантии и меры защиты иностранным инвесторам также предоставляются при инвестировании во внедрение высоких современных технологий и развитие высокотехнологичных производств и др.

Примерами благоприятных условий созданных в Узбекистане для иностранных инвесторов, могут служить СИЭЗ «Навои» и СИЭ «Ангрен», которые занимают особое место в реализации проектов по модернизации производственного потенциала страны. Так, с момента создания СИЭЗ «Навои» на ее территории введены в эксплуатацию производства по 19 инвестиционным проектам на общую сумму свыше 100 миллионов долларов. На основе высоких технологий организовано производство таких видов продукции, как модемы и ТВ-приставки, электронные счетчики электроэнергии, силовые кабели, отопительные и водонагревательные котлы, мобильные и стационарные телефонные аппараты, готовые лекарственные средства, и других. В 2014

ведут предприятиями зоны произведено продукции на сумму свыше 100 миллиардов сумов с ростом против прошлого года на 25,8 процента.

На территории СИЗ «Ангрен» за короткий срок налажено производство высокотехнологичной продукции по 5 проектам на общую сумму около 44 миллионов долларов – энергосберегающих светодиодных ламп, медных труб различного диаметра, брикетного угля, а также завершено строительство нового завода по производству сахара и других предприятий.

Учитывая накопленный опыт, в Джизакской области мы создали специальную индустриальную зону «Джизак» (март 2012г) с филиалом в Сырдарьинской области, в которой активно ведутся работы по развитию транспортной, производственной и инженерно-коммуникационной инфраструктуры

Привлечение прямых иностранных инвестиций (ПИИ) является одной из приоритетных задач промышленной политики Узбекистана. Значение прямых иностранных инвестиций определяется не только возможностью осуществлять инвестиции сверх уровня национальных накоплений и модернизации производственной базы. Не менее весомыми аргументами в пользу притока ПИИ являются возможность импорта технологического оборудования, современных методов управления и организации производства, использования торговых марок всемирно известных компаний, ноу-хау, каналов доступа транснациональных компаний к мировым рынкам для расширения экспорта продукции и т.д. Страны с трансформирующимися и развивающимися экономиками рассматривают ПИИ как важный источник экономического роста, занятости, инвестиций в реальный сектор. По мнению Вахабова А.В., Разыковой Г.Х. и Хажибакиева Ш.Х. практически во всех модернизационных проектах важную роль сыграли иностранные инвестиции, которые несли собой новые технологии и приток специалистов, способствовали развитию инновационных отраслей и производств[1].

Развития внешнеэкономической деятельности регионов республики определяется следующими моментами:

– курсом на интеграцию в мировую экономику, либерализацией внешнеэкономической деятельности и валютного регулирования;

– предоставлением широкой самостоятельности предприятиям всех форм собственности в внешнеэкономической деятельности и их адекватной ответственности за ее результаты;

– наметившейся тенденцией относительного снижения спроса на сырье на мировом рынке;

– учетом конъюнктуры мирового рынка и неизбежной жесткой конкуренцией за рынки сбыта;

– начинающимся процессом взаимопроникновения капитала;

– существующей разницей между внутренними и мировыми ценами;

– неконкурентоспособностью продукции отдельных отраслей промышленности;

– неразвитостью инфраструктуры и недостаточным уровнем информационной, технической, финансовой инфраструктуры внешнеэкономической деятельности республики, в том числе и ее регионов;

– стремлением Узбекистана к участию в ведущих международных организациях, в т.ч. развитием отношений по линии Всемирной Торговой Организации;

– развитием экономического сотрудничества между странами СНГ, подписавших соответствующие соглашения (зона свободной торговли) и др.

Практические шаги по развитию внешнеэкономической деятельности регионов республики направляются на утверждение модели сотрудничества во внешнеэкономической области в соответствии с мировой практикой. Это дальнейшее разделение хозяйственных и государственных управленческих функций, переход на прямое, или при посредничестве специализированных организаций, сотрудничество предприятий, фирм, при содействии государства в лице его органов управления.

Развития внешнеэкономической деятельности регионов включает следующие основные направления. Во-первых, создание организационно-правового механизма, адекватного

[1] Вахабов А.В, Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. – Т. «Молия», 2011. -С. 148.

сложившимся мирохозяйственным требованиям (и по набору субъектов общения, и по их организационно-экономической структуре, и по характеру поведения) и соответствующую экономическую инфраструктуру внешнеэкономической деятельности.

При этом формирование внешнеэкономической структуры предполагает создание:

– системы международных коммуникаций (развитие транспорта и телекоммуникаций). Наличие в регионе международных аэропортов, международных телефонных станций с полным набором международной связи, необходимой для связи с международными партнерами – телефон, телефакс, телекс, спутниковая связь и т.д.;

– единой системы подготовки и переподготовки кадров для международного сотрудничества. В настоящее время существует разрыв между профессиональной подготовкой кадров и требованиями к продукции, конкурентной на мировом рынке. Все кто связан с зарубежными фирмами, должны владеть основами бизнеса, менеджмента, знать стратегию маркетинга, правила международного сотрудничества. Большой резерв имеют высшие учебные заведения. Им и надлежит готовить специалистов по внешнеэкономическим связям, которые представляли бы особенности этой работы и владели иностранными языками;

– проведение научных исследований и разработок. В условиях перехода к рыночным отношениям меняются принципы функционирования науки, она должна обеспечить выполнение заказов территорий на договорной основе. Кроме того, должно расти участие научно-исследовательских центров в международных исследовательских проектах.

Второе важное направление внешнеэкономической стратегии – это определение экспортной специализации, расчет конкурентоспособности производимой продукции, поиск наиболее емких внешних рынков.

Третье направление - рациональное использование иностранных инвестиций для удовлетворения внутренних потребностей и снижения больших издержек производства отдельных видов продукции. Прямое привлечение иностранных инвестиций из-за рубежа является важным направлением внешнеэкономической деятельности в рамках формирование открытости экономики. Открытый характер экономики, предполагает постоянно держать под контролем уровень цен на мировом рынке, иметь информацию об условиях предоставления кредитов и займов и их погашении, тарифных и нетарифных ограничениях в движении товаров, учитывать правовые нормы поведения в деятельности иностранных компаний, выгоды совместной деятельности, и т.п.

Четвёртое направление – реализация инновационного типа экономического роста, основанного на постиндустриальных ресурсах, таких как, качество местной рабочей силы, знания и технологии, вовлеченность региона в действующие финансовые рынки, степень развитости инновационной инфраструктуры и др. С учетом этого конкурентоспособность региона означает способность использовать традиционные и формировать новые, адекватные инновационной экономике, конкурентные ресурсы.

Таким образом, внешнеэкономические связи региона формируются при наличии сложной системы факторов, к основным из которых можно отнести:

– определение динамики развития национальной и региональной экономики состоянием мирового рынка, сегменты которого ориентированы на высокие технологии;

– высокая степень монополизированности отдельных сегментов мирового рынка транснациональными компаниями;

– недостаточность масштабов отечественных экспортеров в отдельных сегментах рынка по сравнению с международными компаниями;

– меняющаяся система международной торговли (в рамках ВТО). Что снижает возможности развивающихся стран в проведении экспорта ориентированной политики,

– географическое расположение того или иного государства, которое в силу качественных своих характеристик, может служить фактором, ограничивающим их экспортные возможности;

– благоприятные природно-климатические условия, масштабы территорий и внутреннего рынка.

Джумаева С.К.,
старший преподаватель экономического факультета
НУУз им. Мирзо Улугбека

РОЛЬ МОДЕРНИЗАЦИИ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РЕСПУБЛИКИ

Модернизация - усовершенствование, обновление объекта, приведение его в соответствие с новыми требованиями и нормами, техническими условиями, показателями качества. Модернизированное общество имеет комплекс взаимосвязанных черт, которые часто рассматриваются как отдельные процессы экономической, политической, социальной и культурной модернизации.

Экономическая модернизация предусматривает интенсификацию процесса экономического воспроизводства, которая достигается благодаря росту дифференциации труда, энергетического оборудования производства, превращения науки в производственную (экономическую) силу и развития рационального управления производством. Ее составляющими являются]: замена силы человека или животного неодушевленными источниками энергии, такими как пар, электричество или атомная энергия, используемые в производстве, распределении, транспорте и коммуникации; отделение экономической деятельности от традиционалистского окружения; прогрессирующая замена орудий труда машинами и сложными технологиями; рост в количественном и качественном отношении вторичного (промышленность и торговля) и третичного (обслуживание) секторов экономики при одновременном сокращении первичного (добыча);возрастающая специализация экономических ролей и кластеров экономической деятельности – производства, потребления и распределения; обеспечение самоподдержки в росте экономики – как минимум, обеспечение роста, достаточного для одновременного регулярного расширения производства и потребления; растущая индустриализация

Модернизация стала фактором создания экономических форм и институтов, способствующих развитию и доминированию товарно-денежных отношений в производстве, потреблении и принуждении к труду, что привело к развитию капитализма. Это, в свою очередь, повлекло развитие и распространение рыночных отношений, формирование и развитие национальных и транснациональных рынков. Использование достижений науки в бизнесе способствовало научно-технической революции и превращению науки в одну из важных производственных сил. Экономическая модернизация также предполагает постоянное совершенствование методов управления экономикой и производственных технологий, что способствовало появлению рациональной бюрократии, менеджмента и экономической науки.

Политическая модернизация предполагает создание определенных политических институтов, которые должны способствовать реальному участию населения во властных структурах и влиянию народных масс на принятие конкретных решений. Ее составляющие: приближение к дифференцированной политической структуре с высокой специализацией политических ролей и институтов, эволюция политической системы в направлении создания с усиление роли государства; современного суверенного государства; расширение сферы действия и усиление роли законодательного поля, объединяющее государство и граждан, рост численности граждан (лиц с политическими и гражданскими правами), расширение привлечения к политической жизни социальных групп и индивидов; возникновения и роста политической бюрократии, превращение рациональной деперсонифицированной бюрократической организации в доминирующую систему управления и контроля; ослабление традиционных элит и их легитимности, усиление модернизаторских элит.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Социальная модернизация предполагает формирование открытого общества с динамичной социальной системой

Социальная модернизация способствовала появлению раннее модерных и современных наций, массового и гражданского общества и социального государства. Культурная модернизация предполагает формирование высокодифференцированной и в то же время унифицированной культуры, базирующейся на комплексной парадигме прогресса, совершенствования, эффективности, счастья и природного выражения личных возможностей и чувств, а также на развитии индивидуализма.

В последние годы развития стран мира все больше и больше стало зависеть от модернизации стратегических отраслей экономики и внедрений инновационных технологии в различные сферы. В этом преимущества и политика модернизации экономики развитых стран отличается от внушительных масштабов инвестиции в социальную сферу. Так, как социальная сфера обеспечивает экономику будущей отдачей инвестиций, это немаловажный фактор влияющей стратегическому развитию страны в целом.

Модернизация социальной сферы требует немалую сумму инвестиций. В частности в нашей стране по модернизации социальной экономики тоже уделяется особое внимание. «Самого серьезного внимания заслуживает работа по привлечению инвестиций, направляемых на реализацию проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению отраслей, структурным преобразованиям в экономике страны. В этих целях в 2015 году было привлечено и освоено инвестиций за счет всех источников финансирования в эквиваленте 15,8 миллиарда долларов США, или с ростом против 2014 года на 9,5 процента. При этом более 3,3 миллиарда долларов, или свыше 21 процента всех инвестиций – это иностранные инвестиции, из которых 73 процента составляют прямые иностранные инвестиции[1].

Модернизация общества, прежде всего, предполагает его индустриализацию. Исторически возникновение современного общества тесно связано с зарождением промышленности. Все характеристики, соответствующие понятию современности, могут быть соотнесены с теми переменами, которые два столетия назад вызвали к жизни общество индустриального типа. Это позволяет предполагать, что термин «индустриальное общество» имеет не только экономическое и технологическое значение, но и значение стиля жизни, характеризующего глубинные экономические, социальные, политические и культурные перемены. Общества становятся современными именно в процессе всесторонней индустриальной трансформации. Основными чертами современного общества считаются: ориентация на инновации, светский характер социальной жизни, поступательное (нециклическое) развитие, демократическая система власти, массовое образование и т.д.

Важным источником и процессом социальных изменений в обществах выступает социальная модернизация. Существуют несколько определений модернизации. Группа западных социологов (Мур, Айзенштадт и др.) рассматривают модернизацию как процесс формирования двух типов социальных систем (западноевропейской и североамериканской). Уточняя эту точку зрения, Нейл Смелзерс перечисляет шесть областей общественной жизни, которые входят в совершенствующиеся социальные системы: экономика, политика, образование, религия, стратификация, семья. Здесь модернизация понимается в широком смысле слова - как эволюционное изменение общества[2].

Для понимания модернизации общественных систем, формаций и цивилизаций важно определить современное. Если речь идет о самомодернизации, то имеют в виду критерии общественного прогресса: технологический уровень; уровень, качество и справедливость жизни людей, эффективность труда; разнообразие и массовость товаров; эффективность политической системы; господствующие смыслы жизни и т. д. В случае догоняющей модернизации за образец современности обычно берут западное общество.

---

[1] Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая еще более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса – Т.: «Узбекистан», 2016.

[2] Кушлин В.И. Государственное регулирование рыночной экономики. – М., 2005.

Формационная модернизация – процесс замены прежней общественной деформации новой в результате совершенствования образующих ее общественных подсистем и отношений между ними. Она представляет собой глубокий и всесторонний конфликт между старым и новым, традиционным и современным. Общественно-формационная модернизация может происходить в форме социальной эволюции.

Цивилизационная модернизация включает в себя появление цивилизационного лидера, нового проекта, цивилизационного института, отвечающего, с одной стороны, внешним вызовам, а с другой стороны – характеру, ментальности, образу жизни народа. Она тоже представляет собой конфликт между старой и новой цивилизацией.

По итогам прошедших лет в Узбекистане именно на развитие социальной сферы уделено особое внимание. Анализируя поступательное продвижение страны по пути демократических преобразований и устойчивого развития, мы имеем все основания заявить о том, что в истекшем году сделаны решительные шаги в осуществлении принципиально важных реформ, направленных на достижение нашей главной цели – выйти на уровень развитых демократических государств мира с сильной социально ориентированной экономикой, обеспечивающей достойный уровень и качество жизни наших людей[1].

Устойчиво высокие темпы роста экономики и сферы услуг создали необходимые условия для реализации важнейшей приоритетной задачи – обеспечения занятости населения, прежде всего трудоустройства выпускников профессиональных колледжей и высших учебных заведений.

В 2015 году создано свыше 980 тысяч рабочих мест, из них более 60 процентов – в сельской местности. Трудоустроено свыше 480 тысяч выпускников колледжей. Коммерческими банками им выданы льготные кредиты на организацию собственного бизнеса в объеме около 280 миллиардов сумов, что в 1,3 раза больше, чем в 2014 году. Достигнутые в 2015 году устойчиво высокие темпы экономического развития создали прочную базу для дальнейшего роста доходов населения, повышения уровня и качества жизни наших людей. Заработная плата работников бюджетных организаций, пенсии и стипендии были увеличены на 21,9 процента, а реальные совокупные доходы на душу населения повысились на 9,5 процента.

В нашей стране особое внимание уделяется снижению уровня социального расслоения общества. Соотношение доходов 10 процентов наиболее обеспеченного населения и 10 процентов наименее обеспеченного населения – так называемый «децильный коэффициент» – имеет устойчивую тенденцию к снижению и в 2015 году составило 7,7 по сравнению с 8,5 в 2010 году.

Сложившийся международный показатель, характеризующий расслоение по доходам, – индекс Джини в 2015 году составил 0,280 против 0,390 в 2000 году и по своему уровню значительно ниже, чем во многих экономически развитых и развивающихся странах мира.

В центре нашего внимания в истекшем году были вопросы дальнейшего реформирования и совершенствования системы образования. Ежегодные расходы на образование в Узбекистане составляют порядка 10-12 процентов к ВВП, что почти в 2 раза превышает соответствующие рекомендации ЮНЕСКО (6-7 процентов) по размерам инвестиций в образование, необходимых для обеспечения устойчивого развития страны.

В 2015 году были осуществлены работы по дальнейшему развитию и укреплению материально-технической базы 384 объектов в сфере образования на общую сумму 423 миллиарда сумов, в том числе построено по типовым проектам 29 новых общеобразовательных школ, реконструировано 219 школ и капитально отремонтировано 136 школ. В сфере высшего образования внедрена принципиально новая, усовершенствованная система регулярной переподготовки профессорско-преподавательского состава вузов. В 15 базовых вузах организованы курсы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров вузов, на которых уже прошли переподготовку около 2,7 тысячи преподавателей.

[1] Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая еще более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Узбекистан». 2016.

Особое внимание в нашей стране уделяется развитию физической культуры и спорта, являющихся важным и эффективным фактором укрепления здоровья населения. В 2015 году в рамках реализации адресной программы строительства и реконструкции детских спортивных сооружений за счет средств Фонда развития детского спорта сданы в эксплуатацию 35 типовых спортивных объектов, 12 плавательных бассейнов, 174 школьных спортивных зала на общую сумму более 225 миллиардов сумов. В 2015 году спортсменами Узбекистана на чемпионатах мира, Азии и других международных турнирах завоевано свыше 860 медалей, из них 311 золотых, 274 серебряных и 276 бронзовых. Особенно успешно наши спортсмены выступают в таких видах спорта, как легкая атлетика, художественная гимнастика, бокс, борьба, дзюдо, таэквондо, конный спорт.

В основных параметрах Фонда развития материально-технической базы высших учебных заведений на 2016 год доходы предусмотрены в объеме 355,6 млрд. сумов, которые будут сформированы за счет средств Государственного бюджета и благотворительных средств попечителей (спонсоров), что полностью обеспечит финансирование строительства, реконструкции, капитального ремонта и оснащения учебно-лабораторных корпусов, спортивных сооружений и мест проживания студентов вузов в соответствии с Программой модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений и кардинального улучшения качества подготовки специалистов на 2011–2016 годы, одобренной Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 мая 2011 года № ПП-1533.

Модернизация в Узбекистане осуществляется точно определенными мерами и год за годом дает результаты своего применение в различных отраслях социальной экономики. В целом в будущем надо развивать именно трудоемкие отрасли социальной сферы поэтапно уделяя внимание роли иностранных инвестиции.

Для модернизаций экономики нужны хорошие специалисты, которые будут создавать новое оборудование, но для этого нужно усовершенствовать качество деятельности образовательных учреждений. Для этого нужно увеличить финансирование.

Литература:

1. Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая еще более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Узбекистан», 2016.

2. Алимарин С. И. Социальная эволюция и идеология. // МОЛ (Московская Организация Литераторов), 2003, № 1.

3. Кушлин В.И. Государственное регулирование рыночной экономики. – М., 2005.

4. Шабунова А.А., Соловьева Т.С., Гулин К.А., Ласточкина М.А. Модернизация экономики региона: социокультурные аспекты. – М., 2012.

5. http://www.press-service.uz

Абулқосимов М.Ҳ.,
Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчиси

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиб бораётганлиги ва бунинг натижасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик миқёсларининг кенгайиб, иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ролининг ўсиб бораётганлигига қарамасдан, уларнинг экспорт фаолиятидаги иштирокини таъминлаш борасида ишга солинмаган захира ва имкониятлар ҳамда муаммолар мавжуддир. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти «Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади»[1], деб таъкидлаган. Ушбу устувор вазифадан келиб чиқиб 2016 йил учун экспорт соҳасида қуйидагилар белгиланган:

- экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш;
- божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш;
- ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш;
- маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилда 426 та янги корхоналарни экспортга жалб этиш, 49 турдаги, шу жумладан қўшилган қиймати юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар экспортини ўзлаштириш; 752 та корхоналарда халқаро сифат тизимларини жорий қилиш орқали маҳсулотлар сифатини ошириш; ҳар бир ҳудуд бўйича корхоналарнинг чет элларда 5-10 тагача янги савдо уйларини ташкил этиш[2] кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

1) қўшилган қиймати юқори бўлган саноат маҳсулотлари миқдорини ошириш ҳамда экспортга янги корхоналарни жалб қилиш орқали экспорт захираларини топиш;

---

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

2) ташқи савдо инфраструктурасини янада ривожлантириш, жумладан, ҳар бир ҳудуд бўйича чет элларда 5-10 тага янги савдо уйлари ташкил этиш;

3) экспортолди молиялаштириш амалиётини, шу жумладан, экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан молиявий кўмаклашишни кенгайтириш;

4) «Trade Uzbekistan» миллий электрон ташқи савдо порталига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг тижорат таклифлари жойлаштирилишини таъминлаш;

5) мева-сабзавот маҳсулотларини ювиш, саралаш, кесиш, қуритиш, қадоқлаш бўйича янги қувватларни ишга тушириш, ҳар йили бўлиб ўтадиган «Агроминитехэкспо» кўргазма-ярмаркаларда кичик бизнес субъектлари, фермер, деҳқон ва агрофирмаларнинг кенг иштирокини таъминлаш ва логистика инфратузилмаларини яратиш ва ривожлантириш ҳамда 1,4 млн. тонна мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари экспортини таъминлаш[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини рағбатлантириш мақсадида улар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш, маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини жорий этиш вазифалари белгилаб берилди[2].

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, божхона фаолиятига оид қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларининг юқори сифатлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, божхона маъмурчилигининг барча босқичлари ва даражаларида норма ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек божхона органлари томонидан тартибга солишнинг ошкоралигини ошириш мақсадида тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит ҳужжатга айлантирилган, ўрнатилган ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг талқин қилиниши ва қўлланилишида бирхилликни таъминлашига қаратилган янги таҳрирдаги Божхона кодекси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сон қонуни билан тасдиқланди.

Божхона қонунчилигини бирхиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида янги таҳрирдаги Божхона кодекси ўзида амалдаги Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифи тўғрисида»ги Қонунини бирлаштирди. Мазкур Кодексга божхона назоратини ташкил этиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, божхона тўловларини тўлаш, рухсатнома бериш тартиби, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан бўладиган муносабатларни тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳукуматнинг алоҳида қарорларида мавжуд ҳуқуқий нормалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексида қуйидагилар ўз ифодасини топган:

- амалиётда қўлланиладиган божхонага оид тушунчаларни бирхиллаштириш, белгиланган нормалар ва қоидаларни бир хилда талқин қилиш ва қўллашни таъминлаш;

– божхона сиёсати тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни божхона жараёнининг барча иштирокчилари ваколатларига ва уларнинг ўзаро муносабатларига қўллашнинг шаффофлигини таъминлаш;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

– божхона тартиботига юкларни расмийлаштириш муддатларига аниқлик киритиш ва субъектив омилларни истисно этувчи интерактив хизматларни тақдим қилган ҳолда автоматлаштирилган коммуникацион технологияларни жорий қилиш учун ҳуқуқий асосларни шакллантириш;

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказиладиган божхона қонунчилигини бузиш учун жавобгарлик нормаларини чиқариб ташлаш;

– божхона чегарасидан товарларни олиб ўтиш ва уларни глуайян божхона режимига жойлаштириш процедураларини тартибга солиш.

Кодексда 16 та божхона режимининг аниқ тушунчалари мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш шартлари, муддатлари, уларни тугатиш ва шартларини бажариш юзасидан жавобгарлик масалалари ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, божхона соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, шунингдек, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларини «Бир дарча» тамойили асосида бериш белгиланган. Унда божхона тўловлари билан боғлиқ масалалар тартибга солинган, божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши ва тўхтатилиш вақтлари белгиланган, божхона имтиёзлари ва преференцияларнинг қўлланиши, товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва уни баён қилиш масалалари, товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари тартибга солинган.

«Божхона ишида валюта назорати ва ташқи савдо операцияларининг мониторинги» – валюта назоратини амалга оширишда божхона органларининг ваколатлари белгиланган бўлиб, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни билан мувофиқлаштирилган. Кодекснинг 244-моддасида Давлат божхона қўмитаси валюта назоратини амалга оширувчи органлардан бири бўлиб, ташқи савдо операциялари соҳасида бошқа ваколатли органлар, шунингдек банклар ва ўзга ташкилотлар билан ахборот алмашиш, шу жумладан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ахборот алмашиш йўли билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Умуман янги таҳрирдаги божхона кодексининг амалиётга татбиқ этилиши божхона фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини мустаҳкамлайди, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПП-463-сон қарорига биноан «Ўзтадбиркорэкспорт» акциядорлик жамияти ташкил этилган. «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибидаги ташқи савдо компанияси бўлиб, республиканинг барча вилоятларида ваколатхоналари мавжуд. Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалиги, дон, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш, маркетинг ва информацион консалтинг хизматларини кўрсатиш, самарали молия тизимларини яратиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги технологияларни импорт қилишда кўмаклашиш, халқаро кўргазмалар ташкил этиш ва уларда иштирок этишдан иборатдир. Корхона томонидан 2015 йилда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларига маҳаллий маҳсулотлар, бундан ташқари олдин экспорт қилинмаган янги 5 та маҳсулот тури экспорти амалга оширилди. 2015 йилда умумий экспорт миқдори 1,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди[1].

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 2015 йилда **3213** та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар нати-

[1] «Ўзтадбиркорэкспорт» акциядорлик жамияти маълумотлари.

жасида, умумий қиймати **1045** млн. долларга тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга эришилди[1].

Жамғарма кўмагида 2015 йил бошидан **192** та тадбиркорга халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишда ёрдам кўрсатилди. Хорижий ҳамкорларнинг республикамизга таклиф этилиши натижасида **400** дан ортиқ тадбиркоримиз Россия, Латвия, Литва ва бошқа давлатлар ишбилармон доиралари ҳамда хорижий савдо мажмуалари вакиллари билан музокаралар ўтказди. Натижада **481** млн. долларлик экспорт келишувлари имзоланди ва улар доирасида **56** млн. долларлик экспорт амалга оширилди. 16-25 январь кунлари Жамғарма 50 дан ортиқ тадбиркорнинг 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган **«Яшил ҳафта 2016»** халқаро кўргазмасида иштирок этиб, «Абдураҳмон Абдуғаффор Давр», «Шермуҳаммад Бобо», «Хайрулло Баҳром Бойматов», «Туланбек ҳожи Абдурашид боғи» фермер хўжаликларига 9 млн. доллардан ортиқ экспорт келишувларини тузишга кўмаклашди.

Жамғарма 2015 йил 22-25 январь кунлари Францияда утказилган **«Who's Next – Pret-a-Porter Paris 2016»** тўқимачилик кўргазмасида 231 та тадбиркорнинг тижорат таклифлари, каталог ва буклетларини тарқатди, 100 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар билан музокаралар ўтказди ва натижада умумий қиймати 10,8 млн. долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича келишувларга эришилди. 2015 йил 19-20 февраль кунлари Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва унда логистика тизимларининг ўрни масалаларига бағишланган 2 кунлик давра суҳбати ўтказилди ва натижада умумий қиймати **121 млн. долларга** тенг хурмо, қовун, гилос, сабзи, пиёз ва бошқаларни экспорт қилиш бўйича **21 та** келишув имзоланди. 28-29 апрель кунлари Самарқанд вилоятида халқаро конференция ўтказилди. Тадбир натижасида қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича умумий қиймати **182,8 млн. долларлик 39** та келишув имзоланди[2].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов «Жорий йилда жамғарма устав капиталини камида икки баробар кўпайтириш ҳисобидан унинг молиявий имкониятларини, ваколатлари, вазифа ва кўрсатаётган молиявий хизматлари рўйхатини кенгайтириш, мамлакатимиз минтақаларида жамғарманинг таркибий бўлимларини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман»[3], деб таъкидлаган.

[1] Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маълумотлари.

[2] Ўша манба.

[3] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга қўйишдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

Жанназарова Г.К.,
старший преподаватель экономического факультета
НУУз им. Мирзо Улугбека

ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЫ И СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ – КАК КАТАЛИЗАТОРА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

Приоритетными направлениями начатых реформ в стране являются неуклонное продолжение модернизации и либерализации экономики, глубокие структурные изменения, обеспечение макроэкономической стабильности, защита частной собственности, развития малого бизнеса и частного предпринимательства и их интересы. Осуществляется огромная работа по повышению значимости частной собственности и их доли, последовательное сокращение государственных активов в экономике, применение современных методов корпоративного управления посредством обеспечения участия иностранных инвесторов в уставном капитале акционерных обществ и в системе управления.

В свете происходящих перемен важное значение имеет постановление «О дополнительных мерах по привлечению иностранных инвесторов в акционерные общества» в повышении роли иностранных инвесторов в уставном капитале банков и в развитии банковской системы на основе международных критериев. Согласно данному документу доля иностранных инвесторов в уставном капитале акционерно-коммерческого банка должна быть не менее 15 процентов, что несомненно создаст прочный фундамент увеличения спектра оказываемых услуг и улучшению их качества, широкого применения международного опыта и стандартов в практику, расширения участия на внешних рынках, укреплению инвестиционного потенциала. Как известно, мировой финансово-экономический кризис серьезно повлиял, как на объемы и направления международного капитала, так и на поведение самих иностранных инвесторов. Сегодня, по сравнению, например, с 1990 гг., недостаточно иметь лишь богатые природные или недорогие трудовые ресурсы, набор льгот и преференций. Только благоприятный инвестиционный климат позволяет в полной мере расширить приток инвестиций, обеспечить предприятия современными технологиями и оборудованием, способными поддерживать конкурентоспособность отечественной продукции в дальнейшем экономическом развитии страны.

В комплексе мер по обеспечению благоприятного инвестиционного климата существенную роль играет его законодательно-нормативная база. Денежно-кредитная политика государства, как совокупность государственных мероприятий в области денежного обращения и кредита в целях регулирования предложения денежно-кредитных ресурсов для обеспечения неинфляционного экономического роста. Следовательно, законодательно-нормативная база и денежно-кредитная политика государства являются составной частью государственного регулирования экономики. Законы Республики Узбекистан «О Центральном банке», «О банках и банковской деятельности», «Об иностранных инвестициях», «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству», Постановление «О дополнительных мерах по привлечению иностранных инвесторов в акционерные общества» от 21 декабря 2015 года, Постановление «О мерах по дальнейшему повыше-

нию финансовой устойчивости коммерческих банков и развитию их ресурсной базы» от 6 мая 2015 года призваны служить обеспечению финансовой устойчивости банков и обеспечению благоприятного инвестиционного климата.

Денежно-кредитное регулирование осуществляется путём стимулирования кредита и денежной эмиссии (кредитная экспансия) которая широко практикуется в Узбекистане, либо на их сдерживание и ограничение (кредитная рестрикция). В результате первой увеличиваются ресурсы коммерческих банков, которые при выдаче кредитов увеличивают общую массу денег в обращении. Вторая вызывает ограничение возможности коммерческих банков по выдаче кредитов и влияет на насыщение экономики деньгами

Республика Узбекистан с первых дней независимого развития поставила целью обеспечение высоких гарантии для иностранного инвестирования закрепив их законодательно. В годы независимости создана совершенно новая, соответствующая рыночной экономике современная банковская, а также надежная платежная система, полностью отвечающая мировым требованиям. И самое главное, благодаря последовательному проведению эффективной денежно-кредитной политики за короткий срок обеспечено сдерживание темпов инфляции, достигнута сбалансированность макроэкономических показателей.

За последние десять лет совокупный капитал банков вырос в 8,4 раза, за последние пять лет – в 2,4 раза по сравнению с 2014 годом, а в 2015 году данный показатель увеличился на 23,3 процента. Наряду с банковским капиталом также увеличиваются депозиты юридических и физических лиц. К примеру, объем всех депозитов коммерческих банков за последние 5 лет увеличились в 3,6 раза, в 2015 году - на 28 процентов по сравнению с 2014 годом и достиг 35,6 триллиона сумов.[1] Это, несомненно, свидетельствует о повышении доверия населения к банковской системе.

В стране при привлечении инвестиций приоритетное значение придается мобилизации прежде всего внутренних источников. Это означает необходимость широкого использования собственных средств инвесторов – прибыли предприятия, амортизационных отчислений, денежных сбережений и других средств в организации нового производства или дальнейшем расширении имеющихся производственных мощностей. Но в тоже время нельзя не отметить и то, что объемы кредитных вложений, направленных банками в реальный сектор экономики, за последние десять лет увеличились в 11 раз, за последние пять лет – в 3,7 раза, по состоянию на 1 января текущего года достигли 42,7 триллиона сумов. Из них 41,8 процента направлены в промышленность, 13,4 процента – сельское хозяйство, 13,3 процента – транспорт и связь, 2,9 процента – материально-техническое обеспечение, 8,6 процента – торговлю и общепит, 7,5 процента – строительство, 12,4 процента - в другие отрасли.

Заслуживает внимания то, что 37,5 процента данных инвестиций приходится на долю кредитов, выделенных в иностранной валюте, которые в основном затрачены на ввоз современных передовых технологий и оборудования. Ощутимо возрастает также объем инвестиционных кредитов в структуре кредитных вложений, направленных на модернизацию и техническое переоснащение отраслей экономики. Подтверждением тому является то, что только в 2015 году на эти цели выделены инвестиционные кредиты в объеме 10,2 триллиона сумов, что в 1,2 раза больше по сравнению с 2014 годом.[2]

Непрерывное повышение капитала отечественных банков создало возможность для смягчения влияния глобальных экономических кризисов на национальную экономику, что является несомненным основанием для продолжения работы в этом направлении. Все коммерческие банки в соответствии с принятыми постановлениями ведут переговоры с международными финансовыми институтами о продаже не менее 15 процентов доли уставного капитала иностранным инвесторам. Эти меры стали очередным этапом приватизации банков и в ближайшем будущем должны привести к дальнейшему улучшению качества управления и культуры в

[1] cbu.uz/ru/press-tsentr/press-relizy/

[2] cbu.uz/ru/press-tsentr/press-relizy/

банках, повысить участие и ответственность акционеров в банковской деятельности, и уровня оказываемых услуг

При обеспечении надежности и эффективности банковской деятельности помимо капитала, важное значение имеет оценка качества активов. В результате мониторинга, установленного Центральным банком над активами коммерческих банков с позиции ликвидности, риска и доходности, а также влияния отдельных активов на эти позиции, доля проблемных кредитов в кредитных вложениях коммерческих банков не достигает 1 процента, что является низким показателем, чем те которые установлены международной нормой. При этом немаловажную роль играет создание в республике институтов Кредитного бюро и Залогового реестра. Возможности этих учреждений для получения реальной информаций о заложенных имуществах по обеспечению обязательства заемщиков через удаленные каналы связи служат коммерческим банкам в кратчайшие сроки всесторонне проанализировать деятельность клиентов и оценить, чтобы минимизировать кредитный риск.

Таким образом, по общей оценке суммарные активы небанковских кредитных организаций на 1 июля 2016 года составили около 137,9 млрд. сумов, что на 54% больше чем показатели аналогичного периода прошлого года[1].

Предпринимаемые масштабные меры по укреплению финансовой стабильности коммерческих банков положительно влияют при получении ими международной рейтинговой оценки по показателю кредитоспособности. Так, к примеру международное рейтинговое агентство «Moody's» шестой год подряд присваивает рейтинговую оценку с прогнозом «стабильный» перспективам развития банковской системы Узбекистана. Деятельность банковской системы Узбекистана также положительно оцениваются рейтинговыми агентствами «Standard Poor's» и «Fitch Ratings»[2].

Все вышеназванные факторы свидетельствуют о том, что банковские кредиты, на сегодняшний день остаются катализатором экономического развития страны. В частности, общий объем кредитов, направленных в реальный сектор экономики за первое полугодие 2016 года, увеличился на 26,2% по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, и составляет более 48 трлн сумов. Остаток кредитного портфеля небанковских кредитных организаций увеличился за год на 60% и превысил 122,1 млрд. сумов.[3]

Ставка рефинансирования в 2016 году осталась на прежнем уровне, 9 процентов. Сохранение ставки рефинансирования на данном уровне призвано обеспечить продолжение курса денежно-кредитной политики, направленной, в первую очередь, на удержание уровня инфляции в пределах целевых показателей и, в то же время, созданию благоприятных финансовых и инвестиционных условий для достижения предусмотренных на текущий год темпов экономического роста в стране. Привлечение иностранных инвестиций остается ключевой задачей в развитии национальной экономики.

Присутствие участия иностранного капитала в экономике означает устойчивость банковско-финансовой системы. Сегодня на нашем рынке действуют 5 банков с долевым участием зарубежных инвесторов. Они заметно усилили конкуренцию на финансовом рынке, внесли существенную лепту в применение современных банковских технологий, в сфере услуг и культуры обслуживания. Кроме этого, они способствуют в укреплении доверия населения к банковским учреждениям, вовлечению валютных сбережений в депозиты, расширению спектра и повышения качества оказываемых услуг для клиентов и населения, а также объема привлекаемых прямых иностранных инвестиций в экономику.

[1] cbu.uz/ru/press-tsentr/press-relizy/

[2] Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год, www.press-service.uz/

[3]. См. там же

В настоящее время продолжается работа по усовершенствованию системы упорядочения деятельности коммерческих банков и банковского надзора на основе международных стандартов и норм, обеспечения их прозрачности. Аудиторская деятельность проводится со стороны внешних аудиторов в соответствии Международными стандартами аудита, Стандартами международной финансовой отчетности и публикуются в средствах массовой информации.

В условиях новых экономических отношений, усиление жесткой конкуренции на мировом рынке качественное повышение конкурентоспособности отечественной экономики, всесторонняя поддержка экспорто-ориентированных предприятий, привлечение к участию во внешнеэкономической деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, фермерских хозяйств, создание для них благоприятных условий приобретают важное значение. Руководством нашей страны принимаются своевременные меры по стимулированию производства новых экспортоориентированных видов продукций для внешних рынков. В результате поддержки деятельности предпринимательских структур последовательно модернизируются отрасли экономики, обеспечивается стабильный рост при волатильности внешних рынков, расширяется ассортимент глубоко переработанной готовой продукции на внешних рынках.

Коммерческие банки заинтересованы в развитии экспорта, реализации продукций потенциального клиента – производителя на международных рынках. Как показывает практика, в условиях глобализации, банки, чьи клиенты активно занимались внешнеэкономической деятельностью преуспевали. Отечественные банки устанавливают корреспондентские отношения с крупными зарубежными банками, тем самым обеспечивают быстрое и качественное исполнение международных контрактов и увеличивают валютные доходы кредитной организации.

В кредитной политике коммерческих банков отдано предпочтение финансированию проектов, направленных на развитие новых сегментов ориентированных на экспорт, последовательное продолжение переработки местных сырьевых ресурсов, расширения номенклатуры продукции, предназначенной на экспорт, что создает условия диверсификации.

Таким образом, можно смело говорить, что денежно-кредитная политика государства, как совокупность государственных мероприятий в области денежного обращения и кредита в целях регулирования предложения денежно-кредитных ресурсов для обеспечения неинфляционного экономического роста, в стране формируется новая форма оформления всех документов и разрешительных процедур, связанных с экспортом товаров и услуг. В отличие от промышленных предприятий-экспортеров, субъекты малого бизнеса и фермеры освобождены от обязательной продажи банкам 50 процентов валютной выручки от экспорта своей продукции. Кроме того, представителям данной сферы созданы другие льготы по видам экспортируемых товаров и услуг. Расширение числа активных участников международной торговли за счет субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в конечном итоге обеспечит независимость страны от состояния международного рынка капиталов, товаров и услуг и создаст предпосылки для проведения своей политики и собственные решения

Литература:

1. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год. www.press-service.uz/

2. www.cbu.uz/ru/press-tsentr/press-relizy/

Жураев Й.Д.,
преподаватель экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека;
Эгамбердиев Х.Х.
преподаватель экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

В условиях возросших объемов производства и заготовок сельскохозяйственной продукции, усложнения хозяйственных связей, на наш взгляд, требуется коренная перестройка сложившейся системы заготовок, предполагающая не только упорядочение сфер деятельности заготовителей, но и изменение порядка приема-сдачи продукции, а также упрощение документации, определяющей и регулирующей взаимоотношения производителей с заготовителями.

Непременным условием рационального построения замкнутого агропромышленного плодоовощного комплекса является создание надежной базы хранения и транспортного конвейера. Основная задача этого звена состоит, прежде всего, в максимально возможном сохранении, как физической массы, так и качества продукции. Кроме того, оно способствует более равномерному потреблению овощей, фруктов и винограда в свежем, непереработанном виде в течение года.

Основой рациональной организации хранения продукции являются хранилища с современным технологическим оборудованием, транспортом, тарой и другим оборудованием. Сейчас, когда сельскохозяйственное производство переводится на промышленную основу, перестройка материально-технической базы хранилищ заключается в сооружении крупных помещений с высоким уровнем механизации работ и автоматическим регулированием среды хранения, максимальном приближении объектов хранения к местам производства продукции; организации в местах хранения подработки и первичной переработки продукции; обеспечении условий для сохранения ее качества в период от одного массового сбора до другого.

В настоящее время хранением продукции овощеводства, садоводства и виноградарства занимаются заготовительные организации, а также сами хозяйства, в которых имеются мощности по хранению. Если исключить из расчета продукцию, заготавливаемую перерабатывающей промышленностью, а также ту часть ее, которая потребляется в период массового созревания и уборки, фактическая закладка на хранение уменьшится.

При развитии базы хранения плодов, овощей и винограда нельзя не учитывать важности такого вопроса, как размещение хранилищ. До настоящего времени они строились в местах потребления продукции, то есть в городах. Это было правильным, когда ощущалась резкая нехватка транспортных средств, особенно специализированных, а размеры хозяйств, производящих плоды и виноград, были небольшими. Сейчас хранение значительно возросшего количества сельскохозяйственной продукции в городах имеет ряд негативных моментов: во-первых, перемешение ее в города при преобладании практики доставки транспортом хозяйств отвлекает средства последних в наиболее напряженный период, во-вторых, усложняет проблему использования отходов: хранения на корм скоту; в-третьих, лишает возможности хозяйств в использовании рабочей силы во внесезонный период (на доработке, сортировке и т. д.).

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

В настоящее время ни у кого не вызывает сомнений целесообразность и экономическая эффективность хранения значительной части урожая зимних сортов яблок и груш, а также винограда в местах их выращивания. Уменьшение сроков между съемом с дерева, охлаждением и дальнейшим хранением в оптимальных условиях обеспечивает сохранение качества и снижение потерь, как от естественной убыли, так и от различных заболеваний.

Хранение плодов в хозяйствах экономически выгодно. Высокая экономическая эффективность хранения повышает рентабельность садоводства, виноградарства и стимулирует их развитие.

В Узбекистане хранение фруктов и винограда на местах производства не получило должного развития. Факторами, сдерживающими развитие фруктохранилища являются множество заготовительных организаций и нечеткость разграничения их функций; излишняя разносортность плодовых и виноградных насаждений в хозяйствах; недостаток знаний и навыков в области технологии хранения.

Хранение фруктов нельзя рассматривать в отрыве от других процессов производства садово-виноградарской продукции, так как зачастую условия выращивания влияют на легкость сильнее, чем режим хранения. Поэтому почти все научно-исследовательские институты и ряд опытных станций изучают влияние экономических и агротехнических условий выращивания на легкость плодов. Так, Казахский НИИ садоводства, виноградарства и виноделия изучил влияние вертикальной зональности и пришел к выводу, что плоды с высокогорных участков отличаются большей лежкостью, чем с долинных. Украинским НИИ садоводства, другими опытными станциями и учреждениями установлено, что в районах с недостаточным количеством осадков заложение через междурядье или применение орошения в сочетании с заложением также обеспечивает хорошее качество и легкость плодов.

Установление оптимальных сроков съема, обеспечивающих хорошее качество и высокую легкость плодов, является одним из сложных и не вполне разрешенных вопросов. Как установлено, рано снятые плоды при хранении поражаются «загаром», тогда как поздно снятые быстро перезревают и теряют лежкоспособность. Научно-исследовательскими учреждениями до настоящего времени не выработаны объективные показатели, позволяющие прогнозировать результаты хранения в зависимости от сроков съема.

Один из наиболее важных вопросов длительного хранения плодов и винограда – подбор определенных режимов хранения. За рубежом для каждого сорта установлен оптимальный режим хранения, обеспечивающий определенную продолжительность лежки. Например, сорт яблок Джонатан при 3-4°С хорошо хранится в течение трех месяцев. Затем ткани плода начинают стареть, темнеть. Для более поздних сроков потребления рекомендуется в первый месяц после съема хранить плоды этого сорта при 2°С, во второй - при 1°С и все последующие - при 0°С.[1]

В нашей стране решение этого важного вопроса осложняется большим количеством районированных сортов и разнообразием зон плодоводства. Поэтому почти все исследовательские институты и опытные станции в той или иной степени занимаются изучением режимов хранения применительно к сортименту своих зон.

Надо помнить, что небрежно собранные плоды почти не отличаются по внешнему виду от стандартных, но значительно хуже хранятся.

Результаты трех летних опытов производителей свидетельствуют, что хранение яблок в полутонных контейнерах, особенно с полиэтиленовым вкладышем, не ухудшает качество плодов, экономит тару и упаковочные материалы. Применение полиэтиленовой пленки, уменьшающей естественную убыль, в массе и количестве нестандартных плодов, дает дополнительную прибыль на каждую тонну плодов. Кроме того, применяемые в настоящее время деревянные ящики, скрепленные гвоздями, непрочны. Практика показывает, что только при перевозках тары с заводов в хозяйства портится до 10% ящиков, а после первого оборота требует ремонта уже более 25% ящиков. Изготовление деревянной ящичной тары осуществляется вручную, что обус-

[1] Кадиров А.М. и др. Развитие продовольственного комплекса – Т., 1999. -С. 35

ловливает высокую ее стоимость. Поэтому использование новых искусственных материалов (полиэтилена, полихлорвинила, полистирола и др.) для изготовления ящичной тары, применяемой при перевозке и хранении свежих плодов и винограда, представляет большой практический интерес. Тара из термопласта в 4-10 раз легче деревянной, отличается высокой механической прочностью и устойчивостью, легко моется и дезинфицируется. Обратимость термопласта позволяет пришедшую в негодность тару использовать в качестве сырья для изготовления новых ящиков.

Расчетная оборачиваемость их в 10-15 раз больше, чем этот же показатель у применяемых в настоящее время деревянных лотков и ящиков.

Использование полимерной тары для перевозки и хранения свежих плодов, овощей и винограда позволило бы за один сезон получить экономию продукции благодаря увеличению оборачиваемости тары. Кроме того, значительно увеличивается прибыль благодаря сохранению качества продукции.

В настоящее время максимум потребления плодоовощной продукции и винограда приходится на летне-осенний период из-за трудностей, связанных с хранением. Одним из основных способов продления срока потребления является их переработка. Консервирование предотвращает порчу и позволяет сохранить высокую питательную ценность плодов и винограда.

Вопрос о предпочтительности свежих и консервированных плодов и овощей решается в разных условиях по-разному. В тех случаях, когда плоды и виноград идут в потребление действительно свежими, в своем первоначальном виде, они, как правило, предпочтительнее консервированных. Однако, при длительном хранении вкусовые качества и химический состав плодов и винограда изменяются. Поэтому консервирование их сразу после снятия урожая позволяет сохранить питательные свойства обычно даже лучше, чем у непереработанных фруктов и винограда, пролежавших несколько недель или месяцев в хранилищах.

Приходится считаться и с экономической стороной вопроса. Хранение и транспортировка непереработанных плодов, овощей и винограда требуют очень больших затрат, иногда более высоких, чем изготовление консервов, и неизбежно связаны со значительными потерями, которые существенно увеличивают себестоимость готовой продукции. В условиях планового социалистического хозяйства соотношение между свежими и консервированными продуктами должно устанавливаться с учетом как требований полноценного питания, так и экономических факторов.

Из общего количества томата-сырья 90% идет на производство томата-пасты и около 10% на остальные томатопродукты (соки, маринованные и консервированные томаты и др.). Это одностороннее развитие отрасли сейчас особенно ощутимо из-за снижения количества и качества томатов. К примеру, содержание сухих веществ в томатах на протяжении ряда лет ниже нормируемого показателя и составляет 4,9% (при норме 5,0%). Снижение доли сухих веществ на 0,1% ведет к перерасходу 2000 т сырья и других материальных ресурсов. Для загрузки мощностей томатных линий необходимо широко внедрять производство концентрированных соков из фруктов и винограда как полуфабриката для дальнейшей выработки купажированных напитков, коктейлей.

Из имеющихся мощностей для производства плодоовощных консервов в республике приходится на долю предприятий объединения предприятий расположены в Ташкентской области.

Для развития консервной промышленности фруктового направления высокими темпами и загрузки имеющихся мощностей необходимо значительно увеличить производство таких видов плодов и ягод, консервная продукция из которых пользуется наибольшим спросом населения. Это вишня, черешня, персики, абрикосы, клубника и др. Но при этом качество сырья должно отвечать требованиям технологии. Для этого необходимо высаживать только те сорта, которые затем могут идти в обработку. Исходя из этих требований нужно вести и селекционную обработку.

Сырье является важным и необходимым элементом всякого процесса производства. Оно оказывает большое влияние на использование производственных мощностей и рабочей силы,

увеличение выпуска продукции, повышение производительности труда и в конечном счете на снижение себестоимости и повышение рентабельности промышленного производства

Основные проблемы обеспечения консервной промышленности сырьем связаны с ассортиментом, качеством, территориальным размещением и сроками поставки сырья. Вероятно, ни в одной отрасли, перерабатывающей сельскохозяйственное сырье, связь перерабатывающих предприятий с сырьевой базой не является такой тесной и многообразной, как в консервной промышленности. Причины этого следующие:

1) многообразие видов используемого сырья и видов вырабатываемой продукции;

2) подверженность большинства видов сырья быстрой порче, отсюда невозможность создать запасы сырья на сколько-нибудь длительный период.

Это значит, что производители должны обеспечивать консервные заводы сырьем в определенном ассортименте и в соответствии с планом и графиком поставки различных видов продукции.

Можно без преувеличения сказать, что производство консервов начинается в поле и в саду, и есть все основания рассматривать поле и сад как сырьевой цех консервного завода.

Сырьем консервные заводы должны обеспечивать производители по договорам, заключаемым ежегодно. Однако, производители систематически не выполняют договоры поставки плодоовощной продукции консервному заводу и никакой ответственности за это не несут. Надо отметить также многочисленность предприятий поставщиков и их чрезмерную отдаленность от консервных заводов. Например, Янгиюльский консервный завод заготавливает сырье предприятиях, которые расположены в 12 районах Ташкентской, 5 районах Джизакской, 7 районах Сырдарьинской областей. Несмотря на такое большое количество поставщиков, завод ежегодно недоиспользует мощности на 35-40%. Радиус доставки сырья доходит до 110-130 км и более, тогда как по методологической рекомендации наиболее приемлемым расстоянием считается 25-30 км. Примерно такая же картина наблюдается и на других консервных заводах.

При таком количестве поставщиков и большом радиусе практически невозможно обеспечение ритмичной, поточной поставки сырья. Кроме того, на консервных заводах наиболее загруженными месяцами являются август и сентябрь. В этот период перерабатываются 70-75% всех плодов, овощей и винограда. Такое неравномерное поступление сырья на заводы приводит к дополнительным затратам на содержание излишних рабочих в межсезонный период, большим потерям сырья, материалов, вызванных порчей и естественной убылью при хранении, и ожидании на приемных пунктах заводов обработки полуфабрикатов вплоть до получения готового продукта.

Таким образом, заготовки сельскохозяйственной продукции представляют собой планомерно организованную деятельности специальных подразделений по выявлению источников поступления продукции, оформлению соглашений с производителями на поставку ее государству, материальному стимулированию производителей, перемещению необходимых объемов продукции к местам потребления, хранению и первичной обработке.

Литература:

1. Кадиров А.М. и др. Развитие продовольственного комплекса. – Т.. 1999. -С. 35.

2. Эгамбердиев Ф.Т. Роль аграрного сектора в реформировании экономики Узбекистана. // Журнал «Достижение науки и техники в АПК», Москва, 2002, № 11.

3. Эгамбердиев Ф.Т. Особенности реформирования аграрного сектора Республики Узбекистан. // Опыт рыночных преобразование системы государственного регулирования. – М., Институт экономики Российской Академии наук, 2001.

Зохидова Ш.Ш.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети доцент в б., иқтисод фанлари номзоди

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълим хизматлари деганда инсон фаолиятининг муайян билимлар йиғиндисини олиш натижасида қўлга киритилган фойдали самара, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор муносабатларни мужассамловчи аралаш неъматни тасаввур этамиз.

Хизматларни, шу жумладан, таълим хизматларини тадқиқ қилишда классик ёндашувни қўллаш унинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради: хис этмаслик; манбадан ажралмаслик; номунтазамлик (гетерогенлик); сақланиб қолмаслик; мулк ҳуқуқининг йўқлиги.

Таълим хизматлари барча хизматлар учун хос умумий жиҳатлар билан биргаликда бошқа хизматлар ва моддий товарлардан фарқловчи қуйидаги ўзига хос жиҳатларига эга: таълим хизматларини индивидуаллаштириш; таълим хизматларининг аралаш неъмат сифати мавжуд бўлиши; таълим хизматларининг умумийлиги; уларни ишлаб чиқаришга нисбатан узоқ давом этиши; таълим хизматини кўрсатишга ҳақ тўлашни нормалашнинг қийинлиги; истеъмолчи ёшининг таълим хизматлари миқдор-сифат даражасига мувофиқлиги; ижтимоий истеъмол.

Таълим хизматларини истеъмол қилишни таҳлил этаётганда ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– ижтимоий-иқтисодий (аҳолининг турмуш даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори);

– ижтимоий-сиёсий (мамлакатдаги сиёсий аҳвол, можаролар);

– табиий-иқлим (мамлакатнинг географик жойлашуви, унинг ҳудудий узунлиги, минтақавий хусусиятлари);


– тарихий (миллий анъаналар, урф-одатлар, дид, маданий ривожланиш даражаси, мода ва унинг ўзгариш тезлиги).

Таълим хизматлари истеъмолига таъсир кўрсатадиган омиллар динамикаси турлича бўлади, жумладан айрим омилларнинг таъсири жиддий намоён бўлса, бошқаларининг таъсири йиғилиб бориши учун йиллар ва ўн йиллар талаб қилинади.

Таълим хизматлари бозори амал қилиш механизми талаб, таклиф, нарх ва рақобатнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади, бунинг натижасида кишилар таълим ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади, таълим хизматларини истеъмол қилиб, ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: таълим хизматлари истеъмолчилари, одатда меҳнат бозорида талаб бўлмаган касбдаги кадрларига ўқиш учун ҳақ тўлашга мойил эмаслар. Бу ҳол таълим муассасаларини бундай ихтисосликлар бўйича кадр тайёрлашни қисқартиришга мажбур этади. Аксинча, агар меҳнат бозорида мақбул ҳолатни эгаллаш имконини берадиган таълим хизматларига талаб катта бўлса, таълим муассасалари ушбу касблар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширади.

Таълим хизматларига талаб нарх билан боғлиқ бўлмаган ва нарх омиллари таъсирида шаклланади.



1-расм. Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми[1].

Нарх билан боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун таълим хизматларининг бирон-бир турини афзал кўриш; мамлакат, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазият, ижтимоий, тарихий ва психологик омиллар, оила анъаналари таъсирида шаклланади.

– Таълим хизматлари истеъмолчисининг даромади.

Истеъмолчи даромадининг камайиши таълим хизматларини истеъмол қилишни чеклашга олиб келади. Истеъмолчи томонидан нуфузли маълумот олишни устувор мақсад қилиб қўйилса, у таълим хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжини қондириш учун бошқа товарлар ва хизматларга қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлади.

– Истеъмолчилар кутган нарсалар. Мавжуд савиядаги малака билан ишга жойлашиш бўйича истиқболда кутилган нарса таълим хизматларига бўлган жорий талабга таъсир кўрсатиши мумкин.

– Таълим хизматлари бозоридаги харидорлар сони. Таълим хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги рақобат уларга бўлган талабда ўзгариш қилиши мумкин. Талабга таъсир этувчи, нархга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар фақат таълим хизматлари бозорига хос бўлади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– муайян минтақада жойлашган олий ўқув юртлари миқдори. Ушбу минтақада олий ўқув юртлари сони қанча кўп бўлса ва бозорда турдош ихтисосликларни қанчалик кўп таклиф этишса, алоҳида олинган ташкилотда талаб ҳажми шунча кам бўлади;

– таълим муассасасининг нуфузи ва мақоми. Таълим хизматлари бозорида ҳар бир истеъмолчи олий ўқув юртининг мақоми ва бошқа таълим муассасалари ўртасидаги мавқеи профессор-ўқитувчилар таркибининг миқдори сифати устун даражада белгиланадиган сифатли хизматдан баҳраманд бўлишга интилади. Шундай қилиб, таълим муассасасининг нуфузи қанча юқори бўлса, таълим хизматлари истеъмолчиларининг унга бўлган талаби мутаносиб равишда юқори бўлади.

Таълим хизматлари бозоридаги таклиф деганда, олий ўқув юртлари томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз. Таълим хизматлари таклифи таълим муассасаларининг ўқув ўринларини тўлдириш эҳтиёжини кўрсатади.

Таълим хизматлари таклифи дастлаб таклиф қилинаётган хизматлар нархи билан миқдори ўртасидаги бевосита алоқани акс эттирувчи нарх омиллари таъсирида шаклланади ва таълим хизматларининг нархи қанча юқори бўлса, улар таклифининг ҳажми шунча катта бўлади.

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин (1-жадвал).

1- жадвал. Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омиллар[1]

№		Мазмуни
Нарх омиллари		
1	Ресурслар нархи	Агар ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи, ўқув адабиётлари ва қўлланмалар, бино ижараси нархи ошиб борса, таълим хизматлари камайишини кутиш мумкин.
2	Бошқа олий ўқув юртларининг таълим хизматлари нархи	Таълим муассасасида хизмат нархининг оширилиши рақобатчи мутахассис чиқариш борасидаги таклифнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.
	Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар	
3	Технологиялар	Ўқитишнинг янги интерактив методларини ишлаб чиқиш, педагогик технологияларни такомиллаштириш захираларини кам сарфлаган ҳолда таълим хизматларини самаралирок ишлаб чиқариш ва таклиф ҳажмини кўпайтириш имконини берди.
4	Ишлаб чиқарувчиларнинг таълим хизматларидан кутганлари	Ишлаб чиқарувчилар таълим хизматларининг бирон турига бўлган талабнинг ошиши бўйича кутганлари уларнинг келажакдаги таклифига таъсир кўрсатиш мумкин
5	Таълим муассасалари сони	Таълим хизматлари сотувчиларнинг сони қанча кўп бўлса, бозор таклифи шунча кўп бўлади.

Таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу хизмат кимгадир тўғридан-тўғри йўналтирилмаган. Ўқув юртларининг конкрет истеъмолчиларга ўз таълим хизматларини таклиф қилиш бюджетдан зарур молиявий маблағ олиш учун мутасадди давлат бошқарув органларига йўналтирилган таклиф билан ўзаро боғлиқ бўлиб унга қўшилиб кетади.

Таклиф сифатида аниқ таълим хизмати эмас, балки унинг ҳар бир хўжалик субъекти томонидан қийматига қараб турлича қабул қилинадиган образи таълим хизматларининг характерли хусусияти сифатида мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф маълум ихтисослик бўйича таълим хизматлари ортиқчалиги ёки дефицитини юзага келтириб, миқдор ва сифат жиҳатдан аксарият ҳолларда бир – бирига мос тушмайди. Ўқиш тўғрисидаги тўлов-шартномаси ҳужжатли расмийлаштирилганидан кейингина таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилади.

Таълим хизматларининг тўлов-шартномаси битими негизида уларнинг қиймати ва истеъмол қийматининг пулдаги ифодаси сифатида нарх ётади. Бирон-бир таълим хизматлари нархнинг мувозанати талаб ва таклифнинг бозор нисбати билан белгиланади. Сотувчиларнинг таълим хизматлари таклифи билан харидорлар талаби ўртасидаги фарқ нархдаги ўзгаришни келтириб чиқаради. Бу ўзгариш пировард натижада, бир-бирига қарама-қарши ушбу икки таклифни ўзаро келтириш йўли билан мантиқий якунига етказади.

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Таълим хизматларининг энг паст нархи уни ишлаб чиқаришга қилинган харажатдан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси – таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Энг юқори нарх эса истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Умуман, таълим бозорида нарх шаклланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатади: таълим муассасасининг нуфузи, таклиф этилаётган таълим хизматлари сифати, рақобатчилар томонидан белгиланадиган таълим хизматлари нархи, ушбу олий ўқув юртида тайёрланган кадрларга меҳнат бозорида бўлган талаб ва ҳ.к.

Таълим хизматлари бозори моҳиятининг назарий таҳлили бизга унинг 2-жадвалда келтирилгандек функцияларини ажратиш имконини беради.

Таълим хизматлари бозорини бозор иқтисодиётининг ўзига хос сегменти сифатидаги моҳияти унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш имконини яратади.

Олий таълим хизматлари бозорининг муҳим иқтисодий афзаллиги унинг таълим хизматларини ишлаб чиқаришни мунтазам рағбатлантиришидадир. У ўқитишнинг замонавий, илғор педагогик технологияларни, ўқитиш интерактив методлари ва усулларини қўллаш асосида истеъмолчиларни, иқтисодиётнинг таълимга бўлган эҳтиежини тўлиқроқ қондиришга интилади.

2- жадвал. Таълим хизматлари бозорининг функциялари[1]

Функциялари	Мазмуни
1. Бирлаштириш	Таълим хизматлари сотувчилари шартнома асосида муайян дастур бўйича белгиланган билим, кўникма ва маҳорат йиғиндиси сифатидаги хизматдан фойдаланиш мақсадида олди-сотди муносабатига киришадиган харидорларни бирлаштиришдан иборат.
2. Тақсимлаш	Таълим бозори индивидуал истеъмолчиларини олий ўқув юртларининг ўқув ўринларини тўлдириш имкониятига мувофиқ тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлайди.
3. Ахборот бериш	Бозор иштирокчиларга таълим хизматларининг сифати таълим жараёнининг мавжуд тузилмаси, ўқитиш шакллари ва услублари тўғрисида маълумот беради.
4. Рағбатлантириш	Олий ўқув юртлари ўртасида нуфузли муассасада қулай шароитда таълим олиш истагида бўлган истеъмолчилар ўртасида кучли рақобат мавжудлиги билан боғлиқ.
5. Табақалаштириш	Таълим муассасаларининг сифат жиҳатидан турли хизмат кўрсатувчиларга гуруҳлаш ва потенциал истеъмолчиларнинг интеллектуал савияси бўйича танлов асосида чегараланиши орқали амалга оширилади.
6. Ижтимоий	Ўқув юртини танлашда тегишли ахборот бериш орқали ёрдам кўрсатиб, таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларни бирлаштириб, кишилар ва жамиятнинг ривожланишини таъминлаб, аҳолини таълим жараёнига фаол жалб этишга кўмаклашади.

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

Шайзаков Б.И.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети
катта ўқитувчиси;
Нишонова Д.Б.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети
талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши жамиятнинг янгиланиш жараёнига тўғри келди ҳамда у турли омиллар таъсирида аста-секинлик билан ривожланиб, хизматлар ҳажмининг ортиб бораётгани билан тавсифланади. Маълумки, туризм ички ва ташқи турларга бўлинади. Мустақиллик йилларида юртимизда халқаро туристик хизматлар сони ва сифати йилдан йилга ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Лекин ички туризмнинг ривожланиши нисбатан паст тенденцияни кўрсатмоқда. Агар 2013 ва 2014 йилларда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унда туристик-экскурсия хизматларининг энг кам улушлардан бирига эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг таркиби[1] (жамига нисбатан фоизда)

	2013	2014
Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар – жами	100	100
шулардан:		
маиший	9,4	9,7
транспорт	26,1	25,4
алоқа	15,7	15,6
уй-жой коммунал	15,8	16,2
таълим	8,7	8,7
маданият	0,6	0,7
туристик-экскурсия	0,5	0,4
жисмоний тарбия ва спорт	0,5	0,5
соғлиқни сақлаш	2,9	3,2
санатория-курорт ва соғломлаштириш	0,5	0,6
ҳуқуқий характердаги	0,2	0,2
банк муассасалари	4,8	4,4
бошқалар	14,3	14,4

Жадвал маълумотларидан кўринадики, юртимиз аҳолисига кўрсатилган хизматларнинг асосий қисмини транспорт (25,8%), уй-жой коммунал (16%) ва алоқа (15,7%) хизматлари ташкил этмоқда. Туризм, маданият, соғломлаштириш бўйича кўрсатилган хизматларнинг салмоғи эса жуда ҳам кам.

[1] Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. - Т., 2015. 188-б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Туризм тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм соҳасини ривожлантиришда улар биринчи навбатда ички туризмни ривожлантиришга эътибор беришган. Ўз халқини туризм соҳаси хизматларидан фойдаланишга ўргатишган. Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ички туризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва бу дастурларнинг асосий мақсади аҳолининг бўш вақтларида ўз давлатлари ҳудудида сайр-саёҳат қилиши, дам олишини ташкил қилишдан иборат.

Бугунги кунга келиб юқори даражада ривожланган давлатларда туризм хизматларида ички туризмнинг салмоғи сезиларли катта улушга эгалиги билан аҳамиятлидир. Мисол учун, Америкада туристларнинг 95 фоизи ўз давлати ҳудудида саёҳат қиладилар, атиги 5 фоизи чет давлатларга чиқадилар. Жаҳон сайёҳлик саноатида етакчи ўринни эгаллаган Испанияда ҳам 90 фоиз аҳоли мамлакат бўйлаб туристик саёҳатда бўлади. Ҳар бир япониялик йил давомида ўз мамлакати бўйлаб ўртача 3 марта саёҳат қилади. Бу мамлакатларда ички туризмдан келадиган даромад ташқи туризмникидан анча юқоридир. Шунингдек, туризм соҳасининг ЯИМга қўшган умумий ҳиссаси бўйича 2014 йилда АҚШ дунёнинг 184 мамлакати ичида 1-ўринни, Япония эса 4-ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикаси эса 2 фоиз билан 119-ўринни эгаллаган[1].

Юқоридаги мисоллардан ҳам маълумки, мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Америка Қўшма штатларида ички туризм харажатлари 2014 йилда туризм соҳаси жами харажатларининг 79,4 фоизини[2] ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 67,2 фоизни[3], Японияда эса жуда юқори кўрсаткични – 91,8 фоизни[4] ташкил қилган.

Ички туризмни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб аҳолининг мамлакатда мавжуд туристик ресурслар, туристик хизматлар ва маҳсулотлар, туристик инфратузилма ҳақида маълумотга эгалиги ҳисобланади. Халқаро туристлар интернетдаги сайтлар ҳамда гид-операторлар орқали мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ҳақида етарлича маълумот олишлари яхши ташкил этилган бўлса-да, маҳаллий аҳоли бу ахборотлардан бехабарлигини кузатишимиз мумкин. Билмаган инсонга қизиқ бўлмаганидек, аҳолининг ҳам мавжуд туристик йўналишлар ҳақида бехабарлиги, баъзи ҳолларда қизиқса-да, ахборотларни олишнинг қийинлиги ички туризмни ривожлантиришда тўсиқ бўлиб турибди. Бу муаммони ҳал қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, яъни телевидение, газета, радио орқали мамлакатимизнинг туристик хизмагларини оммага кенг реклама қилишни йўлга қўйиш зарур. Ҳозирги кунда ахборотни тарқатишнинг энг замонавий ва тезкор усули бўлмиш интернетдан ҳам самарали фойдаланиб, жозибадор ҳамда маъноли сайтларни яратиш, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳам туристик хизматларни реклама қилишни амалга ошириш мумкин.

Ички туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили нарх омилидир. Туристик хизматлар ва инфратузилма объектлари хизматининг нархи аҳолининг барча қатламларига мос келиши лозим. Аксарият ҳолларда, саёҳат даври энг камида 2-3 кунни, баъзида эса 7-10 кунни ташкил қилади. Бундай шароитда аҳоли томонидан меҳмонхоналар, пансионатлар ва бошқа турар-жойларга эҳтиёж сезилиши шубҳасиз. Бугунги кунда юртимизда 320 дан ортиқ меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда[5]. Лекин уларнинг нархи аҳоли даромадларига нисбатан анча баланд. Нархларни пасайтириш учун меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ҳамда хусусий мулкчилик асосида эркин рақобатни ривожлантириш зарур. Бунинг ўрнига уларнинг ўрнини босувчи отель, мотель, хостель, кемпинг каби кам харажатли турар-жойларни ҳам ташкил этиш мумкин. Маҳаллий аҳоли ташриф буюрадиган ҳолларда махсус четгирмалар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш, давлат томонидан кўчалик юритувчи субъектларга махсус имтиёзлар берувчи дастурларни ишлаб чиқиш лозим.

---

[1] Travel&Tourism Economic impact 2015/ Uzbekistan. P. 7.

[2] Travel&Tourism Economic impact 2015/United States of America. P. 6.

[3] Travel&Tourism Economic impact 2015/ Europe. P. 6.

[4] Travel&Tourism Economic impact 2015/ Japan. P. 6.

[5] www.airways.uz



Шунингдек, миллий туризм таклиф қилаётган хизматлари асосан, тарихий обидаларга саёҳат билан боғлиқ. Бу юртимизнинг халқаро сайёҳларга таклиф қилинаётган туристик йўналишларида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси-туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион,

15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир[1]. Бироқ Ўзбекистоннинг бой табиати, иқлими бошқа турдаги туристик маҳсулот ва хизматларни яратишга ҳам имкон беради. Мисол учун, юртимизда экотуризм, чанғида учиш, этник туризм, рафтинг, тиббий туризм, сафари, бизнес туризм каби туризмнинг замонавий турлари ривожлана бошлаган ва халқаро сайёҳлар орасида машҳур бўлиб бормоқда. Мавжуд салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳам халқаро, ҳам ички туризмнинг ривожига ижобий таъсир қилади. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ички, шу билан биргаликда, халқаро туризмни ривожлантирувчи яна бир муҳим омил – инфратузилманинг шаклланганлиги билан боғлиқдир. Саёҳат давомида тўхтаб дам олиш, ўзини тартибга келтириш, табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш учун йўл бўйи инфратузилмаси яхши ривожланган бўлиши лозим. Туристларнинг қисқа вақтли тўхташлари учун мўлжалланган бундай объектлар қаторига кичик кафелар, бирламчи маҳсулотлар ва сувенирлар сотиладиган дўконлар, санузеллар, телефон, факс, интернет хизматларини тақдим қилувчи бизнес-марказлар, шунингдек, автомобиллар тўхташ жойи кабиларни киритиш мумкин. Шу мақсадда юртимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 мартда 51-сонли «Йўл бўйи ва туризм инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимиз бўйлаб 100 дан ортиқ газ қуйиш компрессор станциялари ҳамда 30 га яқин маданий мерос, маданий-кўнгилочар муассасалар ёнларида замонавий ва барча талабларга жавоб берадиган, ногирон ва имконияти чекланган шахслар учун барча қулайликлар мавжуд бўладиган санитария-гигиеник узелларни қуриш режалаштирилди. Бундай кичик объектларнинг яратилиши юртимизда сайёҳлар оқимининг кескин ошишига олиб келади. Бинобарин, Биринчи Президентимиз таъкидлариганларидек, «Аминмачки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди»[2].

Туризм жуда кенг қамровли соҳадир. Унинг ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасининг яхшиланиши, бандликнинг ошиши, даромадларининг ўсиши кабилар шулар жумласидандир.

Адабиётлар:

1. Мирзаев М.А., Алиева М.Т. Туризм асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011.
2. Travel&Tourism Economic impact 2015/Uzbekistan
3. Travel&Tourism Economic impact 2015/United States of America
4. Travel&Tourism Economic impact 2015/ Europe
5. Travel&Tourism Economic impact 2015/ Japan
6. www.uzbektourism.uz
7. www.airways.uz
8. www.press-service.uz

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти Ижроия Кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // www.press-service.uz

[2] Ўша манба.

Пўлатова Ш.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ
«Иқтисодиёт» факультети ўқитувчиси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА БУНДА БРЕНДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, 2015 йилда мамлакатимизга жалб қилинган инвестициялар миқдори 15 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21% дан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 9,5% кўп демакдир[1].

Бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи таниқли товар маркалари тобора кўпаяётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Масалан, Artel , Ideal, korzinka.uz, Akfa, Fauz holding , UZTE, UZTEX каби миллий компаниялар харидорларни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаб келмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда рақобатбардош, дунё стандартлари талабига жавоб берадиган товарларни жаҳон бозорига экспорт қилиш салмоғи ҳам йил сайин ўз натижасини кўрсатмоқда. Энг сўнгги технологиялар асосида қурилган ишлаб чиқариш воситалари, дастгоҳлар ва машиналарнинг чет элдан кириб келиши тадбиркорларга янгидан-янги имкониятларни яратмоқда. Шу ўринда товар категориясига чуқурроқ назар солсак, иқтисодий адабиётларда товар – алмашув ва истеъмол қийматига эга, бирор эҳтиёжни қондирадиган, сотиш учун яратилган меҳнат маҳсули дея таърифганган. Демак, ҳар қандай товар аввалambор, бирор нафлиликка, шу билан бирга ҳамёнбоп қийматга эга бўлиши керак. Бироқ харидор учун танлов имконияти жуда кенг, рақобат юқори бўлганда-чи? Бундай ҳолатда сифат даражаси ва нафлияик даражаси икки баробар юқори бўлиши керак. Инглиз иқтисодчиси А.Маршалл биринчилардан бўлиб товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган нафлилик ва сарф-харажатлар қиймати билан аниқланади, деган назарияни илгари сурди. Классик иқтисодчилар вакили Д.Рикардо эса товар қанчалик нафли бўлмасин, унинг қиймати товарнинг яратилишига сарфланган меҳнат ва иш вақти билан ўлчанади, деб ҳисоблаган.

Сифатли ва нафли товар деганда кўз олдимизга беихтиёр бренд товарлар келади. Бренд товарлар эгаллаб турган ўзига хос мавқе, таниқли имиж ва шу билан бирга юқори нархга қарамасдан, харидорлар ичида талабнинг пасаймаслиги каби ютуқларга эришиш учун корхона-

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси. 2016 йил 16 январь.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

лар қандай стратегияларни қўллаганини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. «Бренд» сўзига замонавий иқтисодчи олимлар турлича таъриф беришган таниқли иқтисодчи Филипп Котлер бренд бу бозорда бошқа ўхшаш товарлар ичида ажралиб туришга ёрдам берадиган ўзига хос ном, атама ёки ўзига хос дизайн[1] деса, Эл Райс эса истеъмолчи онгига киритиб берилган фикр бренднинг ўзига хос элементи, деб ҳисоблайди. Шу ўринда брендга икки томонлама қараш зарур. Бир томондан бу маблағ компания эгаларининг бойлиги бўлса, иккинчи томондан маълум бир ўлчамга эга бўлмаган тизим. Баъзи брендлар йирик ва машҳур шахслар орқали дунёга танилади. Глобал бозорда машҳур спортчилар актёр ва мусиқачилар ва бошқа соҳанинг машҳур вакиллари ўзига тегишли товарлар ёки хизмат қилувчи ташкилотларни яратади. Айнан шунинг натижасида ушбу маҳсулот ўз ноёблигига эга бўлади ва брендга айланади. Мутахассислар бренднинг 2 хил маданияти мавжудлигини эътироф этишади: 1) ғарбий қараш; 2) осиёча караш.

Ғарбий қарашга ёркин мисол қилиб, Procter& Gamble компанясини олишимиз мумкин. Маҳсулот тури тез ўзгараётган замонда ғарбий брендниг маданияти ўзига хос қомусига айланди. Битта маҳсулотнинг салбий нуфузи бутун бошли компаниянинг ва бошқа товарлар нуфузига таъсир қилмаслиги учун бош ишлаб чиқарувчи компания охирги истеъмолчидан яширилади-ган бўлди. Маркетингнинг классик моделида аниқ бир маҳсулотга боғлиқликни кузда тутилади. Лекин шунга қарамай, баъзи компаниялар ўз товар белгиларини бошқа бир неча товар ишлаб чиқарувчиларга тарқатганлар. Бунга мисол қилиб, Nestle ва Colgat-Palmolive компанияларини олишимиз мумкин.

Осиёча қарашда эса бошқа концепция амал қилади. Компаниялар энг аввало корпорация даражасида брендни молиялаштиради. Иккинчи навбатда эса анчагина кам даражада маҳсулотни молиялаштиради.

Брендларнинг яна бир ўзига хослиги уларнинг бетакрорлигида, яъни бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар айнан ўша маҳсулотни ҳеч қачон ярата олмаслигидадир.

Замонавий иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, миллий маҳсулотлар категориясини янада мустаҳкамлаш борасида бир қанча таклифларни кузатишимиз мумкин:

1) Ишлаб чиқаришни ташкил этишда фақат энг малакали мутахассислар хизматидан фойдаланиш. Жонсиз активлардан фарқли ўлароқ, инсон капиталидан самарали фойдаланиш бизнесда катта аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини шартли равишда бизнеснинг юраги билан таққослаш мумкин.

2) Корхоналарда маркетинг тизимини такомиллаштириб, сервис ва реклама каналларини ривожлантириш.

3) Корхоналарда сифат менежменти тизимини жорий этиш, ривожлантириш ва корпоратив маданиятни шакллантириш.

4) Ҳамдўстлик давлатларида савдо уйлари, дилерлар, консалтинг, инжиниринг каби хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш.

Сифат бошқаруви бўйича замонавий ёндашувлар таҳлилига кўра, ҳар қандай корхона ва ташкилот учун ISO 9000 халқаро стандарти, комплекс сифат бошқаруви, миллий ва халқаро мукофотлар тамойил ва мезонлар асосида сифат бўйича ишни самарали йўлга қўйиш инструменти ҳисобланади. Сифат менежменти тизимини муваффақиятли йўлга қўйиш нафақат иш унуми ва рақобатбардошликни ошириш, балки бозордаги улушни кўпайтириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида компания ва бутун миллий иқтисодиёт нуфузининг ошишига ёрдам беради.

Россиядаги «РосИнтеллектСервис» компаниясининг энг таниқли товар белгиларининг рейтинги таҳлилида ушбу маълумотларни кузатишимиз мумкин: бугунги кунда дунёдаги энг оммабоп ва харидоргир товар белгиси – APPLE компаниясига тегишли экан. Бу товар белгисини сотиб олиш 182885 млн АҚШ долларини ташкил этар экан. Ундан кейинги ўринларни эса Google, IBM, McDonalds, Microsoft ва Coca-cola компаниялари эгаллайди. Маълумотларга кўра, жаҳонда юз берган молиявий инқирозга қарамай, 2009 йилдан бугунги кунгача юқоридаги юқоридаги товар

[1] Котлер Ф. Основы маркетинг. – М.: «Прогресс», 1990. -613-6.

белгиларига тегишли маҳсулотлар нархи пасаймаган, аксинча кўтарилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бунга сабаб юқоридаги таниқли компаниялар ўзига хос товар ишлаб чиқариш стратегияларини самарали қўллаб келишган. Замонавий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, бренд стратегияси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- мақсадли гуруҳга ким кириши,
- бу гуруҳга қандай ваъдалар бериш мумкинлиги;
- бу таклиф қандайдир аҳамиятга эканлиги;
- охирги таассуротнинг қандай бўлиши.

Реклама мутахассисларидан Рооссер Ривз бренд ишлаб чиқаришнинг қуйидаги принципини ишлаб чиқди: маҳсулотнинг ўзига хослигидан фойдаланиш. Ғоя жуда оддий – маҳсулотнинг бошқа маҳсулотлардан кўра устун томонини топгунча уни таҳлил қилиш. Агар маҳсулотнинг устун томони топилмаса, унинг ўзига хослигини қидириб топиш керак. Бу шундай ўзига хослик бўлиши керакки, фақат шу маҳсулотгина унга эга эканлигини истеъмолчига кўрсата олсин. Мутахассислар кўпинча шоу-эффект усулини ҳам қўллаб, маҳсулотнинг ўзига хослигини кўрсата оладилар.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 90 дан ортиқ хорижий давлат иштирокида 4 мингдан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу компаниялар юртимизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум. Булар қаторига «GM Uzbekiston», «SamAuto», 2General Motors Powertrain Uzbekistan» каби компаниялар киради.

Мамлакатимизда корхоналарга экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қатор имтиёзлар яратилган. Биргина солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўндан ортиқ солиқ имтиёзлари ва преференциялари мавжуд. Шулардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларидан ташқари) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилади[1]:

– экспорт улуши 15% дан 30% гача бўлган миқдорда бўлса 30%га;

– экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида 2 маротаба[2];

– 2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим маҳсулотининг 80%и ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган[3].

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз товар белгиси тўғрисида ўз қонунига эга бўлиб, унда юртимизда товар белгиларини ташкил этишнинг ҳуқуқ ва нормалари кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунида товар белгиларини ҳуқуқий томондан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, юртимизда яратиб берилаётган кенг имкониятлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор, қонунлар ва қарорлар мамлакатимизда товар ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланган давлатлардаги каби ривожлантириш имконини бермоқда. Бизнинг олдимизда турган вазифа эса тўғри ва самарали маркетинг ва брендинг сиёсатини олиб бориш орқали тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантиришдан иборатдир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2613 сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 174-модда.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1512-сон Қарори.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

2. Котлер Ф. Основы маркетинг. – М.: «Прогресс», 1990. -613-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2613 сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 174-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1512-сон Қарори.

Раҳматова Н.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети катта ўқитувчиси;
Саидрасулова М.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАМЛАКАТДА ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамлакатимиз ўзининг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўлида жамиятнинг барча соҳаларини қайта қуришга, тубдан янгилашга эришди. Мустақиллик йилларида изчил амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан миллат келажаги бўлган ёшларга қаратилган эътибор, уларнинг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топиши учун яратиб берилган шарт-шароитлар бугун амалда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимиз ёшларининг фан, таълим, маданият, спорт, санъат ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари эътиборга моликдир.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган, барқарор ўсиш суръатларига эга бўлган иқтисодиётга эришган ҳолда дунёнинг етакчи ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олишни мақсад қилар экан, мамлакат тараққиётининг муносиб ворисларини тарбиялаш, ривожланган иқтисодиёт шароитлари ва талабларига мос, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга қаратилган давлат сиесати муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги асосий устувор йўналишлар ва муҳим вазифаларни белгилаб олиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиесатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1991 йилнинг 20 ноябрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб қабул қилинган эди. Бугуги кунга келиб эса республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари муносиб тарзда яратилгани ҳолда, 2016 йилнинг 15 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ислоҳотларнинг самарали амалиётини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторида ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида йўналишлар сифатида

қайд этиб ўтилган.[1] Бу эса бевосита республикамизда таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг асосини ташкил қилади.

Шуниси эътиборлики, қонунда давлат томонидан ёшларнинг иқтисодий мустақиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари алоҳида қайд этилган. Жумладан:

– давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш;

– ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;

– ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;

– ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган[2].

Ёшлар тадбиркорлигининг қўллаб-қувватланиши ҳамда уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши мустақиллик йилларида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда 30 ёшгача бўлган иқтисодиётда банд аҳолини маълумоти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, улар орасида ўрта махсус таълимга эга бўлган ёшлар нисбатан юқори улушни ташкил этади. Бу ўз навбатида, ўрта-махсус таълим муассасалари битирувчилари орасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли микрокредитлар билан таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётдаги самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирларнинг ижобий натижасидир.

Мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш шароитида, айниқса, таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, мамлакатда ёш мутахассис кадрларни иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва янгиланишларга мос тарзда тайёрлаш бир томондан ислоҳотлар самарасига иккинчи томондан ёшларнинг иш билан бандлигига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Шу нуқтаи назардан, 1997 йил 29 августда давлатимиз таълим тизимининг асосий йўналишлари ва миллий хусусиятларини ўзида акс эттирган «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» қабул қилинган. Босқичма босқич амалга тадбиқ қилинган ушбу дастурнинг бугунги кундаги навбатдаги – учинчи босқичида рақобатбардош етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш асосий устувор вазифа қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш ҳамда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ҳамда иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни шартномалар асосида ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ўз фаолият соҳаларига оид назарий билимларни пухта эгаллашлари билан биргаликда, олган билимларини ўз вақтида амалиётда мустаҳкамлаб боришлари уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари, келгусида иш жараёнига тез мослашишларида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, таълим сифатини ошириш орқали таълим муассасалари билан биргаликда иш берувчилар ўртасида ҳам фаол рақобат муҳитини шакллантириш бу борада муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда, айниқса, олий таълим тизимида узлуксиз ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар таркибининг бугунги кун мамлакатимиз меҳнат бозори талабларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида таълим йўналишларини қайта ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маълумотларга кўра, сўнгги 10 йилликда мамлакатимизда тайёрланаётган мутахассисларнинг асосий қисми маориф, соғлиқни сақлаш, алоқа ҳамда иқтисодиет соҳаларига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кун меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётдаги модернизация ва диверсификация жараёнлари талабларига жавоб берувчи

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 26-модда.

егук мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда ислоҳотлар самарасини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда тегишли давлат органлари қаторида таълим муассасалари ҳамда меҳнат органларига алоҳида ваколатлар ҳамда вазифалар юклатилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, таркибий янгиланишлар, модернизация ва диверсификация жараёнлари мазкур ўзгаришларга муносиб, рақобатбардош, малакали кадрларни тайёрлаш масаласининг аҳамиятини янада оширади. Шу жумладан, иқтисодиётдаги янгиланишларга мос равишда таълим тизимини модернизация қилиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш ҳамда кадрлар сифатини ошириш галдаги муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш, ёш мутахассисларнинг ўз фаолият соҳалари бўйича бевосита амалиёт жараёнида ўз малака ва кўникмаларини ошириб боришлари, ишлаб чиқаришдаги техник ва технологик янгиланишлар билан мунтазам равишда танишиб, улар билан ишлаш кўникмасини доимий равишда шакллантириб бориш имкониятига эга бўлишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур чора-тадбирлар ёшларнинг меҳнатда самарали бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, ёшлар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, ёшларга қаратилган давлат сиёсатининг оқилона тарзда олиб борилишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016.
2. Альманах Узбекистана. – Т., 2014.
3. «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», 1997 йил 29 август.

Рустамова Д.Д.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети доцент в.б., иқтисод фанлари номзоди

ИНСОН КАПИТАЛИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг юксалиши, ривожланиши ёки аксинча, инқирозга юз тутиши ўша мамлакатдаги таълим тизимининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир. Ҳозирда янгиланаётган жамият ҳамда эркинлашаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар учун аввало шу сифатларга мос тарзда фаолият кўрсатишга қодир таълим тизими зарур. Шунинг учун ҳам таълим тизими Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган.

Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишга эришишнинг имконияти бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг биринчи Президенти томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва истиқболли ривожлантириш концепцияси асосида, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат.

«Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш» ҳам асосий вазифадир. Таълим тизимини ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш деганда ўқувчи мустақил фикрлашга эга бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқиш жараёнида ўрганиб бориши тушунилади.

Маълумки, фақат қонун асосида ишлаш ва яшаш йўли билангина ривожланган ҳуқуқий, демократик давлат шаклланади. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий модели қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу модел Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсати рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигига юксак салоҳиятли кадрлар етказиб беришга мўлжалланган ягона тизимга йўналтирилган. Таълим тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти бир тарафдан аҳолининг интеллектуал салоҳияти даражасининг ошишига замин яратиш, иккинчи тарафдан эса уни иқтисодиётнинг ривожланиши, иқтисодий ўсишга эришишида намоён бўлади.

Кучли халқаро рақобат шароитида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун аҳолининг интеллектуал салоҳиятидан тўлиқ ва унумли фойдаланишни таъминлаш зарур. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш эканлиги ва таълим ҳамда тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифга эгалиги белгиланган.

Билим таълим соҳасининг маҳсули сифатида ўзига хос белгиларга эга. Хусусан, унинг бебаҳо ижтимоий неъматлиги; чекланмаганлиги ва фойдаланган сари камаймаслиги; маконга боғлиқ эмаслиги; қайтарилмаслиги; вужудга келтирган қиймати, кейин ундан фойдаланиш интенсивлигига боғлиқ эмаслиги; вақт билан боғлиқлиги; тезда тарқалиши ва эскириши; билимларни

олгунча уларни объектив баҳолашнинг имконияти йўқлиги ва ҳоказолар шундай белгилар сирасидандир.

Бугунги кунда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Юртимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ишларнинг моҳияти биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратишдан иборатдир.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда таълим тизими уч асосий сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади. Булар:

- кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократик жамиятга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;
- таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди ва кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради;
- таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланиб, у ўзбек халқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди.

Таълим тизими орқали аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли гуруш фаровонлигини белгиловчи муҳим омилдир. Шундай экан, инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш орқали аҳоли билим ва кўникмаларини шакллантириш, ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Хўш, инсон капитали ўзи нима?

Инсон капитали тушунчасига «Иқтисодий энциклопедия»да маблағ ажратишнинг алоҳида тури, инсоннинг қайта ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар йиғиндиси, сифатни ошириш ва ишчи кучи хизматларини яхшилаш, деб таъриф берилади. Умумий маълумот ва махсус характердаги билимлар, кўникмалар ва тўпланган тажриба инсон капитали объектининг таркибий қисми ҳисобланади.

Инсон капитали – инсон эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятнинг йиғиндисигина эмас. Чунки, биринчидан, бу тўпланган билим, малака ва қобилият захираси ҳисобланади. Иккинчи навбатда, бу шундай захираки, у ёки бошқа бир муҳитда инсон томонидан ижтимоий қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон беради. Учинчидан, тўпланган билим, кўникма ва қобилият захирасининг мақсадга мувофиқ ишлатилиши фаолиятнинг юқори унумдорлигида ишчи иш ҳақи (даромади) нинг ўсишига олиб келади. Тўртинчидан эса, даромаднинг ошиши инсонни рағбатлантиради ва қизиқтиради ҳамда янги билим ва кўникмалар захирасини тўплаб келажакда унумли қўллашга сабаб бўлади.

Инсон капиталига инвестициялар – меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўлланилган ихтиёрий чора, йўл ва қарорлар йиғиндисидир.

Иқтисодчи олимлар инсон капиталига инвестицияларнинг 3 турини ажратиб кўрсатадилар:

– таълимга харажат. У умумий ва махсус, расмий ва норасмий таълим ҳамда иш жойларига кўра тайёргарликни ўз ичига олади;

– соғлиқни сақлашга харажатлар. У касаллик профилактикаси, тиббий хизмат кўрсатиш, парҳез овқатланиш, яшаш шароитини яхшилаш кабиларни ўз ичига олади;

– ҳаракатчанлик харажатлари, нисбатан паст унумдорлик бўлган жойлардан ишчиларнинг кўчиши тушайли.

Шунингдек инсон капиталига инвестициялар моддий ва номоддий турларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Биринчи турга инсоннинг жисмоний шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча харажатлар киради (боланинг туғилиши ва тарбияси учун чиқимлар).

Иккинчисига умумий таълим ва махсус тайёргарлик учун йиғилган харажатлар, соғлиқни сақлаш ва ишчи кучини тақсимлаш учун йиғилган харажатларнинг маълум қисми киради.

Соғлиқ ва таълимга маблағ ажратиш инсон капиталига инвестицияларнинг муҳим туридан ҳисобланади. Умумий ва махсус таълим сифатни яхшилайди, инсоннинг билимлари захирасини

ва даражасини оширади, шу билан бирга инсон капиталининг ҳажми ва сифатини оширади. Олий таълимга инвестициялар эса юқори малакали мутахассисларнинг шаклланишига ёрдам беради, юқори малакали меҳнат эса иқтисодий ўсиш суратига жуда катта таъсир кўрсатади.

Инсон капиталини бошқарув концепциясининг тарафдорлари ходимларнинг ташкилот, компаниянинг молиявий кўрсаткичларига кенг таъсирини ўлчашда компаниялар мазкур ходимларнинг хислатларини юқори молиявий кўрсаткичларига, яъни даромад олишлари учун ўзлари ўз ходимларини танлаши, бошқариши, уларнинг имкониятларини баҳолаб ривожлантиришлари мумкин. Бу ёндашув ходимнинг ўзи учун ва ташкилот даражасида инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини сонли баҳолаш услубларини излаш муаммосини асослаб беради.

Таълимга инвестициялар ҳақида қарорларни қабул қилишнинг содда модели ёки инвестициялардан индивидуал фойда олиш модели таълим жараёни инсон фойдалилигини бевосита кўпайтирмаслигини ва камайтирмаслигини назарда тутади. Чунки таълим – инвестициялар учун объектдир, у истеъмолчи учун имконият эмасдир, таълимнинг турли шароитлари билан боғлиқ бўлган даромад оқимлари эса барчага маълум.

Микроиқтисодий тадқиқотларда марказий муаммо таълимнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади. Инсон капитали тарафдорлари таълимдан олинадиган иқтисодий даромадлар шакли бўйича хилма-хил бўлади деб ҳисоблайдилар, таълимнинг пуллик бўлмаган ва билвосита даромадлари сонли ўлчовда қийин ҳисобланишлари туфайли иқтисодчилар унинг бевосита пуллик даромадига эътиборларини қаратдилар, шунинг учун ойлик маошларни ўсишига таълимнинг хиссасини аниқлаш зарурияти пайдо бўлди.

Тайёрловнинг маълум даражасига эга бўлган ходимнинг ойлик маошини икки асосий қисмдан иборат деб тасаввур қилиш мумкин. Биринчи қисми, у таълимнинг ҳеч қандай даражасига эга бўлмасдан олган маошидир, иккинчи қисми, бу таълим инвестициялари туфайли олинадиган даромаддир:

$$Y_n = X_0 + RC_n,$$

бу ерда Y_n – n йил таълимга эга бўлган инсоннинг маоши;

X_0 – ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган инсоннинг маоши;

C_n – ўқитишнинг n йил мобайнидаги инвестициялар ҳажми, яъни тўпланган инсон капитали;

R – таълимга қўйилган инвестициялар даромадининг жорий меъёри.

Инсон капитали назариясининг классиклари – Л.Туроу, С.Фишер, Т.Шульц, Г.Беккер аслида инсон капиталининг ўсишини таълим соҳасига капиталнинг ўсиши билан боғлаганлар, инсон капиталини тўплаш ва қўллаш самарасини таълимга қилинган инвестициялар самараси билан тенглаштирганлар.

Инсон капитали самарадорлигини таълим самарадорлиги орқали ўрганган ҳолда, иқтисодчи классиклар бир вақтда таълимга қилинган сарф-харажатлар ва ундан олинган натижаларни қиёслаш сифатида белгилаганлар. Таълимга қилинган харажатлар тузилмасига улар таълимни олишга ўқиётганнинг (унинг ота-онасини) бевосита сарф-харажатларини, давлатни таълимга бевосита сарф-харажатларини, йўқотилган маошлар кўринишида ҳисобга олинадиган харажатлар, ўқиётган таълимнинг юқорироқ даражасига эга бўлганда қиладиган сарф-харажатлар ва ўқитаётганларни йўқотилган маошларига солиқ кўринишида ҳисобга олинадиган давлатнинг шартли харажатларини киритганлар.

Ўқиш давомида инсон ишлаб олиши мумкин бўлган ойлик маошни йўқотади, бироқ келгусида юқорироқ даромад кўринишида оладиган ойлик маошининг қўшимча қисмига эга бўлади, яъни ўқиш даврида у йўқотган маоши келгуси даромадлар билан тўлиқланади, аниқроғи таълим туфайли оладиган юқорироқ даромади билан қопланади. Даромаднинг бир қатор йиллар ичида тўпланган бу қисми таълимни олишга йўналтирилган меҳнат тўлови ва таълимга йўналтирилган бевосита инвестицион қўйилмаларнинг қўшма харажатларидан юқори бўлиши лозим.

Бу ерда ойлик маошининг икки ҳисса моҳияти кўриниб туради, бир томондан, у харажатлар бўлса (йўқотилган ойлик маош, таълимга инвестиция), бошқа томондан, у келажакнинг даромадидир.

Таълимнинг иқтисодий натижалари шакллари бўйича хилма-хил бўлиши мумкин. Таълимнинг фойдаси натурал ва пул, бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Одатда, юқорироқ маълумотга эга бўлган одам юқори ойлик маошни олади, нуфузли ишга жойлашишнинг кўпроқ имкониятига эга бўлади, илмий техник инқилоб туфайли вужудга келган ўзгаришларга тезроқ мослашади.

Умумий ва махсус таълим натижасида ходим қобилиятларнинг икки турининг соҳибига айланади: оддий меҳнат ва инсон капитали соҳибига, уларнинг ҳар бири чегараланган даромадни келтиради, уларнинг йиғиндиси ходим оладиган ойлик маошнинг умумий катталигини беради. Таълим даражаси ошиши туфайли ойлик маошнинг ўсиши содда меҳнат билан боғлиқ эмасдир, у инвестициялашнинг натижасидир. Ходимнинг ойлик маоши содда меҳнатнинг таъсиридан соф бўлиши лозим. Бу ойлик маошдан содда меҳнатга тўғри келган хиссани олиб ташлаш йўли билан ҳисобланади, яъни бунда таълимнинг зарурий минимумисиз бахариладиган меҳнат ҳисобга олинмайди.

Инсон капитали назарияси доирасида ойлик маош қатламли тузилма сифатида ўрганилади, унда ҳар бир қатламга таълимнинг маълум қатлами мос келади. Муайян аниқ қатламнинг ойлигининг катталиги таълимнинг мазкур муайян қатламига мувофиқ бўлиб, ундан олинадиган пул даромадини намоён қилади.

Масалан, олий таълимдан олинадиган иқтисодий самара икки шахснинг – университетни битирган ва ўрта таълимга эга бўлган шахснинг бутун ҳаётдаги ойлик маошидаги фарққа тенг бўлади. Университетдаги таълимга қўйилган инвестициялардан иқтисодий даромадни бутун ҳаёт мобайнидаги қўшимча даромад сифатида ўрганиш мумкин, бу даромад университет битирувчиси ўрта мактаб битирувчисига нисбатан олади. Бутун ҳаёт давомида олинадиган даромадлардаги фарқни таълимга бўлган сарф-харажатлар билан белгилаш ва қиёслаш мумкин, университетдаги таълимга бўлган инвестициялардан олинадиган даромаднинг ҳажмини ҳисоблаш мумкин.

Юқори таълим тайёргарлиги кўпроқ самара ва даромадни беради. Қуйидаги қонун амалда бўлади: ходимларнинг даромадлари уларнинг маълумоти даражаси ва ёши улғайганлиги сари ошади, бироқ маълум чегарагача, яъни 55-60 ёшгача (нафақага чиқиш пайти). Бу ёшдан сўнг барча таълим даражасидаги ходимларнинг даромадлари кескин пасаяди.

Агарда таълим иқтисодида инвестицияларнинг рентабеллиги ҳаддан зиёд паст бўлса, бу бутун иқтисодиётга хавф солади, чунки жамият ўзини инсон капиталидан маҳрум қилиб, ўзини келажакдан маҳрум қилади ва аксинча, рентабеллик даромадининг меъёри юқори бўладиган шароитлар яратиладиган иқтисод автоматик тарзда ривожланишнинг инновацион йўлига ўтади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича қуйидагиларни умумлаштириш имконини беради:

- инсон капиталига инвестициялар рентабеллик ва даромаднинг юқори даражасига эга бўлса, ўзини-ўзи оқлайди;
- инвестициялар туфайли инсон капитали шаклланади. Бунда унинг жисмоний капитали билан ўхшашлиги намоён бўлади;
- инсон капиталини шакллантиришда турли омиллар иштирок этади, булар табиий ресурс, жисмоний капитал, муҳим омил сифатида инсон капитали активларининг янги захираларига эга бўлиш ва тўплаш имкониятини берувчи инсон вақти ҳисобга олинади, инсон капиталига даромадлилик, инвестициялар унинг хизматининг бўлғуси муддатига бевосита боғлиқ. Бу уни инсон ҳаётининг бошланғич даврида шакллантириш фойдалилигини асослаб беради, чунки инсон капитали тўпланганлиги сари унинг даромадлилиги ошиб боради (бу жисмоний капитал учун ҳам хосдир);
- йўқотилган даромадлар инсон капиталига инвестицияларнинг асосий қисмидир, улар таълимга қилинадиган бевосита сарф-харажатлар билан ҳисобга олинади; таълимнинг даромад ва харажатларини вақт омилини ҳисобга олган ҳолда таққослаш, унинг иқтисодий самарасини ва унумдорлигини баҳолаш имкониятини беради, инсон капиталини етказиб бериш норасмий тарзда, унинг соҳибларининг ҳамкорона фаолияти жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда инсон капиталининг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодий ривожланишининг бош омили экан, уни шакллантириш ва ривожланти-

ришни айнан таълим тизими асосида амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, таълим тизими самарадорлигини ошириш ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонуни. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Т.: Шарқ, 2001. -3-8-б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Шарқ», 2001. 9-23-б.

3. Абалкин Л.И. Экономическая энциклопедия. – М., 1999. -С. 275.

4. Беккер Гэри. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал. // «США. Экономика, политика, идеология», 1993. -С. 11-12.

5. Гулямов С.С. Образование в Узбекистане, день сегодняшний – М., 2001. -С. 120.

6. Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в переходной экономике: эффективность формирование, оценки и использование. – СПб.: «Наука», 1999. -С. 44.

7. Дранчук Л.С. Образование и развитие человеческого капитала в России. – М., 2009.

8. Дукер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке: пер. с англ. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2004. -С. 181-182.

9. Мазин А.Л. Экономика труда. – М.: «ЮНИТИ», 2008. -С. 172-176.

Садикова И.А.,
доцент экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека, кандидат экономических наук

РОЛЬ МАРКЕТИНГА В МЕНЕДЖМЕНТЕ

В середине XX века в менеджменте произошел, на первый взгляд незаметный, переворот Управление стало строиться не по принципу «от руководства к потребителю», а наоборот – «от потребителя к руководству». Поясним эту мысль.

Примерно с середины XX в. из-за насыщения рынков, НТП происходит смена приоритетов, осуществляется качественный перелом в осознании роли рынка. Последовательность действий кардинально меняется: сначала анализ рынка и поиск его неудовлетворенных потребностей, далее замысел нового товара под эти неудовлетворенные потребности, его проектирование, производство, сбыт, стимулирование сбыта Потребитель косвенно стал диктовать условия производителю. Стала внедряться управленческая концепция «диктата рынка».

Если раньше пирамида управления традиционно стояла на своем основании, то в маркетинговую эру она перевернулась с ног на голову. Неимоверно возросла роль сбытовых организаций. Именно они являются индикаторами рыночного спроса, именно они обусловливают будущую политику и стратегию фирм и компаний. Объемы продаж сбытовых фирм стали основными показателями, по которым оказалось возможным управление на принципах маркетинга. Это следующие принципы:

- сбытовые дочерние или дилерские фирмы следят за изменением спроса на рынке и оперативно передают информацию своим разработчикам, проектировщикам и производителям новых товаров **(принцип слежения);**
- в свою очередь, разработчики новых товаров, получая информацию, должны определить или предугадать потребности рынка, которые могут появиться в будущем **(принцип предугадывания потребностей);**
- выявляются также неудовлетворенные потребности рынков (это касается не только товара, но и форм его предложения, продвижения, обслуживания и др.) и обеспечивается быстрый выпуск новых товаров с последующей их модификацией **(принцип новизны, или ноу-хау).**

Таким образом, выигрывает на рынке та компания, у которой при прочих равных условиях отлажены три основные функции:

- слежения за рынком и спросом на нем;
- предугадывания нового спроса;
- ноу-хау.

Факторами конкурентного преимущества фирм становятся:

- качество товара;
- его ценность (не путать с ценой);
- уровень обслуживания.

Стратегия ценообразования становится привязанной к жизненному циклу товара.

Предположим, у фирмы девять стратегий ценообразования (рис. 1).[1]

КАЧЕСТВО \ ЦЕНА	Высокая	Средняя	Низкая
В	Стратегия премиальных наценок	Стратегия глубокого проникновения на рынок	Стратегия повышенной ценностной значимости
С	Стратегия завышенной цены	Стратегия среднего уровня	Стратегия качественного товара

Рис. 1 Различные стратегии ценообразования

На выбор одной из них влияет:

- вид бизнеса, которым занимается фирма (можно заниматься изготовлением хлеба, который всегда нужен, а можно - наукоемкой продукцией, которая не всем и не всегда нужна);
- текущее финансовое положение фирмы;
- положение фирмы на «жизненном цикле товара» (рис. 2).[2]




Рис. 1.2. Жизненные циклы товаров (новинки)

Жизненный цикл товара-новинки характеризуется подъемом, стабилизацией и последующим спадом объема продаж. Чтобы не происходило резкого спада продаж, фирма вынуждена быстро перестраиваться на новые модели продукции. Скорость модификации, низкая себестоимость и качество товара становятся ключевыми факторами успеха на рынке, обеспечивающими фирме конкурентное преимущество.

[1] Большаков А.С., Михайлов В.И. Современный менеджмент. Теория и практика. — СПб.: «Питер», 2000. -С. 411.: ил. (Сер.: Теория и практика менеджмента).

[2] Ўша жойда.

С точки зрения фаз жизненного цикла товара целесообразно строить по-разному и стратегию ценообразования, например на подъеме продаж цену можно максимально завысить (насколько это возможно), далее - немного снизить.

Из матрицы видно, что, в зависимости от выбранного соотношения «цена-качество», фирма может развиваться, к примеру, в следующих направлениях:

- стремиться быстро выручить большие деньги и переключиться на другой бизнес (например, за счет высокой цены и среднего качества или низкого качества и высокой цены) - стратегия «снятия сливок»;
- прочно закрепиться на одном из сегментов рынка (например, за счет низкой или средней цены и высокого качества) - стратегия закрепления на рынке.

Маркетинговый подход в менеджменте предусматривает:

- **анализ возможностей фирмы** (надо знать кем является фирма: лидером, претендентом на лидерство или стабильным обитателем рыночной ниши, например, продающим продукты питания: хлеб, вода, сигареты и др.);
- формирование **маркетинговой стратегии** (позиционирование товара, управление жизненными циклами товара, формирование схемы глобального маркетинга, т. е. взаимодействие и распространение товара во многих странах мира);
- планирование **маркетинговых программ** (выбор и управление каналами распределения, управление оптовой и розничной торговлей, управление запасами, коммуникациями, транспортом, персоналом, временем);
- управление **маркетинговым воздействием** (организация, руководство, оценка и контроль маркетинговой деятельности).

Методы оптимизации решений.

Оптимальным называется такой вариант решения, который в рамках ограничений ресурсов и времени решения обеспечивает наилучшее значение некоторого критерия оценки решения.

Понятие оптимальности возникло в математике и связано с нахождением экстремума функции, т. е. Максимума или минимума функции в некотором диапазоне измерения аргумента. При этом существуют определенные особенности нахождения оптимальных вариантов

Поясним это с помощью **примера**. Допустим, что решение лица принимающего его определяется функцией **Y**, зависящей только от одного аргумента x

$$Y=f(x).$$

Оптимальным вариантом решения для лица, принимающего решение является выбор таких значений аргумента **x**, которые обеспечивают наибольшие значения **Y**. В общем случае функция **f(x)** неизвестна, но предположим, что эта зависимость уже известна, она непрерывная и гладкая.

Предположим, что эта функция принимает экстремальные решения при следующих соотношениях значений аргумента

Максимальный значений функции два: при аргументе 3 функция равна 0,45 и при аргументе 7 функция равна 0,7.

Минимальный значений тоже два: при аргументе 5 функция равна 0,4 и при аргументе 8 функция равна 0,6.

Это значит, что один из максимумов больше другого, а один из минимумов меньше другого.

Завершая введение в правила принятия оптимальных решений, отметим важный принцип определения оптимальных вариантов, который в кибернетике называется принципом **«субоптимальности».**

Принцип субоптимальности связан с представлением объекта управления как системы и состоит в том, что **оптимизация** какой-либо **подсистемы** объекта управления **не гарантирует существования всего объекта управления.**

Принцип субоптимальности нарушается довольно часто. Лицу, принимающему решение и ответственному за какую-либо подсистему, всегда хочется обеспечить лучшие условия для функционирования своей подсистемы. При этом нарушается пропорциональность развития каждой подсистемы и комплексность подхода к развитию свей системы.

Чрезмерная поддержка и оптимизация отдельной подсистемы не гарантирует в комплексе оптимальных условий существования и развития в целом сбалансированной системы

При оптимизации какой-либо подсистемы говорят о **локальной оптимизации,** а при оптимизации всей системы говорят о **комплексной оптимизации** объекта управления. Отметим, что комплексная оптимизация объекта управления не запрещает **шаговой, поэтапной реализации** комплексного решения.

Литература:

1. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. – Т.: ТДИУ, 2013. -433-б.

2. Йўлдошев Н.Қ. Менежмент. – Т.: ТДИУ, 2006 й. -150-б.

3. Шарифходжаев М. Менежмент. – Т.: «Ўқитувчи», 2002 -464-б

4. Менеджмент. / Под ред. Герчиковой И.Н. учебное пособие. 2-ое и 3-е издание. – М.: «ЮНИТИ», 2001.

5. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: «Вильямс», 2012.

6. Зайнуддинов Ш. Менежмент. – Т.: ИПТД имени «Чулпан», 2011.

7. Большаков А.С., Михайлов В.И. Современный менеджмент. Теория и практика. – СПб.: «Питер», 2000. –С. 411.

Умаров О.О.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ИНВЕСТИЦИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Илм-фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришни жаҳон стандартлари талаблари даражасида таъминлашнинг асосий йўли бўлиб, бу уни ривожлантириш учун ажратилаётган инновацион инвестиция маблағлари даражасига боғлиқ. Инновация жараёнини ривожлантириш учун йўналтириладиган инвестициялар давлат, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий давлатлар томонидан, уларнинг хусусий тадбиркорлари томонидан ташкил топиши мумкин.

Инновацион инвестициялар асосан ишлаб чиқариш субъектлари ёки махсус инновацион фаолият олиб борувчи субъектларда одатда инновацион лойиҳани ифода этади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш субъекти маълум сифатий ва иқтисодий натижага эришиш учун корхона бўйича ўзининг маълум бир мақсадга йўналтирилган иқтисодий тадбиркорлик режасига ёки ишлаб чиқариш фаолиятларини такомиллаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиб боришини таъминлаш, унинг сифатини ошириш ва фойда олиш даражасини ўсиб боришини таъминлаш мақсадида илмий-техника тараққиётини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқадилар. Бу тадбирлар умумлашган ҳолда тадбиркорлик объекти бўлган корхонанинг ёки махсус инновацион фаолият билан шуғулланувчи венчур корхоналарнинг инновацион лойиҳаларини ташкил этади[1].

Шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш субъекти ўзини ўзи молиялаштиришга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишининг асосий манбаи сифатида корхона фойдаси деб ҳисоблайди.

Фойда олаётган корхоналаргина ишлаб чиқаришга илм-фан ва техника янгиликларини, яъни инновацион маҳсулотларни қўллаш асосида олаётган фойда даражаларини ўсиб боришини таъминлашлари мумкин.

Инновацион инвестициялаштиришда қуйида (1-расм) келтирилган манбалар фаол қатнашадилар[2].

[1] Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение. – М.: «Луч», 1992. -С. 254.

[2] Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини ошириш. – Т.: ТошДТУ, 2013. -124- б.



1-расм. Инновацион инвестициялаштириш манбалари

Инновацион инвестициялаштириш муносабатларининг муқобил инқирозсиз ва самарали ривожланиши ички инвестиция манбаларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Инновацион инвестициялаштиришни амалга оширишда корхоналарнинг амортизация фондларида жамғариладиган маблағларнинг аҳамияти катта. Амортизация фондидаги тўпланган маблағлардан ҳар доим эмас, балки маълум бир даврларда фойдаланиш мумкин. Ўша даргача бу маблағ ҳаракатсиз маблағ сифатида ишлаб чиқариш ҳаракатидан ташқарида шаклланади.

Демак, амортизация фонди маблағлари ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган техника ва технологияларнинг унумдорлиги юқори ва таннархларининг арзонлашув даражасига боғлиқ.

Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, амортизация фондларида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш асосида тўпланаётган амортизация маблағлари инновацион фаолиятни тўлиқ кенг миқёсда олиб бориш талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Бунинг асосий сабаблари бўлиб мавжуд асосий фондларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлиги сабабли улардан етарли даражада фойдаланмаганлиги оқибатида амортизация маблағларини етарли даражада шаклланмаслиги ва бу фондда тўпланган маблағларнинг асосий қисми асосий фондларни жорий таъмирлашга сарфланишидир.

Хорижий мамлакатларда корхона амортизация маблағлари инновацион инвестициялаштиришда асосий манбалардан ҳисобланади. Унинг инвестициялаштиришдаги ҳиссаси доимий равишда ўсиб боришнинг асосий сабаби ишлаб чиқариш фондлари ва технологиялари қисқа муддатлар ичида янгиланиб туришидир. Бу янгиланиш 4-10 йилларни ташкил этади. Натижада амортизация йиллик даражалари ўсиб бориши ҳисобига амортизация фонди ҳажми ўсиб бормоқда.

Жумладан, АҚШда амортизация маблағлари ҳиссаси умумий капитал қўймалар ҳиссасидаги ҳажми 60-йилларда 50-58 фоизга кўпайган бўлса, кейинги 15-20-йиллар ичида 70-75 фоизга, Германияда эса 30-37 фоиздан 55-60 фоизга, Японияда эса бу кўрсаткич шу даврларда 32 фоиздан 35 фоизга кўпайган бўлса. кейинги даврларда бу кўрсаткич 45-50 фоизни ташкил этган.

Хорижий мамлакатларда умумий молиялаштиришда шаклланаётган капитал маблағларининг 60-70 фоизи амортизация маблағи ва 30-40 фоизи корхона фойдасига тўғри келади[1].

[1] Крылов Э.И., Журавкова И.В., Власова В.М. Анализ эффективности инвестиционной инновационной деятельности предприятия. - М.: «Финансы и статистика», 2001. -С. 381.

Шу билан бирга инновацион фаолиятларни инвестициялаштиришда аҳоли жамғармаларидан фойдаланишни ривожлантириш зарур. Аҳоли маблағларидан инновацион инвестициялаштиришда фойдаланиш учун уларнинг жамғармаларини давлат банкларида тўпланишини рағбатлантириш учун, биринчидан, банк қўймалари учун тўланадиган фоиз даражаларини кўриб чиқиш зарур бўлса, иккинчидан махсус инновацион инвестициялаштириш билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардан заёмларни чиқариш, учинчидан инновацион янгиликлар асосида ишлаб чиқариш субъектларини фойда даражалари ўсишидан инновацион инвесторлар манфаатдорлигини ошириш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион инвестициялаштиришда давлат корхоналари ёки давлат манфаатига мос бўлган инновацион лойиҳалар давлат томонидан молиялаштирилиши зарур.

Инновацион инвестициялаштириш самарадорлиги даражасининг талабга жавоб бермаслигининг асосий сабаби, республикада уни қўллашдаги ҳуқуқий-иқтисодий томонлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва давлат томонидан инновацияни ривожлантиришдаги ҳаракатлар талаб даражасида эмаслигидир. Илм-фан, техника ютуқларига эришиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига қўллашни таъминлаш давлат ёрдамисиз, бошқарувисиз амалга ошириш мушкул бўлган муаммо ҳисобланади.

Демак, инновацион инвестициялаштириш фаолиятини ривожлантиришда Европа давлатлари тажрибаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатларда инновация муаммосига давлат томонидан етарли даражада эътибор берилади. Шунинг учун уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва республикада инновацион инвестициялаштириш жараёнини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва иқтисодий самарадорликнинг ўсиб боришини таъминлайди.

Германияда инновацион фаолиятларни ривожлантиришни Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Махсус илмий-тадқиқотлар ва технологиялар вазирлиги, Саноат тадқиқотларини амалга оширувчи бирлашма ва Патент маркази амалга оширади.

Францияда инновацион фаолиятлар Иқтисодиёт вазирлиги, Илмий тадқиқот натижаларини татбиқ этиш Миллий агентлиги, Илмий-техникавий фонд томонидан олиб борилади.

Италияда эса Технологик янгилик фонди, марказий ва тижорат банклари ҳамда Эҳтиётқорлик фонди кабилар инновацияни ривожлантириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўради.

Бу давлатларда инновацион фаолиятлар асосан икки йўналишда олиб борилади: инновацион тадқиқот ишлари махсус инновация билан шуғулланувчи кичик инновацион тадбиркорлик субъектларида ва корхоналарда амалга оширилади.

Бу давлатларда кўпроқ инновацион тадбиркорлик билан шуғулланувчи кичик бизнес корхоналари юқорида қайд этилган ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади.

Инновацион фаолиятлар ИТКИ ҳамда янги яратилган технологияларни имтиёзли кредитлар ва солиққа тортиш, эҳтиётқорлик ва венчур тадбиркорликни тўғри молиялаштириш орқали амалга оширилади. Инновацион фаолиятлар билан шуғулланувчи корхоналар юқорида келтирилган ташкилотлар орқали керакли даражада имтиёзлар олишлари мумкин.

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхона ёки кичик инновацион тадбиркорлик субъекти фаолияти қабул қилинган қонунлар асосида уларни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Бунинг асосий вазифаси саноат ва интеллектуал бойликни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Хорижий давлатларда инновацион тадбиркорлик тўғридан-тўғри ва қисман услубда ҳам қўллаб-қувватланади.

Инновацион фаолиятни қўллаш маъмурий бошқарув ва махсус инновацион режани амалга ошириш орқали амалга оширилади. Маъмурий бошқарув муассасалари томонидан инновацияни ривожлантириш, молиявий ёрдам бериш орқали амалга оширилади. Бу молиявий ёрдам белгиланган қонунларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

[1] «Public financial support for commercial innovation». Europe and Central Asia Knowledge Economy Study Part I, Chief Economist's Office in the Europe and Central Asia Region of the World Bank, 2006.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ғарбий Европада ўтган асрнинг 80 йилларида инновацион тадқиқотларни ривожлантириш бўйича турли йўналишда «илмий ишлаб чиқариш мажмуалари», «илмий ва технологик парклар», «юқори технологияли корхоналар инкубаторлари» фаолият кўрсатган[1].

Бу муассасаларнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолиятларини, инновацион кашфиётларни моддий рағбатлантириш ва уларни амалиётда қўллашга яқиндан ёрдам беришдан иборат бўлган.

Инновацион фаолиятларни ривожлантиришда университетларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Улар ўз кашфиётларини амалиётда тадбиқ этиш учун ўз махсус фондлари ҳисобидан венчур корхоналарни ташкил этадилар. Бу фондни ташкил этишда университет олимлари ҳам фаол қатнашадилар. Ана шундай мажмуа корхоналарда инновацион янгиликларни амалиётда тадбиқ этиш муддати 2-3 маротабага қисқаради[2].

Венчур инновацион тадбиркорлик субъектлари ўзларида турли шакллардаги акционерлар, ссуда ва тадбиркорлик капиталлари асосида шаклланиб илм-фан ва техникалар билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишда ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатади. Венчур инновацион тадбиркорлик субъектлари инновацион инвестициялаштириш хавф-хатари остида фаолият олиб борадилар.

Улар икки шаклда мустақил ўз маблағларига асосланган венчур фирмалари ва йирик корпорациялар ихтиёрида бўлган ихтисослашган венчур субъектларидан ташкил топади. Венчур субъектлари ҳам маълум даражада давлат томонидан кичик бизнеснинг ривожланишини таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватланади.

Венчур инновацион субъектлари асосан инвестицион банклар, номолиявий корпорациялар, суғурталаш компаниялари, нафақа фонди маблағларини инновацион ривожланишга жалб қилишни амалга оширадилар.

Венчур инновацион фаолиятида қатнашувини истаган субъектлар ўз капиталларидан венчур томонидан фойдаланишидаги жавобгарлиги чекланган ҳисобланади.

Венчур инновацияси билан шуғулланувчи субъектларнинг капиталлари венчур субъектлари маблағларидан, асосан тадбиркорлик субъектларининг хусусий жамғарма маблағларидан ташкил топади. Венчур субъектлари ўзларининг ишлаб чиқаришларини тўлиқ ташкил этиб ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйган тақдирдагина улар ўзларининг акцияларини очиқ ҳолатда сотишни ташкил қила олишлари мумкин.

Давлат томонидан технопаркларни ривожлантириш учун инновацион тадбиркорлик корхоналарига лизинг хизматлари усулида зарур бўлган электрон-ҳисоблаш техникалари, турли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур бўлган жиҳозлар, транспорт воситалари, тажриба олиб бориш жойларининг берилиши ташкил этилган. Шу билан бирга уларга зарур бўлган консалтинг хизматларида, илмий тадқиқотларни биргаликда олиб боришда зарур бўлган малакали ходимларни тайёрлашда ва венчур фирмаларини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Хорижий давлатлар инновацион тадбиркорликни, инновацион жараёнларни амалга оширишда яқиндан уларга моддий рағбатлантириш орқали ихтирочилик фаолиятларини яратиш учун иқтисодий барқарор муҳитни яратишда фаол қатнашадилар.

Хорижий давлатларда инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектларни моддий рағбатлантириш асосан уларга солиқ тўловлари ва кредит олишларидаги имтиёзлар орқали ташкил этилади.

Имтиёзли кредитлар асосан илмий-техника ёки венчур фондлар орқали энг зарурий бўлган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун берилади. Имтиёзли кредитлар 10-15 йилга берилиб, бошқа кредит олиш бўйича унга фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз ва кредитни қайтариш муддати тубдан фарқ этади.

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир бозор иқтисодиёти субъекти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиққан қолда ўзининг фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши зарур. Чунки инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг илм-фан ва техника соҳаларида қўлга киритиши белгиланган ютуқларни олдиндан башорат қилолмайди

---

[1] Зохарова Н. Координация инновационных процессов в Европейском Союзе // «Экономист», 2009, №7. -С. 58-65.

[2] Молодцова Р.Г. Инвестиции и инновации в концепции экономического роста. - М.: РЭА, 1997. -С. 143.

ва уни ишлаб чиқариш жараёнига қўллаш қандай даражада амалга ошишини ҳам айта олиш қийин.

Шунинг учун ҳам инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг доимий равишда хавф-хатарлар билан боғлиқлик даражасининг юқорилиги, бозор иқтисодиёти шароитида бу фаолият билан шуғулланиш даражаси талаб даражасида эмаслиги ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инновацион инвестициялаштириш манбаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– инновацион инвестициялаштириш ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш, маҳсулотларнинг истеъмол даражаларини ошириш уларнинг таннархларини арзонлаштиришнинг асосий омили ва бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида унинг асосий манбаи бўлиб, турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида яратилган фойда ҳисобланади;

– хорижий давлатлар ва хусусий инновацион инвесторлар инвестицияларини жалб этишнинг икки ёқлама – ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ижобий томони миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган ички инвестиция маблағларининг етишмовчилигини қоплашни таъминлайди. Аммо хорижий инновацион инвестициялаштириш ички миллий иқтисодиётга кириб келиши уларнинг манфаатдорлик даражасига боғлиқ бўлиб, асосий мақсадлари фойда олишдан иборат холос;

– инновацион инвестициялаштириш жараёнини ташкил этишда давлат аҳамиятига эга бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилаётган ёрдам услуби тажрибаларини республикада қўллаш мақсадга мувофиқдир

Хорижий давлатлар тажрибаларига асосланган ҳолда республикамизда уларнинг инновацион инвестициялаштириш фаолият йўналишларини қўллаб-қувватлаш тажрибаларининг қуйидагиларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

– инновация ва инновацион тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллашнинг бошқариш вазифаларини амалга оширган ташкилотларининг асосий мақсади янги ихтироларни ва ишлаб чиқариш технологияларини моддий рағбатлантириш;

– хусусий тадбиркорлик субъектларига илм-фан ва техника салоҳиятларидан фойдаланиш учун яқиндан ёрдам бериш;

– тадбиркорлик субъектларида илм-фан ва техника ютуқларига бўлган интилишларини юқори даражада бўлишидан келиб чиққан ҳолда инновацион фаолият билан шуғулланувчи инновацион тадбиркорлик субъектларини давлат ва кредит ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлаш.

Адабиётлар:

1. Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение. – М.: «Луч», 1992. -С. 254.

2. Молодцова Р.Г. Инвестиции и инновации в концепции экономического роста - М.: РЭА, 1997. -С. 143.

3. Крылов Э.И., Журавкова И.В. Власова В.М. Анализ эффективности инвестиционной инновационной деятельности предприятия. - М.: «Финансы и статистика», 2001. -С. 381.

4 «Public financial support for commercial innovation», Europe and Central Asia Knowledge Economy Study Part I, Chief Economist's Office in the Europe and Central Asia Region of the World Bank, 2006.

5. Захарова Н. Координация инновационных процессов в Европейском Союзе. // «Экономист», 2009, №7. -С. 58-65.

6. Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини ошириш. - Т.: ТошДТУ, 2013. -124-б.

Хашимов П.З.,
доцент экономического факультета НУУз
им. Мирзо Улугбека, кандидат экономических наук;
Азизова С.Х.,
преподаватель экономического факультета НУУз

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Малое предпринимательство является наиболее динамично развивающимся сектором, способным оказать существенное влияние, как на макро, так и на микроэкономические сферы. Оно способствует расширению занятости, а также повышает действенность рыночных механизмов, препятствуя проявлению монополизма.

В ходе реализации широкомасштабных рыночных реформ, осуществляемых в Узбекистане, была сформирована многоукладная экономика, основным экономическим субъектом которой является предприниматель, рационально и эффективно соединяющий факторы производства в хозяйственной деятельности.

Известный австрийский экономист Й.Шумпетер представляет предпринимателя как новатора, главной его функцией считает реализацию нововведений, играющих главную роль в развитии рыночной экономики, в обеспечении экономического роста. «Предпринимателями мы называем хозяйствующих субъектов, функцией которых является как раз осуществление новых комбинаций и которые выступают как его активный элемент»[1].

Говоря о сути предпринимательства можно отметить, что предпринимательской деятельностью (предпринимательством) является инициативная деятельность, осуществляемая субъектами предпринимательской деятельности в соответствии с законодательством, направленная на получение дохода (прибыли) на свой риск и под свою имущественную ответственность.

До сих пор в мире еще не пришли к единым стандартам определений малого и среднего бизнеса. Во многих странах и различных международных организациях они сильно различаются. «Понятие малого предприятия, несмотря на его широкую распространенность в социально-экономических исследованиях, до сих пор не имеет устойчивой дефиниции. Единственно с чем согласны все исследователи, так это в неустойчивости, неполноте качественных и количественных характеристик мелких предприятий, особенно в развивающихся странах». Считается, что большинство исследователей используют данный термин достаточно небрежно.[2]

В Республике Узбекистан существует конкретно определенные критерии касательно субъектов малого бизнеса. Эти критерии были выработаны на основе изученного опыта развитых стран.

По законодательству субъектами малого предпринимательства являются[3]:

---

[1] Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: «Эксмо», 2007.

[2] Гурьянов П.А. Критерии определения размеров малого и среднего бизнеса // Экономика, предпринимательство и право. 2011, № 10. -С. 3-12.

[3] Закон Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности». www.lex.uz

1) индивидуальные предприниматели;

2) микрофирмы со среднегодовой численностью работников, занятых в производственных отраслях, - не более двадцати человек, в сфере услуг и других непроизводственных отраслях - не более десяти человек, в оптовой, розничной торговле и общественном питании - не более пяти человек;

3) малые предприятия со среднегодовой численностью работников, занятых в отраслях:

легкой, пищевой промышленности и промышленности строительных материалов, предусмотренной законодательством, - не более двухсот человек;

металлообработки и приборостроения, деревообрабатывающей, мебельной промышленности, а также прочей промышленно-производственной сферы, предусмотренной законодательством, - не более ста человек,

машиностроения, металлургии, топливно-энергетической и химической промышленности, производства и переработки сельскохозяйственной продукции, строительства и прочей промышленно-производственной сферы, предусмотренной законодательством, - не более пятидесяти человек;

науки, научного обслуживания, транспорта, связи, сферы услуг (кроме страховых компаний), торговли и общественного питания и другой непроизводственной сферы - не более двадцати пяти человек.

Среднегодовая численность работников субъектов малого предпринимательства определяется в порядке, установленном законодательством. При этом учитывается также численность работников, принятых на работу по совместительству, договорам подряда и иным договорам гражданско-правового характера, а также численность работающих на унитарных (дочерних) предприятиях, в представительствах и филиалах.

Юридические и физические лица, осуществляющие несколько видов деятельности (многопрофильные), относятся к субъектам малого предпринимательства по критериям того вида деятельности, доля которого является наибольшей в годовом объеме оборота.

Льготы и преференции, гарантии и права, предусмотренные законодательством для субъектов малого предпринимательства, применяются субъектами предпринимательства, без письменного обращения в уполномоченные органы и организации (органы государственной налоговой, таможенной службы, органы государственной статистики, банки и др.).

Перечень льгот и преференций, предусмотренных законодательством для субъектов малого предпринимательства, публикуется и постоянно обновляется в Едином реестре льгот и преференций для субъектов предпринимательства на Едином портале интерактивных государственных услуг Республики Узбекистан.

Порядок формирования и постоянного обновления Единого реестра льгот и преференций для субъектов предпринимательства на Едином портале интерактивных государственных услуг Республики Узбекистан определяется Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

В случае превышения микрофирмой и малым предприятием установленной среднегодовой численности работников они лишаются льгот, преференций, гарантий и прав, предусмотренных законодательством, на период, в течение которого допущено превышение. Данное положение не распространяется в случаях, когда:

– микрофирмой и малым предприятием заключаются трудовые договора с выпускниками профессиональных колледжей, академических лицеев и высших образовательных учреждений Республики Узбекистан установленная среднегодовая численность занятых работников превышает не более чем на 50 процентов. Превышение численности работников допускается при условии, что со дня окончания выпускниками профессиональных колледжей, академических

лицеев и высших образовательных учреждений Республики Узбекистан прошло не более трех лет;

– при заключении малым предприятием трудовых договоров с гражданами, работающими на дому (надомниками), установленная среднегодовая численность занятых работников превышает не более чем на 30 процентов.

Представителям малого бизнеса и частного предпринимательства в стране предоставлены ряд льгот и преференции. В качестве яркого примера можно подчеркнуть, что с 1 января 2016 года установлена единая ставка единого налогового платежа для микрофирм и малых предприятий всех основных отраслей экономики в размере 5 процентов[1]. Можно сказать, что за последний 5 лет эта ставка было сокращена почти в два раза. Кроме этого ставка единого социального платежа составляет 15%, тогда как для остальных видов предпринимательство 25%.

В последние годы в Республике Узбекистан малый бизнес развивается по всем направлениям и это особенно заметно при анализе доли малого бизнеса по отношению к ВВП.




Рисунок 1. Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в ВВП[2]

Как можно видеть по 1-рисунку благодаря принимаемым мерам доля малого бизнеса и частного предпринимательства в валовом внутреннем продукте возросла с 31 процента в 2000 году до 56,7 процента в настоящее время, или в 1.8 раза. В этой сфере сегодня производится треть всей промышленной и 98 процентов сельскохозяйственной продукции. В ней трудится более 77 процентов всего занятого населения[3].

В результате принятых мер по стимулированию развития малого бизнеса и частного предпринимательства в истекшем году создано свыше 20 тысяч новых субъектов малого бизнеса без учета фермерских и дехканских хозяйств, а их общее количество составило свыше 195 тысяч, что в 2 раза больше по сравнению с 2000 годом.


[1] «Информационное сообщение об изменениях ставок налогов и других обязательных платежей, а также по отдельным вопросам налогообложения в 2016 году». 06.01.2016. https://soliq.uz

[2] Составлено авторами на основе данных Госкомстата Республики Узбекистан.

[3] Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Узбекистон». 2016. –С. 61.

В 2014 году в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства было создано более 480 тысяч новых рабочих мест, или каждое второе. В настоящее время в этой сфере экономики трудится более 76,5 процента всего занятого населения против 49,7 процента в 2000 году[1].

Как можно видеть от 2-рисунка по итогам 2015 года объём выданных кредитов на поддержку малого бизнеса и частного предпринимательства составил 10,1 трлн. сумов. За последние четыре года рост выделенных кредитов этому сектору вырос более чем в два раза.



2-рисунок. Кредиты коммерческих банков, выделенные малому бизнесу и частному предпринимательству[2].

Важнейшим приоритетом предусмотренной на 2016 год экономической программы должно стать безусловное продолжение начатых системных демократических реформ и модернизации страны, глубоких структурных преобразований в экономике, прежде всего в промышленности и сельском хозяйстве, опережающее развитие и защита интересов частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса, обеспечение макроэкономической сбалансированности.

Проведенный анализ показал, что решающим фактором в развитии малого предпринимательства является его государственная поддержка. Одним из компонентов этой системы являются государственные программы по поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства (МБЧП). Стимулирование МБЧП многопрофильно и неоднаково в разных странах. Но во всех случаях оно подразумевает, прежде всего, создание благоприятного предпринимательского климата. Практически все страны используют различные методы и формы административной и экономической (прямой и косвенной) поддержки МБЧП: создание государственных структур ответственных за его развитие; программы финансовой помощи; налоговые льготы; помощь государства в получении заказов; оказание управленческой и технической помощи; антимонопольное регулирование. Механизм стимулирования включает в себя также законодательно-правовые акты, обеспечивающие разработку и реализацию кредитных программ: прямые и гарантированные займы, льготные субсидии, налоговые льготы и другие формы финансово-экономической поддержки.

[1] Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации – наша приоритетная задача. – Т.: «Узбекистон». 2015. –С. 43.

[2] Составлено авторами на основе данных отчетов «Ахбор-рейтинга» (по итогам 2013-2016 гг.).

Литература:

1. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности». www.lex.uz

2. Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации – наша приоритетная задача. – Т.: «Ўзбекистон». 2015.

3. Каримов И.А. Наша главная цель – углубить осуществляемые реформы и структурные преобразования в экономике, обеспечить ускоренное развитие частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. – Т.: «Ўзбекистон» 2016

4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: «Эксмо», 2007.

5. Гурьянов П.А. Критерии определения размеров малого и среднего бизнеса // «Экономика, предпринимательство и право», 2011, № 10 (10). -С. 3-12. http://www.creativeconomy.ru

6. «Информационное сообщение об изменениях ставок налогов и других обязательных платежей, а также по отдельным вопросам налогообложения в 2016 году», 06.01.2016. https://scliq.uz

7. Отчеты по банковскому сектору «Ахбор-рейтинг» (по итогам 2013-2016 гг.).

Эгамбердиева Л.Ш.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Биология» факультети доценти, биология фанлари номзоди

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ

Ўсимликлар ҳаёти тўғрисида жуда содда (примитив) тасаввурлар қадимдан бошлаб то XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларигача ҳукм сурган. Ҳозирги маънода агрономия фани мавжуд эмас эди, одатда, тажрибалар ўтказилмаган, назария ва гипотезалар эса тафаккурга таяниб ёки етарли даражада таҳлил қилинмаган фактлар асосида олға сурилган. XIX асрнинг бошларида хамма соҳаларда кенг кўламда тажриба усули билан тадқиқотлар ўтказила бошланди. Биология, кимё, физика, механикада кўп кашфиётлар амалга оширилди. Аниқ таҳлил ва ўлчовни амалга ошириш имконини берадиган ускуна ва жиҳозлар ихтиро қилиниб, такомиллаштирилди, табиатга материалистик қарашлар ривожланди. Деҳқончилик илмий асосда катта ютуқларни қўлга киритди. Ҳосилдорликнинг ўсиши ва қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулдорлиги олдинги минг йилликлар кўрсаткичларидан кўп марта ортиқ бўлди. XVII-XVIII асрларда бир одам қийинчилик билан қорнини тўйғазадиган майдондан ҳозирда кўп мамлакатларда 8-10 та одамни боқишга етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари олинмоқда. Ҳозирги замон юқори даражада ташкилланган ва техника билан таъминланган хўжалигида бир хил ҳосил олиш учун XVIII асрдагига қараганда меҳнат сарфлари 10 марталаб камдир.

Деҳқончиликнинг умумбиологик қонунларига мувофиқ ўсимликни маҳсулдорлиги уларнинг мавжудлиги билан шароитларини оптимал қўшиб олиб боришга боғлиқ. Ушбу қонунлардан бири ҳаёт омилларини тенг аҳамиятлилиги ва алмаштириб бўлмаслиги қонунидир.

Ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилиги ва алмаштирилмаслиги қонуни В.Р.Вильямс томонидан шакллантирилган: «Ўсимлик ўз ҳаёти омилларининг ҳамма шароитларини бир вақтнинг ўзида ва биргаликда муҳайё бўлишлигини ёки уларни мустасносиз барчасининг шундай оқимда келиб туришини талаб қилади». Кўпинча қонун бошқача ифода қилинади: «Ўсимликларнинг ҳеч бир омили бошқаси билан алмаштирилиши мумкин эмас», қонуннинг иккинчи қисми: «Ўсимлик ҳаётининг ҳамма омили тенг аҳамиятли». Бунда ҳам ер омиллари, ҳам космик омиллар назарда тутилади. Ҳаёт омиллари истеъмол миқдоридан қатъий назар у ёки бу тарзда ўсимликлар учун физиологик жиҳатдан бир хил зарур. Агар ўсимлик эҳтиёжи қандайдир бир ҳаёт омили билан иссиқлик, сув ёки қандайдир бир микроэлемент билан таъминламаса, у ҳолда ўсимлик ҳалок бўлади. В.Р.Вильямс ёзганки: «Ҳозиргача ҳамма ҳолларда ёрдам берадиган қандайдир бир восита тўғрисида орзулар ҳали сўнмаган ва кўпинча қандайдир бир сунъий ўғитда ёки қандайдир бир уруғни яхшиланган навида бундай воситани кўришга интиладилар[1].

Минимум, максимум, оптимум қонуни. Умумлаштирилган қонун моҳияти шундаки, энг юқори ҳосил омилларнинг оптимал меъёрда мавжуд бўлгандагина олиниши мумкин, холос, уни камайтириш (минимум) ёки кўпайтириш (максимум) ҳосилнигш пасайишига олиб келади. Минимум қонуни Ю.Либих томонидан кашф хилинган. «Минимумда бўлган модда томонидан ҳосил бошқарилади ва вақт давомида уни миқдори ва барқарорлиги белгиланади. Олимлар ўтказган тадқиқот тажрибалари асосида исботланганки, минимум қонуни ўсимлик ҳаётининг ҳамма омиллари учун шарт. Тажрибалар орқали ҳосил миқдорини нисбатан минимумда бўлган омилга боғлиқ эканлиги исботланган. Ҳозирги даврда бу қонун шундай талқин қилинади: «Ўсимлик эҳтиёжини етишмаган омилга қондириб борилган сари ҳосил ошиб бораверади. Бу қонуният

[1] Вильямс В.Р. Почвоведение: Земледелие с основами почвоведения. 6-е изд. - М.: «Сельхозгиз», 1949. -С. 185.

минимумда бўлиб қолган бошқа омил томонидан чеклангунга қадар амал қилади, масалан, агар тупроқда озуқа моддалари етарли, лекин сув кам, у ҳолда ҳосил сув томонидан чекланади.

Ўзбекистон шароитида биринчи минимумда сув туради, шунинг учун ушбу минтақада сув тўплайдиган ва сувни тежайдиган тадбирлар қўллаш тавсия қилинади. Тупроқни сув билан максимал тўйинтириш (максимум) ҳосилнинг кескин тушиб кетиши ёки тўлиқ ҳалок бўлишига олиб келади. Масалан, экинларни суғориладиган ерларда бостириб суғориш. Фақатгина ўсимлик ҳаётининг ҳар бир омили оптимал тарзда мавжуд бўлгандагина энг юқори хосил етиштирилади. В.Р.Вильямс қонуннинг конкрет тушунчасини баён қилган: «Энг юқори ҳосил омил ўртача (оптимал) меъёрда мавжуд бўлганда олинади, омил энг кам (минимал) ёки энг кўплигида (максимал) ҳосил олиб бўлмайди (нолга тенг)»[1].

Ҳар бир ўсимлик оптимал чегараларга эга, унинг доирасида ҳаёт омилларининг ҳар бири билан таъминлаш ҳосилга жуда яхши таъсир кўрсатади. Бу ўсимликларнинг ёруғлик, иссиқлик, сув ва бошқа омилларга муносабатида яққол кузатилади. Шуни айтиш керакки, минимум, максимум ва оптимум нуқталари ҳолати доимий эмас, у бошқа омиллар фарқ қилиши ва нисбатларга боғлиқ ҳолда кескин ўзгаради: у ёки бу омилнинг зарарли таъсири бошланадиган чегара ҳам уларни қўшиб олиб бориш каби доимий эмас. Ўсимлик ҳаёти омилларини қўшиб олиб бориш шу ўсимликнинг ҳамма омилларга бир вақтнинг ўзида эҳтиёжини таъминлаш чегарасига боғлиқ ҳолда ушбу нуқта ҳолати ўзгаради. Шундай қилиб, қандайдир бир омил ёки бир неча омил билан таъминлашни оптималлаштириш тўлиқ муваффақиятга олиб келмайди. Ўсимлик ҳаётининг ҳамма омилларини оптимал миқдорда, бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлишида энг юқори ҳосил олиниши мумкин.

Ўсимликлар ҳаётининг алоҳида олинган шароитларга, қолган бошқаларининг ҳаммасини миқдори ўзгармаганда, муносабатини ўрганиш натижасида шу нарса аниқланганки, ўрганилаётган омилнинг ҳар бир кейинги бир хил меъёрдаги миқдори олдингисига қараганда ҳосилни кам даражада ўстиради. Иқтисодий назариянинг таниқли намоёндаларининг ишларида юқорида олинган натижалар «Тупроқни сўниб борувчи унумдорлиги қонуни» деб номланувчи назарияни исботлашда фойдаланилган. Бу қонунга мувофиқ, ерга меҳнат ва капитални ҳар бир қўшимча сарфи мос ҳолда эмас, балки маҳсулотни тобора камроқ олинишига олиб келади.

Инглиз иқтисодчиси Г.Р.Мальтус «Аҳолишунослик қонуни тўғрисида тажриба» деб номланган асарида (1798 йилда нашр қилинган) шундай фикрни билдирганки, унга мувофиқ Ер шари аҳолиси тирикчилик воситалари ишлаб чиқаришга қараганда тезроқ ўсмоқда. Буни бартараф қилиш учун у шундай «табиий» тартибга солувчиларни, яъни уруш, очлик, эпидемияларни қўллаш зарурлигини уқтиради[2]. Мальтус фикрдошлари бўлган ҳозирги замон назариётчилари «Тупроқни сўниб борувчи унумдорлиги қонуни»дан келиб чиқиб, кишилик жамияти ривожи учун гўёки зарур бўлгандек, уруш қонуниятлари назариясини асослашга уринмоқдалар. Ўз даврида бу қочуннинг ҳаётий эмаслигини кўп сонли инсонпарвар олим ва намоёндалар танқид қилиб айтишганки, ушбу қонун техника даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ҳолати ва кўп омилларни ҳисобга олмайди, деб таъкидлашган. Шундай қилиб, «Тупроқнинг сўниб борувчи қонуни» илмий техника тараққиёти жадаллашиб бораётганда ўз аҳамиятини йўқотади. Чунки унда ишлаб чиқариш восита ва усуллари такомиллашиб боради. Бу қонуннинг ҳаётий эмаслиги К.А.Тимирязев, В.Р.Вильямс, Д.Н.Прянишников ва бошқа олимлар ишларида исботланган.

Деҳқончилик соҳасида илғорлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, агар агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг илмий асосланган зонал тизими жорий қилинса, у ҳолда тупроқ унумдорлиги ортиб, ҳамма қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўсиб бораверади.

Ўсимликлар ҳаёти омилларининг биргаликда ҳаракат қилиши қонуни илмий адабиёт манбаларида кўпинча ўсиш омилларини биргаликда амал қилиш қонуни деб аталади. В.Р.Вильямс

[1] Вильямс В.Р. Почвоведение. Земледелие с основами почвоведения. 6-е изд. - М.: «Сельхозгиз», 1949. -С. 213.

[2] Либих Ю. Химия и приложение к земледелию и физиологии растений. - М.: «Сельхозиздат», 1936. -С. 193.

ушбу қонунни шундай ифодалаган: «Ҳар қандай омилнинг энг юқори самарадорлиги фақатгина ўсимликларнинг бошқа омиллар билан тўлиқ таъминланганлигида амалга оширилади»[1].

Қонуннинг амал қилиши ўсимликлар ҳаётининг ҳамма омиллари бир-бири билан чамбарчас бир бутун нарсага боғланганда ифодаланади. Улардан бирига таъсир ўтказиш ўз ортидан бошқаларининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Академик В.Д.Панниковнинг таъкидлашича: «Омилларни биргаликда амал килиши қонунидан асосий хулоса – бу деҳқончиликда энг юқори самарадорликни қандайдир ягона агротехник усул билан, ҳаттоки у жуда кучли бўлса ҳам, таъминлаш мумкин эмас. Унга фақат агротехник тадбирларнинг бутун комплексини қўллаш орқали эришиш мумкин».

Ҳар бир мутахассис ишончи комил бўлиши керакки, ушбу қонуннинг амал қилишини ҳисобга олмасдан қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиб бўлмайди.

Чегараловчи экологик омиллар табиатдаги ҳамма экологик омиллар биргаликда мураккаб ҳамжиҳатликда тирик организмларга бир вақтда таъсир қилади. Организмнинг маълум бир омилларга нисбатан оптимал чидамлилик чегараси бошқа омиллар таъсирига ҳам боғлиқдир. Масалан, оптимал ҳаракатли муҳитда организмнинг намликнинг камлиги ва озиқа моддаларининг етишмаслигига эҳтиёжи ортиб боради. Озиқа моддаларининг етарли бўлиши билан эса организмда бир неча экологик омилларнинг ўзгаришига чидамлилиги ортади.

Табиатдаги бирор бир экологик омилнинг ўрнини иккинчи омил боса олмайди[2].

Ўсимликлар ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир қилиши нафақат улар бир-бири билан яхши, балки ёмон боғланишида ҳам ифодаланади. Қонун ўз ифодасини ўзаро бир-бирини кучайтирадиган воқеликда ёки синэнергизмда ва бир-бирини босиш ёки антогонизмда ҳам топади.

Қонуннинг жуда муҳим амалий хусусияти шундан иборатки, унинг ижобий натижалари амал қилаётган омилларнинг миқдорий ўзгариши, парваришланаётган экинлар хусусиятлари ва эҳтиёжларига мос ҳолда тўғри танлаганда кўринади. Бу деҳқонга ўсимликнинг ҳар қандай омилига нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита, у билан боғлиқ бўлган бошқа омиллар орқали таъсир қилишга эришиб, юқори ҳосил олишга имкон беради. Масалан, озиқа моддалар кўринишида тупроққа ўсимликлар озиқланиши учун кўплаб моддий ўғитлар солиниб, сувни тежамлироқ сарфлаш, айниқса, қурғоқчилик йилларида мумкин.

Тупроққа моддаларни қайтариш қонуни агрокимёнинг асосчиларидан бири Ю.Либих томонидан XIX аср ўрталарида кашф қилинган. Қонуннинг моҳияти: ҳосил билан тупроқдан нима бегоналаштирилса, қайтарилиши керак, акс ҳолда унумдорликнинг пасайиши муқаррар. К.А.Тимирязев қайтариш қонуни фаннинг қўлга киритган жуда катта ютуғи деб атаган.

Ҳозирги даврда бу қонунни шундай тушуниш керак. Ҳамма ҳосил билан тупроқдан олинган ёки бошқа йўл билан йўқотилган биологик муҳим озиқа элементлари унга баъзи бир ортиқчаси билан қайтарилиши керак. Бу эса ҳосилнинг узлуксиз ўсишини таъминлаб, ювилиб кетилиши, тўзиб кетиши, бузилиши ва бошқа сабабларга кўра эҳтимолли йўқотишларни қоплаб, унумдор қатламни таъминлайди.

Бу нарсага ўғит солиш, ўсимликлар қолдиғини ҳайдаш ҳамда тупроқда азот моддасининг тўпланишига кшмаклашувчи дуккакли экинлар экиш йўли билан эришилади. Фақат шундагина моддаларнинг доиравий айланиши таъминланади ва тупроқ унумдорлиги ошади.

Экин турини алмаштириш қонуни – турли биологик гуруҳларга мансуб экинларни алмаштириб туриш. Қонун асосида ўсимликлар организмлари (фитоценоз) ва муҳит шароитининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигининг улумбиологик қонуни ётади. Экин турларини алмаштириб туриш қонунига мувофиқ, бир майдонда биология ва парваришлаш технологияси бўйича бир-биридан узоқ экинлар имкон қадар тезроқ алмаштириб турилиши керак. Тупроқ унумдорлигининг шсиш қонунини В.Д.Панников шундай шакллантиоадики, «Тирик организмларнинг етакчи роль

[1] Вильямс В.Р. Почвоведение: земледелие с основами почвоведения. 6-е изд. - М. «Сельхозгиз», 1949. -С.149.

[2] Эргашев А. Умумий экология. – Тошкент.: «Ўзбекистон», 2003. -41-42-б.

ўйнашида амалга ошириладиган тупроқ шаклланиши жараёнининг табиатини ўзида вақти келиб тупроқ унумдорлигини муқаррар ўсиши мужассамлашган»[1].

Ҳаётий жараёнлар натижасида ерда қуёш энергияси захиралари ортиб боради, тупроқда органик моддалар ва биологик муҳит озиқа элементларининг жамғарилиши юз беради, ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳаёт фаолияти учун янги, қулайроқ шароитлар яратилади.

Табиат билан жамият боғлиқлиги, хусусан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш соҳасида юқорида келтирилган илмий ишланмалар мавжуд бўлишига қарамасдан, улар кенг кўламда оммалашмади. Табиийки, бу нарса инсониятнинг табиий неъматлардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятига жорий қилинмаслигига олиб келди. Бунинг объектив асоси ҳам мавжуд бўлган. У ҳам бўлса шуки, инсоннинг табиатга таъсир даражаси табиатнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятлари даражасидан анча паст бўлиб, унда "табиат-жамият» тизимидаги мувозанатга сезиларли таъсир кўрсатилмаган ва шунга кўра инсон фаолияти бир томонлама йўналишга қаратилган, яъни инсон ўз ҳаёт ва фаолияти жараёнида табиатдан фақат олган ва унга фақат ташлаган.

Бунда ундан (табиатдан) олишни кўпайтириш мақсадида фақат ўзи учун, табиат учун эмас, маҳсулот олишни кўпайтириш, энг аввало, озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш учун сунъий воситалар қўллаган. Шунинг учун оммавий кимёвий таъсир остида қишлоқ хўжалигида салбий таъсирга эга бўлган омиллар пайдо бўлди, кимёвий моддалар билан заҳарланган майдонларда инсон саломатлигига катта зарар етказиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотлар етиштирилмоқда. Аграр маҳсулотлар миқдор жиҳатидан ортди, бироқ унинг сифати ёмонлашди.

Ўтган ярим асрда ер майдонларига улкан миқдорда кимёвий моддий ўғитлар олиб чиқиб солинган, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга биз ва фарзандларимиз истеъмол қилмоқда. Бугунги вазият яхшиланган йўқ. Пестицидлар рўйхати ҳозирда жуда кенг ва улар ҳашаротларни (инсектицид), қўзиқоринсимонларни (фунгицид), бегона ўтларни (гербицид) самарали тарзда йўқ қилувчи минглаб моддаларни ўз ичига олади. Улар бугунги кунда деярли ҳамма жойда ишлатилади ва деярли барча фермерларнинг ишончи комилки, уларсиз яхши ҳосил етиштириб бўлмайди.

Бу шуни англатадики, биз харид қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисми кимё билан тўйинтирилган. Пестицидларнинг кўпчилик қисми тизимли амал қилиб, ўсимликлар ҳужайраларига кириб боради, улар сув билан ювилиб кетмайди ва ҳеч қандай кулинария қайта ишловлари билан чиқиб кетмайди.

Табиий муҳитга турлича тармоқлар турли даражада ва йўналишда таъсир қилади. Табиатга энг катта кўламдаги таъсир ўтказувчи тармоқлардан бири – қишлоқ хўжалигидир. Биз юқорида бу соҳанинг атроф-муҳитга таъсирининг айрим жиҳатларини кўрдик. Агар бу муаммони батафсилроқ тарифлашга ўтсак айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг атроф-муҳитга таъсири энг аввало бу соҳанинг улкан майдонларга тарқалганлигидир. Одатда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун катта майдонлардан фойдаланиш табиий комплексларнинг барча унсурларини тубдан ўзгартириб юборади. Бунда албатта табиат бузилиши юз беради, деб бўлмайди. Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки кўпинча айнан қишлоқ хўжалиги ландшафтларини «маданий» тоифага ўшишади.

Кишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида икки тармоқни ўз ичига олади ва мос ҳолда, яъни чорвачилик ва деҳқончиликда икки график даража мавжуд. Ушбу икки тармоқ йиғиндиси бўлган қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш учун бирламчи биологик маҳсулотни иккиламчисига айлантиришни яхшилаш зарур, яъни ўсимлик озиқаларини чорвачилик маҳсулотларига (гўшт, сут, тухум) кайта ишлаш самарадорлигини кўрсатувчи биоконверсия коэффициентини ошириш керак. Табиий экотизимларда энергияни бир даражадан бошқасига ўтишида 90% га яқин энергия йўқ бўлади. Ҳайвонлар биомассасининг 1 минг колориясини олиш учун таркибан ўсимликлар биомассасининг 10 минг калориясини сарф қилиш керак, яъни ўртача 1:10 нисбатда. Турли ҳайвонлар ўсимлик озиқаларининг бирлигини истеъмол қилишда турли

[1] Панников В.Д. Почва климат одобрение и урожай / В.Д.Панников,В-Г.Минеев.-1-е изд.,перераб.И. доп.- М.:Агропромиздат, 1987.-с.215

миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу кўрсаткич зоти ва ёши бўйича фарқ қиладиган бир турдаги ҳайвонларда ҳам парвариш қилишнинг ҳар хил шароитларида тебраниб туради.

Қишлоқ хўжалигининг бутун бошли таъсирини икки гуруҳга ажратиш мумкин: деҳқончилик ва чорвачиликнинг таъсири.

Деҳқончиликнинг қишлоқ хўжалигининг табиий комплексига таъсирида катта майдонларда табиий ўсимликлар ҳамжамиятини йўқ қилиб, уларни маданийлашган турлар билан алмаштирилади. Каттагина ўзгаришларни ўзида ҳис қиладиган кейинги компонент - тупроқ. Табиий шароитда тупроқ унумдорлиги шу билан доимий тикланиб турадики, ундан (тупроқдан) олинган нарса унинг ўзига дарахтлар барглари тўкилиши орқали қайтарилади. Деҳқончилик комплексларида эса тупроқ унсурларининг асосий қисми ҳосил билан олиб чиқиб кетилади. Бу нарса бир йиллик экинларга кўп даражада хос.

Чорвачилик. Чорвачиликнинг табиий ландшафтга таъсири қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Биринчиси шундан иборатки, чорвачилик ландшафтлари турли-туман, лекин ўзаро жипсий боғланган қисмлар - яйлов, ўтлоқ, ферма, чиқиндиларни зарарсизлантириш зоналари ва шунга ўхшашлардан иборат. Ҳар бир қисм табиий комплексларга, умумий таъсир оқимига алоҳида ҳисса қўшади. Иккинчи хусусияти – деҳқончиликка нисбатан ҳудудда энг кам тарқалганлик. Чорвани майдонларда ўтлатиш биринчи навбатда яйловларнинг яшил қатламига таъсир кўрсатади; ўсимликларнинг биомассаси камаяди ва ўсимлик ҳамжамиятининг турлари таркибида ўзгариш юз беради. Чорвани узоқ муддат ва ҳаддан ташқари кўп ўтлатганда тупроқ зичланади, яйлов усти ялангочланиб қолади, бу эса буғланишни кучайтиради.

Ерлардан яйлов сифатида фойдаланиш шунингдек, тупроқдан озиқа элементларини олиб чиқиб кетиш билан ҳам боғлиқ. Улар ўт, ем-хашак билан бирга чиқиб кетади. Озиқа моддалари йўқотилишининг ўрнини қоплаш учун яйлов ерларига ўғит солинади. Бу икки ёқлама таъсир деҳқончилик тўғрисида гапирилганда айтиб ўтилган.

Чорвачиликнинг ландшафтга таъсирининг ёмон томони – табиий сув манбаларининг чорвачилик фермаларининг оқава сувлари билан ифлосланишидир. Чучук сув ҳавзаларида органик моддаларнинг тўпланишининг кўп марта ортиши сув микроорганизмлар ҳамжамиятининг ўзгаришига, озиқа занжирининг бузилишига, балиқларнинг ҳалок бўлишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳаддан ташқари йирик чорвачилик комплекслари чорвачилик чиқиндиларини утилизация қилишнинг мураккаб муаммосини туғдиради. Бунинг натижасида аҳамияти юқори ва яхши ўғит сифатида ишлатилиши мумкин бўлган гўнг атроф-муҳитнинг ифлосланиши манбасига айланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. / Ҳакимов Н.Ҳ. умумий таҳрири остида – Т.:ТДИУ, 2006. -280-б.

2. Бобылев С.Н. Воздействме изменение климата на сельское хозйство и водные ресурсы России. / Фонд «Защита природы», М., 2003.

3. Абирқулов Қ. Хакимов Н., Хожиматов А., Ражабов Н. Экология. – Т.: ТДИУ, 2007.

Бўғабоев М.Т.,
ТАТУ Фарғона филиали профессори,
иқтисод фанлари доктори;
Раҳимов Ё.А.,
ТАТУ Фарғона филиали ўқитувчиси

XXI АСР МЕНЕЖЕРИ: АҲЛОҚИ ВА МАДАНИЯТИ

Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида – ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади[1].

Бобомиз Амир Темур тадбиркорга алоҳида эътибор қилган. «Бир шижоаткор, мард, ақлли, ишбилармон ва тадбиркор киши минг-минглаб лаёқатсизлардан яхшироқдир»[2].

Менежер – йўлбошчи, тарбиячи, назоратчи, сардор ва етакчи деган маънони билдиради. Менежер кўради, эшитади, ахборот олади, қарор қабул қилади ва жамоани мақсад сари етаклайди. Менежер – бизнес локомативи деган гаплар ҳам учраб туради.

У фирмани бошқаришда янги ғоя, ташаббус, технологияларни жорий этувчи етакчидир. Менежер фаолияти тадбиркорликка асосланган машаққатли меҳнатдир. Бу фаолиятга сарфланган куч, моддий маблағ баъзан фойда эмас, зарар келтириши, фирма фойда ўрнига зарар кўриши ҳам мумкин. Менежер бундай ҳолларни олдиндан кура олиши ва бунга тайёр туриши, ишни қайта бошлаш учун ўзида куч-ғайрат, маблағ топа билиши лозим.

Менежер шахси виждонли, ҳалол, пок, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши лозим. Менежерликка эгри йўл, эгри кўл, эгри мақсад билан эришиб бўлмайди.

Самарали бошқарувда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг роли катта.

Менежер ўз қобилияти, истеъдодини ишга солиб тинмай изланади, шу мақсадда ҳаёт, одамларни турмуш тарзи, феъл-атворини ўрганади. Натижада тўплаган билимлари, тажрибаларини бошқарувнинг умумий қонуниятларига уйғунлаштириб, ўзининг раҳбарлик усулини намоён этади. Менежерда бошқариш қобилияти, маҳорати, шаклланган бўлса, бошқарувнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгаллаб, ўз жамоаси ўртасида обрў ва ишонч қозонади.

Бозор иқтисодиёти шароитида менежердан кенг ва чуқур фикрлай олиши билан бирга уддабурон, ҳаракатчан ва шижоатли бўлиши талаб этилади. Менежердаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик, ўз касбига садоқат ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади. Фирма фаолиятида қилинган ишлар якунида нималар қилганини эмас, балки қандай усулда қилгани ҳам муҳокама этилади. Баъзан турли хизмат поғоналарида ишлаган кишилар билан суҳбатлашсангиз, турли, баъзан ўта радикал хусусиятли, гоҳида ўта либерал характердаги фикр-қарашларга дуч келасиз. Уларнинг фикрларини мулоҳаза қилиб, таҳлилдан ўтказсак, ҳар бирлари ўша суҳбатдош ишлаган давр хусусиятлари билан боғлиқ эканини билиш мумкин. Масалан, социализм шароитида тадбиркор ва ишбилармонларни савдогарлар-чайқовчи-текинхўр деб қораланган бўлса, бугун эса ҳурматга сазовор кишилардир. Лекин кеча ўзини оқлаган раҳбарлик усули бугунги кунда талабга жавоб берадими, эртанги талабгачи? Буларнинг узил-кесил жавоби йўқ. Чунки раҳбарлик ва унинг хусусиятлари зиддиятли, кўп қиррали, кўп йўналишли, давр, жамият, иқтисод, мафкура, инсонлар омили, кишилар дунёқараши, тўпланган тажрибаси, шахсий стратегияси ва тактикаси турлича. Биз учун эса энг муҳими унинг аҳлоқи ва маданиятидир.

Менежер касби ўта нозик касб. У инсонлар хулқ-атворини бошқариш усуллари билан узвий боғлиқдир. Бозорли ҳаётда, биз бир-бирларига очиқ ёки яширин, нозик ёки кўпол тарзда, жис-

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т. «Ўзбекистон», 1999. -290-б.

[2] «Темур тузуклари»дан.

моний ёки ахборот, чин дилдан ёки ғаразлик билан таъсир этадиган дунёда яшаяпмиз. Бошқарув маҳорати, санъати ўз навбатида бугунги менежерларнинг ахлоқий олами билан боғлиқ бўлиб, меҳнат жараёнида ходимлар билан ҳамкорликда ишлашга боғлиқдир. Ходимлар кўз ўнгида унинг сиймоси (ижобий ёки салбий) шаклланади. Маданиятли менежер ўз фаолиятида бир қатор диагностика усулларини, жумладан, ходимларни баҳолаш, ҳамда турли характердаги ишчилар гуруҳлари билан муносабатда бўлиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш, ишчан муносабатларни шакллантириш, сўровлар, суҳбатлар ўтказиши, ходимларнинг фикрларини тинглаш, пировард ҳолатда тўғри қарорлар қабул қилишга эришиши даркор. Менежер оддий инсон эмас, балки ваколатли жавобгардир. У сухбатлашиш, баҳслашиш санъатини моҳирона эгаллаган, бошқарув сир-асрорларини билган, инсон психологияси, тафаккурининг барча нозик жиҳатларини ўрганган етакчидир.

Демак, замонавий менежер қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

– ишлаш ва бошқариш санъатини эгаллаши;
– бошқарувчи;
– таваккалчи;
– меҳнаткаш;
– изланувчи;
– таҳлилчи, назоратчи.

Таваккалчилик ўйламасдан қилинган иш эмас, балки қатъий ҳисоб-китоб натижасидир. Таваккалчилик – англаш, вазиятни олдиндан кўра билиш (ностандарт фикрлаш, тасодифан, кўрқмасдан ҳаракат қилиш), керак бўлганда, ходимларга шахсий маблағидан иш ҳақи бера олиш. Қолаверса:

– низо ва стрессларни бошқариш (ижобий еча билиш);
– дўқ-пўписа ва қўркитиш бошқаришни билмаслик деб қараш;
– турли қарорлар қабул қилиш ва қисқа режалар тузиш;
– ахборот билан ишлаш, аниқ ва ноаниқлик шароитида бошқара билиш;
– ресурсларни (вақт, моддий, номоддий) меъёрий тақсимлаш;
– тиришқоқ, ижодкор тадбиркор бўла олиш;
– ходимларни раҳбатлантириш (моддий ва маънавий тақдирлаш);
– оратор (сўз устаси) бўлиш, ўз фикрларини қизиқарли ифодалаш;
– меҳнатни сифат жиҳатидан бойитиш: сайр қилаётганида, овқатланаётганида, сухбатлашганида, томоша қилаётганида ва ҳ.к.да ҳам ишлайди ва қарор қабул қилади. «мен ҳамма ишларда мақсадга эришаман ва менинг ҳамма режаларим» тўғри дея олади.

Бошқарув маҳоратини эгаллаш ва ундан амалда фойдаланиш жараёни, биз хоҳлаймизми-йўқми, менежер ахлоқи ва маданиятига боғлиқ бўлади. Чунки менежер ахлоқи, маданияти унинг хатти-ҳаракати, омма билан бўлган мулоқоти ва муносабатларида, мажлислар, учрашувлардаги нутқларида, ўз ходимлари билан ишлашида яққол кўринади. Тарихга назар солсак, кўрамизки, ходимлар аксарият ўз раҳбар ва етакчиларига ишонч назари билан қараб келган. Масалан, Ф.Тейлор, Г.Форд, Стивен Джобс, Ли Якокка, Альфред П.Слоунларга бутун жамоа ишониб, уларнинг орқасидан эргашган, ўз тақдирларини улар билан боғлаган. Менежерда шаклланган ахлоқ, маданият – раҳбарда шаклланган ички куч-қувватдир. Менежер билан ходим ўртасидаги муносабатлар оддийликка, ҳалоликка, ўзаро ишончга асосланиши керак. Бутун дунё бизнесмен менежерларига хос тадбиркорлик ахлоқи, одоби ва маданияти – инсонийликдир. Менежер одоби, ахлоқи ва маданияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– ўз қўли остидаги ишчиларга берган вазифасини доим, ўз вақтида назорат қилишда;
– кеккайиб кетмаслиги, камтар бўлиши, ўзига ортиқча баҳо бермаслигида;
– фақат ўзининг фикрини ўтказиш, тўғри дейиш эмас, ўзгаларнинг ҳам фикри билан ҳисоблашишда;
– ишчилари таклифларини эътибор билан тинглаш, тўғри бўлса иш фаолиятида фойдаланиш, нотўғри бўлса, хушмуомалалик билан улардан воз кечишда;
– фирма фаолиятидаги ҳар бир хато ва камчиликларни синчиклаб ўрганиш ва зарур хулосаларни ишлаб чиқишда;
– низовий вазиятларда тўғри ечим топа олиш, молиявий йўқотишларсиз, фирмани банкротликдан сақлаб қолишда;
– бошқарув йиғилишларида ёқимли ва мулойим қизиқарли суҳбат олиб боришда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Менежерларнинг асосий вазифаси ягона, тўғри қарорни қабул қилишдир. Бу жудда мураккаб жараён. Шунинг учун бугунги кунда «бошқарувда қарорлар қабул қилиш», «инсон ресурсларини бошқариш», «натижага йўналтирилган бошқарув», «персонални бошқариш», «инсон капиталини бошқариш» каби қўлланмалар вужудга келмоқда. Менежерлар фирма мақсадларидан келиб чиқиб, ишчилар билан муносабат вақтида, уларни маъқуллаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизими орқали корхонада ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини бошқариб боради. Менежер доим аниқ режа асосида иш тутади ва унинг барча ҳаракатлари режада кўрсатилган масалаларни ечишга қаратилади. Иш жараёнида ходимнинг ўзига ишонмаслиги, билган нарсаларини айтишдан қўрқиши ва натижада ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатсиз бўлиб қолиши оддий ҳолдир. Масалан, цехда уста ва ишчи билган камчиликни, яъни калава ип йигирув машинаси ипларни тез-тез узиб юбораётгани, иплар қуриб қолгани, намлик етмаслигини ўз вақтида раҳбарга айтолмаслик оқибатида, кунлик норма бажарилмайди, натижада маҳсулот сифатсиз бўлади. Маҳсулот сифатини яхшилаш умумий, жамоа иши, унинг сифатига раҳбардан тортиб оддий ишчи ҳам жавоб бериши керак. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда: бамаза, чит, бўз тайёрлаш учун менежер сифатли пахта толаси ва ундан керакли тола ипини ишлаб чиқариб, кейин маҳсулотларни таёрлаши мумкин. Иш жараёнида менежер меҳнати масъулиятли бўлиб, товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларга жавобгардир.

Бизнес имижининг кўп жиҳатлари ҳозирги кунда менежернинг аҳлоқи ва маданияти билан баҳоланмоқда. Бу борада Ф.Тейлор, Г.Форд, Ф.Гильберт, Г.Эмерсон, А.Файоль, Альферд П.Слоунларни бошқариш маҳоратларини таққосласак, кўп нарса бизга аниқ бўлади. Буларнинг характерлари бир-бирларига зид ва қарама-қарши бўлиб, бошқариш усуллари турличадир. Генри Форд билан кичик Альферд П.Слоунни қиёсласак, улар ҳақиқатан ҳам улуғ ва буюк бошқарувчилар бўлган. Генри Форд таваккалчи тадбиркор эди. Ҳаётида икки марта омадсизликка учрайди. Кейинчалик автомобиль модели («Т») яратиб машҳурликка эришади, дунёга танилади. У раҳбарлик қилган корхонада 6–10 минггача ходимлар, бир ярим мингдан ортиқ инженер-дастурчилар фаолият юритиб, йилига 2,5 млн дона автомобиль ишлаб чиқарардилар. Автомобилларнинг эҳтиёт қисимлари АҚШнинг турли шаҳарларида (арзон иш кучи ва хом ашё бор жойларда) ишлаб чиқариларган ва автомобиль бозорининг 56%ни эгалланган. 10-12 йиллар ичида қашшоқ корхона буюк, гигант автомобиль компаниясига айлантирилди. Йиллик даромади 2,2-3,4 миллиард долларга етди. Ишчиларнинг ойлик иш ҳақи 100 доллар (аввал 40-50 доллар эди), инженер-дастурчиларники эса 400-500 долларгача (аввалари 150 долларгача эди) етиб борди. Ўша вақт ўлчами бўйича бу жуда катта маош бўлган. Автомобиль модели («Т») позициялари бўйича баҳоси 260-400 долларгача бўлган, уни ҳар бир ишчи сотиб олишга қурби етган. Ўша вақтларда кўп миллиардлаб доллар фойда кўрилди. Афсуски, Форд маънан қашшоқ, маданияти паст, ўз ҳиссиётларига берилган раҳбар эди. Г.Форд ўзини жуда севадиган, бировларнинг фикри билан ҳисоблашмайдиган, ходимларни арзимас баҳоналар билан ишдан бўшатиб юборадиган одам бўлган. Ўзи учун жуда қиммат хизмат машиналари ва жуда кўркам офиси қурдирган. Ойлик иш ҳақи икки юз минг долларга борар эди.

Кичик Альферд П.Слоун жуда камтар бўлиб, уни Пьер С.Дюпон «Дженерал моторс» компаниясига ишга олади. Чунки ўша вақтда «Дженерал моторс» компанияси банкротлик томон юз тутиб, бу ҳолат Пьер С. Дюпон акцияларининг 80 фоиз эгаси сифатида қаттиқ ташвишга солган эди. Дюпон оиласи Альфердга жуда ишонган эди, у уларни ишончини оқлади. Альферд П.Слоун иш вақтида ходимлар орасида бўлар, улар билан фикрлашар эди. Илғор ишчиларга мустақил қарор қабул қилгани, янги ғояларни ўртага ташлаганлари, кунлик нормани ортиғи билан бажарганлари учун мукофотлар берарди ва хизмат мавқеини оширарди. Одамлар билан ишлашни биларди, яхши ходимларни танлай оларди, уларга ўз ҳамкоридек қарарди. 1927 йил Альферд ўз жамоаси билан ҳамкорликда мутлақ янги автомобиль («модел А») яратди. Бу модель Г.Форд яратган «Модел Т» дан кўп жиҳатдан устун бўлиб, миллионлаб кишиларнинг қалбига кириб борди. От-ароба ҳам жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг баҳоси енгил автомобилдан («модель А») қиммат эди. Келгуси йили «Дженерал моторс» маҳсулоти («модел А») автомолбиллар бозорининг 43,5%ини (модел Т – 10%) эгаллади. Г.Форд қайсарлиги эвазига ҳар йили катта маблағлар йўқотиб, қашшоқликка томон йўл оларди.

Бугунги кун амалиётида менежер фаолиятига бериладиган баҳода унинг ишбилармонлик қобилятига қараганда инсонийлик фазилатига кучли эътибор берилмоқда. Россияда бўлиб ўтган тадбиркорлар қурултойида қатнашчиларнинг асосий қисми (90%) бошқарув жараёнидаги мене-

жерларни инсон муносабатлари меъёрларини бузганликда айбладилар. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги иш жараёнида ходимларга кўпол муносабатда бўлиш; ҳафтанинг ҳар 5 иш кунида иш 11 соатлаб давом этиши; ишчиларнинг эҳтиёжига эътиборсизлик; уларнинг фикрлари билан ҳисоблашмаслик каби ҳолатларни танқид қилишди.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий бизнеснинг мақсади – меҳнаткашларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган турли хил эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш ва ҳаётининг чиройли, мустаҳкам бўлишини таъминлашдир.

Бу борада мамлакатимиз ҳудудларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти иқтисодиётида жами банд бўлганларнинг 81 фоизи кичик бизнес соҳасига тўғри келиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 120,0 фоизга ўсди, яъни 2569,7 миллиард сўмни, вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 39,2 фоизи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 96,8 фоизини ташкил қилиб, 2015 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) номинал қиймати 11278,9 млрд сўмда баҳоланди (2014 йилга нисбатан 8 % кўп). 2015 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 63.2 фоизни (2014 йил январь-декабрида 62,1 фоиз) ташкил қилди. Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2015 йил январь-декабрда 1267,0 млн АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт 465,5 млн АҚШ долларини, импорт 801,4 млн АҚШ долларини ташкил қилди.

Корхоналарда маҳаллий дастур асосида «GM Uzbekistan» ташкилотида ишлаб чиқарилаётган янги автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, қандолат маҳсулотлари, кир ювиш воситалари, иситиш батареялари, болалар юмшоқ ўйинчоқлари, полиэфир тола, бўёқ, кабель, сэндвич-панел, электр чойнаклари, кимёвий дори сепиш апаратлари ишлаб чиқарилди.

Шулардан Фарғона шаҳридаги «Белла пласт» МЧЖда 350 минг кв.м сендвич панел, «ЭКО ПЛАСТЕКС» МЧЖда 12 дона газ ташиш ва тарқатишга мўлжалланган ярим тиркамали цистерналар, Қўқон шаҳридаги «Кристалл инвест пласт» МЧЖда 8,7 минг болалар юмшоқ ўйинчоқлари, «Global Asia Standart» МЧЖда 155 тонна полиэтилен ҳимоя плёнкаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Фарғона вилоятидаги корхоналар томонидан 2015 йилда 222,0 млн долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинди (2014 йилга нисбатан 56,0 млн долларга кўп).

Вилоятда фаолият кўрсатаётган менежерларнинг асосий қисми Германия, Англия ва Жанубий Кореяларда ўқиб, ишлаб келган бошқарувчи раҳбарлардир.

Хушвақтова Ҳ.О.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети талабаси
Илмий раҳбар:
Халмирзаев А.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети доценти

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ БАНДЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, истиқболи, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик (КБХТ)нинг ривожланиш даражасига боғлиқ. КБХТ учун бозор талабига тез мослашиш, фаолият кўрсатаётган худудининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш каби ижобий жиҳатлар хос.

Бугунги кунда Ўзбекистонда КБХТ учун яратилган шарт-шароит, имтиёз ва преференциялар унинг жадал ривожланишини таъминламоқда.

КБХТни ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти ва роли кескин ортиб бормоқда. Унинг миқёси кенгайиб, ижтимоий муаммолар ўз ечимини топиб, фуқаролар тобора кўпроқ тадбиркорлик соҳасига фаол жалб қилинмоқда. КБХТнинг бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ўрни ҳам тобора ошиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2000 йилда мамлакатимизда КБХТ соҳасида ЯИМнинг 31 фоизи[1] яратилган ва банд аҳолининг 49,6 фоизи[2] меҳнат қилган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткичлар мос равишда 56,5 ва 78 фоизни ташкил этди[3].

2015 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 221,1 мингтани ташкил этди. Улар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланган: савдо ва умумий овқатланиш, саноат, қурилиш, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида барча рўйхатдан ўтган хўжалик субъектларининг мос равишда 34,4; 21,2; 10,7; 10,2 ва 9,1 фоизи тўғри келади[4].

[1] Альманах. Узбекистан. – Т.: Центр экономических исследований, 2013. –С.151.

[2] Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: «Узбекистан», 2011. -С. 63.

[3] Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016

[4] Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси нашри, 2015. -104-б

Статистик маълумотлардан аҳоли тадбиркорлик фаолиятида ушбу соҳаларнинг роли ва ўрни салмоқли эканлиги кўриниб турибди. Фикримизча, яқин истиқболда ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда ушбу соҳаларнинг роли катта бўлади.

Рўйхатдан ўтган хўжалик субектларининг сони транспорт ва алоқа; соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот; таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш; маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида камлиги кўринади. Уларга рўйхатдан ўтган хўжалик субектларининг мос равишда 4,8; 3,7; 2,8; 1,7 ва 1,4 фоизи тўғри келади[1]. Демак, аҳолининг оқилона бандлигини таъминлашда ушбу соҳаларнинг ролини ошириш масалаларига катта эътибор бериш талаб этилади.

Статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг сони тадрижий равишда ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. 2015 йилда рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 88,6 фоизи фаолият кўрсатди. 2014-2015 йиллар мобайнида саноатда фаолият кўрсатаётган корхоналар салмоғи 0,9 фоизга ортган. Худди шунингдек, қурилиш; транспорт ва алоқа; таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатишгда мос равишда 0,4; 0,2; 0,1 фоизга ортган. Аксинча, савдо ва умумий овқатланиш; бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари; қишлоқ ва ўрмон хўжалиги; маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тармоқлари, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот соҳаларида мос равишда 0,5; 0,5; 0,4, 0,1; 0,1 фоизга камайган[2].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, КБХТ янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад олишнинг муҳим омилига айланмоқда. 2016 йил охирига қадар бир миллиондан зиёд янги иш ўринларини ташкил этишимиз зарур. Касб-ҳунар коллежларининг 480 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назоратни талаб қилади[3], мамлакатимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари, шунингдек, фермер хўжаликларининг экспортда иштирок этиши аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий локомотиви бўлиши керак[4].

Республикада янги ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурлар самарали амалга оширилмоқда. Масалан, 2014 йилда қарийб 970 минг кишининг иш билан бандлиги таъминланди. Иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 минг ёки барча иш ўринларининг 99,5 фоизи, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд ёки 21,6 фоиз ишчи ўрни ташкил этилди[5].

Бугунги кунда хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучлидир. Ишлаб чиқаришнинг имкон қадар кўпроқ даромад олиш каби пировард молиявий натижалари ҳам сезиларли даражада юқоридир.

---

[1] Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси нашри, 2015. -104-б.

[2] Ўша жойда, 105 б.

[3] Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016

[4] Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.,. «Ўзбекистон», 2014. -31-б.

[5] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги маълумотлари.

1-жадвал. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинган бўш иш ўринларининг ўзгариши, бирлик

Ҳудудлар	2005 йил		2010 йил		2014 йил	
	Жами бўш иш ўринлари сони	Битта бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони	Жами бўш иш ўринлари сони	Битта бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони	Жами бўш иш ўринлари сони	Битта бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони
1	2	3	4	5	6	7
Ўзбекистон Республикаси	26529	12,1	70408	8,9	59409	11,5
Қорақалпоғистон Республикаси	529	91,6	2058	21,6	1202	29,7
Вилоятлар:						
Андижон	1008	31,7	3455	18,8	3377	21,8
Бухоро	1387	15,8	5384	7,4	4937	9,1
Жиззах	490	15,5	1095	20,1	1073	22,9
Қашқадарё	764	18,9	4452	12,7	2651	24,1
Навоий	1019	15,8	3910	5,1	3174	7,2
Наманган	1118	21,3	4284	11,3	2779	18,8
Самарқанд	1642	18,5	4755	15,7	3201	25,8
Сурхондарё	1673	14,4	3272	14,1	2939	17,6
Сирдарё	726	6,1	2377	6,1	2142	7,9
Тошкент	2406	8,6	11705	4,0	10501	4,9
Фарғона	2388	15,9	5811	13,2	4509	18,3
Хоразм	257	61,5	2751	12,2	2878	13,6
Тошкент шаҳри	11122	2,0	15099	2,0	14046	3,1

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишда мамлакатнинг нисбатан юқори иқтисодий ўсиш тенденциясига эга бўлган айрим саноатлашган вилоятлари ижобий натижаларга эришмоқда. Тадқиқотларимиз Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятларида соҳанинг ЯҲМидаги улуши 66, 74, 77 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 78,8 фоизи ёки 648,5 минг киши, 8,2,1 фоизи ёки 557,2 мингга яқин киши, 83,7 фоизи ёки 1174,3 мингдан зиёд киши айнан шу соҳада меҳнат қилаётганини кўрсатмоқда[1].

Бухоро вилоятида 2014 йилда 74 мингдан зиёд иш ўрни яратилган эди. Кейинги йилларда эса коллеж битирувчиларидан 23 минг 600 нафарини замонавий иш ўринлари билан таъминлаш ва уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун имкониятлар кўламини кенгайтириш кўзда тутилган[2].

Бухоро вилоятида кейинги беш йилда зарар кўриб ва самарасиз ишлаётган 73 та давлат корхонаси хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтказилиши иқтисодий жиҳатдан юқори самара бермоқда. Шунинг учун ҳам келгуси беш йилда яна 72 та шундай корхонани биржа савдолари орқали «нол» қийматида инвесторларга сотиб, хусусий ёки акциядорлик жамиятлари шаклига ўтказиш мўлжалланмоқда[3].

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 9386 та, Хоразм вилоятида 10393 та, Самарқанд вилоятида эса 12280 та кичик бизнес субъекти, яъни кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатмоқда[4].

Бу каби имтиёз ва преференциялар республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ҳам юқори натижаларга эришди. Тадқиқотларимиз Тошкент вилоятида келгуси икки йилда 254 та корхонада давлат улуши камайтирилиб, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилиши мўлжалланганини кўрсатмоқда[5].

Тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёз ва кенг имкониятлар натижасида Тошкент шаҳри аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турлари кенгаймоқда. Айниқса, мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телеалоқа, электрон ишлаш даги банк хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий хизмат турлари тобора оммалашиб бормоқда.

Нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни дунёнинг ривожланган мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янада ривожланиш масаласи доимий эътибор марказида турибди.

Статистик маълумотлар янги яратилаётган иш ўринлари таркибининг такомиллашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, янги иш ўринларини яратишда кичик корхонлар ва микрофирмалар, касаначилик соҳаси ва янги объектлар қурилишининг ўрни салмоқлидир. Уларга янги иш ўринларининг мос равишда 51,7; 11,3 ва 10,1 фоизи тўғри келади. Яқин келажакда ҳам уларнинг аҳамияти сақланиб қолади.

Республикада амалга оширилаётган самарали иқтисодий сиёсат мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларнинг натижаси ҳисобланади. Бу халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ҳам ўзининг ижобий ифодасини топмоқда.

---

[1] Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. - Т., 2015. -50-б.

[2] Бухоро вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлардан фойдаланилди.

[3] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -143-145-б.

[4] Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. – Т., 2015. -59-б.

[5] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -163-б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2014 йилнинг октабр ойида Жаҳон Банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади[1].

2-жадвал. Янги ташкил қилинган иш ўринлари таркиби (%)[2]

Йиллар	2012	2013	2014
Жами	100,0	100,0	100,0
Янги обектлар ва кенгайиш	9,2	10,5	10,1
Кичик корхоналар ва микрофирмалар	50,8	50,5	51,7
Тадбиркорлар (хусусий шахс бўлмаган)	12,1	12,0	11,3
Касаначилик	22,5	22,5	22,5
Ижтимоий инфратузилма	3,5	2,5	2,7
Бозор инфратузилмаси	1,9	2,0	1,7

Демак, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш" деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади[3].

Тадқиқотларимиз Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олганини кўрсатмоқда. Натижада ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошгани ва ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоиз ишлаб чиқарилаётгани мамлакатда бу соҳанинг аҳамиятини яққол кўрсатади[4].

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини

---

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[2] Экономика Узбекистана. Информационно-аналитически бюллетень за 2014 г. – Т.: Центр экономических исследований, 2015. -С. 17.

[3] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

[4] Ўша жойда.

янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди;
- тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини доимий ва барқарор ишчи ўринлари билан таъминлаш зарур ҳисобланади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш талаб этилади. Чунки айнан ушбу соҳа аҳолининг бандлик даражасини ва у орқали оилалар фаровонлигини ошириш имконини беради. Аҳоли бандлигини оширишда жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий сиёсатини шакллантиришга муҳим эътибор қаратиш лозим.

Буни амалга оширишнинг устувор йўналишлари эса қуйидагилардан иборатдир[1]

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш;

– жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

– аҳолининг маълумотлилик даражасини янада ошириш;

– бозор инфраструктурасини такомиллаштириш;

– мавжуд норасмий тўсиқларни чеклаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли-ҳудудий дастурлар тузиш, уни амалга ошириш ва бошқалар.

Фикримизча, янги иш ўринларини яратишда қуйидаги соҳаларнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман:

- саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначиликни ривожлантириш;
- халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш;
- пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратиш ва мамлакатимиз аҳолисининг оқилона бандлигини таъминлаш учун қуйидаги мақсадларга эришиш лозим:

- ҳудудда кучли ижтимоий муҳофазалашга қаратилган оқилона меҳнат бозорини шакллантириш ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучи бўлган талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тузишни такомиллаштириш;
- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти тармоқларида янги иш жойларини ва меҳнатга лаёқатли ёшлар, кўп болали оналар, нафақахўр ва ногиронлар учун эса кафолатланган меҳнат зоналарини ташкил этиш;
- жамоа, ижара, ҳиссадорлик, хусусий мулкчилик шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- ҳудудда қишлоқ хўжалигидан озод этилган ходимларни иш билан таъминловчи саноат ва ижтимоий инфратузилма корхоналарини вужудга келтириш;
- деҳқон хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатиш бўйича кичик корхоналарни ташкил қилиш ва бошқалар.

[1] Egamberdiyeva G.R. Aholi bandligini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati. // «O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni va ahamiyati» Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 23.02.2011. -254-b.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. -31-б.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2015. -143-145-б.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016

5. Egamberdiyeva G.R Aholi bandligini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati. // «O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni va ahamiyati» Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 23.02.2011. -254-b.

6. Mahmudov Sh.X., Temirov O.T. Sirdaryo viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida yangi ish o'rinlarini yaratishning asosiy yo'nalishlari. // «O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni va ahamiyati» Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 23.02.2011. -427-428-b

7. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: «Узбекистан», 2011. -С. 63.

8. Альманах. Узбекистан. – Т.: Центр экономических исследований, 2013. –С. 151.

9. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за 2014 г. – Т.: Центр экономических исследований, 2015. -С. 17.

10 Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси нашри, 2015. -104-б.

11. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. - Т., 2015. -50-б.

12. Бухоро вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

Райханов У.А.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт» факультети катта ўқитувчиси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МАНЗИЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек моделининг бешта ғамойилларидан биридир. Бундай ёндашув Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг манзиллилиги таъминланишини: а) ижтимоий ҳимоя дастурини рўёбга чиқаришда давлатнинг ҳал қилувчи ролини: б) аҳоли гуруҳларини (пенсионерлар, болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, имконияти чекланган одамлар, ишсизлар) кенг кўламда қамраб олишни в) кўрсатилаётган ёрдамнинг хилма-хил шакллари мавжудлигини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг манзиллилигини ошириш мақсадида жойларда «Маҳалла» жамғармалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, яъни маҳалла фуқаролар йиғинлари, ижтимоий таъминот бўлимлари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминот мақсадли маблағларнинг манзиллигини таъминлаш мақсадида жойлардаги тегишли ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари орқали, ижтимоий таъминот бўлимлари орқали етказилади.


Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчил амалга оширилар экан, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллага, яъни ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида ўрин берилган.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқариш тизимининг халқимизга хос ноёб тизимидир. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси»га айланди

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлса, 2013 йил 22 апрелда мазкур қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизими органларига кирмаслиги кўрсатилган. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг манзиллилигини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари янада чуқурлаштирилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиши ҳақидаги нормалар киритилди.

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар – дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда. (1-чизма).



1-чизма. Қишлоқ, овул, шаҳар маҳалласи фуқаролари йиғини ташкилий тузилмаси[1]

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 9773 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда[2]. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амалга ошираётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фаол иштирок этади. Аввалларидавлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатига кирган 30 тадан ортиқ вазифа бугун маҳаллалар томонидан бажарилмоқда. Бу вазифаларга, жумладан, қуйидагилар киради:

– ўз ҳудудларини комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш ва санитария аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш;

– қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, шунингдек, ўз қарорлари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича мунтазам ҳисоботларини эшитиш;

– ҳудудларида жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида ҳисоботларини эшитиш;

– кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

– ўз ҳудуди ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида жамлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

– ўз ҳудудида яшайдиган фуқароларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш, жумладан, оилавий бизнес ва касаначиликни ташкил қилиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш;

– тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш;

– ҳашарлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

[1] Абдурахмонов К.Х. Инсон тараққиёти. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. -351-б.

[2] http://www.vto.uz/uz/info/21-siesat/129-ma_alla_ravna_ining_u_u_iy_asosi_takomillashadi.html

Мамлакатмизда ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллигини оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда жамоат фонди таркибида 14 та ҳудудий бўлим, 196 та туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда[1]. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан биргаликда бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини қўшмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда, маҳаллаларни ободонлаштириш, фуқаролар йиғинлари марказларини куриш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, 2015 йилда «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури доирасида 2246,5 млрд сўм маблағлар йўналтирилади[2]

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таклиои билан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши мамлакатмизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг манзиллилигини янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Ана шу мақсадларда 2016 йилда «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури доирасида 2246,5 млрд сўм маблағлар йўналтирилади (1-жадвал).

1-жадвал. 2016 йилда «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурини амалга оширишга харажатлар[3]

Молиялаштириш манбалари	Харажатлар	
	млрд. сўм	млн. доллар
Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	4281,0	3,0
Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	1062,8	3,0
Тижорат банклари кредитлари	1911,4	-
Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар	228,1	188
Жами	7483,3	194,0

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни марказсизлаштириш тажрибаси Ўзбекистон учун хосдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сон қарорига асосан, вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади (3-жадвал).

[1] http://www.mahallafond.uz/

[2] http://uza.uz/uz/society/mahalla-mas-uliyati1

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури тўғрисида 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон Қарори.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, (йил охирига минг киши)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар									2014 йилда 1991 йилга нисбатан ўзгариши	
	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	+,-	%
Жами пенсионер ва нафақа олувчилар	2499,0	2773,1	3087,0	3229,5	3265,8	3160,9	3071,3	3090,9	3119,5	620,5	124,8
Шу жумладан ижтимоий нафақа олувчилар	142,6	193,3	191,4	242,1	232,6	223,7	225,3	234,7	244	101,4	171,1
Ижтимоий нафақа олувчилар улуши, %	5,7	7,0	6,2	7,5	7,1	7,1	7,3	7,6	7,8	-	-

[1] Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами. – Т., 2014. -59-б.

1991-2014 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жами пенсионер ва нафақа олувчилар сони 620,5 мингтага кўпайгани ҳолда улар таркибида ижтимоий нафақа олувчилар сони эса 124,8 мингтага ошган. Жами пенсионер ва нафақа олувчилар таркибида ижтимоий нафақа олувчилар улуши эса 2,1%га кўпайган. Бу мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилганлиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзилли тарзда олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сон қарорининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий нафақалар миқдори мунтазам равишда оширилиб борилмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўм[1]

1995-2014 йилларда республикамизда ўртача ойлик пенсия миқдори 797,5 сўмдан 404,3 минг сўмгача миқдорда оширилди. Шунингдек, 2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди[2].

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – кам таъминланган оилалардир. Республикада кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 434-сонли қарорида кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилган. Ҳар ойлик моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга

[1] Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами. – Т., 2014. -70-б.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. -22-б.

тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 дан 3 мартагача миқдорида белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг айрим гуруҳларига (ногиронлар, ёлғиз пенсионерлар, пенсия тайёрлаш учун зарур стажга эга бўлмаган ёлғиз қари фуқаролар, етим болалар, кам таъминланган оилалардаги болалар ва бошқалар) қишки кийим-кечак, ўқув қуроллари бепул тарқатилади, ўзгалар парваришга муҳтож бўлган ёлғиз қари фуқаролар патронажи амалга оширилишига ёрдам кўрсатилади, муҳтож фуқароларнинг турар жой-коммунал ва бошқа харажатларини қоплаш бўйича чоралар кўрилади.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеидан 2011 йилда «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам яққол далолат бериб турибди. Маълум бўлишича, фуқаролар маҳаллаларга ўз шахсий муаммоларини ҳал этиш (сўровда иштирок этганларнинг 51,0 %), ижтимоий ёрдам сўраб (40,0 %), ўз оиласи, маҳалласидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш (13,4 %), турли тадбирларни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш (12,7 %) тўғрисида мурожаат қилишади. Энг эътиборлиси, бу мурожаатларнинг аксарият қисми ижобий ечимини топмоқда. Социологик тадқиқотда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини ижобий баҳоладилар. Фуқароларнинг аксарияти (90,9 %), маҳалла ўзларининг ва оилаларининг ҳаётида жуда муҳим роль ўйнашини кўрсатдилар[1].

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги кўрсатилган.

Бу вазифани ҳал қилиш учун «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш мақсадларига қаратилган.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг манзиллилигини янада кучайтириш, маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ҳам мўлжалланган[2].

[1] http://ijtimoiy-fikr.uz/?page_id=11

[2] http://parliament.gov.uz/uz/events/fractions/15539

Раҳмонов Р.Н.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети «Минтақавий иқтисодиёт» кафедраси
мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланишида давлатимизнинг тижорат банклари молиявий ёрдами туфайли тадбиркорларимиз ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни[1] «Мулкчилик ҳақида»ги Қонунни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитни таъминлади. 1993 йил 7 майда «Мулкчилик тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланиб қўйилганидек, фақат жисмоний шахсларгина эмас, балки нодавлат юридик шахслар ҳам мулк ҳуқуқининг субъектлари деб эътироф этилади.

Президент фармонларининг қабул қилиниши иқтисодий ислоҳотлар ва тузилмавий ўзгаришларни босқичма-босқич ўтказиш тамойилига тўла мос келади, хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, барқарор ўсиш суръатларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари даромадлари кўпайишини таъминлаш имконини беради.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият ҳам ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойда, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари, ўз навбатида олинадиган кредитлар ҳам, бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошкора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизими фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларнинг фаол иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади. Умуман, банк операциялари пассив ва актив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йўналишга сафарбар этишга қаратилган. Банклар пассив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик бўш турган маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Актив операциялар турли характердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлари бўйича туркумланади:

1. Муддатлар бўйича кредитлар 1 йиллик қисқа муддатли ва 1 йилдан ошганда узоқ муддатларга мўлжалланган бўлиши.

2. Кредитларни ҳажми бўйича кичик, ўрта, йирик миқдорда ҳар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

[1] «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган қонун.

3. Айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар.

4. Кредиторларнинг турлари, яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш.

5. Заёмнинг турлари бўйича юридик шахслар ва ҳоказоларга бериш.

6 Вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун қарзларни тўлаш асосан экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгалигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўладилар. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан характерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга ўз имкониятларини сафарбар этиб борадилар.

Ўзбекистон ҳудудидаги барча банкларда кичик ва хусусий тадбиркорларга ҳисоб рақамларини 3 кун ичида уларнинг аризалари ва ҳокимиятда рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳномалари асосида бошқа ҳужжатлар талаб қилмай очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу қарорлар туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мулк эгалари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган булса, давлат валюта операциялари олиб боришга рухсат берди.

Республика банклари билан тадбиркорлар ўртасида бўладиган шартномалар, товарлар савдоси, хизматлар бўйича буладиган тўловларни эркин конвертациялаштирилган валютада амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорларга банклар билан бўладиган операцияларда турли эркинликлар бериб қўйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларида ўз ҳисоб рақамида сақлаш, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонунларга ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоблар олиб бориш мумкин.

Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлаши билан кафолатланиб боради. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ қоғози банкка келиб тушиши билан узоғи 12-13 соат давомида кейинги операциялар бажарилиши зарур.

Мулк эгалари ҳисобига пул ўтказиш тадбиркорлар ёки мижозлар томонидан тўлов талабномалари қўйилганда мижозга 10 иш куни мобайнида хабар берилади, мижоз томонидан акцептланган бўлса, шу куни ёки шаҳар ичида 3 иш кунида, вилоят ичида 5 иш кунида, республика ичида 10 иш кунида бажарилиши лозим. Мижознинг ҳисоб рақамида маблағи бўлмаса, юқорида кўрсатилган муддатлардан ўтса, картотекасига тартиб бўйича жойлаштирилади. Агар бир қонун шартлари бузилса, мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тўлайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган ўзгаришлар, қоидалар, айниқса, ҳисоблар бўйича накд пулсиз тарздаги операциялар бўйича ўзгаришлар тўғрисида хабардор киладилар. Банк ўз вақтида мижозга ўтказмаган операцияси, пулни нотўғри ўтказганлиги учун айбдор сифатида ҳар бир кун учун мижозга ўтказилаётган сумманинг 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Банкнинг айби билан ҳисоб ҳужжатлари йўқолса, мижозга ҳужжатда кўрсатилган сумманинг ҳар бир куни учун 3 фоиз миқдорда банк жарима тўлайди.

Тадбиркор томонидан банкка нотўғри маълумот берилган бўлса (масалан, пул ўтказиш бўйича мижознинг манзили нотўғри кўрсатилган бўлса), мижозлар 5000 сўм жарима тўлайди, агар шу ҳол яна такрорланса хизмат фаолият юргизиши тухтатилади. Тадбиркорлар билан банк

ўртасидаги кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонунни чуқур ўрганиб, унга риоя қилиши лозим.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик корхоналарининг ҳаёти ва иқтисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маълум. Тадбиркорлик корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда ҳам миллий валюта, ҳам хориж валютасида операцияларни бажаришга тўғри келмоқда. Айниқса ташқи савдо восита валюта операциялари билан боғлиқ ҳисобланади. Валюта операциялари валюта курси бўйича икки томон валютаси нисбати солиштирилиб амалга оширилади. АҚШ доллари валюта котировкасида база сифатида халқаро майдонда қабул қилинган.

Бошқа мамлакатлар валютаси курс бўйича АҚШ долларига солиштирилиб борилади. Доллар курси абадий бўлмай, у ҳам ўзгариб туради. Валюта курсининг ўзгариб туриши ҳар куни ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар курсни банк фаолият бошлаш вақтидаги ёки ёпилиши вақтидаги курслар бўйича ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Валюта курсининг ўзгариб бориши ҳақида ҳар ҳафтада матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятида муҳим ҳисобланади. Валюта операцияларида асосий ўринни кредит, қимматли қоғозлар, валютани фойда олиш мақсадида сотиб олиш ва сотиш кабилар эгаллайди. Хўжалик юритиш жараёнида ҳозирги кичик ва хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб-китоб рақамига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эркин тарзда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо қилишлари натижасида валютани эркин сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Умуман, бозор иқтисодиёти жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларга муомаладаги валюталарни мамлакат ички бозорида ҳаракат этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология харид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматнинг сифатини оширишга, ишлаб чиқариш соҳасида сифатли маҳсулот чиқариб, унинг реализациясидан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банк кредитларининг ролини кўриб чиқадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Чунки кичик корхоналар бозор шароитига тез мослашувчан ва кам харажат талаб қиладиган сектор ҳисобланади. Умуман, бугунги кунда бозор иқтисодиётининг муҳим талаби – кам меҳнат сарфлаган ҳолда, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш ва шу асосида фойда олишдан иборат. Бунда ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч тадбиркорликдир. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, доимий равишда рағбатлантириш ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларга турли хил солиқлардан озод қилиш ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари берилган. Лекин уларни ташкил этиш суръатлари, муттасил ривожланиб бориши умумиқтисодий ҳаётдаги ўрни бозор иқтисодиётининг талабларига ҳали тўлиқ жавоб бера олмайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш йўлларида ҳали тусиқлар кўп. Бозорнинг нахр-наво ўзгаришига таъсирчанлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати пастлиги ва бошқа сиёсий-иқтисодий муаммолар мавжудлиги кредит олувчининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умаров А.Т.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Иқтисодиёт»
факультети декани, иқтисод фанлари номзоди, доц.в.б.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ТАБИИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Инсоният иқтисодий фаолияти, унинг ривожланиши ижтимоий зарурий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадлари билан белгиланади. Фақат ҳудудлардан оқилона фойдаланиш орқалигина бу мақсадларга эришиш мумкин бўлади. Бу ерда хўжаликни ҳудудий ривожлантиришда жойлаштириш тамойиллари ва омиллари билан бир қаторда, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ҳам биринчи ўринга чиқади.

Табиий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонуниятлари атрофдаги олам, ҳодисаларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини англаш имконини беради. Улар ер юзи ҳудудидаги инсон мақсадга мувофиқ фаолиятининг асоси ҳисобланади ҳамда уни ўзлаштиришда илмий башоратлашга ёрдам беради.

Ишлаб чиқарувчи кучларни (хўжаликни ҳудудий ташкил қилиш) жойлаштириш қонуниятлари жамият ижтимоий ривожланишининг келтирилган мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳудудга барқарор такрорланувчи муносабати билан тавсифланади.

Бу қонуниятларни яхши тушуниш ва пухтароқ аниқлаш учун хўжаликни ҳудудий ташкил қилиш, жойлаштириш жараёнининг хусусиятларини қайд этиш лозим.

Биринчидан, жойлаштириш шароитларини ўзгартиришнинг узлуксизлиги ва у билан боғлиқ ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги тарихий ва ҳудудий хилма-хиллик, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечиши. Иқтисодий воқелик алоҳида ҳодисаларининг ҳар бир янги ҳолати (ФТТ, фойдали қазилмалар конларининг очилиши, янги хабарлар йўлларини топиш ва ҳ.к.) мазкур воқеликнинг бошқа ҳодисаларини ривожлантиришда янги алоқалар, тенденцияларни ўзида мужассамлаштиради. Уларни амалга ошириш ўзи томонидан бошқа алоқалар, тенденциялар ва ҳ.кларни бериши мумкин. Янги имкониятлар сабабсиз, аммо янги воқелик ҳолатларининг натижаси сифатида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ўзгаришларнинг объективлиги ва минтақалар ҳудудий таркибини исталган вақтдаги нисбий барқарорлаштиришдан далолат беради.

Табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг тарихий ва ҳудудий ўзгарувчанлиги жамиятни ривожлантириш мақсадларини аниқ тарихий тўлдириш туфайли жойлаштириш тамойиллари ва омилларининг ўзаро таъсир натижалари вақт жиҳатдан ҳам, макон жиҳатдан ҳам бир хилмасдир. Дунё минтақалари ва жамиятни ривожлантиришнинг ҳар бир тарихий босқичига ўзининг хўжаликни оқилона ҳудудий жойлаштириш шакллари, уларни белгиловчи ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш мос келиши керак.

Агар инсоният жамияти вужудга келишининг дастлабки даврида унинг табиатга катта боғлиқлиги туфайли ибтидоий кишининг максимал меҳнат унумдорлиги ва яхши яшаш шароитларига фақат кишилар кичик гуруҳларини (қабилалар) жойлаштириш орқали эришиш мумкин бўлган бўлса, жамият ривожланишининг кейинги босқичларида ижтимоий меҳнат унумдорлигини ва аҳоли турмуш даражасини оширишга инсон (олдинги авлод) меҳнати орқали яратилган ресурслар ва шароитлар, ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси ҳамда маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ёрдам беради-

ган транспорт-географик алоқаларни рационаллаштириш жараёнлари катта таъсир кўрсатади. Оддий, бир-бири билан боғланмаган ҳудудий хўжалик тузилмалари вақт ўтиши билан ихтисослашган, иерархик таркиби билан пухта ва узилишларсиз йўлга қўйилган алоқаларга ўсиб ўтади. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кўпинча глобал, ўзаро боғлиқ тавсифга эга.

Иккинчидан, жойлаштириш омилларининг кўп сонлилиги, улар мазмунининг вақт ва макондаги ўзгарувчанлиги, кўплаб табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг стохастиклиги, хўжалик ҳудудий тузилмаларининг тарихий жойлаштирилиши, қарорлар қабул қилишдаги экспертлилик ва ҳ.к.лар туфайли жойлаштиришда қатъий детерминантланган боғлиқликларни (қонуниятларни) ажратиш жуда қийин, тўғрироғи, мумкин эмас.

Жамиятни ривожлантиришнинг кўрсатилган хусусиятлари ва мақсадларини ҳисобга олиб, уни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва хўжаликни ҳудудий жойлаштиришда қуйидагилар белгиловчи қонуниятлар ҳисобланади:

– ер шари минтақалари (мамлакатлар) бўйича аҳоли ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш, янги ҳудудларни ўзлаштириш;

– хўжаликни тизимли ташкил қилиш, турли ранг ҳудудий хўжалик тизимларини шакллантириш;

– хўжаликларнинг ҳудудий таркиби (ХҲТ) марказларида, уларга туташ ҳудудларда ва асосий транспорт магистралларида ишлаб чиқариш ва аҳолининг концентрациялашуви, минтақа ҳудудларининг интенсив ўзлаштирилган хўжалик зоналарини ташкил қилиш;

– интенсив ривожланаётган ҳудудлар ва ҳудудий табиий ландшафтларни макон жиҳатдан ажратиш.

Биринчи қоиданинг мазмуни тушунарли. Ер шари минтақалари бўйича ишлаб чиқариш ва аҳолини жойлаштириш ҳудудлар бўйича ресурсларни дисперс тақсимлаш ва уларнинг ҳар бир минтақадаги чекланганлиги билан белгиланади.

Асримиз бошларида ер юзи аҳолиси (Африка, Осиё ва Европа) зич жойлашган туманларда бугунги кунда аҳоли салмоғи 96% дан 80% гача камайди. Тарқоқ жойлашган туманларда (Америка, МДҲ, Австралия ва Океания) 5 мартага ўсди (4% дан 20% га). Маҳсулот ишлаб чиқаришда минтақалар салмоғи бир марта бўлмаган миқдорга ўзгарди, бунда тенглаштириш тенденцияси кузатилади. Ҳозирги вақтда дунёнинг уч қисми (Шимолий Америка, Европа ва Осиё) ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тақкослама ҳажмларига эга. Жанубий Америка, Океания ва Австралиянинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги салмоғи эса ошди.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги ҳудудий тафовутларнинг камайиши дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари минтақавий сиёсатининг асосий вазифаларидан биридир. Европа ҳамкорлиги иқтисодий ва ижтимоий интеграцияни мустаҳкамлаш учун турли минтақаларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги тафовутларни ва ноқулайроқ минтақаларнинг қолоқлигини бартараф этишга қаратилади[1]. Ўзбекистоннинг совет давридаги ривожланишида мамлакатнинг кучсиз ўзлаштирилган ҳудудларининг салмоғи деярли 10 марта ўсди. Республикада минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасидаги ҳудудий тафовутларни камайтириш дастури қабул қилинган ва амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилганлар ва хўжаликни ҳудудий ташкил қилиш таҳлилининг бошқа кўплаб натижалари қатор олимларнинг туманлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини тенглаштиришни бозор муносабатлари ривожланган шароитда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг муҳим қонуниятларидан бири, деб ҳисоблашларига имкон берди[2].

Минтақаларда ишлаб чиқарувчи кучларни тизимли ташкил қилиш инсоният ривожланишининг умумий мақсади, ресурсларнинг ҳудудий жойлаштирилиши ва уларнинг иқтисодий макон

[1] Уишлейд Ф., Юилл Д. Система выделения регионов в Европе: возможные уроки для России. // Региональная политика, направленная на сокращение социально-экономической и правовой асимметрии. – Новосибирск: «Экор», 2000. -С. 141.

[2] Региональная экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / Под ред. Т.Г.Морозовой. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008. -С. 48.

ҳар бир нуқтасидаги чекланганлиги билан белгиланади. У минтақалар хўжаликлари ривожланишининг комплекслиги, ҳар бирининг рақобатли ижтимоий зарурий маҳсулот маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ва минтақалар интеграциясини кўзда тутади. Туманлар ихтисослашуви ва ихтисослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган ҳудудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон мамлакатлари ташқи иқтисодий алоқаларининг кўпайиши, жаҳон ЯИМ ишлаб чиқаришининг шу каби кўрсаткичидан деярли 2 баравар илгарилаб кетганлиги юқорида келтирилганларнинг исботи ҳисобланади[1].

Минтақа хўжалигининг комплекс ривожланиши бу ихтисослашган ва туман ички истеъмоли тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга харажатларни камайтиришга, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб борадиган маҳаллий ресурслар асосида минтақада ўзаро белгиланган, ўзаро боғлиқ тармоқларнинг ривожланишидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, саноат маҳсулоти ва ЯИМ ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси бўйича минтақавий тафовутлар мавжуд. Мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар бошланган пайтдан буен минтақавий сиёсат йирик саноат объектларини бой табиий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган туманларда жойлаштириш йўли билан номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган эди.

Автомобиль заводининг қурилиши ҳамда бошқа саноат тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда Андижон вилояти маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларига эришди, бу унинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улушида акс этди. Вилоят мазкур кўрсаткич бўйича Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятлари каби саноати ривожланган вилоятлар даражасига чиқиб олди. Неоть ва газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобига динамик ривожланиш туфайли Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини ҳам ўз ортидан эргаштирди. Бироқ саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича минтақавий тафовутлар ҳали анча катталигича сақланмоқда.

Минтақаларнинг ўсиб борувчи интеграцияси, кўплаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви туфайли республика алоҳида олинган минтақаси тармоқ ва ҳудудий таркибининг шаклланиши ижтимоий ривожланиш ва ишлаб чиқариш шароитлари (ресурслар) ҳудудий табақаланишининг кўрсатилган мақсадларидан келиб чиқиб, дунё ва мамлакатлар бошқа ҳудудий тузилмаларидаги шу каби жараёнлар билан узвий алоқада бўлади. Минтақаларда турли ранг ҲҲТ шаклланмоқда.

Ўзлаштирилган туманларда ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси ҳудудий боғлиқлиги уларнинг асосий хабарлашиш ҳудудларида ётадиган ҳудудий тузилмалар марказларига давомли ва барқарор силжишларини белгилайди.

Ишлаб чиқариш ва аҳоли силжишлари ҳар бир ҲҲТ учун хос, аммо ресурс салоҳиятларидаги маълум тафовутлар туфайли улар марказларининг бирлашиш кучлари нисбати бир хил эмас. Йирик ҲҲТ маъмурий-хўжалик марказлари, агломерациялар, ўта юқори ва йирик шаҳарлар аҳоли ва ишлаб чиқаришни (катта агломерация самараси, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги ва б.) яқинлаштиришнинг катта салоҳияти эга.

Биргина агломерацион омилнинг амал қилиши натижасида мазкур шаҳарлар ва уларга туташ ҳудудларда корхоналарни жойлаштиришдан иқтисодий самара (иншоотлар ва объектлар эксплуатациясига харажатларни тежаш) 40% гачани, ўзлаштирилмаган туманларда уларни қуриш ва эксплуатация қилиш умумий қийматидан кўпрокни ташкил этади. Паст ранглар марказида ва уларга туташган ҳудудларда аҳоли ва ишлаб чиқариш кам кўламларда жойлашади.

Паст рангларнинг алоҳидалашган маъмурий марказлари кўпинча ишлаб чиқаришни қисқартиради ва аҳолисини йўқотади. Охирги 300 йил ичида шаҳар аҳолиси сонининг динамикаси юқорида айтилганларнинг ифодаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дунё бўйича шаҳар

[1] Введение в экономическую географию и региональную экономику России. / Под общ. ред. В.Г.Глушковой, А.А.Винокурова. – М.: «ВЛАДОС-ПРЕСС», 2003. -С. 408.

аҳолиси 1800 йилда тахминан 27 млн кишини (ўша пайтдаги дунё аҳолисининг қарийб 3% ини), 1900 йилда 218 млн.(13,6%), 2000 йилда 2926 млн (47,5%)ни ташкил этди[1]. Кўрсатилган даврда, айниқса, охирги юз йилликда агломерациялар, ўта йирик ва йирик шаҳарлар юқори суръатлар билан ўсди.

Бироқ аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг шаҳар чегараларида концентрациялашуви фан ва техниканинг ривожланиши маълум даражаси ва ресурслар чекланганлиги шароитида ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик чегараларига эга. Концентрация даражаси тегишли бандлар ижтимоий-иқтисодий захиралари ва табиий ресурслари билан белгиланади. Бу ресурсларнинг (уларнинг асосий қисми) кўпчилиги тугаган ва янгиланмайдиганлари тоифасига киради.

Шаҳарлар ресурсларидан фойдаланиш чегараларига эришишда марказдан қочувчи кучлар марказга интилувчи кучлардан ошиб кета олмайди. Йирик шаҳаолларда ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси номарказлашиш жараёнига алмашинади. Шаҳарларга туташ ва асосий транспорт магистралларига яқин жойлашган ҳудудлар корхоналар ва аҳолини жойлаштириш учун қулайроқдир. Минтақа ҳудудларини интенсив ўзлаштириш асосий транспорт артерияларини шаҳарлардан ўтказиш йўналишида боради: шаҳарлар агломерацияларга ўсиб ўтади, транспорт магистралларига яқин ҳудудлар жадал суръатлар билан ривожланади, ҳудудларни интенсив ўзлаштириш чизиқли-ўқли шакллари шаклланади, минтақаларда ҳўжаликлар субурбанизацияси жараёни ривожланади.

Ҳудудларни интенсив ўзлаштириш полюслари ва ўқларининг вужудга келиши ҲХТ марказлари ва уларнинг асосий транспорт магистралларига яқин жойлардаги иқтисодий ва ижтимоий-географик ҳолатига қараб дифференциал рента яратилади. Бу ҳудудларни жойлаштириш ва бу ерда ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан барқарор иқтисодий ва ижтимоий самара яратилади. Шу тариқа ҳудудларда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши диалектик қонуни пайдо бўлади.

Адабиётлар:

1. Уишлейд Ф., Юилл Д. Система выделения регионов в Европе: возможные уроки для России. // Региональная политика, направленная на сокращение социально-экономической и правовой асимметрии. – Новосибирск. «Экор». 2000. -С. 141.

2. Региональная экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / Под ред. Т.Г.Морозовой. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008. -С. 48.

3. Введение в экономическую географию и региональную экономику России: учеб. пос. для студентов высших учеб. заведений. Ч.1. / Под общ. ред. В.Г.Глушковой, А.А.Винокурова. – М.: «ВЛАДОС-ПРЕСС», 2003. -С. 408.

4. Курнышев З.В. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования. – М.: «КНОРУС», 2010. -С. 255.

5. Самуэльсон П. Основания экономического анализа. / Пер. с англ., под ред. П.А.Ватника. – СПб.: «Экономическая школа», 2002. -С. 354.

[1] Курнышев В.В. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования. – М.: «КНОРУС», 2010. -С. 60.

Чоп этишга 16.11.2016 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. 10 б.т. Офсет босма усулида босилди.
«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
Адади 100 дона. Буюртма № 353.
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

ТАҲРИРИЯТ манзили:
100115, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чилонзор 2-мавзе,
Арнасой кўчаси, 34/14, ИТМ

Маълумотлар учун телефон:
(+998 95) 198-80-87
E-mail: iqtisodvamoliya@itm.uz